Умумий социология

Тошкент—1999 йил.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ СОЦИОЛОГИЯ БЎЛИМИ, СОЦИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ.

Умумий социология

ТОШКЕНТ—1999 ЙИЛ.

Илмий муҳаррирлар: профессор Н. С. Аликориев

доцент Р. Т. Убайдуллаева

Ушбу дарсликнинг муаллифлари М. Улуғбек номидаги ТошДУ социология кафедрасининг профессор-ўқитувчилари бўлиб, улар социологиядан университетнинг социология бўлимида ва бошқа факультетларда маърузалар ўқийдилар.

Социологияни ўрганишга киришилар экан, аввало унинг алоҳида фан эканлиги тўғрисидаги маълумотларни яъни предметини, масалаларини ва вазифаларини унинг фалсафа, иқтисод, математика, статистика, кибернетика, демография ва бошқа фанлар билан муносабатини, социологик билимларнинг асосий элементларини ва тизимини аниқлаш ҳамда унинг тараққий этиш йўлларини истиқболини белгилаш муҳим вазифалардан биридир. Ушбу қўлланма матнлари асосида ёзилган бўлиб, асосан социолог мутахассислигини оладиган талабаларга, аспирантларга, социология ўқитувчиларига ва кенг жамоат оммасига мўлжалланган. Бу соҳада Ўзбекистонда социолог мутахассислар учун ўзбек тилида адабиётлар ҳали етарли бўлмагани учун ушбу қўлланма ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши мумкин. Китобнинг камчиликлари ва акс эттирилмаган масалалар кейинги нашрда ўз ифодасини топади деган фикрдамиз.

© Тошкент ДУ, 1999.

МУНДАРИЖА

бет

Муқаддима 6
Кириш 9

I БОБ. СОЦИОЛОГИЯГА КИРИШ

1. Социологиянинг объекти ва предмети 10
2. Социологиянинг структураси 19
3. Социологиянинг методологияси 29
4. Социология методи 35

II БОБ. СОЦИОЛОГИЯДА МАХСУС ЙЎНАЛИШЛАР

1. Шахс 42
2. Гуруҳ социологияси 49
3. Жамият ва ижтимоий ҳодиса тушунчаси 59
4. Ижтимоий ҳаракат 68
5. Социал институтлар, ташкилотлар, тизимлар системалар 73
6. Социал муносабатлар 78
7. Социал динамика ва ривожланиш социологияси 86
8. Тафаккур тарзи социологияси 97

III БОБ. СОЦИОЛОГИЯДА ТАРМОҚ ЙЎНАЛИШЛАР

1. Жамоатчилик фикри социологияси 104
2. Иқтисодий социология 111
3. Сиёсий социология 117
4. Таълим социологияси 122
5. Меҳнат ва меҳнат ташкилотлари социологияси 127
6. Оила социологияси 140

IV БОБ. АМАЛИЙ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

1. Эмпирик социологик тадқиқотлар дастури 146
2. Социологик информация тўплашнинг эмпирик методлари 159
3. Социологик мониторинг 170

ХУЛОСА 176
АДАБИЁТЛАР 179

МУҚАДДИМА

Қадим замонлардан бери ҳам ва айниқса фан-техника тараққиёти даврида ҳар бир касб эгаси нафақат ўз соҳасидаги касбий билимларни пухта эгаллаш ва катта тажриба орттириш, балки жамият ҳаётидаги воқеалар, инсонларнинг ахлоқи, дунёқараши, маънавияти, тафаккури, ҳаёт тарзи тўғрисида ҳам ахборотларга ва билимларга эга бўлиши керак. Бундай билимларни ўрта мактабда, колледжда, лицейда ва олий ўқув юртларида гуманитар ва социал-иқтисодий фанларни ўқитиш ҳисобига эгаллашга ҳаракат қилинмоқда. Бу соҳада алоҳида шахсдан ва кичик гуруҳлардан тортиб, то жамиятнинг тараққий этиш ва ривожланиш қонуниятларини нафақат назарий жиҳатдан, балки аниқ конкрет тадқиқотлар орқали ўрганадиган социология фани алоҳида ўрин эгаллайди.

Социология — инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихий тараққиёти давомида яратилган маданиятининг ажралмас таркибий қисмидир. Афсуски, коммунизм мафкурачиларининг вакиллари кибернетика, психология, политология, каби фанлар қаторида социологияни ҳам инкор этиб, уни социализмга зарарли «ёлғон фан» қаторига қўшиб кўп йиллар мобайнида жаҳон халқларининг дурдонаси, маънавий ва маданий бойлиги бўлган бу фаннинг ва унинг намоёндаларини таҳқирладилар. Натижада жамиятни энг катта бойликдан — ижтимоий фикрларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганишдан, ижтимоий тараққиёт борасида ахборотлар тизимини яратишдан ва охир оқибатда ижтимоий ҳаётни аниқ маълумотларга, тўғрироғи, халқ фикрига таянган ҳолда илмий асосда бошқаришдан маҳрум қилдилар. Мустақиллик туфайли социология фанига кенг йўл очилди. Бу фаннинг шахсан президентимиз И. Каримовнинг ҳимоясига олинганлиги чексиз қувонарлидир.

Мустақил давлатимизнинг эркин ва ҳур фикрлаш имкониятига эга бўлган фуқаролари, айниқса, ёш авлод, ҳозирги давр талабига жавоб берадиган социология дарслигига мухтождирлар. Мазкур дарслик ана шунадй эҳтиёж асосида юзага келди.

Ҳозирги замон киши ўзи яшаётган маконнинг ижтимоий шароитини, жамият аъзоларида яшириниб ётган «сир»ларни ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларини билмасдан туриб ҳаётдан ўз ўрнини топа олмайди. Социология — бу жамиятнинг барча қирраларида ўзига хос анатомия ва физиологиясидирким, улар инсон ҳаётидаги меъёрий ва патологик ҳолатни аниқлашга ва охир оқибатда инсониятни нохуш ҳолатлардан, қийинчиликлардан қутилиш йўлини кўрсатади. Ўтмишда социологияни социал гигиена деб тушунишлари ҳам бежиз эмас.

Социологияни ўрганишга киришилар экан, аввало унинг алоҳида фан эканлиги тўғрисидаги, маълумотларни яъни предметини, масалаларини ва вазифаларини, унинг фалсафа,

иқтисод, математика, статистика, кибернетика, демография ва бошқа фанлар билан муносабатини, социологик билимларнинг асосий элементларини ва тизимини аниқлаш, ҳамда унинг тараққий этиш йўлларини истиқболини белгилаш муҳим ишлардан биридир. Ушбу фаннинг умумий таснифи китобнинг биринчи бобида баён қилинди, яъни социологиянинг объекти ва предмети, тузилиши, услубияти ва услублари кенг ёритилди.

Иккинчи бобида социологиянинг махсус йўналишлари, яъни шахс, гуруҳ, жамият, социал ҳаракатлар, социал муносабатлар, социал институтлар, ташкилотлар, системалар социал динамика ва ривожланиш ҳамда тафаккур социологияси ёритилади. Учинчи боб махсус социологик назарияга ва социологиянинг конкрет соҳаларини яъни тармоқ йўналишларини ёритишга бағишланган.

Дарсликнинг сўнгги қисмида амалий (эмпирик) социологиянинг асослари ёритилган бўлиб, бу йўналиш орқали ўқувчилар социологик ахборотлар тизимини яратиш йўлларини ўрганадилар.

Ушбу дарсликда ёритилган муаммолар кўп синовдан ўтган ва исбот талаб қилмайди, зеро бунда битилган материаллар фалсафий ва ижтисоий категориялар, қонунлар ҳамда низомлар асосида бажарилган.

Ушбу социология дарслиги олий ўқув юртлари талабалари, ўқитувчилар ва кенг оммага мўлжалланган. Бунда нафақат социологик билимларнинг асослари, балки амалий социологик тадқиқотларнинг услуб ва йўллари ҳам берилган бўлиб, ўқувчини мустақил аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишга катта ёрдам беради. Эмпирик тадқиқотлар тажрибасидан ҳар хил соҳадаги ва касбдаги ходимлар ҳам ўз ишларида кенг фойдаланишлари мумкин.

Ушбу китобнинг муаллифлари Мирзо Улуғбек номидаги ТошДУ социология кафедрасининг профессор ўқитувчилари бўлиб, улар социологиядан университетнинг социология бўлимида ва бошқа факультетларда маърузалар ўқийдилар ва амалий машғулотлар олиб борадилар. Бундан ташқари, социология бўлимининг ўқитувчилари фундаментал ва амалий тадқиқотларда, нодавлат ижтимоий фикр, маънавият, оила марказларида, ҳамда йирик социологик ташкилотларда, жаҳон банки, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг социал буюртмаларини бажаришда актив қатнашадилар.

Ушбу дарсликнинг муаллифлари ўқувчилар томонидан кўрсатилган камчиликлар ва таклифлар учун ўзларининг чуқур миннатдорчиликларини билдирадилар.

Камчилик ва таклифларни қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин:

Талабалар шаҳарчаси,
ТошДУ, *социология*
кафедраси

КИРИШ

XX аср тугаётган ва янги XXI аср кириб келаётган бир даврда социология ва унинг йўналишдаги фанларга эҳтиёж янада ортиб бормоқда. Охирги даврда социология бўйича йирик мутахассислар, олимлар етишиб улар бу фаннинг ҳар-хил тармоқлари ва бўлимлари бўйича назарий ва амалий аҳамиятга молик илмий ишларни чоп эттирмоқдалар. Улар орасида лекция маърузалари, дарсликлар, рисола ва монографиялар ҳам мавжуддир. Ҳозиргача чоп этилган илмий ишларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилар эканмиз, барча муаллифларнинг муаммо ва масалаларга бир томонлама ёндошиб ўз фикр ва мулоҳазаларини кўрамиз. Агар ҳар бир фанни занжир тизимига ўхшатсак социология бўйича бундай тизим ҳали меъёрига етмаган, яъни бир бутун занжир йўққа ўхшайди. Бунинг сабаби бизнинг эски дунёқарашдан, догмалардан, одатлардан (традициялардан), эски социомаданий қобиқдан ҳоли бўлолмаганимиздан бўлса керак. Энг асосийси социолог мутахассислар йиғилиб кучлар интеграциясини ва тадқиқотларни координациясини ташкил қилинса социологиянинг ҳам йирик ва мустаҳкам занжирини пайдо қилиш мумкин.

Марксизм таълимоти постсоциалистик мамлакатларда социологиянинг назарий амалий мақомини анча обрўсизлантирди, оқибатда фан соҳасида катта бўшлиқ пайдо бўлиб қолди ва бу ҳол социологларда бир мунча бўлса ҳам тушкунликни пайдо қилди. Иккинчи томондан ғарб мамлакатларида социологиянинг назарий концепцияларини яратиш бўйича катта ишлар ва қизғин бахс кетмоқда. Ўзбекистонда эса социология эндигина куртак отиб ўзича тараққиёт йўлини қидираётган экан, чиқиб келаётган ёш социологлар учун ўқув дарслиги жуда долзарб масала бўлиб қолди. Шу боисдан социология дарслигининг қалдирғочларидан бири сифатида ушбу дарсликни муаллифлар коллективи нашрга тайёрлади. Бу дарсликни социологияга «Марксистик қарашлар»дан, ҳар қандай мафкуравий инфекциялардан, тарихий материализм таъсиридан ҳоли деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун бу китобда социологияни фалсафани бир қисми деб қаралишига ҳам барҳам берилди.

Дарслик Ватанимиз мустақиллиги каби социология фанининг тўла мустақил, яъни ўзининг назарий ва амалий қисмига эга бўлганлигини ва жамият тараққиётини белгилашда унинг роли вазифалари беқиёс эканлигини намоён қилади.

Мазкур дарслик (тўплам) республикамизда эндигина шаклланаётган социология фанининг назарий ҳамда услубий масалаларни ойдинлаштиришга бағишланган дастлабки дарсликлардандир. Бу дарсликда социология фанининг назарий-амалий масалаларини ўрганиш билан бир қаторда турли соҳаларда социологик тадқиқотлар олиб бориш усуллари таҳлил қилинади.

Дарсликнинг тўртта бобида социологиянинг объекти ва предмети йўналишлари, тармоқлари социологик тадқиқотлар ўтказишнинг муаммо ва жараёнлари математик ва статистик усуллар ёрдамида моделлаштириш, социал тизимларни бошқаришда ЭҲМ дан фойдланиш, социологик мониторинг каби йирик ва замон талабидан келиб чиққан муаммолар баёни ва тавсифига кенг ўрин берилган.

Шуниси эътиборга моликки, ўзбек тилида ёзилган дастлабки ўқув дарсликларидан бўлсаям, ушбу тўплам муаллифлари китобхонларга социология фани ҳақида системали билимлар беришга ҳаракат қилишган.

Дарсликда социологиянинг объекти, предмети, структураси, ижтимоий воқеъликни ўрганишдаги ўрни социология классиклари, ижтимоий фалсафа намоёндалари асарларига суяниб, ҳозирги замон фанининг ҳолат ва ривожланиши тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда ёритиб берилган.

Тўпламнинг социологияга кириш бобида, унинг объекти ва предмети ҳақида сўз юритилар экан, шу билан бир қаторда ушбу фаннинг тарихий ривожланишдаги асосий йўналиш ва босқичлари ҳақида махсус маълумотлар ҳам қисман баён қилинган, О. Конт, Р. Мертон, Э. Дюркгейм, Ф. Знанецкий, М. Вебер, А. Бербин, М. Ковальзон, В. Келле, В. Рожин, В. Ядов каби олимлар фикр ва мулоҳазалари асосида социологиянинг фан сифатидаги вазифаси, мақсади, билимлар системасидаги ўрни, жамиятдаги аҳамияти белгилаб берилди. Муаллифлар турли фикрларни таҳлил қилиб, социологияга берилган энг муҳим таърифларга асосланиб, социологиянинг объекти, предмети, структураси, методлари ва методологияси ҳақида мукаммалроқ тушунча беришга харакат қилишган.

Дарсликнинг иккинчи бобида социологиядаги машҳур йўналишларнинг энг асосийлари, яъни шахс, гуруҳ, жамият, социал ҳаракат, социал муносабатлар, социал институтлар, ташкилотлар, тизимлар, социал динамика, тафаккур тарзи кабилар таҳлил қилинади ва ёритилади.

Тўпламнинг социал динамика ва ривожланиш социологияси мавзуида жамиятнинг ўзгариш ва ривожланиш ҳолатларини, ижтимоий ўзгаришларнинг ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) омилларини белгилаб берувчи хусусиятлари аниқланган, социал динамиканинг турлари ажратиб кўрсатилган, масалан мақом социал динамикаси, ҳудудий социал динамика, маънавий ҳаёт динамикаси, сиёсий динамика, фан-техника динамикаси кабилар.

Ҳозирги даврда эски, чириган коммунистик мафкурадан янги миллий мафкурага иложи борича тезроқ ўтиш Ватанимизда ислоҳотларни тезроқ амалга ошишида гаров бўлиб хизмат қилади. Инсон тафаккурида янгиланиш, яъни илмий, миллий дунёқараш шаклланмас экан, жамият тараққиёт сари силжимайди. Шу боисдан дарсликда замон талабидан келиб чиққан ҳолда, социология фанида жуда кам ўрганилган тафаккур социологиясига алоҳида мавзу ажратилди ва бу масаланинг тўлароқ ёритилишига эътибор берилди. Зеро, социологиянинг бу махсус тўпламини тадқиқотлари асосида ҳозирги давримизнинг энг долзарб муаммоларини ҳал қилишга илмий замин яратувчи мустақил тараққиёт йўли ва моделини яратиш мумкин.

Учинчи боб тармоқ социологияси йўналиши бўлиб, энг долзарб муаммоларга бағишланғандир, бунда оила, жамоатчилик фикри, иқтисодий социология, сиёсий социология, таълим социологияси, меҳнат социологияси ва бошқарув социологияси соҳаларининг муҳим йўналишлари ёритилади.

Дарсликнинг сўнгги тўртинчи бобида амалий социологик тадқиқотларни амалга ошириш, услублари, дастурлари, босқичлари, тамойиллари таҳлил қилинади.

Ушбу китобхонларга тақдим қилинаётган социология дарслиги тўғрисида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, у шаклан ва мазмунан илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган илмий китобдир. Дарслик мазмун ва тузилиши жиҳатидан олий ўқув юртлари учун мўлжалланган, социология фани бўйича маълум дастурларга мослаб тузилган ва ушбу дастурларда акс топган мавзу ва муаммолар ҳақида талабаларга энг зарур ва асосий маълумотларни беради. Тўпламнинг айниқса тўртинчи бобини диққатга сазовор деб ҳисоблаш мумкин, зеро бу боб прагматик мақсадларни ўз ичига олган бўлиб китобхонларга кўпроқ амалиёт тўғрисида маълумотлар беради, бошқача айтганда муаллифлар социологиянинг амалиётига кўпроқ эътибор қаратганлар.

Замон социологлар олдига бу фаннинг амалиётини янада кучайтиришни қўймоқдаки, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида социал муаммоларни ҳал қилишда ва қай даражада ечилишини бевосита социология фани билан боғлаган ҳолда олиб боришни ва ҳамкорликда жамоатчилик фикрига таянган ҳолда иш кўришни тавсия этмоқда.

Ушбу дарсликда берилган маълумотлар талабаларга социология фанидан билим беribгина қолмай, балки кенг китобхонлар оммасига бу фаннинг аниқ фанларга ўхшашлигини, яъни аналитик-эмпирик фан эканлигини уқтиради.

Хулоса қилиб айтганда, муаллифлар ушбу китобда, социологиянинг кенг қамровли қирраларини имконлари даражасида яратишга ва очиб беришга ҳаракат қилдилар, ҳамда ушбу соҳанинг Ўзбекистонда янги соҳа эканлигини ҳамда дарслик бир вақтнинг ўзида педагогик фаолият олиб бориш билан биргаликда ёзилганлиги учун, баъзи бир камчилик ва нуқсонлар бўлса, аввалдан китобхонлардан узр сўрайдилар. Ушбу дарсликни чоп эттиришда катта ёрдам кўрсатгани учун Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат Университети маъмуриятига социология бўлими ва кафедраси номидан миннатдорчилик билдирамиз.

I боб. СОЦИОЛОГИЯГА КИРИШ

1. СОЦИОЛОГИЯНИНГ ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИ

Фаннинг шаклланиш жараёни маълум бир билимга эҳтиёжни англашдан бошланади. Бунинг натижаси учун эса инсондан янги фаолият шакли талаб қилинади. Социологиянинг илмий жараёнга олиб чиқилиши О. Конт номи билан боғлиқдир. У янги фан томони «Социология» деб аталади. XIX асрнинг 30-йилларида чоп этилган «Позитов фалсафа руҳи» китоби янги ижтимоий фанини пайдо бўлишидан дарак берди. Шу ватдан бошлаб социологиянинг объекти ва предмети таъриф қилиш бошланади.

Фаннинг объекти ва предметини аниқлаш тадқиқот методини белгилаш, тарихий тараққиёти ва маълум билимларга эришиш даражаси билан ўша фаннинг мавқеини белгилаб олиш мумкин бўлади. Социологиянинг мустақил фан сифатида кечроқ пайдо бўлиши, бошқа фанларга нисбатан ёш бўлганлигидан унинг объекти ва субъекти муаммоси ҳозирги кунда ҳам энг долзарб муаммодир. Чунки бу масала социологиянинг вазифасини аниқлаб беради. Ҳозирги кунда, фандаги бўлиниш (дифференция) жараёни тугунланмаган бир шароитда шунингдек социологиянинг фаолият кўлами аниқ белгиланмаган бир вақтда, унинг объекти ва предметини аниқлаш қийин масаладир. Мана шунинг учун ҳозирги вақтда баъзи тадқиқотчилар социологиянинг предметини 100 дан ортиқ таърифи борлигини айтадилар. Бу масалани ҳал қилишнинг қийин томони унинг структурасини (тузилиши) мураккаблиги ва у инсон билимининг турли даражасини ўз ичига олиши, ҳамда турли назарий методологик принципларга эга бўлишидадир. Социологиянинг тадқиқот объектини энг умумий жиҳатга бўлиниши — жамиятнинг макро ва микро жараёнини таҳлил қилишдан иборатдир. Демак социологиянинг объекти ва предмети муаммосини ҳал қилишлик ана шу юқоридаги жараёнларни ҳисобга олиб социологиянинг ўзига хос томони кўрсатиб беришдан иборатдир.

Социологиянинг объекти ва предметини тушуниш учун социология классиклари асарларига суянган ҳолда ҳозирги замон фанининг ҳолатини ва ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олиш керак. Бироқ бу масалани ҳал қилишдан олдин объект ва предмет тушунчасини илмий таҳлил қилиш керак. Чунки кўпинча бу тушунчалар аралаштириб ишлатилади, ҳар қандай фаннинг объекти бу ўзига хос реаллик, алоҳида алоқалар, муносабатлар ва ҳодисалар бўлиб, тадқиқот қилишлик жараёни ана шуларга қаратилган бўлади.

Масалан, физиканинг объектти табиатдаги физик жараёнидир.

Химиянинг объекти — табиатнинг химик элементларини ўзаро муносабатидир.

Агарда табиатшунослик фанларининг тадқиқот объектини аниқлаш масаласи унчалик қийинчилик туғдирмаса, бироқ социал фанларнинг тадқиқот объектини аниқлаш анча мураккабдир. Чунки улар жамиятдаги турли муносабатларни текширадилар. Айниқса жамиятдаги маънавий факторни текшириш жуда мураккабдир. Шунга қарамай социология ҳамма социал воқеликни эмас, балки бошқа фанлар текширмайдиган социал воқеликни аниқлаб олишимиз керак. Шу билан биргаликда социологияда интеграл йўналишлар: ҳуқуқ социологияси, маданият социологияси, сиёсат социологияси ва бошқа сохалар ривожланяпти. Бу масалани ҳал қилиш учун юқоридаги ушбу билимлар орасида қандай умумий муносабат бор деган саволга жавоб бериш керак.

Мамлакатимиз тадқиқотчилари орасида турли социал фанларнинг объектига социологиянинг объектини қисми сифатида қарашлар мавжуддир. Шунинг учун меҳнат социологияси, турмуш, оила социологияси ва бошқаларнинг объектига унинг объектини бир бўлаги сифатида қаралади.

Агар объектга воқеликнинг қисми сифатида қаралса, предмет эса ўша фаннинг асосий масаласи бўлиб намоён бўлди ва у фаннинг назарий ва амалий масалаларни ҳал қилади, объектнинг маъносини мазмунини очиб беради. Предмет объектга айнан эмас.

Ҳар қандай фаннинг предмети фақат объектив ҳодиса ва жараёнларнинг ўзигина бўлмасдан, балки унинг назарий жиҳатдан абстрактлашган ифодаси бўлиб у ўрганилаётган объектни ривожланиш ва фаолият кўрсатиш қонуниятларини очиб беради ва булар айнан шу фан учунгина хусусиятли ҳисобланадилар.

Шунинг учун фаннинг алоҳида хусусияти унинг предметига мувофиқ белгиланади, объектни эса умумий деб қабул қилиш мумкин деган фикрлар билан келишиб бўлмайди.

Воқеликнинг алоҳида бир қисми бўлган: меҳнат, турмуш, оила, туб маънодаги иқтисоднинг, психологиянинг ва социологиянинг объектлари эмасдир. Фаннинг объекти бўлиб фақат хусусий қонуниятларга эга бўлган махсус соҳаларгина мавжуд бўладилар. Фанларнинг объектлари бир хил бўлмайди. Юқорида кўрсатилиб ўтилган соҳалар турли хил социал фанларнинг объектларидир. Психологиянинг объекти бевосита меҳнат, турмуш ёки оила эмас, балки хиссий эмоционал олам ёки худди шу соҳаларда кечаётган психик жараёнлардир. Иқтисоднинг объекти бу моддий фаровонлик, оиланинг турмуш даражаси, яъни турмуш, оила муносабатларининг иқтисодий аспектидир.

Демак фанлар ўртасидаги фарқ нафақат предмет соҳаси *бўйича, балки объект бўйича ҳамдир.*

Социология фанини ривожланиш жараёнида унинг объекти ва предмети ҳам ўзгариб такомиллашиб бораяпти. Объе́кт ва предмет ҳамма вақт бир-бирлари билан узвий боғлиқ. Чунки объект моҳиятини тушуниш фандаги асосий масалаларни белгилайди. Мана шунинг учун социология предметини аниқлаш масаласи унинг объектни аниқлаш билан боғлиқдир. Социология янги фан сифатида ўзининг программасини эълон қилинган давридан бошлаб ҳозирги замон даражасига қадар шундай катта йўлни босиб ўтди. Ҳозирги кунда социология турли соҳаларни системалаштирилган билим сифатида турли хил назарий *концепциялар, методологик принциплар* ишлаб чиқиш шу билан бирга муҳим аҳамиятга эга бўлган конкрет социологик тадқиқот ўтказиш имкониятига ҳам эга бўлган фандир.

Социология тараққиётининг ҳар бир босқичида ўзининг илмий даражасини ҳисобга олиб, жамият тараққиётида ўз ўрни ва аҳамиятини чуқурроқ ўйлаб, ўз объект ва предмети моҳиятини тушунишни такомиллаштириб бермоқда.

Демак социологияда объектни масаласини тушуниш қуйидагилардан иборат:

Фаннинг дифференциаллашув жараёни, шу жумладан социологиянинг алоҳида бир билимлар системаси эканлиги тугалланмаган. Шунинг учун социологиянинг объекти ва предметига берилган таъриф тўлиқ ва қатъий бўлмайди. Социология структурасининг мураккаблиги бу муаммони ҳозирги замон билимлари даражасингинг турли кўлами, турли хил зиддиятли концепциялар, эмпирик тадқиқотларни ўзига хослилигини назарга тутишлик талаб қилади. Социологиянинг объектни ва предметини аниқлаш ҳозирги замон фанининг мураккаб тузилишини акс эттириш керак. Социологиянинг объекти ва предмети бирдир, бироқ турлича ёндошиш, турли аспектда анализ қилиш билан фарқ қилинади.

Юқорида айтганимиз каби социологияда энг умумий тадқиқот макро ва микро социология нуқтаи назаридандир. Сиёсат социологияси, ҳуқуқ социологияси ва бошқалар фанларнинг ривожланиш жараёнида ўзига хос объект ва предмет талаб қилинади. Мана шу маънода социологиянинг ўзига хос фан сифатида бошқа ижтимоий фанлар соҳасида тутган ўрни аниқланади. Социологиянинг объекти ва предметини ҳал қилиш илмий-назарий аҳамиятгагина эга бўлмасдан, балки билиш аҳамиятга ҳам эгадир. Бу масалани ҳал қилиш социологияни фан сифатидаги вазифаси мақсади, билимлар системасидаги тутган ўрни, жамиятдаги аҳамиятини белгилайди. Шунингдек социологияни ўрганадиган кўлами (доираси) қайси масалаларни

ҳал қилиши, унинг функцияларини қандай очиб бериш кераклиги, ҳамда социал масалаларни ҳал қилиши нимадан иборат эканлиги ҳам унинг объект ва предметини аниқлашлик билан боғлиқ. Демак, объект ва предмет масаласи социологияда асосий назарий масаладир.

Социаллик — бу кооперация ўзаро ҳамкорлик ва ҳиссий боғлиқликдир. Бу эса табиий қонунлар асосида вужудга келган тартиблардан иборатдир. Турли хилдаги ижтимоий ҳаёт унинг фикрича ана шу табиий асоснинг жисмоний, ақлий, аҳлоқий кўринишлардан иборат.

Социал оила бирлик сифатида намоён бўлади. Чунки унинг тараққиёти социал босқичларнинг асосини қайта тиклайди. Социологиянинг объекти шу асосда тушунтирилади ва унинг предмети шунга мувофиқ талқин қилинади. Бу эса гармония ташкил қилиш қонуниятлари ва ижтимоий тараққиёт эволюциясидир. Бошқача қилиб айтганда у жамиятни бошқарувчи тафаккур қонуниятлари, рационал воситалардир. О. Контни фикрича объект ва предмет қарама-қаршиликдан иборатдир. Унингча социал реалликнинг табиийлиги ақлий эволюциянинг натижаси сифатида намоён бўлади, демак, объектни натуралистик тушуниш, предметни субъектив-идеалистик талқин қилиш асосида қарама-қаршилик юз беради. О. Конт томонидан социологиянинг объект ва предметини позитив-натуралистик талқин қилиш асосида турли хил социал оқимлар пайдо бўлади: Социал дарвинизм, ирқий-антропологик, биорганик йўналишлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Бироқ айрим социологлар позитивизм доирасидан чиқишга ҳаракат қилдилар. Булардан бири Э. Дюркгейм (француз социологи) социологияни биологик ва психологик томонлардан фарқ қиладиган ўзига хос томонини топишга ҳаракат қилди. «Даставвал ҳар бир социал жараённи муҳим ички социал тузилишини ташкил этадиган муҳитни топиш керак» дейди у. Социология соҳасида — унингча ўзига хос хусусиятлар билан фарқ қиладиган фактлар мавжуд. Бу индивиддан ташқарида мажбурий кучга эга бўлган ва индивид унга интиладиган фикр тарзи фаолияти ва ҳис қилишдан иборатдир. Бу социал сифат зарурий, умумий сифат бўлиб у индивид учун объектив характерга эгадир. У индивидуалликни йўқотмайди, балки ҳал қилади. Мана шу умумий ташқи белгилар социологиянинг объектни ташкил этади. Бу доктрина «коллектив тасаввур» деб айтилади. Унинг предмети ҳам коллектив тасаввурларнинг ривожланиши ва функциялари асосида пайдо бўладиган қонунлардан иборат. Гарчи Дюркгейм социология фанини ривожлантиришига сезиларли таъсир кўрсатсада моҳият эътибори билан позитивизм чегараларидан тўлиқ позициясидан чиқиб кетолмади. Чунки у коллектив тасаввурини объектив нарса деб табиий фанларга ўхшатди.

Социологиянинг объекти инсоннинг турли ҳолатдаги ҳулқ-атвори бўлса, унинг предмети эса меҳнат, сиёсат ва бошқа соҳалардаги хулқ-атворларининг механизмларини ўрганишдир. Социологияни бундай тушуниш бихейвиоризм символик интерракционализмда етакчилик қилади. Социологиянинг предмет масаласининг ҳал қилишда Америка классик социологи Флоран Знанецкий алоҳида ўрин тутади. Унинг У. Томсон билан ёзган «Польша деҳқонлари Европа ва Америкада» деган асари социологияда янги оқим бўлган эмпиризм социологиясининг бошланишидан дарак берди. Мана шунинг учун унга эмпирик мактабнинг вакили сифатида қаралади. Бироқ унинг ғоялари, қарашлари бу оқим доирасидагина баҳоланмайди.

Ф. Знанецкий физик ва социал реалликни фарқлаш учун «инсоний коэффициент» терминини ишлатган. Унингча бу термин социологиянинг ўзига хос томонини ифодалайди. Бу ерда фарқ шундан иборатки табиий система инсон тажриба ва активлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив мавжуддир. Маданият эса алоҳида реаллик ҳосил қилади. Бироқ унинг табиий бошланишни эпифеноменом эмас, чунки унинг бошланишида инсон иштирок этади. Социология махсус фан сифатида унинг фикрича 4 та муҳим соҳани ўз ичига олиш керак: социал фаолият назарияси; социал муносабатлар назарияси, социал-шахс назарияси; социал гуруҳ назарияси. Социология жамиятдаги бўлаётган ҳамма ҳодисалар билан эмас, балки фақат фаолият системасини яратувчи онгли индивид муносабатлари билан шуғулланиш керак. Знанецкийнинг бундай қарашлари баъзи махсус фанларнинг соҳасини ривожлантиришда ва белгилашда социологияни ролини кўрсатиб берди. Знанецкийнинг хизмати яна шундаки, у социологияни назарий фан сифатида эмпирик фактларига асосланишини кўрсатиб берди.

Позитив оқим билан бир қаторда социологияни назарий жиҳатдан асослаш учун бошқа оқимлар ҳам пайдо бўлди. Бу оқимлардан бири гуманистик ёки субъектив — ёндошилган оқимдир. Бу оқимга кўра социология инсон ва унинг социал реаллиги тўғрисидаги фандир. Инсон реаллиги унинг онгли фаолияти асосида вужудга келади. Агар позитизм социал жараёнларни табиий асосида ҳосил бўлишидан келиб чиқса, гуманистик оқим социал жараёнларни инсон ва унинг онгли фаолиятидан келиб чиқишни кўрсатиб беради. Улар социал ҳодисани маънавий муносабатлар натижаси деб қарайдилар. Агар позитизм объектив ходисаларни ўрганишда объективлаштиришга бўйсунадиган рағбатлантириш, таъсирланиш, хулқ-атвор, шароит каби ҳодисаларга эътибор берса; гуманистик оқим эса асосий эътиборини онгли ҳаётга қаратади. Бу оқим социология фанини янги босқичга кўтариб унинг назарий ва методологик

асосларининг янги йўналишларини кўрсатиб берди. Онгли хусусиятга эга бўлган инсон фаолияти, социология фанининг ўзига хос объектини ташкил этади. Шунинг учун мутафаккирларнинг эътибори инсон онгида бўлаётган жараёнларига, бу процесснинг белгилайдиган социал фаолиятларига ҳамда билим жараёнларига қаратилиши керак. Вебер фикрича онгли фаолият энг мураккаб жараёндир, бу жараённи психологик акт ҳам, дунё қараш жараёни ҳам қамраб ололмайди. Шунинг учун у нафаат натурализмни рад қилади, балки социологияда ҳукмрон оқим бўлган психологизмни ҳам танқид қилади. Унинг фикрича социологиянинг предмети индивид ва индивидларнинг предмети индивид ва индивидларнинг ҳулқ-атворидан иборат бўлган ҳаракатдир. Социология, деб ёзади у, талқин қилишлик билан социал ҳаракатни ўрганади ва шу туфайли унинг содир бўлиши ва оқибатларини сабаблар билан тушунтирмоқчи бўлади. Вебер фикрича бундай фаолият мақсадга мувофиқ фаолиятдир. Бу тушунча билан Вебер социологиянинг ўзига хос томонини кўрсатувчи 2 та факторни ҳисобга олади: онг ва индивидуал — шахсий соҳа аспекти. Позитизм оқимидан фарқли ўлароқ Вебер социологик фанни бир бутун ижтимоий асосда эмас балки алоҳида индивид асосида яратмоқчи бўлади. Бу билан у Европа гуманистик анъанасини давом эттиради. Вебер ўзининг фан концепциясида мантиқий хулоса, эмпирик асосида эришилган фактлар ва амалий баҳо беришни чегаралайди. Бу эса муҳим методологик аҳамиятга эгадир. Шуни таъкидлаш керакки мақсадли фаолият бу воқеаликнинг ўзига берилган характеристикаси эмас балки, назарий, идеал конструкциядир. Бу фактларни таҳлил қилишнинг ўзига хос методи ёки у айтгандек социал ҳодисаларни тушунишга имкон берадиган идеал типдир.

Собиқ Совет матбуотида социологиянинг предмети тўғрисида баҳс авж олди. Социологиянинг бу масаласи эса тарихий материализмнинг доирасида ўрганилиб, социология назариясини мустақил ривожланишига тўсқинлик қилди. Шунга қарамай бу даврда айрим олий ўқув юртларида социология факультетлари, бўлимлари очилди. Социологик лабораториялар ташкил этилди. Эмпирик социологик татқиқотлар ўтказиш бошланди. Шунинг билан бирга социологиянинг вазифаси, унинг илмий аҳамияти, жамиятда тутган ўрни масалалари ҳақида қизғин баҳслар авж олиб кетди. Бироқ бу бахслар илмий дискуссия характерга эга бўлганлиги учун тор доирада эди ва социологиядаги фундаментал масалаларни кўтариб чиқмади. Шунинг учун социология фанининг онтологик моҳияти очиб берилмаган эди. Бу бахслар кўпинча мафкуравий характерга эга эди. Бунда асосий масала

социология билан тарихий материализмнинг муносабати масаласи эди. Шароит шундан иборат эдики, тарихий материализмни рад этмасдан социологиянинг ривожланишига ва социал тадқиқот ишларини амалга оширишга имконият яратиш керак эди. Мунозара давомида бу масалаларни ҳал қилишда А. Г. Бербин, М. М. Ковальзон, В. Ж. Келле ва бошқалар умумий социологик қонунларни тарихий материализм ўрганади, деб эътироф этдилар. Бундан ташқари бу умумий қонунларнинг турли соҳаларида намоён бўлиш шакллари мавжуддир. Мана шу ўзига хос намоён бўлиш шакли социологиянинг ўрганиш объекти деб айтдилар. Бу қарашлар кескин танқид қилинди. Чунки тарихий материализм фалсафанинг таркибий қисми бўлганлиги учун у социология бўлолмайди. Мунозарада Рывкина Р. В.нинг қарашлари эътиборга лойиқ эди. У социология предмети социологик тадқиқот асосида олинган билимларни анализ қилишдан иборат дейди. Социологиянинг бошқа вазифаси жамиятнинг назарий моделини ишлаб чиқиш ва бу модел жамиятнинг вазифаларини бир бутун сифатида системалаштирилган бўлар эди. Рывкина фикрича социология социал реалликнинг бир бутун кўлами унинг динамикасининг ўрганувчи фандир. Рывкина социологиянинг умумий ва ўзига хос томонини таҳлил қилишга ҳаракат қилади ва ундаги турли тармоқларни жамият тараққиёти билан боғлиқлиги ажратиб кўрсатади.

Мунозара якуни бўлиб социологларидан Рожин В. П., Андреева Г. М., Ядов В. А. ва бошқаларнинг ишлаб чиқишган асосий йўналишлари намоён бўлди. Бу йўналишлар кейинги давргача мамлакатда тан олинган эди. Ушбуларга мувофиқ тарихий материализм жамиятнинг фалсафий ва социологик соҳаларини анализ қилиш бирлигидан иборатдир. Тарихий материализм фалсафа сифатида жамият тараққиётининг фалсафий муаммоларини ҳал қилса, социология сифатида эса, жамият қонунларининг вазифаларини ва ривожланиш тенденцияларини очиб беради. Тарихий материализм жамиятга бир бутун система сифатида қарар экан, у ҳар қандай социал соҳа муаммоларининг муҳим томонларини тадқиқ қилади. Шунинг учун бу йўналишлар социологияни тарихий материализмдан ажратиш ва уларни бир-бирларига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас, деб таъкидлайдилар. Жамиятнинг бир бутунлигини умумназарий ўрганишлик билан биргаликда унинг алоҳида томонларини, турли соҳаларини (сиёсий, маънавий, руҳий, иқтисодий томонлари), ҳамда турли социал гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг фикрлаш тарзи фаолиятининг тузилиши кабиларни ҳам ўрганишлик муҳим маъно касб этади. Чунки умумий социологик

қонунлар жамиятни конкрет бошқариш, ишлаб чиқариш, шахснинг шаклланиши каби масалаларга жавоб бера олмайди. Натижада умумий социологик масалалар билан бирликда социология махсус ва эмпирик даражадаги билимларни ҳам ўз ичига олади.

Махсус ёки ўртача социологик назария терминини Америка социологи Р. Мертон киритган. Бу олим ўртача назария эмпирик тадқиқот асосида вужудга келади ва мавжуд бўлмаган умумий социологик назарияларнинг пайдо бўлишига асос бўлади, деб кўрсатади. Шунинг билан бирга эмпирик социологиянинг ўзига хос томонини фарқ қилиш керак. Эмпирик социология бевосита ҳаётдаги ходисаларни умумлаштириш асосида хулосалар чиқаради. Социологияга тарихий материализм асосида қараш эса унинг фан сифатида имкониятларини чегаралайди ва жамиятнинг долзарб масалаларини ҳал қилишга тўсиқлик қилади. Ҳозирги кунда социологиянинг предмети ҳақидаги масала янгидан қўйилмоқда. Чет эл олимлари ва Ватанимиз социологлари бу масалага катта эътибор бермоқдалар ва социологияни мафкуралаштиришдан ҳоли қилиб, унинг ўзига хос муҳим томонларини очиб беришга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозирги кунда социологлар фаннинг ўз таърифини белгилаш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Юқоридаги фикрларни таҳлил қилиб ва социологияга берилган энг муҳим таърифларга асосланиб социологиянинг объекти ва предмети ҳақида мукаммалроқ тушунчани беришга ҳаракат қиламиз. Социология умумий эмас, балки махсус, соҳалараро фандир. У бошқа фанлар ўрганмайдиган ўзининг объектига эга. Унинг ўзига хос соҳаси социал реаллик бўлиб, бу инсон ва жамият муносабатининг ижтимоий-маданий муайянлигидир. Бу объект фақат социологиянинг тадқиқот объектидир. Бошқа фанлар бу объект билан шуғулланмайди. Социология умумий социологик объектни ўрганганда умумий фалсафий категориялардан фойдаланилади ва уларнинг социал моҳиятини очиб беради. Жумладан объектив ва субъектив, эркинлик ва зарурият, борлиқ ва онг каби фалсафий категориялардан фойдаланиб умумий социологик объектни тадқиқ қилади.

Махсуслик даражасида социология социал субъектларни (шахс, группа, жамият, социал соҳалар, муносабатлар, одамларнинг социал фаолияти ва тафаккур тарзи) анализ қилади.

Бу билан социология ўзининг объектини турли ҳодисалардан ажратиб олади. Социология турли социал соҳаларни энг умумий муҳим томонларини умумлаштириб умумий назариялар ҳосил қилади ва бошқа фанларга назарий методологик асос яратади. У жамият ва инсон тўғрисида умумий қарашлар, қонунлар ва

тенденцияларни яратади ва ривожланиш қонунларини очиб беради. Бу масала билан алоҳида ижтимоий фанлар (этика, эстетика, психология, ҳуқуқшунослик) шуғулланмайди.

Социология ўз объекти доирасида социал ҳаётнинг турли, алоҳида томонлари билан ҳам шуғулланади ва бунинг натижасида фанда интеграл соҳалар вужудга келди. Жумладан: ҳуқуқ социологияси, сиёсат социологияси, иқтисодий социология, индустриал социология ва ҳокозолар. Социология бу соҳаларда ўз объекти инсон ва унинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ўрни ва унинг ривожланиши, ҳаёт тарзи ва фикрлаш услуби каби масалаларни ҳал қилади. Социологиянинг объекти инсон фаолиятининг турли соҳаларининг интеграцияси асосида ўрганса ҳам бошқа фанларга ўхшамайди. Социология ўзининг махсус объекти асосида якка шахснинг фаолиятини конкрет намоён бўлишликни эмпирик даражада ўрганишни ҳам ўз ичига олади.

Бизнингча, социология предмети, бу жамиятдаги инсон моҳиятининг ривожланаётган умумбашарий хусусиятларини амалга оширувчи қонунлардир.

Агар фаннинг объекти унинг нимани ўрганиш керак деган саволга жавоб берса, предмети эса ўша объектни қандай ўрганади деган саволга жавоб беради. Маълумки, жамият ва инсон ўз қонуниятлари билан ривожланадилар. Мавжуд жамиятнинг тузилиши инсонлар манфаатига қарама-қарши бўлибгина қолмасдан балки ғайрий инсоний характерга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун социология инсонлар жамиятини ривожлантиришда социал ташкилотларнинг инсонларга мос энг қулай вариантларини топишда ва унинг амалга оширишдаги жисмоний, эмоционал — психологик ва маънавий имкониятларни ишга солади.

Социологиянинг вазифаси жамият тараққиётини таъминлайдиган энг қулай вариантларини, ижтимоий-маданий моделларини топишдан иборатдир. Булар жамият ва инсоннинг ўз-ўзини такомиллаштиришининг қонунларидир.

Социологиянинг вазифаси мураккаб социал дунёни ташкил этувчи ўзаро биркувчи ва ҳаракат қилувчи тузилма ва механизмларни аниқлашдан иборатдир. Бунинг учун социологиядаги танқидий назария, фалсафий герменевтика, янгича тус берилаётган натурализмдан фойдаланиш керак, уларни янгича талқин қилиш керак деб кўрсатади. Социология предмети муаммосини ҳал қилишдаги учинчи тенденция деб гуманистик оқимни ривожланишини эътироф этиш мумкин.

2. СОЦИОЛОГИЯНИНГ СТРУКТУРАСИ

Структура бу фандаги асосий элементлар уларнинг жойлашиши, муносабати ва тартибидир. Структура бевосита фаннинг ривожланиш даражаси ва унинг элементларига боғлиқдир. Фаннинг ривожланиб бориши даврида унинг элементлари бир тизимга тўпланиб, бу система орқали эса билимларни ташкил қилиш воситалиги таъминланади. Бунинг натижасида эса назарий, методологик, методик ва бошқа элементлар ўрганилаётган воқеликни (реалликни) яхлит кўринишда акс эттирадилар. Фан бир тизим сифатида, қачонки умумий асослар, категория ва тушунчаларни ишлаб чиқгандагина ва билишнинг ҳар хил даражалари ва шакллари орасида мантиқий боғланиш бўлсагина юзага келиши мумкин. Бу ҳолатда фаннинг турли хил ривожланиш йўналишлари билимнинг шаклланган тизими билан мувофиқлашади. Агарда социология ҳақида гапирадиган бўлсак, у ҳали етук бирлашган илмий тизим сифатида шаклланган йўқ. Ҳали ёш ва ривожланаётган фан сифатида социология хар хил илмий тизимларнинг тўплами сифатида кўзга ташланяпти.

Социологиянинг структурасини ҳар хил таҳлил қилиш мумкин. Айниқса, бу структурани аниқлаш назарий социология, методология ва эмпирик тадқиқотни ажратиб олишлик билан кўпинча юзага келади.

Лекин бу социологиянинг компонентларини ажратиб олиш умумийроқ маънога эга, натижада эса фаннинг мураккаб ва ҳар хил кўринишга эга бўлган структурасининг мазмуни кашф этилмайди. Шунинг учун тўлароқ ва ҳар томонлама хусусиятга эга бўлиш билангина социологияни структурасини кўрсатиб бериш лозим. Социология структурасида фундаментал ва амалий йўналишларни, назарий ва эмпирик тадқиқотларни, махсус ва тармоқ соҳаларни ажратиб кўрсатиш даркор. Улар бир-бирлари билан жуда мураккаб ўзаро диалектик алоқадордирлар. Айрим ҳолларда бир-бирларига қўшилиб кетадилар, бошқа ҳолатларда эса бир-бирларини инкор қиладилар. Тадқиқотимиз илмий, теран бўлишлиги учун социология структурасини бу элементларини алоҳида таҳлил қилиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Фундаментал социология бошқа элементлардан ўзининг хал қилаётган муаммоларининг даражаси, кҳлами ва ақамияти билан фарқ қилади. Фундаментал социология моҳиятли мҳаммолар, абстракциянинг (мавҳумлик) олий даражаси билан шуҳулланиб, социал оламнинг тараққиёти ва борлиғи учун зарур бўлган умумий қонун ва қонуниятлари излаш билан фаолият кҳрсатади. Фундаментал социология кҳплаб мактаблар ва йўналишларга эгадирки, улар социология фанининг асосини ижодий излаш

билан банддир. Фаннинг асосини ижодий ишлашнинг учта асосий аспектини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчиси, онтологик, яъни социал воқеликни моҳияти масалаларини янада аниқроқ айтадиган бўлсак социология объектини, унинг фаолият кўрсатиш шаклларини таҳлил қилиб ўрганади. Маълумки, социал дунё мураккаб кўпқатламлик, динамик ва ўзгарувчанлик хусусиятига эгадир. Онтология борлиқ ҳақидаги таълимот сифатида фалсафада вужудга келади ва ушбу фаннинг бош мавзуси ҳисобланади. Социологияда эса онтология масалалари иккинчи жаҳон урушидан кейин, янада кенг кўламда эса охирги ўн йилликда кўтарилди. Чунки бу вақтда «позитивистик» кризис деган жараён кенг қулоч ёзган эди. Бу кризис жараёнининг асосий моҳияти шундан иборат эдики, сциенистикликка асосланган социология натижаларидан ранжиш, яъни традицион илмий методлар кутилган илмий натижалар бермай қўйди.

Нафақат билишнинг шакл ва методларини қайта кҳриб чиқиш эҳтиёжи пайдо бўлди ва яна социологиянинг объектини моҳияти, билишнинг даражалари ва мезонларини ҳам қайта ишлаш зарурияти туғилди. Онтологик муаммо масалаларини социологиядаги барча назарий йўналиш вакиллари ўзларича ҳал қилишга харакат қилганлар.

Айниқса, социологик муаммога экзистенциал ва феноменологик мактаблар чуқур эътибор билан қарайдилар. Лекин реалистик йўналиш вакиллари ҳаммадан ҳам бу муаммога кенгроқ эътибор берадилар. Реализм — бу соғлом фикрли онтологиядир, деб таъкидлайди ушбу йўналиш вакилларидан бири У. Аутвейт. Социал реаллик инсонларнинг мустаҳкам ўзаро ҳаракати янгиланаётган структуранинг натижаси сифатида тушуниладиган синфлар, жараёнлар ва интерпретациядир.

Реалистик йўналиш реалликни ҳар хил даражаси, табақасини ажратиб таҳлил қилдики, булар шундай жабҳалардир: реал, актуал ва эмпирикликдир. Бу интилишлар эса методологик муносабат сифатида жуда муҳимдир. Реалликнинг ушбу жабҳалари орасидаги ўзаро боғлиқлик уларнинг социал воқеликни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятининг ташкил этилиши ушбу йўналишнинг беқиёс хизматидир.

Фундаментал социология нафақат назарий асосларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади, бинобарин билишнинг умумсоциологик фундаментал принципларини ҳам кенг маънода ишлаб чиқади. Социологик билишнинг моҳияти вазифалари, билимларнинг объективлиги, у ёки бу принцип ва ёндошишларни қўллаш ҳам фундаментал социология муаммолари мажмуасига тааллуқлидир.

ҳар хил назариялар негизида «системалилик», «функционал ёндошиш», «сабабият», «тушунувчи» йўналиш деб аталадиган фундаментал принциплар ишлаб чиқилди. Социал реаллик

моҳиятининг масалаларини ҳал қилиш билан биргаликда, тараққиёт қонунлари ва инсоннинг социал дунёдаги ўрни муаммолари ечимини топиш сабабли маълум бир социологик методлар шаклланади.

Социологиянинг ривожланиши даврида ўрганилаётган муаммолар, тадқиқот йўналишлари ўзгарди, лекин асосий, фундаментал характерга эга бўлган фан учун жуда муҳим аҳамиятга доир умумий принциплар: социологиянинг объекти ва предмети, социал реаклликнинг моҳияти, унинг ривожланиш қонунлари, социал оламдаги инсоннинг аҳамияти ва ўрни, унинг онги ва тафаккури кабилар ўз аҳамиятини йўқотмади.

Фундаментал социологиянинг мақсади — бу социал оламнинг тўлиқ тасвирини яратишдир ва бу социал оламнинг тараққиёт манбаи ва шаклларини аниқлашдир. Илк бор фундаментал назариялар табиий фанлар тараққиётига таянган, айниқса биология ва физикага. Социология фанининг асосчилари худди шу фанларнинг экспериментал ва эмпирик негизга ўхшаган негиз асосида янги социал фанни яратишмоқчи бўлдилар. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги йўналишлар — позитивизм, натурализм ва психологизм социал ҳаётнинг доимий ҳаракатланувчи механизмини кашф этиш, социологияда эмпирик методни яратиш учун ўз куч-ғайратларини бирлаштирадилар.

Бунинг натижасида улар табиий фанларнинг тушунчаларини, умумилмий метод ва йўналишларини қўллайдилар. Аммо XX асрнинг бошларида социология табиий фанлар тизимидан ажралиб чиқа бошлайди.

Социал воқеликнинг позитивистик руҳидаги кўриниши ўрнига структур-функционал, эмпирик кўринишлари келди. Бу йўналишлар социологиянинг ўз асосини, мустақиллигини излашга катта таъсир кўрсатди. Аммо эмпиризм нафақат фундаментал назария аҳамиятини, балки назарияни ўзини ҳам буткул инкор қила бошлади. Бунинг натижасида эса социология ўзининг яхлитлигини йўқота бошлаб, ижтимоий ҳаётнинг ҳар хил йўналишларини алоҳида-алоҳида таҳлил қиладиган фанга айлана бошлади. Лекин XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб социология ўзининг умумназарий муаммоларига қайтишни бошлади, шунингдек методологик тадқиқотларнинг аҳамияти ҳам оша бошлади. Бу жараёнлар эса социологларни философияга қайта мурожаат қилишга мажбур қилди. Бунинг натижасида эса экзестенциал, феноменологик йўналишлар пайдо бўлдилар. Улар эса социологиянинг асосини, янги метаназариясини яратишга ҳаракат қила бошладилар. ҳозирда бу тенденция кучайяпти. П. Штомпканинг фикрича социологлар яна эски ҳал бўлмаган топишмоқни: Жамият нима ўзи? — топищ билан оворалар. 80-йилларнинг «Катта назарияси»нинг янги тўлқинларининг

эффекти сифатида фалсафа ва социологиянинг янги муносабатлари деб тушуниш мумкин. Нафақат социология фалсафанинг таъсири остидадир, балки фалсафанинг ўзи ҳам социологиянинг актив таъсири доирасидир.

Фундаментал социология ривожининг иккинчи муҳим тушунчаси — бу социал жараёнларнинг марказий омили сифатида субъектга мурожаат қилиш билан белгиланади.

Шундай қилиб, фундаментал социология бу метаназариядир, у фаннинг структураси, мазмуни, категорияси ва методларини ўрганадиган умумсоциологик муаммони тадқиқ қилади. Шунинг учун фундаментал тадқиқотларнинг роли беқиёсдир, функциялари эса хилма-хилдир. ғуйидаги функцияларни ажратиб кўрсатиш мумкин: дунёқараш, методологик, интеграциялаштирувчи, эвристик ва ҳокозолар.

Дунёқараш функцияси бевосита борлиқ ва онг, инсоннинг моҳияти каби долзарб муаммолари билан боғлиқдир. Чунки бу муаммолар социология фанининг предмети ва объекти ядросини ташкил этади. Бу муаммоларни ҳал қилиш жараёнида социология философия билан жуда фаол ўзаро мулоқот ва диалектик алоқада бўлади ва социал олам ҳақида илмий тасаввур яратадилар. Умумсоциологик назария негизида социологиянинг умумий методологияси ишлаб чиқилади. Интеграциялаштирувчи функция фундаментал назарияни барча билимлар билан боғлайди. Фундаментал социологиянинг яхлит ёндошуви янги муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий ҳаётнинг ҳали яхши ўрганилмаган томонларини чуқур илмий таҳлил қилишга ёрдам беради.

Социология фани тизимида амалий тадқиқотлар пайдо бўлди ва ривожланаяпти. Амалий социологик тадқиқотлар фундаментал социологиядан ўзининг структураси, мазмуни ва мақсади билан фарқ қилади. Амалий социологиянинг хусусияти шундан иборатки, у орқали жамиятнинг ҳар бир соҳаси учун керакли бўлган назарий ва эмпирик тадқиқотларни натижаларини қўллаш услублари ва воситалари жорий этилади. Амалий социология XX аср бошларида ташкил топган эмпирик тадқиқотлар негизида шаклланди ва ривожланди.

Эмпирик ва амалий тадқиқотларни тенглаштиришнинг яна бир сабаби шундаки, эмпирик тадқиқотлар социал амалиётга олиб чиқадиган восита ҳисобланган. Бинобарин бу масалага бундай ёндошиш унинг моҳиятини тўғри тушунишга ҳалақит беради. Эмпирик тадқиқотлар жонли фаолиятни бевосита шаклида ўрганса ҳам, у ўзгартирувчанлик фаолият эмасдир. Эмпирик тадқиқотларнинг вазифаси бу кузатиш, эксперимент, ҳужжатларни ўрганиш ва сўров методлари орқали социал

жараёнлар ҳақида фактлар ва эмпирик маълумотлар йиғишдир. Эмпирик тадқиқотлар натижаларидан ҳам амалий мақсадларда, ҳам назарий билимлар ривожи учун фойдаланиш мумкин.

Амалий тадқиқотлар тизимида ҳам назарий, ҳам эмпирик билимлар мавжуд бўлиб, улар амалий тадқиқотларни ижтимоий ҳаётни турли соҳалари фаолиятини такомиллаштириш учун амалий тавсияномаларига айлантиради.

Бошқарув системасини элементи сифатида амалий тадқиқотлар фаннинг ижтимоий функцияларини бажара бориб, унинг натижа ва ютуқларини амалий фаолиятга айлантиради, ўзининг амали йўналишига қараб айрим ҳолларда амалий тадқиқотлар илмий тадқиқотлар билан қарама-қаршилик муносабатида бўлади.

Фойдалийлик ва объективлик муносабатлари нисбати амалий социологиянинг энг муҳим методологик муаммоларидан биридир. Илмий объективлик ўрганиладиган объектнинг хусусиятларига мослиги билан белгиланади. Айни вақтда фойдалийлик билимлар кимнинг манфаатлари учунлигини назарда тутилиши билан белгиланади. Социологик тадқиқотлар умумий ижтимоий-маданий контекст билан чамбарчас боғлиқ бўлган социал фаолиятнинг бир тури ҳисобланади. Бунинг натижасида эса тадқиқот натижаларидан иқтисодий, сиёсий манфаатлар учун фойдаланади.

Илмийлик ва фойдалийлик бир-бирлари билан зиддиятли муносабатларга киришмасликлари учун М. Вебернинг фикрича ҳақиқат учун интилиш керак, яъни бошқача қилиб айтадиган бўлсак илмий билимлардан тўғри фойдаланиш учун иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий тузилишларнинг маълум тизими мавжуд бўлиши зарур.

Шундай қилиб, амалий социология нафақат тайёр билимларни ишлатади, балки янги назарий ва методологик билимларни ҳам шакллантиради. Амалий социология илмий билимнинг амалий эффективлиги масалаларини ҳал қила туриб фундаментал тадқиқотларни ривожига стимул бериш учун янги муаммоларни ўртага қўяди. Амалий тадқиқотлар илмий фаолиятнинг алоҳида бир тури сифатида фақатгина назарий ва методологик муаммоларни ҳал қилмасдан процедура ва методик муаммоларни ҳам ечишга интилади.

Методология ва методиканинг муҳим муаммоларидан концептуализация, формализация ва операционализацияларнинг тутган ўринлари жуда актуалдир. Чунки бу муаммолар социал қурилиш ва социал инженерликнинг муаммоларини ҳал этишда илмий билишнинг реализация қилишнинг ўзига хослиги билан бевосита боғлиқдирлар.

Социал инженерлик амалий тадқиқотларнинг негизида шаклланган фаолиятнинг маълум бир йўналиш сифатида шаклланди. Социал инженерлик — бу социал структурани (иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий) мақсадга йўналтирилган, тубдан ўзгартиришлик билан уни оптимал ва эффектив шаклга келтиришдир. Амалий социологиянинг социал инженерликдан ташқари яна социал технология қисми ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. У мақсадга эришишни таъминлайдиган методлар воситаларининг мажмуасидир. Амалий социология тараққиётини белгилаб берадиган бу омил ижтимоий-сиёсий ҳолатдир, чунки социал амалиётнинг муаммоларини белгилаб, ҳал қилиб бериш бу социал буюртмадир, ҳар хил конкрет-тарихий шароитларда ҳар турли хил муаммолар олдинги ўринга чиқиши мумкин. Илк бор ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шахснинг ижтимоийлашуви, оғишма хулқ-атвор, урбанизация ва жамиятни стабиллаштириш муаммоларини ечиш учун социал буюртмалар берилган.

Амалий тадқиқотлар тармоқ йўналишларини шакллантиради. Бу йўналишларнинг орасида оғишли хулқ-атвор социологияси, шаҳар социологияси, индустриал социологиялар кўпроқ тараққий этган. Инсон ўлими муаммосини ўрганадиган — некросоциология, социалдиагностикалар тармоқ йўналишлари орасида энг янгилари ҳисобланади.

Социологик тадқиқот ҳам назарий, ҳам эмпирик бўлиши мумкин. Уларни чегараланиши шартли равишдадир, чунки ҳар қандай фундаментал социология назарийдир, эмпирик тадқиқотлар эса назария билан жипслашган ўзаро алоқалик билан ўтказилади. Лекин хусусиятни ажратиш ва аниқлаш заруриятдир. Агарда ҳар қандай фундаментал социология назарий ҳисобланса, ҳар қандай назария фундаментал социология ҳисобланмайди. Фундаментал социология дисциплинар муаммоларга фаннинг пойдеворининг асосини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, ўз навбатида назарий социологиянинг ўрганиш объекти сифатида ҳам умумий, ҳам хусусий жараёнлар, жамият ҳаётининг айрим соҳалари ва фаолиятининг бирор бир томони бўлиши мумкин. Назарий ва эмпирик социологик билимларни қабул қилиш ва жамиятни таҳлил қилиш даражаси билан бир-биридан фарқ қилади. «Назарийлаштиришни — деб ёзади таниқли америкалик социолог Дж. Тернер, — шундай воситаларга тааллуқли деб ҳисоблаш мумкинки, у орқали фан деб аталадиган тафаккур фаолияти ўзининг учта асосий мақсадини амалга оширади: оламда бўлаётган воқеаларни шундай классификациялаш (таснифлаш) ва ташкил қилишликни бунинг натижасида уларни истиқболда кўра билишлик; ўтган воқеаларни сабабларини тушунтириш ва келажакда бўладиган воқеаларни олдиндан кўра билиш;

воқеаларни нима учун ва қандай бўлиб ўтишини тўғри «тушуниш»ни интуитив равишда таклиф қилиш».

Назария — бу категория, тушунчалар, холатлар ва принципларнинг концептуал бирлиги бўлиб, у ҳодисаларни хоссалари, муносабатлари ва қонуниятли алоқаларини очиб беради. Назарияларда марказий ўринни тушунчалар эгаллайди. Уларда фаннинг тажриба ва ютуқлари тўпланади ва улар назариянинг мазмунини белгилайди. Назарияни яратиш воситаси бу мавҳумлаштиришликдир. Чунки у конкрет ҳолатлар ва ҳодисаларни ташкил қилишда чегаралардан сакраб ўтишга йўл беради.

Социологияда назарияни турли даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин: умумсоциологик назариялар жамиятни яхлит қамраб оладиган муаммоларни ҳал қилади. Масалан, жамиятни ривожланиш даврлари ва структураси, уни фаолият қонунлари ва бошқалар.

Махсус назариялар социологиянинг объектини муҳим томонларини ўрганади. Социал структура назарияси, ўзаро таъсир назарияси, институтлар назарияси ва ҳокозолар махсус соҳалар сифатида шаклландилар. Махсус назария ёки ўрта даража назарияси тушунчасини фанга Р. Мертон жорий этган.

Ўрта даража назарияси социал тизимларнинг умумий назариясини социал хатти-ҳаракатнинг ташкил этилишнинг умумийлигига махсус кузатилаётган турлари билан боғлаши керак. Бу назариялар мавҳум тушунчалардан фойдаланадилар, лекин улар кўпинча фактлар билан боғлиқдирлар ва битириш тадқиқотлар асосида шаклланадилар. Шунингдек, хусусий назарияларни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин ва улар социал жараёнлар ҳақидаги эмпирик маълумотлар билан кўпроқ боғланганлар. Бундай назариялар деб қуйидагиларни айтамиз: ҳрамли феъл-атвор, референт гуруҳлар назарияси, кичик гуруҳлар назарияси ва бошқалар.

Бу назариялар инсон феъл-атворининг мустаҳкам механизмларини ҳар хил шароит ва ҳолатларда кўринишни аниқлашга ҳаракат қиладилар. Нафақат ахлоқли назариялар балки фаолиятнинг турли хил турлари назариялари: меҳнат муносабатлари, қадриятли мослашни шакллантириш, ташкил қилиш ва бошқариш.

Эмпирик тадқиқотлар социологиянинг муҳим компоненти ҳисобланади. Дастлабки эмпирик тадқиқотлар XVII асрдаёқ ўтказилган эди, лекин фақатгина XX асрнинг биринчи чорагидан АКШда оммавий равишда ўрин олади.

Эмпирин тадқиқотлар тажрибали билишни англатади. Улар социал гуруҳлар, индивидлар, ташкилотлар, муаммоларни бевосита ўрганишни ўзининг асосий мақсади деб ҳисоблайдилар.

Эмпирик социологик тадқиқотларнинг объекти — бу ижтимоий ҳаётнинг микрожараёнлари, инсонларнинг ҳаракатлари, тафаккур тарзи, фикри ва муносабатларидир. Эмпирик тадқиқотларларни социологик фаннинг муҳим бир бўлаги сифатида эмпиризм концепцияси билан солиштириш мумкин эмас, чунки эмпиризм концепция сифатида назарий социологик билимларни тўлиқ инкор этади. Эмпиризм ҳиссий идрокни бевоситалигини фаннинг асоси деб ҳисоблайди.

Эмпирик тадқиқотларнинг вазифаси сезгилар майдонига билимларни олиб чиқиши эмас, аксинча бу билимларни ривожлантириш, эмпирик фактлар йиғиш, реал жараёнларни тадқиқот қилишлиги билан муаммоларни кўндаланг қўйиш ва ҳал қилишликдир. Эмпирик тадқиқотлар худди бошқа фанлар қўйилаётган каби билишнинг маълум бир воситаси, даври ва даражасидир. Эмпирик социологиянинг объекти микрожараёнлар бўлса, предмет сифатида такомилланишнинг турли муаммолари муносабатлар уйғунлашуви, фаолиятнинг сермаҳсуллиги, шахснинг социал хусусиятлари турли хил институт ва ташкилотлар намоён бўлишлари мумкин. Эмпирик социологиянинг объекти ва предметининг хусусияти махсус методология ва методни ишлаб чиқишни талаб қилади. Буни англаш эса бирдан юз бермади. Дастлаб эмпирик методни ишлаб чиқиш аниқроғи социал жабҳалар учун табиий фанларнинг методларини қайта ишлаб чиқиш ғояси етарлидир деган фикрлар вужудга келди ва бу қайта ишланган услублар билан эмпирик тадқиқотларни муваффақиятли ўтказиш мумкин деган хулоса пайдо бўлди. Аммо тез орада маълум бўлдики, эмпирик тадқиқотларни ўтказиш чоғида кўплаб методологик характерга эга бўлган муаммолар: социал фактнинг моҳияти, назарий билишнинг эмпирик маълумотлар билан ўзаро муносабатлари, сўров, кузатиш ва ўтказилаётган маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида субъектив омилнинг роли кабилар пайдо бўлди. Социологияда билишнинг субъектив аспекти масаласи методологик муаммоларнинг энг марказийларидан ҳисобланади. Эмпирик социологиянинг тадқиқотида эмпирик методлар: сўров, кузатиш, ҳужжатларни ўрганиш ва эксперимент усуллари шаклланиб жорий этилди. Бу методларнинг ҳар бирини хусусияти жараённинг томонларини худди шу метод билан таҳлил қилишлик билан белгиланади. Масалан, энг оммабоп метод — сўров методи асосан инсонларнинг субъектив дунёсини: қарашлари, муносабат билдиришлар, жуда тез ривожланишлик ва ўзгарувчанликларга йўналтирилгандир. Бундан ташқари, социолог томонидан олинган маълумотларга унинг муносабат билдириши, интерпретация (талқин қилишлик), тушуниши билан тус берилади. Шу туфайли эса эмпирик тадқиқотлар методологияси шундай принцип ва

йўналишлар ишлаб чиқилиши керакки, у орқали эмпирик маълумотларининг объективлиги ва ҳаққонийлиги таъминлансин, социолог ва респондент ўзаро ҳаракатларининг мураккаб аспектлари тўлиқ мажмуасини назарда тутадиган тадқиқот воситалари, мантиқий масалалари ва даври муаммоларни ҳал қилсин.

Шундай қилиб, эмпирик социология бу билимнинг йирик бир соҳасидир. У ўзининг таркибида эмпирик методлар билан бир қаторда методология, маълумотлар тамини ва эмпирик маълумотларни қайта ишлаш системасини ўзида мужассамлаштиради. Шу сабабли эмпирик тадқиқотлар одатда ҳар ҳил мутахассисликнинг тадқиқотчилари: психологлар, методологлар, математиклар жамоасининг ўзаро ҳамкорлиги остида ўтказилади.

Эмпирик тадқиқотлар асосан статистик маълумотларга таянган ҳолда ўтказилади. Ривожланган мамлакатларда информацион таъминот эмпирик тадқиқотнинг муҳим манбаси ҳисобланади.

Эмпирик тадқиқотларнинг ривожланиши учун асосий муаммо — бу техник воситалар таъминоти билан боғлиқдир, чунки тадқиқотлар натижалари эҳмда қайта ишланиши зарур. Шунингдек, сўров ва кузатиш учун ҳам маълум техник воситалар талаб қилинадики, шунинг учун эмпирик тадқиқотлар анчагина қиммат тадбир ҳисобланади.

Социологиянинг ривожланиш жараёнида секин-аста махсус ва тармоқ йўналишлар вужудга кела бошладилар.

Хўш, махсус ва тармоқ йўналишларнинг ўзи нима маънога эга?

Махсус деб институционал социологияни, шахс соцнологиясини гуруҳ, жамият, социал ҳаракат ва социал муносабатлар социологиясини эътироф этамиз. Бундан ташқари яна шаклланиб бўлган деб тараққиёт социологияси, ўзаро ҳаракат, социал структура ва бошқаларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Институционал социология ўзара ҳаракатнинг мустаҳкам шаклларини тадқиқ қилади. Тараққиёт социологияси жамият тараққиётининг манбаси шакли, йўналишлари ва унинг таркибий қисмларини ўрганади. Социал ҳаракат назарияси эса инсоннинг социал фаолиятини сабаблари, турлари ва аҳамиятини аниқлашга ҳаракат қилади.

Социологиядаги махсус йўналишлар социал реалликни социологиянинг объекти сифатида қабул қилишда назарий мушоҳада қилишлик ва бир объектнинг асосий элементларини аниқлаш асосида вужудга келади. Айрим назариялар социологиянинг асосчилар томонидан ишлаб чиқилган бўлсада, аммо тадқиқот йўналиши сифатида XX асрнинг биринчи ярмида, неопозитивизм негизида яратилади. Маҳсус йўналишлар

социология фанининг юз йиллик тараққиёт йўлининг маҳсулидир. Юқорида қайд этилганидек, махсус йўналишлар неопозитивизм негизида шаклланди, лекин ўзининг келгуси ривожини бошқа назарий йўналишлар туфайли топди.

Нима учун буларни бир махсус йўналишлар деб атаймиз, ваҳоланки социал институтлар, шахс ва гуруҳлар, социал муносабатлар ва жараёнлар бошқа фанлар томонидан ҳам ўрганиладику? Гап шундаки, социология ходисаларни яхлит ижтимоий структур элемент сифатида тадқиқ қилади, бинобарин худди шу вақтда бошқа ижтимоий фанлар институтларни, муносабатларни ва гуруҳларни ўзларининг предметидан келиб чиқиб, ўз соҳалари доирасида ўрганадилар, масалан, сиёсатшунослик сиёсатда, психология севги-эмоционал соҳада, юридик фанлар ҳуқуқ соҳасида ва ҳокозо. Ушбу фанлардан ўлароқ социологиянинг вазифаси — бу социал муносабатлар, социал институтлар, социал ҳаракатларнинг умумий назариясини яратишдир. Ўз навбатида бу масалаларни ўрганиш учун социология бошқа фанларнинг тадқиқотларига ҳам таяниши керак. Жамият тараққиётига тааллуқли ушбу муаммоларни ечиш масаласи кўндаланг қуйилар экан, социология томонидан бошқа ижтимоий фанлар учун методологик аҳамиятга эга бўлган назария яратилади.

Қақиқатдан ҳам ижтимоий ҳодисаларнинг қайси бири ўрганилмасин, улар институционал, социал муносабатлар ва ҳаракатлар шакллари, шахс, гуруҳ характери ва тафаккур тарзи нуқтаи назаридан тадқиқ қилинади. Махсус йўналишлар фанининг марказий қисмини ташкил қилади, чунки у ўзида тадқиқотнинг бошқа барча йўналишлар: фундаментал, тармоқ, эмпирик йўналишларни мужассамлаштирган бўлади.

Махсус йўналишлардан ташқари социологияда яна тармоқ йўналишлари қуйидагилар; шаҳар социологияси, саноат социологияси, оила социологияси, девиант ёки оғишма хулқ-атвор социологияси, жамоатчилик фикри социологияси шаклланган. Кенг ривожланган ушбу йўналишлар ижтимоий ҳаётни маълум бир томонлари, ҳар хил тизимчалар, тафаккурнинг маълум бир элементини ўрганиш натижасида вужудга келдилар. Энг ривожланган йўналишлар бу — девиант хулқ-атвор социологияси, индустриал социологияси, жамоатчилик фикри социологияси. Бу йўналишлар кўхнадирлар, чунки улар XIX аср охири, XX аср бошларида вужудга келди. Масалан, девиант хулқ-атвор социологиясининг асосчиси Э. Дюркгейм ҳисобланади. Илк бор у девиант хулқ-атворнинг тури бўлмиш ўз-ўзини ўлдириш муаммосини тадқиқ қилди, бунда ўз-ўзини ўлдиришни психологик паталогия эмас, балки социал ҳодиса деб эътироф этди. Лекин кўпгина тармоқ йўналишлар XX асрнинг биринчи

чорагида, Америкада эмпирик тадқиқотлар негизида шакллана бошланди. Бу вақтда жамоатчилик фикри, саноат социологияларининг марказлари вужудга кела бошлади. Тармоқ йўналишлар эмпирик тадқиқотларнинг кенг қамровли амалиётининг негизида шакллана бошлади, лекин улар социологиянинг бошқа йўналишлари билан ҳам боғлиқдирлар.

Тармоқ социологияси амалий тадқиқотлар учун базис бўлиб хизмат қилади, чунки олинган маълумотлар аоссида ташкилотларнинг, корхоналарнинг ва муассасаларнинг фаолияти такомиллашади. Тармоқ йўналишлари ижтимоий ҳаётининг турли томонларини тадқиқ қила бориб, хусусий ва махсус назарияларни ривожига ёрдам беради ва шунингдек фундаментал социология ривожига ҳам таъсир кўрсатади. Тармоқ йўналишлари асосида айирбошлаш назарияси, референт гуруҳи назарияси, етакчилик (лидер) назарияси ва бошқа назариялар яратилди. Тармоқ йўналишлар ривожи фундаментал социология олдига жамиятнинг яхлит структурасида турли хил ижтимоий тизимчаларнинг роли ва ўрни ва уларни ўзаро ҳаракатлар турлари, тараққиёти асосларининг масалаларини қўяди.

Тармоқ социологиясининг мақсади айрим ижтимоий структуранинг: моддийлик, маънавийлик, меҳнатнинг сермаҳсуллиги назариясини яратиш, ишлаб чиқариш, оилавий муносабатлар ва бошқаларнинг фаолият кўрсатиш ва ривожланиш қонунларининг тўлиқ тасвирини яратишдан иборат. Тармоқ социологияси худди социологияга ўхшаб социал буюртма билан боғлиқдир, лекин жуда ҳам бевосита эмас. Шунинг учун у нисбатан мустаҳкамдир. Тармоқ социологиясининг тараққиёти жамиятнинг турли хил тизимчаларининг ривожи, уларнинг тарихий шароитларининг турли даврларидаги аҳамиятининг кучайиши, янги структураларнинг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқдир.

3. СОЦИОЛОГИЯНИНГ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Социологиянинг методологияси фундаментал, махсус, амалий ва эмпирик тадқиқотлар асосида вужудга келади. У анъанавий фанлар ва уларнинг методологияси билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқилади ва бунда фалсафанинг билиш назариясининг ўрни беқиёсдир. Социология методологиясининг бош вазифаси — бу социал жараёнларни тадқиқот принциплари, шакллари ва методларини ишлаб чиқишдир.

Америкалик олим Т. Кун томонидан фанга киритилган «парадигма» термини социология методологиясини тадқиқ қилишда муҳим роль ўйнади. Парадигма деб, муаллиф ўзида

маълум бир тушунча, принцип, ёндошув ва методларни мужассамлаштирган маълум бир концепциясини тушунади ва уни фанда муаммоларни ҳал қилишлик модели ёки намунаси деб эътироф этади.

Социология методологияси тараққиёти тарихни турли хил парадигмаларнинг алмашуви, яъни: позитивистик, психоаналитик, сициёнтистик, функционал, феноменологик парадигмаларни деб таърифлашса, муболаға бўлмайди.

Функционал парадигма сцентизм тадқиқ қилган турли ўзаро алоқаларни бирлаштиришга ҳаракат қилиб умумий ёндошишни ташкил қилмоқчи бўлади. Функционализм методологияси универсал функциялар ва махсус функциялар тушунчалари асосида қурилиб, жамиятдаги ҳодисаларнинг аҳамиятини аниқлашга интилади. Агарда юқорида санаб ўтилган методологик йўналишлар социал воқеликни позитивистик тасаввур талқин қилиш натижасида барпо бўлган бўлсалар феноменологик парадигма эса бутунлай бошқача характер ва хусусиятга эгадир.

Феноменологик методология турли воқеаларни тушуниш, аҳамият касб қилишлик тадқиқотларни, индивидларининг характерларини субъектив маъноларини ўрганади ва ишлаб чиқади. Бунда у социологик жараёнларни таҳлил қилишда субъектив омилга асосий ролни ажратади.

Функционал ва феноменологик парадигмалар социология методологиясида XX аср иккинчи яримида етакчи мавқени эгаллайдилар, лекин кейинги ўн йилликда янги йўналишлар ҳам шаклланмоқдалар.

Шундай қилиб ҳозирда социология методологиясининг ягона ва умумий шакли мавжуд эмас. Бинобарин объект ва муаммоларни ўрганиш хусусиятига кўра турли хил методологик йўналишлар фаолият кўрсатмоқдалар.

Ҳар бир парадигма ижтимоий ҳаётнинг маълум бир томонларини таҳлил қилишда ўзларининг қиссаларини қўшмоқдалар, лекин жамият ҳаётини ҳамма томонларини универсал қамраб оладиган метод ҳали яратилганича йўқ. Ваҳоланки бундай уринишлар кўзга ташланяпти.

Тадқиқотларда қўлланадиган асосий методологик турларни алоҳида таҳлил қилиб чиқишлик муҳим аҳамиятга эга. Методология турларини турли мезонлар асосида ажратиш мумкин. Методологиянинг турларга ажратишнинг энг кенг тарқалган мезони бу таҳлил қилиш ва тадбиқ қилиш даражаси мезонидир. Бу мезон асосида умумий методология, махсус методология ва эмпирик методологияни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Умумий методология фундаментал тадқиқотлар (социал воқелик моҳияти, инсон борлиги ва маданият муаммолари ечими) асосида шаклланади. У социал жараёнларнинг билишни

илпи принциплари ва шаклларини ишлаб чиқиш, назарий ва эмпирик билимларнинг моҳияти, умумметодологик муаммоларини ҳал қилиш, билишнинг турли шакллари ва методларининг аҳамиятларини аниқлашга интилади.

Умумметодологик тушунчалар ва принциплар тадқиқотларнинг барча даражаларида ишлатиладилар, яъни ҳам илпи яхлитлик таҳлили даражасида — жамиятда, ҳам унинг алоҳида соҳалари ва хусусий воқеалар таҳлили даражасида.

Ялпи методология ролига ўз вақтида натурализим ва психологизм, XX аср ўрталарида функционализм ва структурализм, кейинги ўн йилликларда эса реализм даъвогарчилик қилдилар. АКШда функционализм ўзининг етакчи ўрнини сақлаб келмоқда ва ҳозирда у академик социология деб аталади.

Умумий методология билан бир қаторда социаологияда махсус методология ҳам шаклланди. Бу методология объект тадқиқотнинг маълум бир соҳасига тадбиқ қилиш учун ишлаб чиқилган махсус методология бўлиб, у социология фанининг камроқ ривожланган соҳасидир. Унинг шаклланиши социаологияда махсус ва тармоқ йўналишларининг ривожи билан бевосита боғлиқдир. Жамоатчилик фикри, меҳнат муносабатлари, гуруҳ, социал структура тадқиқотларнинг махсус методологияси чуқурроқ ишлаб чиқилган.

Махсус методологик йўналиш сифатида роллик ёндошиш, статусли таҳлил, қадриятли ёки аксиологик ёндошишни, социометрияни эътироф этиш мумкин. Социометрия асосчиси Дж. Морено ўзининг таълимотини умумсоциологик деб таъкидлаган бўлса ҳам, аммо социология тараққиёти этапларида социометрия шахслараро муносабатни тадқиқ қиладиган метод сифатида тан олинди. Амалий тадқиқотлар алоҳида методологияни талаб қиладилар, чунки бу методология нафақат янги билимларга эришиш учун, балки бу билимларни социал амалиётда қўллаш йўналишлари бўлиб ҳам хизмат қилиши даркор.

Эмпирик тадқиқотлар ҳам ўзлари учун алоҳида бир методологияга эга бўлишга эришдилар. Эмпирик тадқиқотларни оддий бир маълумотлар йиғиш ҳақидаги дастлабки тасаввурлар деб талқин қилишлик кўпгина методологик муаммоларни ҳал қилишлик зарурати билан алмашади. XX асрнинг биринчи чорагида америкалик олимлар Додд, Ландберг, Лазерсфельд томонидан ишлаб чиқилган методологик муаммолар эмпирик тадқиқотларнинг предмети, тушунчалари муаммолари ечимининг ҳаракати эди.

П.Лазерсфельд методологияни тадқиқотларда фойдаланиладиган методларнинг оддий бир тўплами эмас, балки тадқиқотлар методини танқидий баҳолайдиган фаолият деб тушунади ва бу фаолият тушунчалар маъносини, назариялар

мазмунини аниқлаш даркор. П. Лазерсфельднинг методология тушунчаси эмпирик тадқиқотларнинг умумий, назарий ва концептуал масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Табиий ва аниқ фанларнинг ютуқларига асосланиб П. Лазерсфельд ва Ландберг эмпирик таҳлилнинг қуйидаги методологик процедураларини: тушунчалар интерпретацияси, операционализацияни ишлаб чиқдиларки, улар эмпирик тадқиқотларнинг амалиётда ўзларининг муҳим ўрнини эгалладилар.

Эмпирик тадқиқотлар методологиясини яратиш ва ишлаб чиқишда асосий эътиборга лойиқ хизмат неопозитивизмга, аниқроғи унинг вакиллари — Ф. Знамецкий ва П. Лазерсфельдга тааллуқлидир.

Умумий, махсус ва эмпирик методологияларни ажратиб кўрсатиш маълум бир маънода шартлидир, чунки кўпгина хусусий йўналишлар умумийликка даъво қилсалар, фундаментал принциплар эмпирик тадқиқотларга айланадилар.

Социология фанининг объектини турлича тушуниш натижасида методологиянинг учта асосий тури шаклланади: тушунтирувчи, таърифловчи ва тушунувчи.

Тушунтирувчи методология умумий қонунларни ёки бўлмаса қонун шаклига эга бўлган объектнинг ҳислатларни белгилайдиган мустаҳкам алоқа ва муносабатларни ўрнатилишини назарда тутади. Бу методология ижтимоий жараёнларни қонунияти мувофиқлигини, социал гуруҳ ва индивидларнинг фаолиятини тан олувчи йўналиш вакиллари томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу йўналишлар томонидан ишлаб чиқиладиган методологиянинг умумий кўриниши бўлиб объективизм, яъни воқеаларни аниқловчи маълум бир омилни объектив деб ажратиш намоён бўлади. Позитивистик-натуралистик методология шундай омил сифатида жамиятнинг табиий асосларини, психологик методология — психологик механизмларни, структур функционализм яхлит системанинг функцияларини ажратиб кўрсатади.

Тушунтирувчи методологиянинг диққат марказида сабабий-оқибатли, системалик, функционал ва ижтимоий жараёнларнинг бошқа детерминантларининг махсус муаммолари ўрин олганлар.

Ушбу методология ёрдамида социологияда сабабий, системали, структур ва функционал йўналишлар ишлаб чиқилади. Бу тадқиқотлар табиий ва аниқ фанларнинг принцип ва методларига таянади ва умумий фалсафий аниқлашликлардан фойдаланадилар.

XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб «фанда системали ҳаракат» бошланади ва у системанинг умумий назариясини яратиш учун турли фан вакилларини ўзаро бирлаштиради.

Бу ҳаракат социологияни ҳам четлаб ўтмади ва унда системали принцип ишлаб чиқиш бошланади. Лекин системали йўналиш

ғояси, жамиятни системали асосда тадқиқ қилиш илгарироқ амалга оширилган эди. Айниқса марксизм бу муаммо билан чуқурроқ шуғулланди.

Системали ва функционал ёндошишлар ғоясини америкалик олим Парсонс ўзининг социал ҳаракат назариясида ишлаб чиққан. У система тушунчасини ижтимоий яхлитликнинг турли даражасидаги ҳаракатнинг натижаси сифатида ишлаб чиқишга интилади. У ўзига ўзи савол беради, қандай қилиб якка ҳаракатлар бир-бирлари билан боғланганлар ва бу алоқаларни қандай концептуал шаклда намоён қилиш мумкин?

Бу саволга Т. Парсонс қуйидаги жавобни топади: шахснинг, маданиятнинг ва жамятнинг системали сифатлари институтционаллаш жараёнида намоён бўлади. Айни шу институтционализация ўзаро ҳаракатнинг уюшган моделининг кўриниши бўлиб, у социал структурани ташкил этади. Система социал ҳаракат интеграция механизмлари фаолият кўрсатиши туфайли мавжуд бўлади.

Функционал методни янада такомиллаштириб ривожлантирган олим бу Р. Мертондир. У «дисфункция ўринбосарлик» тушунчаларини жорий этади ва бунинг натижасида социал воқеаларни таҳлили янада чуқурлашади.

Функционал таҳлил АКШ социологиясида етакчи метод ҳисобланади ва ҳозирда ҳам унинг турли йўналишлари пайдо бўлаяпти ва ривожланаяпти.

Тасвирлаш методологияси социологиядаги билишнинг бошқа асосларидан келиб чиқади. Шундай асос деб, у тасвирлашга бериладиган эмпирик фактларни ҳисоблайди. Билишнинг мезони бўлиб ишончли сезгилар, маълумотларни тўлиқ қамрови, қўлланадиган эмпирик методларни хилма-хиллиги хизмат қилади. Ушбу методологиянинг шаклланиш даври Г. Спенсернинг фаолиятидан бошланади дейилса муболаға бўлмайди. У ўзининг «Социология асослари» асарида ушбу муаммоларни кенг ва чуқур таҳлил қилади.

Тасвирлаш методологиясининг таҳлилини асосий методи — бу классификация, гуруҳлаш, таққослаш, турлаш, системалаштиришлардир.

Тасвирлаш методологияси XX асрнинг биринчи ярмидаги етакчи йўналиш бўлиб шаклланади. Социологлар маълумотлар йиғиш, уларнинг таҳлили ва қайта ишлашлик билан банддирлар. Методология эса эмпирик методларни, ўлчов процедураларини тўплами деб тушунилади.

Эмпирик социологиянинг барқ урган даврида тасвирлаш методологияси умумсоциологик метод ҳолатига даъво қилади, лекин вақт ўтиши билан социологик тадқиқотнинг маълум бир этапи, даражаси ва эмпирик методология сифатида эътироф этилади.

методологиянинг учинчи тури бўлмиш «тушунувчи» ҳақида фикр юритиладиган бўлса шунга яққол амин бўлинадики, у сциенистик ёндошишдан ўлароқ принципиал ёндошишларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади, яъни социал жараёнларни таҳлил қилишликда позитивистик-натуралистик методдан тубдан фарқ қиладиган принципларни шакллантирмоқчи бўлади.

Тушунувчи социология асосларини Г. Зиммель, М. Вебер, феноменологик социаология вакиллари ишлаб чиқишган. Улар инсон фаолиятини ўрганишда табиий фанлар тадқиқотчилари фойдаланадиган методологик принциплардан умуман фойдаланмаслик зарурлигини уқтирадилар, чунки инсон онгли мавжудотдир. Веберниng фикрича социология индивидларнинг англанадиган харакатларини ўрганади, шунинг учун у «тушунувчи» бўлиши лозим. Диққат марказда кузатилаётган ташқи фактлар эмас, балки субъектнинг ички мотивлари, мақсади ва ҳаракатларининг маъноси туриши керак. Бундай шароитда социология маданият ва инсоннинг руҳи ҳақидаги ҳақиқий фан деб ҳисобланади.

«Тушунувчи» методология индивидуалликни социологик ёндошишни марказий пунктига улашга йўналтирилгандир.

«Тушуниш» социологик методология тараққиётининг муҳим бир давридир. Бу йўналиш ҳамон тараққий этаяпти ва эмпирик тадқиқотларнинг социал ҳаракат аспектларини қамраб оладиган кўплаб муаммолар ечимига жавоб излаяпти.

«тушунтирувчи», «тасвирловчи», «тушунувчи» методологиялар социал воқеликнинг турли томонларига мурожаат қиладилар. Тушунтирувчи мустаҳкам алоқа ва муносабатларда ифодасини топган қонуниятли алоқаларга, тасвирловчи кузатилаётган ва фиксация (қайд қилиш) қилинаётган жараёнларга, тушунувчи эса инсон фаолиятининг субъектив ва маънавий аспектларига ўз диққат марказларини қаратганлар. Уларнинг ҳар бирлари социал воқелик моҳиятини социологиянинг объекти сифатида турлича тушунадилар. Бунинг натижасида эса бир-бирига қарши бўлган йўналиш сифатида шаклланадилар ва бир-бирларининг ёндошишлар методларини инкор этадилар, ўз принципларининг устиворлигини ҳимоя қиладилар. Кейинги ўн йилликда турли хилдаги методологик йўналишларни умумий бир методга бирлаштиришни англаш жараёни вужудга келмоқда. Лекин бу жуда мураккаб ишдир, чунки бунинг учун умумий назарий асос зарур ва социал воқелик моҳиятини, инсоннинг социал борлиғини турли хил томонлар, шакллар муаммоларини ечимини топиш лозим.

Методологиянинг муаммоси бўлиб ҳозир ҳам объективлик ва субъективлик муаммоларининг баҳслари сабаб бўлиб келмоқда. Бу муаммо ўта муҳим аҳамиятга эга, бинобарин уни ҳал қилиш

билиш жараёнидаги объективлик, субъективлик ва эмпирик аспектларни кенг қамровли масалаларини ойдинлаштиради.

Эътиборни шундай бир факт ўзига тортадики, узоқ вақт давомида етакчилик қилиб келган «тушунтирувчи», «тасвирловчи» методологияларнинг таъсирида социал жараёнларни ўрганиш объективизмга, яъни социал жараёнлар инсон онгига нисбатан бирламчилик позициясидадир деган ақида ҳукумронлик қилиб келади. Инсон ўзининг бутун маънавий — маданий ҳислатлари билан социологик таҳлилдан ажратиб қўйилади. Инсон муаммосини қайта англаш зарурлигини ҳозирда кўпгина йўналишлар тан олмоқдалар.

Замонавий динамик жамиятда бозор механизмининг ижтимоий-маданий моделини тадбиқ қилиш, турмуш тарзи, социал муносабатлар ва бошқарувни тубдан ўзгартириш даркор. Бу эса аниқ башоратлар қилиш, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, замонамизнинг энг актуал муаммоси — «анъанавий» ва «замонавий» турдаги жамиятлар ўзаро ҳамкорлигининг имкониятини яратишга сабаб бўлади.

Юқорида билдирилган фикрларга якун ясаб социология методологияси тараққиётининг асосий йўналишларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Социологик билишнинг мультипарадигмасини, яъни ягона универсал методологиясини яратиш.

2. Ижтимоий ҳаётнинг ижтимоий, маданий, маънавий томонларини билиш принципларини ишлаб чиқиш, субъективлик соҳасига чуқурроқ эътибор бериш.

3. Социологияда фаннинг илмийлик мезонини яратиш, турли хил тушунча ва ёндошишларни билимнинг яхлит структурасига бирлаштириш воситаларини ишлаб чиқиш.

4. Эмпирик тадқиқотлар методологиясини назариялар ютуқлари билан бойитиш ва яширин жараёнларни ҳам тадқиқ қилиш имкониятларини излаб топиш.

4. СОЦИОЛОГИЯ МЕТОДИ

Агарда назария социал воқеликни тушунтирса ва унинг тараққиётини башорат қилса, методология билишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқса, метод эса билимларга эришиш ва воқеликни тубдан ўзгартириш учун ўзига хос бўлган асбоб-ускуна бўлиб хизмат қилади. Болгариялик социолог Никола Стефанов таплаганидек, фан тарихида бир анъана борки, у орқали ҳар қандай янги пайдо бўлган фан аввалambор метод нуқтаи назардан баҳоланади. Бу тасодиф эмас, чунки фаннинг амалийлиги метод орқали намоён бўлади ва метод фаннинг ютуқларидан амалий

фойдаланишлик учун ҳурмат қилади. Метод бу маълум бир билим воситаларни (фикрлашлик, предметлик, белгичилик) концепциал қўллаш бўлиб, унинг асосий вазифаси янги билимларга эришишини таъминлашдир. Бошқача сўзлар билан айтганда метод бу билишда керакли натижаларга эришиш воситаси ёки воқеликни тубдан ўзгартириш воситасидир. Ҳар бир метод ўзида билиб олинган қонуниятлар, хусусиятлар ва алоқаларни мужассамлаштирган бўлиб, улар унинг объектив томонини ташкил қиладилар. Улар асосида шаклланган усул, восита ва қоидалар субъектив томон деб аталади.

Томонларни объективлик ва субъективликка ажратиш методнинг моҳияти ва структурасини тушуниш учун жуда муҳимдир. Объектив томон шундай назарий асосларни ўзида ифода этадики, улар фан томонидан ҳозирда ишлаб чиқилган.

Объектив томон бу нафақат усул ва қоидалардир, балким яна тадқиқотнинг маълумоти даражаси, дунёқараши бўлиб, улар инвидуал-шахсий алоҳидалик билан ҳам боғлиқдирлар. Бу икки томон бир-бирлари билан ўзаро диалектик муносабатдадирлар.

Объектив томон билимлар системасида ўрнашган бўлиб, методда тўлиқ реализация қилинмайди, чунки у методга нисбатан салмоқлирокдир. Шу билан биргаликда ушбу система асосида бунёд бўлган метод ўзининг ривожланишида албатта унинг чегарасидан чиқиб кетади ва уни ўзгаришига олиб келади.

Социологияда объективлик ва субъективлик ўзаро ҳаракатлари мисли кўрилмаган мураккаб характерга эга бўлади, чунки метод субъектни 2 та аспектда: ҳам билувчиликда, ҳам билинишда кўриб чиқади. Бунда билиш жамиятни таҳлил қилиш даражасидан, турли соҳа хусусиятларидан (иқтисодий, сиёсий, маънавий), ички ва ташқи воқеалардан, кузатилаётган ва кузатилмаётган жараёнларга боғлиқдир.

Социологик методни шаклланишидаги бошқа бир мураккаблик фаннинг ўз-ўзини белгилаш жараёнлари, унинг назария ва методологияларини энди оёққа туришлиги билан боғлиқдир.

Назарий ва методологик плюрализм шароитларида турли хил социологик методлар шаклланадилар. Социологик метод моҳияти, унинг бошқа фанлар методига нисбатан хусусиятлари масаласи кўпгина социологлар фикрини банд этди ва социал воқеликнинг умумназарий тасаввурларини социологиянинг объекти сифати деб талқин қилишлик билан ҳал қилинишга ҳаракат қилинаяпти.

Метод структурасида объективлик ва субъективлик томонларидан ташқари яна тадқиқотнинг объекти, предмети ва воситалари ҳам мавжуддирлар. Объект ҳақидаги масалани ҳал қилишлик методни қўллаш даражаси ва кўламини белгилайди.

Социологияда фаннинг тўлиқ, яхлит объектини қамраб оладиган метод ишлаб чиқилган эмас, ваҳоланки шундай методни яратиш ҳаракатлари бошланиб кетган. Ўз вақтида позитив, психоаналитик, натуралистик, эмпирик ва бошқа йўналишлар социологияда умумийликка даъвогарлик қилдилар, лекин вақт ўтиши билан уларни статуслари социология тадқиқотларини маълум бир соҳаси деб эътибор этилди.

— Методнинг объекти ҳам жамият ҳам унинг алоҳида соҳалари, шунингдек маълум бир воқеа ва жараёнлар намоён бўлишлари мумкин.

Методнинг предмети бўлиб объект моҳияти ҳақидаги билимларга эришиш учун маълум бир билиш воситалари ва ҳаракатлари тартиблаштирилган ва асосланган қўлланиш хизмат қилади. Билиш воситалари тушунчасига тадқиқот воситалари (бланка, анкета, аппаратура, техник воситалар) белгилар системаси, тафаккурнинг мантиқий шакллари ва тушунчалар киради.

Социологик метод структурасида шунингдек қўллашнинг мазмуни ва мақсади натижаларини ажратиб кўрсатиш лозим. Айнан методнинг мазмуни туфайли социал воқеаликни ташкил қилиш чоғида бошқа фанларга нисбатан социологик ёндошишнинг хусусиятлари кенг кўламликроқ намоён бўлади. Методнинг мазмуни социологиянинг назарий билимлари тушунчалари ва категориялари ёрдамида белгиланади.

Мазмун методининг объект ва предмети, унинг мақсади процедураларнинг изчиллиги ва мантиқий эмпирин маълумотларни интерпретация қилиш воситаларини белгилайди.

У ёки бу методнинг эффективлиги (сермаҳсуллиги) социологиянинг назарий методологик асосига боғлиқдир. Хорижий назариётчиларнинг тадқиқотларида шундай қарашлар мавжудки, унга мувофиқ метод шаклланган услубиятларнинг тўплами бўлиб, бу тадқиқотчининг назарияси билан боғланган. Маълум бир маъно ва шароитларда социологик методнинг усуллари ва процедуралари нисбатан назария ва методологиядан ҳоли бўлиши мумкин, лекин уларни қўллаш, натижаларини қайта ишлаш тадқиқотчининг концепцияси, методнинг назарий моделига боғлиқдир.

Неопозитивизмнинг энг муҳим хизматларидан бири — бу эксперимент, кузатиш, ҳужжатларни ўрганиш ва сўров методларини ишлаб чиқиш бўлди. Социологик тадқиқотларнинг амалиёти эмпирик методларни билиш имкониятларини юзага чиқарди. Шу билан биргаликда макро ва микро социологиялар шакллана бошладилар, яъни жамият ҳаётининг таҳлил қилувчи билимларнинг турли даражалари вужудга келдилар. Ушбу

даражаларни муносабатларини мувофиқлаштириш, турли хил эмпирик тадқиқотлар натижаларини умумсоциологик билимларга боғлаш муаммолари келиб чиқди. Бу ҳамма муаммоларни структур функционализм ҳал қилишга ҳаракат қилади.

Янги умумий ёндошиш яратиш учун система-функционал мактаблар социологиянинг барча ютуқларини қайтатдан таҳлил қилиб чиқадилар, чунки ҳаракатнинг умумий аналитик назарий системасини яратиш социал воқеликни барча турли-туманлигини қамраб олишликни тақозо этади.

Шунингдек айни вақтда, системалик ва структур ёндошишлар вужудга келадилар. Т. Парсонс, Р. Мертон ва структур-функционал ёндошишнинг бошқа вакиллари социал ҳаракатнинг субъектив аспектларини методнинг компоненти (элементи) сифатида талқин қиладилар. Аммо умуман олганда системали, структур ва функционал ёндошувлар социал ўзаро ҳаракатнинг объектив ва мустаҳкам шаклларига йўналтирилганлар. Шунинг учун, ўзининг академик социология деган мавқеига қарамасдан структур функционализм умумий, ялпи методга даъвогарлик қила олмайди.

Ялпи умумий ёндошишларни социологиядаги бошқа йўналишлар ҳам ишлаб чиқишга ҳаракат қилганлар. Бу мақсадда улар философияга, К. Маркснинг диалектик материализмига, Гуссерлнинг феноменологияси К. Ясперс ва М. Хайдеперларнинг экзистенциализмига муожаат этадилар. Шу билан бир қаторда О. Конт, Э. Дюкргейм, М. Вебер ва бошқа социологларнинг илмий меросларини қайтатдан таҳлил қилиш жараёнлари ҳам сезиларли даражада кучаяди.

Социологиядаги диалектик метод турли оқим вакиллари: Хоркхаймер, Фромм, Маркузе, Гурвич ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилгандир. Улар социал жараёнларнинг, эмпирик билишнинг хусусиятларини акс эттира оладиган диалектиканинг янги категорияларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдилар. Социология диалектик методи рационал ва иррационал, онгли ва онгсиз, реал ва номинал, индивидуал ва ижтимоий каби тушунчалардан фойдаланган ҳолда социал жараёнларни муҳим томонларини тадқиқ қилади.

Социологик методининг яна бир алоҳида хусусияти шундаки, уни объективлик ва субъективлик ўзаро ҳаракати махсус бир характерга эга бўлади. Социологик методни диққат марказида инсон ва унинг ҳам табиий, ҳам ижтимоий олам билан ўзаро ҳаракатининг турли шакллари ётади. Методларни объективлик ва субъективликка бўлиш методологларни шундай ёндошишларни излашга мажбур қиладики, улар социал жараёнларни ҳам объектив ва субъектив томонларни қамраб олишлари керак бўлади.

Шундай ёндошишлар деб рамзий ёндошишларни ва кейинги пайтларда интенсив ишлаб чиқилаётган структуралистик методни эътироф этиш мумкин.

Структура тушунчасига нафақат гуруҳлар, муассасалар, муносабатлар, маънавий омиллар, менталитет, тилнинг маънолик ва тушунишлик аспектлари ҳам кирадилар. Структуралистик метод яна инсонларнинг социал хулқ-атворини миллий-маданий хусусиятларини ҳам таҳлил қилади.

Социологик методни яна бир хусусияти унинг кўп даражалиги социал воқеликни қамраб олишдаги турли-туманлик, воқеалар тадқиқотида умумийлигини таъкидлаш мумкин. Фанда методларни назарий ва эмпирик жиҳатларга ажратиш мавжуддир. Назарий методларга билишнинг мантиқий-маънавий тушунчалири, таҳлилий дедуктив ва индуктив ва бошқа шаклларига асосланган методлар тааллуқлидир. Яна улар сафига рационал, бирлаштириш, тарихий-генетик таққослаш ва бошқа методларни қўйиш мумкин.

Эмпирик методларга эса воқеликни ўрганилаётган соҳаси билан бевосита хиссий чин мулоқотда бўлган методлар тааллуқликдирлар.

Назарий методлар одатда социал воқеликни, унинг тамойилларини яхши қамраб олишга интилади, умумийлик хусусиятларини тадқиқ қилади. Эмпирик методлар микрожараёнларни гуруҳлар, индивидлар, конкрет институтлар фаолият даражасида ўрганади.

Социологик методларни турлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу турларнинг асоси бўлиб методнинг муҳим компоненти — мазмун хизмат қилади. Бу асос бўйича фундаментал, махсус эмпирик методларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Агарда тушунчалар ўзларида социал воқеликни моҳиятини яхлит мужассамлаштирсалар унда бундай методлар социологияда фундаментал метод ролига даъвогарлик қиладилар.

Кейинги ўн йилликда умумсоциологик фундаментал метод ролига феноменология ва реалистик ёндошувлар даъвогарлик қиляптилар. Айниқса реалистик ёндошувлар тарафдорлари кейинги йилларда кўпайиб бормоқдалар. Реалистик ёндошувнинг моҳияти қуйидагича. Социология фанининг объекти бўлиб ранг-баранг омиллар хизмат қиладилар, уларни эса бир-бирларидан фарқлаш зарурдир. Масалан инсоннинг ҳаракатлари, интилишлари, режалари ва бошқа омиллардир. Бунинг учун эса реаллик, ҳақиқийлик ва эмпирикликни ажратиб олиш керак.

Махсус методлар деб ижтимоий ҳаётни ўрганишда ва уни

тубдан ўзгартиришда қўлланилаётган методлар айтилади. Амалий социология ва тармоқ йўналишларнинг шаклланиш жараёнларида махсус социологик методлар яратилади. Улар ижтимоий ҳаётнинг аниқ бир соҳасига йўналтиришган бўлиб, маълум бир муаммолар тадқиқ қиладилар. Турли хил назарий-методологик йўналишлар доирасида инсоннинг хулқ-атвори гуруҳ, маълум бир институт: ҳокимият, бошқарув, оила, социал муносабатлар: конфликт, бирдамлик ва бошқалар ва бошқаларни тадқиқ қиладиган методлар ишлаб чиқиляпти.

Амалий тадқиқотлар методининг марказий муаммоси бу назарий ва эмпирик билимларни конкрет, ҳаммабоп ҳисларга айлантириш ва уларни социал механизмга қўллаш муаммосидир. Социология фанининг муҳим бир методи бўлиб эмпирик методлар намоён бўладилар. Эмпирик социологик метод бу аниқ социал факторларни белгилаш дастлабки социологик маълумотларни олишдир. Методика эса методлар тўплами бўлиб, ундан ушбу тадқиқотларда фойдаланилади. Техника эса тадқиқотларда эмпирик методлардан унумли фойдаланиш усулидир. Эмпирик методларни социологик маълумотларни йиғиш методи, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш методларига ажратиш мумкин. Уларнинг биринчисига сўров, кузатиш, ҳужжатларни ўрганиш, эксперимент тааллуқли бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг объектига эга ва жараёнларнинг маълум бир томонини ўрганишга қаратилган, сўров методининг диққат марказида инсонларнинг қарашлари, мотивлари, яъни субъективлиги намоён бўлса, кузатув кўпроқ инсонлар хулқ-атворини, ҳужжатларни ўрганиш методи эса воқеаларнинг гувоҳланганлигини қайд қилинганлиги билан қизиқади. Ва ниҳоят эксперимент метод жараённи яхлит таҳлил қилиб, воқеаларнинг чуқур алоқадорлигини юзага чиқаради.

Эмпирик методлар эмпирик воқеликни бевосита ўрганса ҳам, аммо лекин метод мазмуни унинг тадқиқотдаги ўрни, шунингдек натижалар тадқиқотчининг назарий позицияси, тадқиқот концепциясибилан белгиланади.

Эмпирик методларда формал ва мазмунли томонларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Формал томон маълум бир стандартлаштирилган усулларни: саволлар тузишни, ёзма ва оғзаки анкета ўтқазишни, олинган маълумотларни қайта ишлашни тўпламини ифода этади. Лекин методнинг мазмунли томони тадқиқотчининг назарий дунёқараш ва бошқа қарашлари билан боғликдир. Масалан, неопозитивизм индивид хулқ-атворини социология фанининг предмети деб ҳисоблаб уни

ўрганиш негизида социал ўзаро харакат назариясини яратишга харакат қилди. Шунинг учун бу йўналиш асосий метод сифатида кузатиш методини эътироф этади. Феноменологик социология эса социологиянинг предмети сифатида ментал жараёнларини тан олиб, неопозитивизм ишлаб чиққан эмпирик методларни танқид қилади. Энг мос келадиган эмпирик метод деб, бу йўналиш кузатишларида иштирок этиш, лабораториядаги шароитда эксперимент ва тасмага (плёнка) ёзиб олинган нутқий ўзаро харакат таҳлилини ҳисоблайди. Шундай қилиб назарий бахслар ўз ифодаларини эмпирик методларда намоён қиладилар. Эмпирик методлар доимий равишда ривожланяптилар, янги назариялар негизида янги эмпирик методлар вужудга келмоқдалар.

Эмпирик тадқиқотлар ўтказиш натижасида сўров, кузатув, эксперимент ва ҳужжатларни ўрганиш методларини қўллаш туфайли турли жараёнларнинг хислатлари, структураси ва муносабатлари ҳақида эмпирик маълумотлар тўпланади. Бу маълумотларни таҳлил қилиш учун математик ва статистик методлар мажмуаси ишлатилади. Бунда хал қилувчи роль группалаш, регрессив, корреляцион, факторли таҳлиллар, шкала методи ва бошқаларга тааллуқлидир.

Математик методлар социология фанига шиддат билан кириб келмоқда. Лекин уларнинг қўлланиши билан боғлиқ бўлган айрим муаммолар ҳам пайдо бўлмоқдалар. М. Кендал социал объектнинг математик тасаввурини 2 хил кўринишдаги қийинчиликларини ажратиб кўрсатади. Биринчиси тўпламлик муаммосидир, яъни воқеаларда кўплаб компонентлар (қисмлар) иштирок этишади ва улар қайси бирлари шу воқеага тааллуқлидир ва қайси бир бошқаси бу воқеа билан вақтинчалик боғлиқ. Иккинчиси бирлаштириш муаммоси бўлиб, унда социал системанинг қайси бир элементи асосий деб ҳисоблашимиз керак. Буни ечимини топиш жуда мушкулдир.

Лекин шунга қарамай математик воситаларни социологиядаги ўрни ва миқдори салмоқлидир, ҳозирги социологияда бутун бир йўналиш математик методларини қўллаш масаласини ишлаб чиқаяпти. Математик методларни қўллаш натижасида социологияда қуйидаги масалалар хал этилади: танлаш (выборка) хисоби, олинган маълумотлар таҳлили, моделлаштириш ва ўлчов. Ушбу масалалар социологиядаги математик методларни қўллашнинг долзарб муаммолари деб тан олинади.

Шундай қилиб социологик метод ҳақида фикрларга якун ясаб хулоса чиқариш мумкинки, бу соҳа муаммолари социологияда муҳим ўрин тутади. Уларнинг такомиллашиб, ривожланиб бориши ижтимоий хаётнинг турли томонларини ҳам яхлит, ҳам алоҳида илмий таҳлил қилишлик маълум бир муаммоларни ечишга амалий тавсиялар бериш мумкин.

II БОБ. СОЦИОЛОГИЯДА МАХСУС ЙЎНАЛИШЛАР

1. ШАХС

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач ижтимоий фанлар олдига шу соҳанинг ҳар бир долзарб ҳисобланган мавзуларини янгича ёндошув асосида очиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек социология фанида шахсни ўрганиш шу фаннинг аоссий мақсад ва вазифаларини белгилашни асосини ташкил қилади.

Социология фанида шахс ижтимоий муносабатларнинг мажмуи, яъни жамият махсули сифатида ўрганилади. Шу сабабли шахс тушунчаси социология фанининг объекти ва субъекти сифатида шу фаннинг асосий марказида бўлади. Индивид сифатида намоён бўлган мавжудот ижтимоий муҳит таъсирида шахс сифатида шаклланади. Индивиднинг жамият билан ўзаро муносабати уни маълум бир социал жамоа вакилига айлантирувчи турли гуруҳлар. Бу муносабатни амалга оширишда мулоқат асосий роль ўйнайди, социал гуруҳлар орқали амалга ошади. Чунки мулоқат шахснинг асосий ижтимоий муносабатлар системасида назарий ва амалий билимларни эгаллашида унинг шу системадаги ўзининг мақомига эга бўлишида, фаолияти жараёнида ва кундалик турмуш тарзида асос сифатида хизмат қилади. Шу билан биргаликда шахс мулоқат орқали ўзининг шахс сифатида шаклланганлигини ва бошқа шахсларнинг ижтимоий муҳитининг ҳақиқий субъекти ёки унинг ижрочиси сифатида шаклланган тўғрисида тушунчага эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли шахс жамиятдаги барча муносабатларнинг шаклланиши ва социал динамик характерини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Демак шахс кишининг ҳаёт кечириш шароитларида социал гуруҳлар, социал институтлар, социал ташкилотлар таъсирида фаолият жараёнида шаклланади. Шахснинг шаклланишида гуруҳлар ва жамоалар етакчи роль ўйнайди. Шахснинг шаклланиши биринчидан унинг ривожланиш даври ва унинг натижаси, иккинчидан шахсни мақсадга йўналтирилган тарзда тарбияланишидан иборатдир. Шахснинг ривожланишини унинг фаолиятида ўзгариб турувчи эҳтиёжлари билан уларни қондиришнинг имкониятлари ўртасидаги зиддиятларда аниқланади.

Шахс конкрет социал муносабатлар субъекти сифатида намоён бўлиши инобатга олинадиган бўлса, шахснинг асосий социал сифатлари конкрет социал гуруҳлар, жамоалар фаолияти ва муносабатидан таркиб топади. Шу сабабли шахсринг социал сифатлари учта кичик системадан иборатдир: шахснинг

индивидуаллиги, унинг шахслараро муносабатлари ва муносабатлар субъекти сифатида мавжуд бўлиши.

Шахснинг индивидуаллиги ундаги характер, ирода, дунёқараш, фаолият жараёнидаги баъзи бир хусусиятлар билан белгиланади. Ундаги индивидуал хусусиятлар унинг амалий фаолиятида намоён бўлади.

Индивидуал хусусиятлар амалий фаолиятлар жараёнида ташкилотчилик ва бошқарувда шу фаолиятни асосий характерини белгилайди. Бу хусусият объектдаги социал муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Социологик тадқиқотлар натижасини ички ёки ташқи кузатиш методлар орқали унинг индивидуал хусусиятини билиш шахснинг ижтимоий фаолият жараёнидаги ролини белгилайди.

Шахснинг шахслараро муносабати шу муносабатлар системасини элементларидан бири эканлигини билдиради. Шахслараро муносабат шахснинг ривожланишини унинг комил инсон сифатида таркиб топишини асоси сифатида хизмат қилади. Шу сабабли шахснинг шахслараро муносабатлар шахсда инсонийлик, поклик, ростгўйлик, самимийлик каби хислатларни шаклланишида ва такомиллашиб боришида алоҳида ўрин тутади.

Шахснинг ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида мавжуд бўлиши унинг шу муносабатлардаги субъект сифатидаги мақомини белгилайди.

Шахс маълум социал хусусиятли ҳодисаларнинг оқибатигина эмас, балки сабаби ҳамдир. Жамиятнинг тарихий шаклланган турининг иқтисодий, сиёсий, идеологик ва социал сифатлари ўзгаради ва турлича намоён бўлади. Ҳар бир шахснинг социал сифатлари, унинг амалий фаолиятининг мазмун ва характерини белгилайди. Айнан фаолият жараёнида киши атрофидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ишлаб чиқади. Социал хусусиятлар шахснинг ички ҳолати таъсирида унинг фаолиятида ўраб турган воқеаликка шахсий муносабат сифатида намоён бўлади. Социал хусусиятлар бу маълум социал муҳит шароитларида индивидлар орасидаги ўзаро таъсирлар жараёнида юзага келган алоқалар системасидир. Шахснинг социал хусусияти кишининг фаолияти ва хатти-харакатида, унинг социал сифати шаклида намоён бўлади. Шахснинг социал сифати ўзида маълум тарзда ўзаро боғлиқ ва шахснинг бошқа одамлар билан конкрет тарихий шароитларда маълум тарзда шартланган элементлари мажмуасини намоён қилади. Шахснинг социал сифатларини ташкил қилувчи элементларга, шахс фаолиятининг социал белгиланган мақсади: ўз фаолияти жараёнида амал қилувчи норма ва қадриятлар; фойдаланадиган белгилар системаси; ўз ролини бажариш ва ташқи дунёга нисбатан эркин ҳаракат қилиши учун ёрдам берувчи билимлар мажмуаси: билим ва қарор қабул қилишда мустақиллик даражаси киради.

У ёки бу социал жамоага кирувчи шахсларнинг такрорланувчи, моҳиятли социал сифатлари мажмуасининг умумлашган акси «шахснинг социал тури» тушунчасида ифодаланади, ҳар бир одам шахсий фикр ва мақсадларига гоя ва туйғуларига эга. Бу индивидуал ҳислатлар унинг хатти-ҳаракати, мазмуни ва характерини белгилайди. Индивид тушунчаси орқали одатда у ёки бу социал жамоанинг якка вакили ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари бу тушунча таркибига кирмайди. Шахс эса инсон моҳиятининг конкрет ифодаси бўлиб, маълум жамиятнинг социал муносабат ва социал хусусиятларининг маълум тарзда амалга оширилган умумлашмасидир. Социология учун шахснинг фақатгина индивидуал эмас, балки уларнинг фаолият жараёнидаги ҳаракатида намоён бўладиган социал ҳислатлар аҳамият касб этади. Социологик тадқиқотлар объекти бўлиб алоҳида шахсларнинг манфаат ва муносабатлари эмас, балки ўхшаш социал характеристикали, ўз фаолиятларини ўхшаш объектив шароитларда амалга оширувчи кишиларнинг манфаат ва муносабатлари, уларнинг конкрет тарихий шароитларда намоён бўладиган манфаат ва муносабатлари хизмат қилади.

Шахс манфаати — бу индивид фаолиятининг у ёки бу эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ йўналганлигидир. Манфаат шахсни мавжуд шароитда ҳаёт шаклини ўзгартириш ёки сақлаш учун курашишга ундовчи ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Манфаатлар асосида кишиларнинг эҳтиёжлари етади. Улар социал қонунлар талабларини ифодалайди, бунинг натижасида манфаат эҳтиёжни англашда муҳим омил сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари манфаатлар шаклланиши босқичида маълум шароитларда уларни амалга оширишнинг йўл ва усулларини танлаш аниқланади. Социал қонунлар манфаатлар орқали шахс фаолияти жараёнидаги харакатида акс этади. Манфаатнинг тўрт тури фарқланади. Муносабат манфаат шахснинг фаолияти жараёнида у ёки бу объектдаги воқеа ва ҳодисаларга нисбатан кизиқувчанлигини англатади. Муносабат манфаат шахсда шу воқеаликка нисбатан эътиқодини шаклланишидан пайдо бўлади. Шу сабабли муносабат манфаат ижтимоий муносабатлар системасида муҳим ўрин тутади. Муносабат манфаат шахсда шаклланганлигига кўра икки кўринишида фарқланади. Биринчиси асосий муносабат манфаат бу шахснинг ҳаёт фаолияти жараёнида мақсад ва вазифасини белгилаб олиб қилган ҳаракатларини ўз ичига олади. Иккинчиси ёрдамчи ёки иккинчи даражадаги муносабат манфаат. Бу шахснинг фаолияти жараёнида ўзининг мақсад ва вазифаларини белгилаб олиб қилган ҳаракатидан ташқарида ёки ундаги бошқа воқеликка қизиқишини билдирадиган манфаат.

Ҳаракат манфаат шахснинг у ёки бу фаолият соҳасида қатнашишида намоён бўладиган манфаат. Бу манфаат шахснинг фаолият жараёнини активлиги ёки пассивлигини билдиради. Шунингдек ҳаракат манфаат мақсадли ва мақсадсиз бўлиши мумкин. Мақсадли жамиятда шахснинг маълум бир олий мақсадни ўз олдига қўйиб қилган ҳаракати. Мақсадсиз ўз бошланғич фаолияти билан чекланиб қолган ва тор доирадаги ҳаракат манфаат.

Таянч манфаат шахснинг бошқа шахслар, гуруҳлар билан узоқ, социал таъсирлашув жараёнида шаклланган ва турли вазиятларда ўз йўналишини сақлаб қолган манфаат. Шахсда манфаатнинг бу тури шаҳслараро, гуруҳлараро муносабатларда маълум бир фаолиятда ёки ижтимоий муносабатларда шаклланади ва социал динамик хусусиятга эга бўлади. Таянч манфаат шахснинг социал фаолиятини динамикасини асосини ташкил қилади. Шу билан биргаликда таянч манфаат шахсда ўз фаолияти ва ҳаракатига нисбатан кучли эҳтиёжни шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Таянч манфаат шахсда ўзининг имкониятларини юзага чиқаришда, унда стереотипларни шаклланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Йўналиш манфаат, манфаатлар ичида жуда маракаби ҳисобланади чунки шахс манфаатларидан бирини танлаши шу манфаатга боғлиқдир. Манфаатлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, уларни алоҳида-алоҳида ажратиб бўлмайди шу сабабли йўналиш манфаат шахсдан манфаатлардан ўзининг имкониятлари ва даражасига қараб бирини яъни ўзи учун муҳимини танлашни талаб қилади. Шахс манфаатлари маълум бир ижтимоий муҳитда шаклланади ва социал динамик хусусиятга эга бўлади. Ижтимоий муҳитнинг ўзгариши шахсдан ўз манфаатларини ўзгартиришни талаб қилади.

Шахс ўз манфаатларини янги социал вазиятда ўзгартира олмайдиган ҳолатларда уни ўзгартиришга мажбур қиладиган социал адаптация механизми ишга тушади. Социал адаптация механизмлари шахсда ўзгарган шароитга шахсий муносабатини шакллантириш имконини беради ва шу билан бирга шахс фаолияти натижасида келиб чиқадиган кескинликни юмшатиш имконини беради.

Шахс структурасининг муҳим ташкил этувчилари хотира, маданият ва фаолиятдир. Хотира — бу шахс ҳаёт йўли жараёнида ўзлаштирган назарий ва амалий билимлар системасидир. Бу тушунча мазмуни воқеликни ҳам, илмий билим ҳам, амалий билишнинг маълум системаси сифатида акс эттиришни ташкил этади. Шахсда билим олдига қўйган мақсадлари характерига кўра шаклланишидир. Шу сабабли шахсда билишнинг шаклланиш унинг фаолияти жараёнида шу фаолиятни мақсад ва

вазифаларини тўғри тушуниб етишга, онгли тарзда ёндашувга, ўзи фаолиятда бўлаётган объектдаги социал муаммоларни англаб етишига фаолият даражасини объект талабидан келиб чиқиб шакллантиришида асос бўлиб хизмат қилади. Шахснинг маданияти унинг фаолияти жараёнида амал қиладиган социал норма ва қадриятлар мажмуасини ифодалайди. Маданият тарихий босқичларда социал гуруҳларнинг ҳаракатлари натижасида фаолият жараёнида шакллапади. Унинг ҳарактерли хусусияти айнан объектга тегишлигидир яъни ҳар бир жамият ўз маданиятига эга бўлишидир. Унинг асосини норма ва қадриятлар ташкил қилади. Фаолият субъектнинг объектга мақсадли таъсиридир. У доимо субъект активлиги билан боғлиқдир. Фаолият шахснинг социал хатти-харакатини белгилайди ва маданият билан чамбарчас боғлиқдир. Шу билан бирга улар шахснинг эҳтиёж ва манфаатлари орқали баҳоланади ва унда қониқиш қиссини пайдо қилади. ғониқмаслик шароитларни ўзгартиришга ва уларни ўз эҳтиёжларига мослаштиришга интилаётган шахс фаолиятини белгилайди. Фаолият, ҳам объектив, ҳам [illegible] характер касб этади. Объектив ўзида мақсаллар ма[illegible]и, ижтимоий тараққиёт манфаат ва эҳтиёжларини иф[illegible]. Улар социал жамоалар томонидан амалга оширилади [illegible]тив характери шахс манфаатлари ва мақсадлари мажм[illegible] ғадриятларни англаш ва ўзлаштириш шахс эҳтиёжларин[illegible] даражасидир. ғадриятли йўналиш фаолият шартини ш[illegible]ради, натижада унинг социал харакати йўналишини [illegible]айди. Инсон интиладиган қадриятлар, кўпинча унга [illegible] қадрлики, у учун инсон ҳар қандай қаршиликк[illegible]ин. Бундай қадриятларга эркинлик, тенгли[illegible]лар мисол бўлади, улар ҳам ижтимоий, ҳ[illegible]қиқий куч сифатида намоён бўлади. Шу са[illegible]тда қабул қилинган норма ва қадриятлар [illegible]ан шахсий муносабатлар социал муносабат[illegible]и. Социал муносабатларнинг шахслараро му[illegible]а келиши жамиятдаги барча тизимларнинг [illegible]ва уларни ривожланиб боришини таъмин[illegible] социал муносабатларни субъекти сифатида [illegible]ни характерли ҳусусиятини белгилайди. Шу сабабли [illegible] муносабатлар индивидуал ва социал муносабатга фа[illegible]. Индивидуал муносабат айнан шахснинг жамия[illegible]барча социал муносабатларга нисбат шаклланган қарашларини асосини ташкил қилади.

Шахсларнинг ўзаро таъсир жараёнида фақатгина мавжуд социал муносабатларни амалга оширибгина қолмай, балки янги муносабатларни ҳам юзага келтиради. Шахсларнинг индивидуал муносабатларини, социал муносабатлардан ажратиб тушуниб

бўлмайди. Индивидуал муносабатларга социал система таъсири характери билан боғлиқдир. Шахсларнинг жамият фаолиятининг турли даражаларида шаклланадиган социал муносабатларида жамият тараққиётининг объектив социал қонуниятлари у ёки бу даражада намоён бўлади, ҳар бир одам у ёки бу тарзда турли даражадаги социал системаларнинг шаклланиши таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида одамлар доимо бир фаолият сохасида ўзлаштирилган қадрият, норма талаблари билан бошқа соҳадаги талаблар билан мувофиқлаштириш заруриятига дуч келишади. Маълум муҳитда қабул қилинган норма ва қадриятлар бошқа муҳитга тўғри келмайди.

Жамиятда шахс социал тарихий қадрият сифатида кўриниши ва унинг элементлари эса доимо ривожланиш, ўзаро таъсирида бўлиб, система ташкил этиши мумкин. Бу элементларнинг ўзаро таъсири. Эътиқод шахснинг ўзининг фаолияти ва ҳаракатлари ижтимоий муносабатлар системасида шаклланган тизимларга нисбатан муносабатларини билдиради. Айнан шахсда эътиқодни шаклланганлик даражаси социологик тадқиқотлар учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки шахсда шаклланган эътиқоднинг даражасига қараб унинг фаолият жараёнидаги ҳаракатлари мақсади ва вазифаларини билиш. Эмпирик социологик тадқиқотларнинг объективлигини билдиради, унинг натижаси эътиқод шаклланади. Шахс эътиқоди ёрдамида ўзининг социал хусусиятларини намоён қилади.

Жамият ва шахс мақсадлари орасидаги боғловчи у ёки бу социал система бўлиши мумкин. Шахснинг жамиятга, социал жамоаларнинг турли типларига маданият элементлари, социал норма ва қадриятларни ўзлаштириш орқали содир бўладиган жараён ижтимоийлашув деб аталади. Индивиднинг социал ташкилот элементи бўлиши қай тарзда рўй беришдан, бир томондан, социал ташкилотнинг шахсга таъсир этиши қобилиятни шаклланиши, иккинчи томондан шахснинг бошқа одамлар таъсирига берилиши қобилиятини шаклланишига боғлиқдир.

Шахс ижтимоийлашув жараёнини икки босқичга яъни социал адаптация ва социал интериоризацияга ажратиш мумкин. Биринчиси, индивиднинг социал шароитларга, функцияларга, социал нормаларга, социал гуруҳларга, ташкилот ва институтларга, яъни муҳитга мослашдир. Социал адаптация жараёни асосан оилада бошланади ва шаклланади. Оиладаги ҳар қандай муносабатлар шахснинг ижтимоийлашув жараёнида ўз аксини топади. Шу саббали индивиднинг шахс сифатида шаклланишда оила асосий роль ўйнайди. Иккинчиси, социал норма ва қадриятларнинг индивиднинг ички дунёсига киришиш жараёнидир. Шахс социал муҳитга қоришиб кетмайди, балки

унга мустақил бирлик сифатида киради, кўпгина назарияларда шахснинг ижтимоийлашуви, ташқи таъсир объекти сифатидагина қаралади. Бу назарияларда асос қилиб фақатгина ижтимоийлашув ёрдамида социал ўзгарадиган инсоннинг табиий моҳияти олинади; шахснинг активлиги ва унга бериладиган биологик хусусиятлар ҳисобга олинмайди. Ижтимоийлашув шунга асосланадики, одам ижтимоий фаолиятчи сифатида ўзининг ҳам ижтимоий ҳаётнинг, ҳам шароит ва вазиятларини белгиловчи омилдир. Шахс — социал таъсирланишнинг объекти ва субъектидир. Ижтимоийлашув жараёнида белгилар системаси муҳим аҳамиятга эга. Белгилар ёрдамида жамият индивидлар фаолиятини бошқаради. Индивид социал фаолият кўрсатиши учун социал жамоада қабул қилинган белгилар ва уларни ишлатиш усулларини ўзлаштирган бўлиши керак. Индивид фаолият қилувчи мавжудотдир. У ташқи муҳитга шунчаки жавоб бермайди, балки амалий фаолият жараёнида ҳам ташқи муҳитнинг объектив қонуниятларини, ҳам инсон сифатидаги ўзининг тараққиёт ва фаолияти қонуниятларини англайди ва бу англаш асосида ўзининг социал фаолиятини белгилайди. Шахс томонидан ўзининг фаолиятини бошқариш фақат объектив ва субъектив қонуниятларни билишигина эмас, балки шу қонуниятларни элементларнинг маълум шароитдаги шакл ва хусусиятларини ҳам билишни тақозо қилади.

Шахсларнинг социал фаолияти ва социал харакатининг бошланғич нуқтаси маълум эҳтиёж ва манфаатларни юзага келтирувчи объктив ҳаёт шароитларидир. Фаолият турлари кўпгинадир, лекин энг муҳими уларнинг барчаси шахснинг моддий ва маънавий асосини ташкил қилувчи, эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, эҳтиёжлар шахснинг ташқи муҳитга объектив боғлиқлигини билдиради. Шу сабабли шахснинг амалий фаолияти эҳтиёжларни қондириш шакли сифатида қаралиши, объектив шароитларни инъикоси ва уларни қондиришни реал имкониятларини англаш сифатида қаралиши мумкин, эҳтиёжларни икки кўриниши фарқланади: табиий ва жамият томонидан пайдо қилинган эҳтиёжлар. Табиий эҳтиёжлар сифатида кишиларнинг кундалик эҳтиёжлари: овқат, кийим, турар жой ва бошқалар тушунилади. Социал эҳтиёжлар эса одамнинг меҳнат қилиш эҳтиёжи, социал активликдаги, руҳий маданиятдаги, яъни нима ижтимоий ҳаёт махсули шунга бўлган эҳтиёжидир. Табиий эҳтиёжлар асос бўлиб, уларда социал эҳтиёжлар пайдо бўлади, ривожланади ва қониқтирилади.

2. ГУРУҲ СОЦИОЛОГИЯСИ

Кишилар ўз ҳаёт фаолиятлари давомида бирлашадиган гуруҳлар, масаласи нафақат социал психологияси фанининг, балки социологиянинг ҳам муҳим масаласи бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий муносабатлар асосан социал гуруҳлар ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади. Кишилик жамиятида ниҳоятда кўп турли-туман жамоалар, уюшмалар, бирликлар, ташкилотлар мавжуд. Инсон бутун ҳаёти давомида гоҳ эҳтиёжликдан, гоҳ манфаат юзасидан, баъзан мажбурийликдан, баъзан ўзи хоҳламаган ҳолатда юқорида таъкидланган гуруҳларга аъзо бўлади ва уларнинг вакили бўлиб қолади. Мана шу кишилик жамоаларини қандайдир мезон (белги, хусусият) билан нисбатан маълум гуруҳларга ажратиш — социологик таҳлилнинг ғоят муҳим ва жиддий масаласидир. Олдиндан шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, гарчи «социал гуруҳ» термини социал тадқиқотларда кенг кўламда қўлланилса ҳам, лекин социологик тушунчалар категориясига мувофиқ келадиган мақомига ва назарий асосига эга эмас. Бу тушунча ижтимоий фанлар доирасида яққол категорик хусусиятга эга ва ижтимоий муносабатлардаги ўзига хос субъектни аниқлаш учун ишлатилади. «Гуруҳ» тушунчаси ижтимоий фанлар орасида 2 та маънога эга. Бир томондан, у бирор бир умумий белгиларига қараб кишиларни маълум тонфаларга ажратилганда қўлланилади (кўпинча статистикада, демографияда). Баъзан бу маънода «гуруҳ» термини психология фанида ҳам ишлатилади. Масалан, тест синовлари натижаларига қараб, кишиларни у ёки бу гуруҳларга ажратиш мумкин.

Иккинчи томондан, ҳамма ижтимоий фанлар доирасида гуруҳ деганда, реал мавжуд кишилар бирлиги тушунилади. Бу ҳолатда одамлар умумий белгилар, фаолиятларининг хилма-хиллиги ёки бирор шарт, ҳолатлар билан бирлашадилар ва маълум маънода ўзларини мавжуд бирлик вакили эканликларини ҳис қиладилар. Масалан, талаба ўзини талабалар гуруҳининг аъзоси сифатида ҳис қилади.

Илмий адабиёт билан танишиш «социал гуруҳ» терминини, биринчидан, жуда кенг қўлланилаётганлигини, иккинчидан турли ходисаларга нисбатан ишлатилаётганлигини кўрсатаяпти, қайси нуқтаи назардан қарашларидан қатъий назар, конкрет ижтимоий фан вакиллари гуруҳларни социал-иқтисодий, социал-демографик, социал психологик ва бошқа гуруҳларга ажратадилар.

Социал гуруҳ тушунчасига бу каби ёндошув терминлар луғатида кўп хилликка олиб келади, ҳамда «социал гуруҳ» тушунчасининг ўзини ҳам ноаниқ таҳлил қилинишига сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда бу термин социология ва социал психологияда кенг қўлланилмоқда. Лекин бу категориянинг назарий таҳлилига, уни бошқа социологик тушунчалар билан муносабатига доир махсус илмий ишлар йўқ ҳисоби. Кўп социологлар томонидан «социал гуруҳ»га берилган таърифлар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, жамият синфий таркиби ўрганилаётганда, социал гуруҳни синфлар структурасидаги элемент сифатида (синфлар-табақалар-гуруҳлар), социал структурани таҳлил қилиш чоғида эса, бу тушунчани кенг маънода, синфлар тушунчаси билан бир маънода ишлатишади.

Мана шулардан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш керак:

Биринчидан, «социал гуруҳ» тушунчасини, уни шакллантирадиган ҳолатларини, унинг чегарасини, уни қўллаш имкониятини белгилайдиган назария социологик асосларни келтириш;

Иккинчидан, тушунчанинг айнан ўзини аниқ ифода қилиш;

Учинчидан, «социал гуруҳ» тушунчасини унга яқин бўлган жамият социал структурасини ифодалайдиган тушунчалар системаси («социал бирлик», «синф», «социал ташкилот», социал тўплам») билан бирга қараш керак, чунки ҳар қандай тушунча бутунлик доирасидагина натижа бериши мумкин.

Ҳамма илмий терминлар сингари «социал гуруҳ» тушунчаси ҳам конкрет тарихий реалликка тўғри келадиган ва унинг муҳим, аҳамиятли хусусиятларини акс эттирадиган назарий, умумий ва мавҳум тушунчадир. «Социал гуруҳ тушунчасининг аниқлашни мушкул томони шундаки, реал ҳаётда конкрет социал гуруҳлар ўзининг тарихий ривожланиш давомида пайдо бўладиган, ўзгарадиган ва барҳам топадиган индивидуал хусусиятларга эга бўлган омма билан мураккаб бирликни намоён қилади. Бундан ташқари воқеликда ҳеч бир социал гуруҳ бошқалардан ажралган ҳолда ўз-ўзидан мавжуд бўлмайди. Улар бошқа социал гуруҳлар билан ўзаро муносабатда бўлиб, бир-бирларига доимийси таъсир ўтказиб турадилар. Мана шулар «социал гуруҳ» тушунчасини таърифлашда муайян қийинчилик туғдиради.

Бизга маълумки, социология фанининг предмети бўлиб, кишиларнинг ижтимоий муносабатлари ҳисобланади. «Социал гуруҳ» тушунчаси ижтимоий муносабатлар субъектини (жамият-гуруҳ-шахс) аниқлашга хизмат қиладиган умумсоциологик тушунчалар таркибига киради. Бу ўринда, яъни жамият-гуруҳ-шахс муносабатида социал гуруҳ, «синтез қиладиган» тушунча ҳисобланади. Алоҳида индивид жамиятга «қўшилиши» учун, энг аввало жамиятдан ажралиши, индивидуал хусусиятлардан ташқари, ўзида социал хусусиятларни шакллантириши, аниқроқ айтганда, ҳар хил социал гуруҳларга аъзо бўлиши керак.

«Социал гуруҳ» тушунчасини кейинги назарий таҳлилида «социал» тушунчасининг асосларини кўриб чиқиш лозим бўлади. Айнан шу тушунча ҳажми ва мазмунидан «социал гуруҳ» тушунчасининг моҳияти келиб чиқади.

«Социал» термини социологияда икки маънода, кенг ва тор доирада ишлатилади. Кенг маъносида «социал» тушунчаси «ижтимоий» тушунчасига синонимдир. Тор маънода эса, жамият ҳаётининг маълум соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни аниқлаш учун хизмат қилади. Баъзи бир социологлар социал муносабатлар масаласини тадқиқ этишиб социал муносабатларни 3 нуқтаи назардан таҳлил қилиш керак деган фикрга келганлар, кенг маънода, торроқ маънода ва тор маънода.

Кенг маънода социал муносабатлар деганда, жамиятдаги кишиларнинг хамма муносабатлари тушунилади. Торроқ маънода социал муносабатлар деганда жамият социал субъектлари, яъни маълум социал гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг «парчаси» сифатида таҳлил қилинади. Тор маънода эса у иқтисодий ва сиёсий муносабатлар билан бир қаторда кўрилади.

«Социал» тушунчаси турлича изоҳлашдан келиб чиқиб, социал гуруҳларга ҳар қандай кишилар бирлиги (социал ёки ижтимоий гуруҳ); ҳамма ижтимоий муносабатларни ифодаловчилари (ижтимоий муносабатлар субъекти); аниқ социал, синфий, уруғ-қабилавий ва оилавий муносабатлар (социал муносабатлар) субъекти сифатида қараш керак).

Гуруҳ тушунчаси ҳақида гапиришдан олдин, бир қанча фарқларни кўриб чиқамиз. Бу масалани социал тўплам тушунчасидан бошлаймиз.

Ташқи кузатувчилар томонидан кўрсатилган қандайдир умумий белгиларга эга бўлган кишилар йиғиндиси социал тўплам деб аталади. Масалан, биз кишилар тўпламидан қора танли кишилар тўпламини, кўк кўзли кишилар тўпламини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Бу жисмоний белгиларга асосланиб, тўпламларга ажратиш ҳисобланади. Бу билан кўпинча антропология фани шуғулланади, тўпламни у ёки бу касб билан шуғулланувчи кишилар ҳам ташкил этишади. Айнан бир касб билан шуғулланадиган кишилар касбий (профессионал) категориялар деб аталади. Ёшига қараб ажратиладиган кишилар тўплами ёш категориялари дейилади. Жинсига қараб кишилар 2 та жинс тўпламига, яъни эркаклар ва аёл категорияларига ажратилади. Аниқ белгига асосланиб ажратиладиган ҳар қандай тўплам социал категорияни ташкил этади. Социал категориялар ҳеч қандай ички алоқалар билан бирлашмайди. Бир категорияга кирадиган, масалан, касбий (профессионал), ёш, жинс, мулк, даромади ва бошқа категорияларга мансуб кишилар қандайдир

умум белгиларга эгалар. Ана шу асосга кўра, социал категориялар ички алоқа ва шахсий институтларига эга бўлишлари мумкин. Социал категориялар бирор бир социал алоқага бўлган тақдирларидагина, улар социал бирликка айланишлари мумкин.

«Социал гуруҳ» тушунчасига яқин бўлган тушунча — социал бирлик» тушунчасидир. Замонавий жамиятшунослик фанида бу тушунчалар синоним сифатида ишлатилади. Лекин бундай тушуниш тўғри эмас. «Социал бирлик» тушунчаси кишиларнинг ҳамма бирликларини ўзига қамраб оладиган кенг ҳажмдаги тушунчадир. «Социал бирлик» сўзи умумийликни билдиради. У кўпгина кишиларни бирлаштирадиган жараёнларни акс эттиради. Реал ҳаётда социал бирлик «платформа»га эга бўлади. Бу «платформа» негизида бирликка кирадиган индивидларнинг умумий томонлари, сифатлари ва хусусиятларини бирлашиши амалга ошади. Уни асосида келиб чиқиш бирлиги (қон-қариндошликка асосланган бирлик, оила, уруғ), ҳудуд бирлиги, тил ва ҳудуд бирлиги (этник бирлик) ва бошқалар ётади.

Шундай экан, социал бирлик — бу табиий-социал асослар билан (қон-қариндошлик, ҳудуд, тил ва бошқа) бирлашадиган социал гуруҳларнинг кўринишидир. Бирликлар социал гуруҳларнинг бир тури сифатида социал структура элементлари ҳисобланади.

Гуруҳ — бу ҳатти-ҳаракатлари расмий ва норасмий институтлар томонидан бошқариладиган, маълум норма ва қадриятларга эга бўлган, бошқа бирликлардан ўзининг хусусиятлари билан фарқ қиладиган, бир-бирлари билан ижтимоий муносабатлар системаси билан боғланган кишилар йиғиндисидан иборат бўлган социал бирликдир.

Гуруҳга характерли хусусиятлар қуйидагилар: гуруҳ сони, ички ташкилот, яъни институтлар, назорат шакллари; фаолият намуналари; норма ва қадриятлар; фарқ қиладиган хусусиятлари.

Гуруҳ сони дейилганда, мавжуд бирликни ҳажм жиҳатдан ташкил этадиган аъзолар йиғиндиси тушунилади, ҳозирги кунгача социологияда аъзолар сони қанча бўлиши кераклиги ҳақида аниқ бир тўпламга келингани йўқ. Бу тўғрисида гуруҳ турлари ҳақида сўз кетганда, гапириб ўтилади.

Гуруҳ ўзининг сонини аъзолари сонини чегаралаши ёки чегарамаслиги мумкин. Мана шу асосга кўра гуруҳларни «берк» гуруҳлар, яъни янги аъзоларни қабул қилишда аниқ мезон қўядиган гуруҳлар; чегараланган гуруҳлар, яъни гуруҳ аъзолигига қабул қилиш мезони кам талабчанлик билан қабул қилинадиган гуруҳлар; ва ниҳоят хохлаган киши кириши мумкин бўлган очиқ гуруҳлар ва бу гуруҳларда аъзоларга нисбатан аниқ талаблар қўйилмайди, кўпинча гуруҳлар ҳам қабул қилиш ва аъзоларни

гуруҳдан чиқиши учун аниқ талаб қўяди. Бунинг натижасида гуруҳнинг бир хиллиги ва унинг таъсир доираси таъминланади.

Гуруҳни пайдо бўлиши учун ички ташкилот, яъни институтлар, назорат шакллари, фаолият намуналари бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ўз шахсий ташкилотига эга бўлмаган, фақатгина контактлар (алоқаларга) асосланган эркин социал бирликлар гуруҳ деб аталмайди.

Гуруҳ узининг шахсий норма ва қадриятларига, яъни бирлашиш марказига эга бўлиши керак. Буларга ғоялар, рамзлар, шиорлар, мақсадлар, моддий предметлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Булар гуруҳда кишиларни гуруҳга мансублик ва бирлашиш ҳиссини уйғотиш ва ривожлантириш учун зарур.

Бу қадриятлар асосида гуруҳда «биз» сўзи билан ифодаланадиган бирлик хисси пайдо бўлади. Бу хис кишиларни бирлаштирадиган психик (руҳий) алоқа бўлиб хисобланади.

Ниҳоят, гуруҳ ўзининг шахсий фарқ қиладиган хусусиятларига эга бўлиши керак. Булар ёрдамида гуруҳ бошқа социал бирликлардан фарқ қилади. Бундай хусусиятлар бўлиб, бир худудда яшаш, алоҳида ритуал ҳаракатлар, тил, мафкура ва бошқалар ҳисобланади.

Бу 4 шарт жуда кўп гуруҳларни таърифлаш учун қўл келади. Лекин гуруҳларни таснифлаш (классификация қилиш) вақтида бу тўғрида тўхталиб ўтамиз. Чунки бу шартлар нисбий характерга эга. Булар кўпгина гуруҳларни қаноатлантирса ҳам, баъзи гуруҳларни таҳлил қилиш вақтида тўғри келмаслиги мумкин.

Гуруҳлар энг аввало миқдор жиҳатдан катта ва кичик гуруҳларга бўлинади. Социология ва социал психология фанида катта социал гуруҳлар ўзининг аниқ таърифига эга эмас. Умуман, катта социал гуруҳ деганда, аъзолар сони кўп бўлган кишилар гуруҳлари тушунилади. Катта социал гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) аъзолар сонининг кўплиги;

2) ягона худуднинг мавжуд эмаслиги;

3) аъзолар ўртасидаги алоқаларни асосан оммавий алоқа воситалари орқали ўрнатилиши;

4) гуруҳ структурасининг мураккаблиги, аниқроқ қилиб айтганда, бу гуруҳлар кўп расмий ва норасмий, уюшган ва уюшмаган гуруҳларни ўз ичига олади.

Катта гуруҳлар 2 турга бўлинади.

1. Тасодифий, стихияли пайдо бўладиган ва қисқа вақт мавжуд бўладиган гуруҳлар. Буларга оломон, халойиқ (публика), аудитория ва бошқаларни киритиш мумкин.

2. Тарихий ривожланиш натижасида вужудга келган ва жамият ижтимоий муносабатлар системасида маълум ўринга эга бўлган бирликлар. Бу турдаги гуруҳларга социал синфлар, турли этник

гуруҳлар (элат, халқ, миллат), касбий гуруҳлар, жинсий ва ёшга оид гуруҳлар (ёшлар, аёллар, кексалар) ва бошқа гуруҳларни киритиш мумкин.

Катта социал гуруҳларда кичик гуруҳларда йўқ бўлган хатти-ҳаракатни бошқариб турадиган ўзига хос куч мавжуд. Бу ҳуқуқлар, урф-одатлар ва анъаналардир.

Катта гуруҳ билан кичик гуруҳ ўртасида ўрта гуруҳ ҳам бор. Аммо гуруҳ муаммоси билан шуғулланаётган социологлар фикрича, ўрта гуруҳлар, уларнинг структураси, алоқаси, унда бўладиган ходиса ва жараёнлар моҳият жиҳатдан каттароқ гуруҳларга хосдир. Кичик ва катта гуруҳлар ўртасидаги фарқни кичик гуруҳнинг йириклашуви ва унинг катта гуруҳга ақлашиш жараёнида кўриш мумкин. Масалан, бир ёки бир неча таниқли кишилар атрофида бирлашган, 40—45 кишидан иборат партия кичик гуруҳдир, чунки бу гуруҳ вакилларининг шахсан бир-бирларини танишлари (билишлари) кичик гуруҳга хос бўлган хусусиятни беради.

Кичик гуруҳлар деганда, кўпи билан бир неча ўнлаб аъзолардан иборат бўлган кам сонли гуруҳлар тушунилади. Бу гуруҳлар кўпинча самимий дўстлик муносабатлари билан боғланган бўлади, гуруҳ аъзолари ўртасида бевосита ўзаро алоқалар устун туради, гуруҳ аъзолари ўртасидаги муносабатлар норасмий институтлар ёрдамида тартибга солинади. Бундан ташқари, махсус вазифаларни бажаришга мўлжалланган, юқори даражада шаклланган кичик мақсадли г»гуруҳлар ҳам мавжуд. Бу гуруҳларда аъзолар ўртасидаги муносабатлар махсус хизмат кўрсатмалари билан тартибга солинади. Яширин ишлаётган партия ячейкаси бунга мисол бўла олади. Кичик гуруҳлар оилани, дўстларни, қўшниларни ишлаб чиқариш бригадасини ва бошқа гуруҳларни киритиш мумкин.

Кичик социал гуруҳларнинг турлари жуда кўп. Улар турли мезонларга қараб турларга ажратилади. Гуруҳ муносабатлари структурасига қараб кичик социал гуруҳлар расмий ва норасмий гуруҳларга, аъзолар ўртасидаги муносабатларнинг яқинлигига қараб бирламчи ва иккиламчи гуруҳларга, гуруҳга аъзо бўлиш ва бўлмаслигига қараб аъзоли ва референт гуруҳларга бўлинади. Санаб ўтилган гуруҳларни бирма-бир кўриб чиқамиз.

Расмий ва норасмий социал гуруҳлар, гуруҳларни бундай тарзда турларга бўлиш биринчи бўлиб америкалик социолог Э. Мейо томонидан таклиф қилинган эди, гуруҳларни расмий ва норасмий гуруҳларга ажратиш асосида гуруҳ муносабатларнинг структураси ётади.

Расмий гуруҳлар — бу ҳуқуқий статусга эга бўлган социал институт, ташкилот қисми ҳисобланадиган мавжуд институт,

ташкилотдаги меҳнат доирасида аниқ мақсадга эга бўлган социал гуруҳлардир.

Расмий гуруҳларга қуйидаги белгилар хос: аниқ ва изчил мақсад, *иерархияга асосланган аниқ функциялар*, маълум қоидаларга мувофиқ келадиган ҳуқуқ ва бурчлар, аъзолар ўртасидаги расмий муносабатлар, гуруҳ фаолиятини назорат қиладиган расмий институтнинг мавжуд бўлиши ва бошқалар.

Расмий гуруҳларда гуруҳ мақсадлари, функциялари хатти-ҳаракат қоидалари, хатто аъзолик шартлари махсус ҳужжатларда (дастур, инструкция, қонун ва бошқалар) қайд этилган бўлади.

Расмий гуруҳларга сиёсий партиялар, давлат, диний ва бошқа ташкилотлар, ишлаб чиқариш коллективи, мактаб синфи, спорт командаси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ҳар қандай расмий гуруҳнинг ташкилоти бўлади. Гуруҳ ташкилоти — бу турли гуруҳ ва аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг яққол намоён бўлишидир. Муносабатлар турига қараб гуруҳ ташкилотлари 2 га бўлинади: расмий ва норасмий. Бу икки турдаги гуруҳ ташкилотлари ижтимоий муносабатларни *яратувчиси ҳисобланади. Расмий ташкилот юқорироқ даражали* ситстема билан аниқ белгиланган функцияларни бажариш учун ташкил этилади. Бу функциялар маълум маънода индивидлар учун юзаки хисобланади. Масалан, ишлаб чиқариш корхонасининг социал ташкилоти ишлаб чиқариш бригадасининг асосий вазифаларини белгилаб беради. Бригада доирасида бу функциялар ҳар бир бригада аъзосининг гуруҳда тутган индивидуал мартабасига қараб тақсимланади.

Шундай қилиб, расмий социал гуруҳ деб, гуруҳ алоҳида аъзоларининг ўрни ва ҳатти-ҳаракати социал ташкилотнинг расмий қоидалари, қонунлари билан чегараланадиган гуруҳга айтилади. Расмий гуруҳ аъзоларининг нуфузи (тутган ўрни) шахсий сифатлар билан эмас, уларнинг мартабалари билан аниқланади. Шахслараро муносабатлар расман ўрнатилган чегара доирасида амалга ошади. Расмий гуруҳнинг энг содда кўриниши *сифатида ишлаб чиқаришни кўрсатиш мумкин. Унинг ҳажми*, тузилиши, раҳбарнинг вазифалари ишлаб чиқариш ташкилоти қоидалари билан қатъий белгиланади.

Расмий гуруҳ — бу аниқ социал гуруҳ, жамият социал структурасининг элементидир. У объектив ҳолда мавжуд. Унинг структураси ва хатти-ҳаракат шакллари кенг миқёсдаги гуруҳ ёки жамият томонидан бошланади. Индивид расмий гуруҳга аъзо бўлар экан, ўзининг шахсий сифатларини йўқотади ва расмий гуруҳ ташкилоти доирасидаги у ёки бу ролларни бажарувчи кишига айланади.

Расмий гуруҳлар ҳам расмий (корхона, бригада касаба уюшмаси, жамоат ва давлат ташкилоти), ҳам расмий структура

томонидан тан олинмаган, яъни норасмий (ялпирин ташкилот, норасмий гуруҳ ва ҳоказо) бўлиши мумкин.

Норасмий гуруҳлар, кўпинча бундай гуруҳлар «психологик гуруҳлар» ёки «социал психологик гуруҳлар» деб аталади. Чунки бу гуруҳларнинг ташкил топиш заминида гуруҳ аъзолари ўртасидаги психологик, ҳиссий муносабатлар ётади. Норасмий гуруҳларнинг пайдо бўлишида вазият ва умумий манфаатлар мажмуи муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам бу гуруҳларни баъзан, манфаат юзасидан тузилган гуруҳлар ҳам деб аташади. Одамлар эҳтиёжлари турли- туман бўлганлиги сабабли норасмий гуруҳлар мавжуд.

Норасмий гуруҳ расмий гуруҳга қараганда бошқача тузилишга эга. Агар расмий гуруҳда гуруҳ социал структурининг юқори органлар ва, ҳатто жамият томонидан тузилса, норасмий гуруҳлар эса шахсий асосда, яъни уни ташкил этадиган индивидлар ташаббуси билан тузилади. Ташаббускор кишилар бу гуруҳда фаол роль ўйнайдилар ва ўз-ўзидан гуруҳда аъзоларнинг эҳтиёжларини қондиришга имконият берадиган хатти-ҳаракат системаси ривожланади.

Норасмий гуруҳлар расмий гуруҳлар доирасида ҳам, ундан ташқарида ҳам ташкил топилиши мумкин. Биринчи навбатда, норасмий гуруҳ расмий гуруҳ ташкилотига нисбатан иккиламчи ҳисобланади. У ёки бу гуруҳ ташкилоти таркибидаги гуруҳ бўлиб қолади. Масалан, оддий ишлаб чиқариш корхонасидаги дўстлар гуруҳ — гуруҳнинг яққол кўринишидир. Иккинчи навбатда, норасмий гуруҳлар расмий гуруҳларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади. Улар ҳудуд (территория) яқинлиги асосида (қўшнилар), қизиқишларнинг бир хиллиги асосида (турли хил коллекция йиғувчилар), психофизиологик хусусият бирлиги асосида (тенгдошлар, болаларнинг ўйин гуруҳлари), шахсий майл асосида пайдо бўлади.

Норасмий гуруҳ аъзолари ўртасидаги муносабатлар аниқ ифодаланган шахсий сифатларга эга. Бу алоқалар расмий гуруҳдаги алоқаларга нисбатан аъзолар учун аҳамиятлироқдир. Масалан, ишчилар гуруҳи доирасида юзага келган дўстлар муносабати фақатгина бирга ишлашлари билан эмас, бўш вақтларини кўпроқ бирга ўтказишлари, кўп учрашишлари, бир-бирига ўзаро ёрдам беришлари билан ҳам белгиланади.

Норасмий гуруҳлар мунтазам ташкилотга эга эмас, уларда расмий сайланган мартабали шахслар, низомлар, кун тартиби ва аниқ расмий мақсад бўлмайди, гуруҳда тартиб интизомга, ҳурмат ва обрў муносабатларига асосланади. Бироқ норасмий гуруҳлар ҳар доим ўзига хос аҳлоқий кодексларга эга эмас. Норасмий гуруҳлар расмий гуруҳларга қараганда анча беқарор, уларга аъзо бўлиш учун аниқ чегара йўқ.

Норасмий гуруҳларда ташкилот йўқ десак хато қилган бўламиз. Уларни бирлаштирадиган асосий омиллар бўлиб, аъзолар

манфаатлари, майллари, одатлари ҳисобланади. Норасмий ташкилотнинг ўзига хос томони — унга норасмий лидернинг ва гуруҳга яқин бўлган шахсий хусусиятларнинг бўлишидир.

Агар расмий гуруҳ аъзоларининг фаолияти қайд қилинган норма ва қоидалар, ҳатто санкциялар воситасида назорат қилинса, норасмий гуруҳларда эса норасмий норма ва анъаналар ёрдамида амалга оширилади. Бу норма ва анъаналар моҳияти гуруҳнинг жипслик даражасига, унинг бошқа системалар билан муносабатига боғлиқ. Баъзи норасмий гуруҳда фаолият қоидалари бузилган тақдирда, айбдор шафқатсиз жазоланади: масалан, банда, мафияларда бундай жазо усуллари қўлланилади.

Шундай қилиб, норасмий гуруҳ деб, гуруҳ жипслигининг юқори даражаси, аъзолар алоқаларининг шахсий сифатлари, бошқа социал структуралардан мустақиллиги, гуруҳ фаолиятининг аниқ бўлмаган мақсади, норасмий назорат системаси билан характерланадиган гуруҳга айтилади.

Гуруҳларни расмий ва норасмий гуруҳларга ажратиш нисбий характерга эга. Гуруҳ расмий гуруҳга айланиш мумкин. Масалан, дўстлар маълум бир ташкилот тузишлари мумкин. Бошқа томондан бир вақтнинг ўзида гуруҳ ҳам расмий, ҳам норасмий бўлиши мумкин. Масалан, синфдошлар, курсдошлар.

Бирламчи ва иккиламчи гуруҳлар. Шахснинг яқинлигига кўра, кичик гуруҳлар бирламчи ва иккиламчи гуруҳларга бўлинади. Фанга бирламчи гуруҳ терминини биринчи бўлиб америкалик социолог Ч. Кули томонидан XX асрнинг бошларида киритилган.

Бирламчи гуруҳ термини яқинлик, яхши кўришлик, бевосита алоқа тушунчаларига синоним сифатида ишлатилади. Шунга боғлиқ равишда, бирламчи гуруҳларда муҳит самимий бўлади ва аъзоларнинг сидқидил ўзаро муносабатлари билан белгиланади. Мана шу хусусияти билан бирламчи гуруҳ бошқа гуруҳлардан фарқ қилади.

Бирламчи гуруҳларнинг характерли белгилари қуйидагилардан иборат: аъзолар сонининг камлиги, гуруҳ аъзоларининг ҳудудий яқинлиги, бевосита самимий муносабатлар, яшашнинг узоқ давом этиши, мақсадларнинг умумийлиги, гуруҳга аъзо бўлишнинг эркинлиги ва аъзолар ҳатти-ҳаракати устидан норасмий назорат.

Шунга мувофиқ, «бирламчи гуруҳ» термини турли кўринишдаги кичик гуруҳларни аниқлаш ва «иккиламчи гуруҳ» терминига қарама-қарши тарзда қўлланилади.

Бирламчи гуруҳ энг аввало оиладир, гуруҳни биринчи навбатда аъзоларнинг манфаатлари боғлайди.

Бундай характерга инсоннинг болалик ва ўсмирлик чоғидаги тенгдошлар гуруҳи ҳам эга, қўшнилар, маҳалла ҳам бирламчи гуруҳга айланиши мумкин. Бирламчи гуруҳлар расмий алоқага эга эмас. Агар бирламчи гуруҳ аъзолари ўртасида расмий алоқалар пайдо бўлса, бу гуруҳ кичик расмий гуруҳга айланганлигини билдиради.

Бирламчи гуруҳнинг шахсга таъсири катта аҳамиятга эга. Улар аъзоларининг ахлоқий томонини шакллантиради ва янгилайди, мустаҳкамлайди. Бу гуруҳларда кишиларнинг биринчи социализацияси (ижтимоийлашуви) амалга ошади, кишилар ўзларининг ҳислари ва ҳатти-ҳаракатларини жамият талабига мувофиқ келадиган тарзда шакллантиришади.

Иккиламчи гуруҳлар деб, бирор бир аниқ мақсадга эришиш учун тузилган ҳар қандай турдаги гуруҳларга айтилади. Уларда моддий алоқалар муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг фаолияти тартиб-интизом қоидалари билан бошқарилади. Умуман, иккиламчи гуруҳлар — бу катта гуруҳлардир. Баъзан бирламчи гуруҳлар ҳам иккиламчи гуруҳ бўлиши мумкин. Иккиламчи гуруҳларга касбий, диний, сиёсий гуруҳларни киритиш мумкин.

Референт ва аъзоли гуруҳлар. Кичик гуруҳларни ўрганишнинг жиҳатларидан бири бўлиб, «референт гуруҳ» деб аталадиган гуруҳларни таҳлил қилиш ҳисобланади. «Референт гуруҳ» термини америкалик социал психолог Мустафо Шериф томонидан киритилган. «Референт гуруҳ» термини (инглизча сўз, «мансуб бўлиш» деган маънони англатади) индивид онгли равишда кирадиган социал гуруҳларга (иқтисодий, сиёсий, маданий, касбий) нисбатан ишлатилади.

Шахснинг «гуруҳ нормаларига» муносабати белгиларига мувофиқ гуруҳлар референт гуруҳлар ёки «эталонли» (ўлчовли) гуруҳларга бўлинади. Референт гуруҳлар ҳам кичик гуруҳлар, ҳам катта гуруҳлар — синф ёки ижтимоий табақа бўлиши мумкин.

«Референт гуруҳ» термини 4 хил маънода қўлланилади:

1. Индивид ҳатти-ҳаракати учун намуна, эталон ёки мезон бўлиб хизмат қиладиган гуруҳ.

2. Индивид ўз ҳаракатларини шу гуруҳга йўналтирадиган гуруҳ.

3. Индивид аъзо бўлишга интилаётган гуруҳ.

4. Аъзоларнинг қадрият ва фикрлари бевосита шу гуруҳ аъзоси бўлмаган киши учун ўзига хос таққослаш ўлчови, социал «ўлчов доираси» сифатида хизмат қиладиган гуруҳ.

Реал ҳаётда «референт гуруҳ» назарияси шахснинг турли социал муҳитларга мослашуви жараёнида, социал ҳаракатларни ўрганишда қўлланилади.

Референт гуруҳлар реал ва идеал гуруҳларга бўлинади. Реал референт гуруҳнинг шахсга қулай социал норма ва қадриятларни эгаллаши учун эталон бўлиб хизмат қиладиган алоҳида кишилар ёки кишилар бирлигидир.

Идеал референт гуруҳ — бу маълум бир гуруҳнинг қадриятли ва норматив йўл-йўриқларини инсон онгида [illegible]ишидир. Шахс бу гуруҳга ўз тасаввурлари ва ҳаракатлари [illegible] мослашишига ҳаракат қилади.

Масалан, муҳандис ўзини реал ҳаётда [illegible]дислар гуруҳига мансуб дейиш билан бирга ўзини гуруҳ сифа[illegible] мавжуд бўлмаган «маънавий элита»га мансуб деб ҳис[illegible]

3. ЖАМИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА ТУШУНЧАСИ

Социологиянинг асосий вазифаларидан бири ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий муносабатларни ўрганишидир. Социология терминининг ўзи таржима қилинганда — «жамият ҳақидаги сўз» маъносини англатади. Социология фани инсонни алоҳида эмас, балки ўзаро муносабатда бўлган ва ўзаро алоқада бўлган инсонларнинг фаолиятини, уларнинг бир-бирига фаолиятлари мобайнидаги таъсирини ўрганади.

Жамиятни биз социологик нуқтаи-назардан олиб қарайдиган бўлсак қандай ўрганамиз?

Биринчидан, жамиятни тузилиши ва таркиби ўрганилади, яъни жамият қандай кишилардан иборат, улар қанча ва қандай синф ёки табақаларга мансублиги кўрилади.

Иккинчидан жамиятда истиқомат қилаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатлари нималардан иборат, яъни уларнинг ўзаро муносабатларидаги характерлари кўрилади. Бунда биз жамиятда истиқомат қилаётган кишиларнинг фаолиятларини тасодифий эмас, балки айнан ўша жамият қонуниятлари асосида ривожланиб боришини таъкидлашимиз керак. Бунда жамият муносабатлари, айнан бир қанча кучлар идора этиб турган муносабатлар орқали, кишилар у ёки бу муносабатларни бажарадилар. Жамиятдаги кишиларнинг қандай табақаларга тақсимланиши, ушбу жамиятнинг қандай кишилардан иборат эканлиги, жамият ички фаолиятида кишиларнинг ўзларини қандай тутишлари ва улар орасида ўзаро муносабатларнинг қай даражада эканлиги, алоҳида бир кишиларнинг хатти-ҳаракати натижасида катта аҳамиятга молик бўлган ижтимоий тарихий жараёнларнинг вужудга келиши, инсон хатти-ҳаракатини қандай кучлар бошқариб туришлиги — кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги характерининг ўзагини ташкил этади.

Учинчидан, жамият тараққиёти унинг ривожланиши нуқтаи-назаридан ўрганилади. Дунёдаги барча ҳодисалар вақтлар ўтиши билан ўзгаради. Тараққиётнинг мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланиб бориши жамиятдаги қадриятларни ўзгартириб, ўзга иккинчи ёки учинчи бир қадриятлар билан қориштириб юбормоқда, кечаги авлоднинг яшаш тарзи бугунги авлодникига мос келмай қолмоқда, бугунги авлодники эса эртанги авлодни яшаш тарзига мос келмайди, яъни вақт кутиб турмайди. Шунинг учун жамиятни тўлиқ тушуниш учун нафақат унинг тузилиши ва ривожланишини, балки унинг ўтмишини, яъни тарихини ҳам синчиклаб ўрганиш, бу жамиятни қандай таркиб топганлигини, қандай шаклланганлигини, ривожланганлигини билмоқ жамиятни тўлиқ тушунмоқликка имкон яратади.

Жамият ижтимоий ҳодисанинг умумий ва мураккаб системасидир. Ижтимоий фаолиятнинг белгиланган социал статусига эга бўлган, ўзида ижтимоий меъёр ва қадриятларни акс эттирган, индивидуал сифатларга (шахснинг ижтимоий белгиси, қизиқишлари, қадриятлар йўналиши, шахс мотивлари ва ҳоказо) эга бўлган кишилар жамиятнинг элементи ҳисобланади.

Жамият умумий табиий-тарихий система сифатида ўзида ишлаб чиқариш кучлари ва иқтисодий муносабатларнинг ижтимоий, идеологик, сиёсий структураларининг органик бирлигини ташкил этади. Кишиларнинг турли ижтимоий гуруҳларининг ўзаро бирлиги ёки жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ижтимоий фаолиятлари жамият системасининг табиий-тарихий характерини белгилашда муҳим омил ҳисобланади. Жамият ҳар бир соҳаси ишлаб чиқариш тараққиётида маълум бир функцияларни бажаради: иқтисодий муносабатлар — моддий ишлаб чиқариш функциясини, ижтимоий муносабатлар — ижтимоийлашувини (социализация), сиёсий муносабатлар — ижтимоий бошқарувни (элементлар назорати) мафкуравий муносабатлар -- маънавий ишлаб чиқариш функцияси ва бошқалар.

Социологик назария барча ижтимоий системаларни социаталь ва ижтимоий муносабатларда кўради. Социеталь системаларга — жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва мафкуравий муносабатлари киради. Уларнинг ҳар бири бир-бири билан алоқада бўлган аниқ бир структурага эга бўлади. Жамиятнинг социеталь системаси иерархик қарамликни ташкил этади, яъни бунда иқтисодий муносабат белгиловчи омил бўлиб, ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий муносабатлар унинг ишлаб чиқарувчиси бўлади.

Социеталь системалар ўз таркибига кўра қуйидагича жойлаштирилади: 1) иқтисодий, 2) ижтимоий, 3) сиёсий, 4) мафкуравий.

Социеталь системаларнинг бир-бири билан ўзаро узвий алоқада бўлиши диалектик характерга эди. Шунинг учун айнан шу системада ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари, базис ва устқурма, ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг каби фалсафий категориялар ишлатилади. Сиёсий иқтисод назариясининг асосчиси А. Смит жамият тараққиёти ва ривожланишини қуйидагича ифодалаган эди: «Дунёдаги барча нарсалар меҳнатнинг маҳсулидир, меҳнат тақсимоти натижасида ҳар бир индивид ўзи учун ишлайди ва бошқалар учун ишлашга ҳам мажбур бўлади, у бошқалар учун ишлаганда, аксинча ўзи учун ҳам ишлайди». Биз социологик нуқтаи-назардан жамият — бу биргаликда яшовчи кишиларнинг, ўзаро бир-бири билан ижтимоий алоқада бўлиб, ўз фаолиятларида бир-бирига таъсир

кўрсатувчи уюшмасидир. Жамият ташкил топиши учун энг камида икки киши бўлиши керак ва булар ўзаро ҳамкорликда бўлиб туришлари керак, бу жамиятнинг оддий кўриниши бўлиб, унинг мураккаб шакллаларини шакллантириб боради, яъни оиланинг қурилиши бу оддий жамият, бу жамиятда А. Смит таърифи бўйича жамият аъзоси ҳам ўзи учун, ҳам ўзга бир кишилар учун ишлайди, мураккаб жамиятни шаклланишига ўз оиласи билан хисса қўшади. Биз бу мисолларни яна партиялар тузилишида, диний ёки замонавий гуруҳларнинг пайдо бўлишида кўриб боришимиз мумкин. ғайсидир бир диннинг ривожланиши натижасида диндорлар жамияти оддийликдан мураккаблик сари боради, партия ташкилотлари ва гуруҳлар тузилишида ҳам айнан шундай социсталь система муносабатларини кўриб боришимиз мумкин.

Жамиятнинг «ижтимоийлик» системаси унсурлар уюшмасининг сифатли муносабатларини ҳодисалар ва жараёнларда акс эттиради. «Ижтимоийлик» системасининг асосий унсурларини ижтимоий жамоалар ташкил этади, яъни булар синфлар, миллатлар, профессионал, демографик, худудий ва сиёсий гуруҳлардир. *«Ижтимоий» системасининг элементини* кишилар ташкил этади. Бунда ҳар хил ижтимоий жамоалар бирлашган кишилар бир-бирлари билан ўзаро алоқадорликда бўладилар. Ушбу алоқадорлик жараёнида кишилар маълум бир индивидга ва маълум бир меҳнатга таъсир ўтказадилар.

Жамият тушунчаси ва жамият тўғрисидаги фикрлар О. Контнинг социологик назариясида ҳам акс эттирилган. О. Конт Д. Юм, А. Смит, Руссо, Сен-Симонларнинг жамият тўғрисидаги назарияларини ривожлантирди. О. Конт социологиясида психология, сиёсий иқтисод, этика, фалсафа тарихи фанларининг тушунча ва методологияси, синтезлаштирилади. Жамият, оила, халқ, миллат барча инсониятнинг ахлоқий хиссиётларини қамраб олган ахлоқий хиссиётнинг органик натижаси дейилади. Жамият — ўзаро муносабатда бўлган «заррачалар», «элементлар», «атомлар»нинг автоматик ҳаракатда бўлган механизми деб қаралади. Индивид ҳатти-ҳаракатлари ва қизиқишларини О. Конт абстракция деб ҳисоблайди. Ижтимоийликнинг ажралмас унсури сифатида инсон эмас, оилани олиб, оила жамиятнинг ижтимоий организмини бирлигини ташкил этади, дейди. Бу ерда кишиларнинг ўзаро алоқадорлиги («ассоциация») эмас, балки ажралмас бирлиги ҳукмронлик қилади, деб ўз фикрларини Конт давом эттиради.

Жамият тҳғрисидаги қарашларини Г. Спенсер органицистик (жамиятни табиатнинг организмини аналоги деб қараб, ижтимоий ҳаётни биологик қонуниятларнинг белгиси сифатида қараш) таълимот нуқтаи-назаридан олиб қарайди. Жамиятнинг тараққиёти биологиянинг янги ютуқлари билан шаклланиб,

ривожланиб боради. «Жамият аъзолари жамият фаровонлиги учун эмас, балки жамият жамият аъзолари фаровонлиги учун хизмат қилиши керак, деб Спенсер индивидуализми органицистик концепциясига ёндошади, — инсонни социологиянинг энг асосий муаммоси сифатида олиб қарайди. Жамият табиат феноменининг умумлашмаси сифатида, унинг тараққиёти (эволюция) дифференциал бўлаклар ва функцияларнинг табиий жараёни сифатида қаралади. Индивидуализмнинг ахлоқий-ижтимоий муаммоси янги муаммо бўлиб, дифференциаллашган жамиятда индивид кам иштирок этади, эволюция унга туғилган муаммони ечишга рухсат этиб туради.

XIX асрда «жамият» тушунчаси янги маъно билан бойитилади. Жамият тараққиётининг механик структураси органик структураси билан биргаликда олиб қаралади. Муаммони ечиш йўлини социологлар жамиятни 2 йўналишини тарихий нуқтаи назардан ўрганиб, икки қарама-қарши тенденцияни: анъанавий ва замонавий жамият турларини бир-бири билан солиштириб ўрганадилар. Бундай жамият йўналишини Тённис ва Дюркгейм «статус» ва «контракт» (шартнома» дихотомик ғояларини илгари сурган ҳолда ўрганиб чиқадилар. Унда «гипотетик табиат» кўриниш ва «ижтимоий шартнома» кўринишининг рационал томонлари акс эттирилади. Тённис ўзининг «жамоа» («гемайншафт» уюшмаси) ва «жамият» дихотомиясида органицистик методология муаммолаштирган. Унинг концепциясида индивиднинг умумийликка ёки индивидларнинг ички умумийликка муносабатлари тўғрисида фикр бормай, балки индивидларнинг ўзаро муносабатининг англанган эркинликларини билдирувчи ижтимоий умумийлик тўғрисида сўз боради. Эркинлик ёки «моҳиятан» ёки «сайланган» бўлиб, «моҳият эркинлиги» бирлиги (самость), «организм ва органик бўлакларга хос» бирликни ташкил этади, ҳар бир бўлак ушбу бирликни акс эттиради ва жамоа гемайншафт — учун яшайди. Аксинча, ҳар бир ижтимоий муносабатлар юқори турувчи, қарамоғида маълум бир куч ва имкониятларга эга бўлган сунъий индивидни намоён қилиб, натижада жамият ижтимоий умумийлик нуқтаи назардан фикр юритади». Жамиятни 2 хил тушуниш тўғрисидаги диҳотомияда, яъни кенг маънода «жамоа»ни жамият таркибига қўшиб ва тор маънода «жамоа»ни жамият таркибидан чиқариб, Тённис турли хил ижтимоий алоқа ва таълимотларни таҳлил қилди. Тённис давлат тушунчасини жамият билан ўзаро алоқадорликда кўради, тарихий тараққиёт жараёнида барча йирик ривожланган давлатлар «бирлик» тенденцияси сари интилиб боради деб қарайди. Бу башоратми ёки олдиндан кўра билишми, ҳар қалай ҳозирги кунда Европа иқтисодий иттифоқини тузиш учун ривожланган давлатларнинг

ўзаро музокаралар олиб бориб, баъзи бир муваффақиятларга эришганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу нафақат Тённиснинг, балки социология фанининг жамиятни ўрганишдаги ҳақиқий ютуғи деб ҳисобламоқ мумкин.

Мана шу дихотомияни Тённисдан кейин Дюркгейм ҳам қўллаб-қувватлаб, *уни ривожлантирди. Агар Тённисни жамоани* организм билан ўзаро мос келмаслиги қизиқтириб, жамиятни тасаввур қилишда у ижтимоий бирлик дихотомиясига амал қилган бўлса, Дюркгейм ижтимоий алоқанинг органик ва механик турларини бир-бирига қарама-қарши қўяди ва жамиятни бир қадар ижтимоийликнинг табиий ва органик тури деб эълон қилади. Дюркгейм жамиятдаги бирликни «тиниқ ахлоқий ходиса» деб талқин қилиб, жамиятнинг ахлоқий мустаҳкамлигини ўз тадқиқотларининг марказига қўяди. Механистик ва органистик бирликни фарқлаш учун икки хил хулосага келади: 1) гуруҳларнинг барча аъзолари озми ёки кўпми маънода эътиқодлар ва ҳиссиётларнинг жамланмасини ташкил этади, натижада коллектив турини ҳосил қилади, 2) жамият — бу турли хил махсус функцияларнинг системасидир.

Органик бирликнинг механик бирликдан фарқи шундаки, у меҳнат тақсимоти натижасида вужудга келади. Меҳнат тақсимоти ижтимоий бирликнинг олий функцияси сифатида ахлоқий функцияларни вужудга келтиради ва «шахс индивидуаллигини» вужудга келишини ва ривожланишини таъминлайди.

Жамият ва унинг ривожланиш қонуниятлари тўғрисида кўпгина социологлар ўз таълимотларини яратганлар, жамият тўғрисидаги назарияларни бойитиб, ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшганлар, булар Зиммель, Парсонс, Лумин, Чикаго мактаби намоёндалари ва бошқалар.

Социологияда жамиятнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд;

1. Механицистик. 2. Органицистик. 3. Культурологик.

1. -Жамиятнинг механицистик йўналиши XIX асрда вужудга келди. Механицистик йўналишда классик механика концепцияси, *оламни механик талқин қилиш, жамият ривожланиши* қонунларини асосан физик ва механик қонуниятлар асосида деб билиш билан асосланарди. Механицизм тарафдорлари, масалан, Т. Керн жамият структурасини ва ундаги жараёнларни ноорганик олам билан солиштириб, шунинг асосида жамият қонунларини яратишга ҳаракат қилдилар. Табиий фанларнинг ривожланиши натижасида механицизмда янги «энергетик» ва «термодинамик» деган терминлар пайдо бўлди. Механицизм намоёндалари асосан аниқликка риоя этишни ўз вазифалари деб билиб, миқдор ва статистик методларга суяниб жамият қонуниятларини белгиладилар. Намоёндалари В. Ф. Остфальд, Парето, А. Барсела ва бошқалар.

2. Жамиятнинг органицистик концепцияси XIX аср охири XX аср бошларида вужудга кела бошлаган. Бу таълимотга кўра, жамиятни организм билан айнан бир нарса деб қараш ташкил этади. Жамиятни унсурларнинг агрегати деб қараб, организм, нисбий автономиялардан иборат бўлган ва ягона томойилларга асосланган жамият динамикасини яратади. Органицистик жамият концепциясининг намоёндалари О. Конт, Т. Спексер, Дюркгейм ва бошқалар ижтимоий организмни тараққиётининг омили деб қарадилар.

3. Ижтимоий ахлоқ нормалари ва қадриятларнинг тарихий мураккаблашиши натижасида ушбу ижтимоий система маданиятни вужудга келтиради. Маданий-ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида инсоният яратган ва яратаётган, ҳамда жамият тараққиётида тарихан эришилган босқични характерлайдиган моддий ва маънавий қимматдорликлар мажмуи. Моддий маданият, техника ишлаб чиқариш тажрибаси, ишлаб чиқариш жараёни вужудга келтирилган моддий қимматдорлик мажмуидир. Маънавий маданият, фан, санъат ва адабиёт, фалсафа, ахлоқ, маориф ва бошқалар соҳасида маънавий қимматдорликларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш мажмуасидир. Маданиятни вужудга келишини натуралистлар (табиатшунос) инсониятнинг табиий табиатида деб билдилар. Бошқа бир гуруҳ социологлар инсониятнинг ахлоқий тараққиётида, ахлоқий томонида бўлади дейдилар. Маданият тушунчасидан келиб чиққан ҳолда культурологик жамиятнинг вазифаси коллективнинг мақсадли тузилиш даражасини қиёслаб, унинг динамикасини ёритиш, «ижтимоий» факт эканлигини кўрсатишдан иборатдир. «Культурологик» жамият ҳар қандай ижтимоий фаолиятга асосланган мақсадли комплексларнинг аспектига диққат билан қарайди. Культурологик жамиятнинг функцияси ўзаро алоқадорликни системали равишда изоҳлаб, шарҳлаб беради. Культурологик жамият тўғрисида М. Вебер, Зиммел, Ф. Тенбрук, В. Липп, Й. Вайс ва бошқалар ўз социологик қарашларида фикрлар билдирганлар.

ҲОЗИРГИ КУН ЖАМИЯТИНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

1. Фаровонлик (мўл-кўллик) жамияти. ғарб социологиясида ҳозирги капиталистик давлатларнинг қиёфаси ифодалаб, «умумий роҳат-фароғат» ва «истеъмол қилиш жамияти» деган жамият назарияси вужудга келди. Ушбу назарияга кўра иқтисодиётнинг ўсиши ва янги технологиянинг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши натижасида жамиятнинг ижтимоий иқтисодий фаровонлиги ортиб боради, мўл-кўлчилик натижасида истеъмол маҳсулотларининг кўплаб реализация қилиниши натижасида жамиятдаги ҳар бир кишининг бахтли ва низоларсиз ҳаёт кечириш

таъминланади. Ҳозирги кунда шундай давлатлар фикримизча ривожланган капиталистик давлатларда, айниқса Скандинавия давлатлари ҳаётида аста-секин намоён бўлиб бормоқда.

2. Истеъмол қилиш жамияти. Унчалик назарий, эмпирик ва амалий аҳамиятга эга бўлмаган тушунча. Америка социологлари томонидан XX аср 40-50 йилларида жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ҳаёт даражасини яхшилаш мақсадида пайдо бўлаётган тасаввурларнинг кенг ёйилиши натижасида вужудга келган назария. Моддий томондан кам таъминланган кишиларнинг ижтимоий жиҳатдан талаб муаммоларини қондириш учун ушбу назария ишлаб чиқилди. Индивидуал истеъмол ижтимоий онгда инсонпарварликнинг ёркин ифодаси сифатида намоён бўлди, ўз навбатида бу иқтисодни монополизация ва давлат томонидан бошқариб туришни мустаҳкамлади. Истеъмол қилиш тамойилининг тараққий қилиши натижасида капитализмнинг нафақат эволюқион томонларини, балки кўп миқдордаги истеъмол эҳтиёжларини ошира бориб, истеъмол қилиш тамойилига модалар рекламаси ва маркетинг муносабатларини ҳам киритди. Истеъмол қилиш тамойилига оммавийлашуви жаҳон миқёсида ҳарбий-сиёсий конфронтациянинг бир мунча барқарорлашувига ҳам ёрдам берди.

3. Очиқ ва ёпиқ жамият. Социологияга К. Топпер томонидан киритилган бўлиб, тараққиётнинг турли босқичларида турли жамиятларнинг маданий-тарихий ва сиёсий тасвирланиши ифода этилади. Очиқ жамият — демократик жамият бўлиб, ташқи муҳит шароитларида осон ўзгарувчи ва мослашувчи, танқидни ёриб ўтмоққа мослашган жамият, ёпиқ жамият эса догматик-авторитар режим асосида бўлиб, сеҳрли (магик) тафаккур, догматизм ва коллективизм тамойиллари билан характерланади. Очиқ жамият оламни рационал англаш, критицизм ва индивидуализм тамойиллари билан характерланади. К. Поппер ёпиқ жамиятларга ўзининг сиёсий ва ижтимоий келиб чиқишидан турлича бўлган давлатларни киритади, буларга Спартак, Пруссия, чор Россияси, нацистлар Германияси, Совет Иттифоқини киритади. Очиқ жамиятга қадимги Афина ва ғарб ривожланган давлатларини киритади. Очиқ ва ёпиқ жамият концепцияси ҳозирги замон давлатларининг идеологик сиёсий ва ижтимоий-психологик нуқтаи назардан ўрганиш учун асосий омиллардан бири ҳисобланади.

4. Индустриал (саноат) жамияти. Анъанавий жамият категориясидан ажратиб турувчи, ғарб социологиясида ривожланган жамиятнинг келиб чиқиши ва табиати тўғрисидаги икки асосий категориянинг бири. Ушбу терминни биринчи бўлиб Сен-Симон ишлатган, уни О. Кант, Т. Спенсер, Дюркгейм ва

бошқалар ривожлантирганлар, қайси жамиятда саноат ишлаб чиқариш иқтисодий ташкилотни бошқарувчи шакли бўлса, бу ташкилот хусусий шахслар қўлида бўлса, бу тадбиркор хусусий бошқарувчи бўлади, у меҳнат жараёни ва ишчиларни бошқариб боради. Саноат ишлаб чиқариш корхоналарини, менеджер-администраторлар назорат қиладилар. Социологлар ушбу тамойил бир неча хилда талқин қиладилар.

а) ҳозирги давр дунёсининг тарихий ўзгариши натижасида, яъни «анъанавий» аграр жамиятдан «индустриал» саноат жамиятга ўтилиши ва машина саноати, меҳнат интизом, эркин савдода миллий хўжалик системасининг ва умумий бозорнинг ташкил этилиши модернизация назарияси билан чамбарчас боғликдир.

б) индустрлашган жамиятларнинг қанчалик кўп бўлиши уларнинг шунчалик индустрлашган тартибнинг қонунига мувофиқ бахслашиши рақобат қилиши кучаяди.

в) «Анъанавий» жамиятдан саноат жамиятига ўтилиши натижасида — тарихан прогрессив ҳаракат бошланади, яъни анъанавий наслий ирсият хусусиятлари йўқолади, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократлашуви натижасида инсон қонунлари тенглашади, қобилият жиҳатидан генетик равишдагина инсонларнинг нотенглиги вужудга келади ва ҳокозо.

5. Постиндустриал жамият. Америкалик социолог Д. Белл томонидан ишлаб чиқилган концепция. Постиндустриал жамият концепциясининг назариясига кўра жамият тараққиёти учта босқичда кўрилади:

1) индустриал жамиятгача бўлган давр; 2) индустриал саноат жамият даври; 3) постиндустриал жамияти даври. Индустриал жамиятгача бўлган даврда асосий омил қишлоқ хўжалиги муносабатлари, черков ва армия жамиятнинг асосий социал институти ҳисобланарди, бу даврдан индустриал-саноат жамиятига ўтилгач, саноат корпорациялар ва фирмалар жамиятнинг асосий омили бўлиб қолди, постиндустриал жамият даврида эса университетлар асосий жойи бўлган назарий билимлар саноат ва ишлаб чиқаришнинг бир жойга тўпланиб қолишида асосий роль ўйнайди. Бу жамиятда Д. Беллнинг фикрича, капиталистлар ҳукмронлиги йўқолиб, унинг ўрнини юқори билимга эга бўлган малакали ҳуқуқий элита эгаллайди. Хусусийлик жамиятнинг асосий мезони сифатида ўзининг маъносини йўқотади, унинг ўрнини таълим ва билимнинг юксак даражаси эгаллайди. Индустриал жамятда асосий низо меҳнат ва капитал орасида бўлса, постиндустриал жамиятда асосий низо билим ва чуқур билимга эга эмаслик ўртасида боради.

ЖАМИЯТ ТУЗИЛИШЛАРИ

Тоталитар жамият. Сиёсий бошқарувнинг зўравонликка асосланган системадир. Тоталитар сўзининг маъноси, лотинча totus — умумий, бутун, жамики деган маънони англатиб, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий ва ҳатто

бошқарувчи раҳбар элитанинг маиший ҳаётини якка лидер («фюрер», «дуче», «каудильо» ва ҳ.к.) томонидан ўрнатилган ҳарбий-бюрократик аппарат томонидан бошқарилиши тушунилади. Тоталитаризмнинг асосий ижтимоий кучи шаҳар ва қишлоқларда аҳоли табақасининг синфий қиёфасини йўқотишидир (люмпен-пролетариат, люмпен-интеллигенция ва ҳ.к.) бўлиб, ижтимоий аморф ҳолатига эга бўлмаган, барча ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг турмуш тарзида муайянлик ва мулкка эгалик тўғрисида ҳато фикр туғдирадиган тузумдир. Тоталитаризм тараққиёт жараёнини кўрсатадиган люмпенизация даражаси, жамиятнинг ижтимоий ҳаётини ҳарбийлаштириб бориши натижасида «фавқулодда ҳолат» тамойилини амалга ошириб боради. Ижтимоий ҳаётнинг бундай «ташкилоти» юқорининг ташаббуси ва уни актив қўллаб-қувватлаб турувчи жамиятнинг люмпенизациялашган қисмини таъсири натижасида тўғридан-тўғри терроpга олиб боради. Ҳарбий террорнинг бундай шакли жамият тузилишида «ижтимоий тартиб» моделини яратади. Тоталитаризм шароитида ижтимоий муносабатларнинг бошқарувчи ва ҳукмрон кучи зўравонликка асосланган сиёсат бўлади, шунинг учун тоталитар жамиятнинг «сиёсатлашуви», жамиятни муқаррар равишда ҳарбийлашувига (милитаризация) олиб боради. Тоталитар давлатнинг ҳарбийлашган муносабатларини бюрократлашуви натижаси, сурункали равишда ҳарбий кучларни ишлатишга олиб келади. Тоталитаризмнинг ғоявий манбаи, ижтимоий муносабатларни барча системаларини «кўрсатма тамойил»ларни лойиҳалаштирилган мушоҳада йўлини кимнингдир «намунали» бўлган утопик концелциясига асосланади. Тоталитар тузумга Жентиле, Гитлер, Муссолини, Сталин ва бир қанча диктаторнинг идеологиясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Авторитар жамият. (лот. auctor-бошловчи, асосчи, ижодкор, автор, фикр, нигоҳ, ҳокимият, ҳуқуқ ва ҳ.к.) демократик бўлмаган сиёсий режимга асосланган ва сиёсий онгнинг авторитетга, умуман ҳокимият авторитетига бўлган муносабатларни акс эттирувчи шаклидир. Авторитаризм жамияти қандайдир бир вазиятда, нодемократик йўл билан, тоталитаризмнинг баъзи бир элементларини қабул қилган ҳолда, бошқа ҳеч қандай «авторитет»ни тан олмай, ушбу авторитетларга тоталитаристик «уруш эълон қилиб» вужудга келади. Авторитаризм патологик, яъни нормал ҳолатини йўқотган (ўзини бошқалардан устун қўйиш, мақтовларга маҳлиё бўлиш) авторитетга агрессив мухлислик, ўрта синьор намоёндаларига хос бўлган онг шаклини акс эттиради. Авторитаризм ўз таълимотидан келиб чиқиб кўринмас қобиқ остида фашистик ва диктаторлик режимларига замин яратади.

Демократик жамият (грек. demos-халқ ва kratos-куч, ҳокимият) ҳокимият шаклларидан бири бўлиб, унинг характерли томони, озчиликни кўпчиликка бўйсуниши тамойили, ҳамда фуқароларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги эътироф этишидир. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқлари жамият ҳаётининг ижтимоий ва иқтисодий шароитларидан қатъи назар қонун олдида тенгликлари таъминланади. Демократик жамиятда конституция ишлаб чиарилади, парламент ва бошқа вакиллик муассасалари тузилади, фуқароларнинг умумий сайлов ҳуқуқи ва сиёсий эркинликлари (сўз эркинлиги, виждон эркинлиги ва бошқ.) таъминланади. Демократик жамият учун характерли нарса-унда парламентнинг мавжудлигидир, яъни унда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятга бўлинганлигидир, бунда ижро этувчи ҳокимиятнинг роли тобора ошиб боради.

4. ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТ

«Социал ҳаракат» категорияси назарий социологиянинг муҳим ва асосий тушунчаларидан биридир. Ҳеч бир ижтимоий тизим ҳаракатсиз мавжуд бўла олмайди. Жамият ҳаётида юз берадиган ўзгариш, яъни ижтимоий ҳаракат умуман ҳаракат турларининг ичидаги энг мураккабидир. Чунки бунда нафақат объектив ижтимоий қонуниятлар, балки субъектив, яъни инсонларга боғлиқ омиллар ҳам мавжуд бўлади. Шу жиҳатдан олганда, ижтимоий ҳаракатнинг ўзи ҳам тизим хусусиятига эга бўлади. Уни тўлалигича ўрганиш ижтимоий ҳаракатнинг турли томонлари — ижтимоий-руҳий, структурали-функционал, қадрий-норматив жиҳатларини тадқиқ этишни, ижтимоий ҳаракатни ўрганишга комплекс ёндошувини талаб қилади.

Ижтимоий ҳаракатнинг фалсафий тушунчасига нисбатан унинг социологик тушунчаси ўртасидаги фарқни ажрата билиш зарур. Маълумки, фалсафада ижтимоий ҳаракат кенг маънода, ижтимоий фаолият сифатида тушунилади. Социологияда эса ижтимоий ҳаракат тушунчаси ижтимоий фаолиятнинг энг оддий бирлиги сифатида талқин қилинади. Бунда ижтимоий ҳаракат индивиднинг ҳаётий муаммоларни ва зиддиятларни ҳал этишга қаратилган ва бошқа кишиларнинг жавоб ҳатти-ҳаракатларига нисбатан онгли равишда йўналтирилган ҳаракати тушунилади.

Ижтимоий ҳаракат ижтимоийлигининг асосий белгиси — индивиднинг кишилар хатти-ҳаракатидаги ижтимоий йўналишларни субъектив англашидир.

Субъектнинг хатти-ҳаракатига нисбатан ўзаро муносабатларнинг бошқа қатнашчиларининг жавоби «кутиш» тушунчасида ифодаланади. Бундай «кутиш»ни ўз ичига олмаган ҳаракат социал ҳаракат ҳисобланмайди (масалан, беҳосдан қилинадиган ҳаракатлар). Бир сўз билан айтганда, ижтимоий

ҳаракат — бу моддий ва маънавий неъматларни яратиш жараёнида амалга ошириладиган ва шу орқали янги ижтимоий алоқалар, муносабатлар, институтлар яратишга олиб келувчи ҳаракатдир.

Ижтимоий ҳаракат тушунчасини ишлаб чиқишга ғарб социологиясида катта эътибор берилган. Ижтимоий ҳаракат назарияси кишиларнинг жамиятдаги ўзаро алоқалари ва муносабатлари мажмуини изоҳлаш имконини берадиган махсус ижтимоий омилни қидиришдан бошланган. «Ижтимоий ҳаракат» тушунчасини изоҳлаш учун дастлабки босқич сифатида ҳаракатнинг идеал ҳолатини олиб кўриш зарур. Бу ҳолда ҳаракат мақсади ва ҳаракат қилувчининг мақсади бир-биридан ажратилмайди. Буни мақсадли-рационал ҳаракат тушунчаси билан изоҳлаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, «мақсадли рационал ҳаракат» тушунчаси индивидларнинг ижтимоий ҳаракатларини ўрганиш методи сифатида қаралади. Бу тушунча орқали жамиятни ўрганишда халқ, жамият, давлат, иқтисод ва бошқа тушунчалар моҳияти очиб берилади. индивиднинг ўзи эса қандайдир ижтимоий организмнинг ҳўжайраси сифатида қаралмайди. Ҳаракатни унинг мазмунидан, онглиликдан маҳрум этиб бўлмайди. Ижтимоий ҳаракатнинг замонавий социологик моделига кўра онглилик бундай ҳаракатнинг зарурий шарти ҳисобланади Умумий бир яхлитлик эмас, балки алоҳида индивидга таяниш талаб этилади. Биз индивид ҳатти-ҳаракатини тушунамиз, лекин ҳужайранинг ҳатти-ҳаракатини тушунмаймиз. Шу каби, халқнинг ҳаракатини тушунмаймиз, лекин халқни ташкил қилувчи индивидларнинг ҳатти-ҳаракатини тушунамиз. Социологиянинг вазифаси-ҳаракат турларини тушунарли ҳаракат кўринишига келтириш, якка индивидларнинг ҳаракатини ўрганиш. Индивидуал мақсадли — рационал ҳаракат идеал тип сифатида инсон ҳаракатига онглилик руҳини беради. Социология ижтимоий ҳаракатни тушунишга, унинг сабабларини ва оқибатларини ҳам изоҳлашга уринади, бунда у алоҳида индивид ёки индивидлар гуруҳининг ҳатти-ҳаракатини ўз тадқиқотларида бошланғич атом сифатида олади. Социология маълум бир мазмунга эга бўлган ҳаракатгина қизиқтиради. Ижтимоий ҳаракатни ўрганаётганда биз нимага асосий эътиборни қаратишимиз ҳаракат маъносигами ёки ҳаракат қилувчигами? Масалан, бозорда бир одам бирор нарса харид қилаётганини кўрсак, биз уни ўзи учун олаяпти, совға учун олаяпти, кимнингдир илтимосини бажаряпти ва шу каби кўплаб хулосалар чиқаришимиз мумкин. Шундай тарзда фикрлашда кўриниб турибдики, ҳаракат маъносини тушунишга интиляпмиз, лекин бунинг ёрдамида ҳаракат қилаётган индивидни ҳам тушунса бўлади. Агар социология индивиднинг ўзини тушунишга кўп эътибор берганда, кўп қийинчиликлар юзага келган бўларди.

Чунки индивид учун ҳар қандай ҳаракат ниманингдир белгиси сифатида намоён бўлади. Аслида эса бутунлай тескариси бўлиши мумкин. Бу ҳақда кўпгина ҳолларда индивид тасаввурга эга бўлмайди, бўлганда ҳам яширишга ҳаракат қилади, ўкўпроқ ҳаракат маъноси қизиқшига моликдир. °озирда социология фанида ижтимоий ҳаракатнинг тўрт хили ажратиб кўрсатилади, булар: мақсадли-оқилона, қадриятли-оқилона, аффектив ва анъанавий.

Мақсадли-оқилона ҳаракат — субъект томониан ўз мақсадини аниқ англаганлигини, оқилона воситалар танлаганини тақозо этади. Аммо, конкрет инсон ҳаракати мақсадли-оқилона ҳаракатга қисман яқинлашиши мумкин, лекин айнан мос келмайди. Мақсадли-оқилона ҳаракат ўзига хос ҳаракат модели ролини ўйнайди, унинг ёрдамида ҳаракатлардаги четга оғишларни аниқлаш мумкин. Бу эса ҳаракат қилаётган субъектнинг ҳақиқий мотивларини тушуниш имконини беради. **Қадриятли-оқилона ҳаракат** этик, эстетик, диний ва бошқа маълум ҳатти-ҳаракат қадриятларига бўлган ишончга асосланган ижтимоий ҳаракатдир. Қадриятли-оқилона ҳаракат доимо маълум бир бажарилиши бурч ҳисобланган талабларга бўйсунади. Маълум бир қадриятни англаш билан боғлиқ бўлган бу ҳаракат ўзининг маълум бир тартибилилиги туфайли режали, оқилона хусусиятга эга бўлади. ғадриятли-рационал ҳаракатда одам ташқи дунёдагина эмас, балки ўзининг субъектив қадриятларига ҳам мос равишда воситалар танлайди, бу қадриятлар ҳаракатни тезлаштириши ва аксинча, сусайтириб қўйиши мумкин.

Аффектив ҳаракат типи. Аффектив ҳаракат типини субъектнинг маълум бир эмоционал ҳолати, маълум аффектлар ва ҳис-туйғулар билан характерланадиган ҳаракат ифодалайди. Буларга севги, нафрат, қўрқув, мардлик, қувонч ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу ҳаракат ижтимоий моҳиятга эга эмас. Аффектив ҳаракатда ташқи бир мақсадларга интилиш бўлмайди, балки ҳис-туйғулар томонидан олдиндан мазмун жиҳатдан белгилаб қўйилган бўлади. Бундай ҳаракатда энг муҳими-индивидни қамраб олган ҳис-туйғуни, хоҳишни зудлик билан қондиришга бўлган интилишдир. Бундай ҳаракат инсон ҳаракатининг чегарасида туради. Бу чегарадан чиққан ҳаракат ижобий ҳаракат ҳусусиятини йўқотади. Аффектив ҳаракат ўткинчи хусусиятга эгадир.

Анъанавий ҳаракат маданий анъаналарда ифодаланган ҳатти-ҳаракат тимсолларига, тақлидга асосланган ҳаракатни билдиради. Бундай ҳаракат оқилона хусусиятга эга бўлмай, ҳаракат жараёни автоматик равишда юз бераётган жараён кўринишини олади, субъективлар ҳар қандай вазиятда ҳам такрорланувчи ва кўникиб қолинган анъаналарга, одатларга асосланади. Анъанавий ҳаракат юзаки қараганда объектив оқилона тарзда кўриниши мумкин,

лекин унинг ҳақиқий моҳияти субъектив нооқилона асосга эгадир. Анъанавий ҳаракат ҳам аффектив ҳаракат каби инсон ҳатти-ҳаракатининг чегарасини билдиради. Лекин бу ҳаракатнинг аҳамияти шундаки, одат ва кўникмаларга асосланган ҳаракатлар жамият ҳаётида жуда кўп ўрин тутади. Индивиднинг ҳатти-ҳаракати ўзида ҳаракатнинг барча турларига хос бўлган хусусиятларини сақлайди. Бунда мақсадли-оқилона, ҳам қадриятли оқилоналик, аффективлик, анъанавийлик белгилари бўлади. Турли жамиятларда баъзи ҳаракат вазиятлари кучлироқ бўлиши мумкин. Масалан, анъанавий жамиятда анъанавийлик ва аффективлик оқилоналик ва қадриятли оқилоналикка нисбатан устунроқ бўлади. Аксинча, индустриал жамиятда оқилоналик ва қадриятли ҳаракат нисбатан устун бўлади.

Инсоннинг субъектив дунёси ижтимоий ҳаёт, ижтимоий жараёнларнинг шахс жиҳати сифатида намоён бўлади.

Жамият ривожланган сари мақсадли рационал ҳаракат кучайиб боради.

Демак, ҳаракат индивиднинг ғоялар ва вазият шароитлари таъсири остида ўз мақсадларига эришиш воситалари юзасидан субъектив қарорлар қабул қилишини англатар экан. Албатта бу алоҳида олинган ҳаракат бўлиб, ижтимоий ҳаракат кўпгина шахслар томонидан амалга ошириладиган мана шундай ҳаракатларнинг мунтазам қаторларини ўз ичига олади.

Мақсад ҳаракатнинг зарур элементидир. Мақсад ҳаракат қилувчи истаган ҳолатдир. Демак, мақсадлар кутилган, тасодифий ёки қандайдир бир билимлар натижасида танланган бўлиши мумкин. Мақсад маълум бир вақтни тақозо этади. Вақтдан ташқари у аҳамиятини йўқотади. Мақсад хато бўлиши, яъни мақсад ва воситаларнинг нотўғри танланиши, уларнинг бир-бирига мувофиқ келмаслиги натижасида мақсаднинг амалга ошмаслиги мумкинлигини ҳам унутмаслик керак.

Вазият эса ҳаракатнинг ташқи қобиғидир. Вазиятнинг асосий хусусияти шундан иборатки, у мақсадга нисбатан бошқа йўналишда ривожланади. Ҳаракат қилувчининг вазият устидан назорат қилиши ҳаракат шароитлари ва воситалари ёрдамида олиб борилади. Ҳаракат шароити ҳаракат қилувчи ўзгартира олмайдиган элементдир.

Ҳаракатнинг норматив (меъёрий) йўналганлиги ҳам муҳимдир. Чунки ҳаракатда доимо меъёрий йўналганлик мавжуд бўлади. Меъёр ҳаракатни намунага мувофиқлаштиришга бўлган интилиш билан ифодаланади. Меъёрий элементнинг белгилари қуйидагилар: а) ҳаракат қилувчида у ёки бу қабул қилинган меъёрга амал қилишга бўлган интилишнинг мавжудлиги; б) ҳаракат қилувчининг ҳар қандай имкониятлардан қатъий назар,

олдинга қўйилган мақсадга эришиш заруриятини тан олиши. Меъёрий йўналганлик ижтимоий ҳаракат назариясида муҳим ўрин тутади. Маълум меъёрларга интилмайдиган ҳаракат мавжуд бўлолмайди, келмайдиган механик ҳаракат бўлмаганлиги каби бўлмайди.

Ҳаракат тизими мураккаб тузилишига эга. Ижтимоий ҳаракат доимо бошқа ҳаракат қилувчиларнинг ўзаро йўналганлигини ва умумий қадриятлар асосида ўзаро интеграциясини ташкил этади. Бу даражада ижтимоий ҳаракат қуйидаги тушунчалар билан изоҳланади: ҳаракат қилувчи; меъёрий йўналганлик, мақсад, вазият, бошқа ҳаракат қилувчи, ўзаро йўналганлик, қадриятлар. Ҳаракат системаси бу ҳаракат элементларидан ва ҳаракатлар ўртасидаги мураккаб ўзаро алоқалардан иборат. Бу муносабатлар қуйидагилардир: 1) система тушунчаси билан боғлиқ равишда юзага келадиган муносабатлар; 2) индивид ёки ҳаракат қилувчи деб аталадиган бирикмаларда юзага келадиган муносабатлар; 3) ижтимоий гуруҳдаги индивидларнинг ўзаро алоқаси натижаларида юзага келадиган муносабатлар, ҳаракат маълум бир қисмлардан иборат, уларни биз системалар деб атаймиз. Баъзи социологлар жумладан Т. Парсонс ҳаракат элементларидан иборат учта тизимни ажратиб кўрсатади: 1) ижтимоий тизим; 2) шахс тизими; 3) маданият тизими. Ижтимоий тизим ва шахс тизими мотивланган салбий ҳаракатни ташкил қилади. Маданият тизими эса рамзий нусхалар тизимининг моҳиятини билдиради. Умумий бир ҳаракат тизимини ташкил қилувчилари қуйидагилардир: 1) ҳаракат қилувчи организм (мослашув функциясини бажаради); 2) шахс тизими (мақсадга эришиш функциясини бажаради); 3) ижтимоий тизими (интеграция функциясини бажаради); 4) маданият тизими (латентлик вазифасини бажаради).

Ижтимоий ҳаракат тизими икки даражадаги ўзга воқелик орасида мавжуд бўлади. Бу икки даража ҳаракат системасига кирмайди, булар физик органик ташқи муҳит ва олий фикрий воқеликдир. Улар орасидаги таъсирлар қуйи даражада ҳаракат қилувчи организм ёрдамида, юқори даражада-маданият ёрдамида юз беради. Бу таъсирлар қуйи даражада ҳаракатни энергия билан, юқори даражада эса ахборот ва назоратни таъминлайди.

Ижтимоий ҳаракатнинг функционал жиҳати ижтимоий муносабатларнинг амал қилиши, бузилиши ва ўзгариши жараёнларида намоён бўлади. Бунда уч тизим, яъни маданият, шахс ва ижтимоий тизим уч бирлаштирувчи марказ сифатида барча ҳаракат тизимларининг таркибий асосида ётади. Булар бир-бирини тўлдирувчи тизимлар бўлганлиги сабабли уларнинг ўзаро муносабатларисиз бирорта ҳам ҳаракат тизими мавжуд бўла

олмайди. Умумий тарзда буни 2-чизмадан кўрса бўлади.

2-чизма

Шахс системаси	Ижтимоий система	Маданият системаси

ҳаракат қилувчи ўзаро йўналганлик
мақсад шароит умумий восита бошқа ҳаракат қилувчи қадриятлар меъёр

Маълумки, инсоннинг ижтимоий воқеликка нисбатан муносабати фаолият тушунчаси билан ифодаланади. Айнан инсоннинг амалий фаолияти уни ўраб турган моддий, табиий ва айниқса ижтимоий дунёни ўзгартиришга қаратилган бўлади. Шу билан бирга инсоннинг ташқи дунёни ўзгартиришга қаратилган ҳаракати унинг фаолиятининг бошқа барча турлари учун асос ҳисобланади. Лекин шахс бошқа инсонлар билан ҳамкорликдагина амалий фаолият юритади. Умуман инсоннинг амалиётдаги фаолияти (ҳаракати, хулқ-атвори) субъект-объект ва субъект-субъект муносабатлари бирлигида намоён бўлади. Бу ерда субъект-объект муносабатлари инсоннинг ташқи муҳитни сунъий қурол ва воситалар ёрдамида ўзлаштиришини англатса, субъект-субъект муносабатлари эса ушбу фаолият жараёнида одамлар ўтасидаги мулоқотни ифодалайди.

Ижтимоий ҳаракатни кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода ижтимоий ҳаракат ижтимоий воқеликни ўзгартириш ва такомиллаштиришга қаратилган фаолият тури ҳисобланади. Тор маънода эса ижтимоий ҳаракат шахс ёки айрим ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ижтимоий воқеликка мослашишга қаратилган ҳаракат тизимини англатади.

Ижтимоий ҳаракатнинг шакллари ҳам турли-тумандир. Ижтимоий ҳаракатнинг асосий шакли моддий неъматлар ишлаб чиқишига қаратилган ҳатти-ҳаракат ҳисобланади. Бошқа муҳим ижтимоий ҳаракат бу инсонларнинг ўзаро муносабатларини ривожлантиришга қаратилган фаолиятидир. Ижтимоий ривожланиш жараёнида бу фаолият бир неча қисмларга ажралиб кетишини кузатса бўлади. Булар синфий кураш ижтимоий ўзгаришлар, революцион ҳаракатлар кўринишида юз берадиган ҳаракатлардир. Бундан ташқари кишилар фаолиятида техник, илмий фаолият каби ҳаракат кўринишлари ҳам намоён бўлади.

5. СОЦИАЛ ИНСТИТУТЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ТИЗИМЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ.

Социал институтлар, ташкилотлар, тизимларни ўрганиш социологиянинг махсус йўналишлари ҳисобланади.

Социал институт (лотинча — institutum, русча луғавий маъноси — установления, ўзбекча маъноларда, биринчидан,

низом, қоидалар ёки уларнинг тўпламини, иккинчидан, маҳкама, муассасаларни билдиради. Социал институтлар ёки институционал социология махсус назарий йўналишдир. Социологияга социал институт тушунчаси ҳуқуқшунос фанларидан кириб келган. Юриспруденцияда социал институтлар дейилганда, ижтимоий — ҳуқуқий муносабатларни идора қиладиган ҳуқуқий нормалар (меросхўрлик, мулкка эгалик, оила ва никоҳ институтлари) тушунилади.

Институционал социология — ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг ва идора этишнинг (бошқаришнинг регуляция қилишнинг) барқарор шаклларини ўргатувчи соҳадир.

Социал институтларни конкрет ташкилот ва гуруҳлардан фарқлаш лозим. Юзаки кўринишда, социал институт муайян вазифани бажарувчи одамлар муассасалар, идоралар мажмуи сифатида гавдаланади. Мазмунига кўра эса, социал институт ва шахсларнинг конкрет вазиятларда амал қиладиган мақсадга мувофиқ, расмий ва норасмий, барқарор, стандартлашган тамойил, нормалар, ўрнашмаларини билдиради.

Социал институт, қисқача таърифда, одамлар социал ташкиллашган ва регуляция қилинадиган фаолиятларни англатади. Социал институтлар ҳатти-ҳаракатининг нисбатан барқарор шакллар намуналарини, авлоддан-авлодга ўтувчи анъаналар, одатларни қайта такрор ҳосил қилинишини ҳам таъминлайди. Социал структурага кирувчи ҳар бир социал институт муайян ижтимоий аҳамият вазифаларни адо этиш учун ташкил топади, ҳар бир социал институт фаолият мақсади, унга эришишни таъминловчи конкрет функциялар, ушбу институтга хос бўлган социал позиция ва роллар шунингдек, мақсадга мувофиқ, керакли ҳатти-ҳаракатни рағбатлантирувчи ва девиант (оғма) ҳатти-ҳаракатларга қарши қаратилган тазйиқлар (санкциялар) тизими билан тафсифланади.

Жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий ва халқаро соҳаларига хос бўлган социал институтларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Сиёсий институтлар муайян ҳокимият мавжудлигини, иқтисодий институтлар эса моддий неъматларнинг ишлаб чиқарилишининг тақсимланишини таъминлайди. Жамиятнинг муҳим институтларидан бири оила ҳисобланади. Унинг фаолияти (ота-оналар, ота-оналар ва болалар ўртасидаги тарбия усуллари) ҳуқуқий ва ижтимоий нормалар билан белгиланади. Бундан ташқари жамиятда бир қатор ижтимоий-маданий институтлар (маориф, соғлиқни сақлаш тизимлари, маданий-тарбиявий муассасалар, фан дин институтлари) амал қилинади.

Социал институтлар социал муҳит билан ўзаро таъсирда бўлади. Бу ўзаро таъсир нормал тарзда, шунингдек норманинг

бузилиши шароитида ҳам бўлиши мумкин. Ҳар қандай реал жамиятда норматив тартиботга бўйсунмайдиган аномик ҳодисалар бўлиши табийдир.

Амал қилиш доираси ва вазифаларига қараб социал институтларнинг қуйидаги кўринишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) Реляцион институтлар. Бу институтлар жинс ва ёшдан тортиб то касб-машғулот тури ва қобилияти мезонларига асосан жамиятнинг ролга оид таркибини аниқлаб беради;

2) Регулятив (идора этиш) социал институтлари. Бу институтлар шахсий мақсадларнинг жамиятда амал қилиб турган нормаларига даҳлсиз ҳолда амалга ошиш чегараларини ва бу чегарадан чиқиб кетилганда қўлланиладиган санкцияларни (бунда социал назоратнинг ҳамма механизмлари ҳам кириб кетади) белгилаб беради;

3) Интегратив (уйғунлаштирувчи) социал институтлар. Бу институтлар бир бутун тузумга жамият манфаатларини қондиришга маъсул бўлган социал ролларни ифодалайди;

4) Анъанавий социал институтлар. Бу социал институтлар одат, маросимлар ва қариндош-уруғчилик томонидан қатъий белгиланган нормалар билан боғлиқдир.

5) Маданий социал институтлар. Дин, санъат, адабиёт билан боғлиқ;

Институционал социологияда социал институтларнинг бажарадиган асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) жамият аъзоларини такрор ишлаб чиқариш қайтадан тиклаш;

б) социализация (индивидга ижтимоий аҳамиятли бўлган қадрият ва нормаларни етказишнинг турли хил шакллар);

в) ишлаб чиқариш ва тақсимот;

г) тартибга риоя қилиш ва ахлоқни сақлаб туриш.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи унга мос бўлган муайян социал институтлар амал қилиниши тақозо этади. Ҳозирги замон цивилизацияси томон қадам ташлаётган мустақил мамлакатимизда янги мақомга монанд бўлган социал институтлар шаклланиши жараёни рўй бермоқда. Булар иқтисодий соҳада-бозор иқтисодиёти амал қилишига хизмат қиладиган социал институтлар сиёсий соҳада демократик ҳокимият турли бўғинлари фаолиятини таъминловчи социал институтлар, жамият барча жабҳаларига янги жамият тарзига ҳозирловчи турли хил социал институтлардир. Президент Каримов изчил тадбиқ қилаётган концепцияга мувофиқ, янги социал институтлар анъанавий социал институтларга мутлақо қарама-қарши қўйилмасдан, балки жамиятимизнинг ўтмиши, ҳозирги ва келажаги ворислигини

таъминлашга хизмат қиладиган, жамиятдан бегоналашмаган, мамлакатимиз минтақасига мос келадиган социал институтлар фаолиятига йўл очиб берилмоқда.

Социал институтлари сингари социал тизим амал қилиши таъминлайдиган ижтимоий структуранинг асосий «ҳужайра»ларидан бири социал ташкилотлардир. Социал институтлардан фарқли равишда, социал ташкилотлар одамларнинг иш жараёнида муайян вазифаларни бажаришдаги ихтиёрий ёки мажбурий уюшмаси тушунилади. Ташкилот аъзоси бўлган одамларнинг манфаатлари умумийлиги ташкилотнинг идеал ҳолида эга, ташкилотнинг мақсади унинг барча аъзолари мақсади билан мувофиқ келиши кўзда тутилади. Социал ташкилотни бошқа социал гуруҳлашувлардан фарқи — уни ташкил этувчи индивид қатъий равишда муайян социал роль ва позицияларни ижро этишларидадир. Жамият социал ташкилотлари турли хилдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ғоявий мақсадларга эришиш воситаси деб қарайди. Социал ташкилотлар индивидларнинг эҳтиёж ва манфаатларини маълум бир қатъий меъёрда қондирилишига хизмат қилади. Бу меъёр одамнинг мазкур социал ташкилотда қабул қилинган социал норма ва қадриятлардан келиб чиқадиган ижтимоий мақоми билан белгиланган бўлади.

Социологиядаги махсус йўналиш социал ташкилотлар назариясига кўра икки ҳил расмий ва норасмий ташкилотлар ажратилади, ҳар қандай расмий ташкилот махсус маъмурий аппаратга эга бўлади. Бу маъмурий аппаратнинг асосий вазифаси — ташкилот мавжудлигини таъминлаш учун унинг аъзолари фаолиятини мувофиқлаштиришдир. Бундай ташкилот аъзолари вазифа (функция)ни бажариш нуқтаи назаридан қаралади. Бундай индивид биринчи навбатда шахс эмас, балки махсус социал ролни ижро этувчи ташкилотнинг бўлагидир. Ташкилот нечоғлик мураккаб ва катта бўлса маъмурий аппарат ҳам шу даражада мураккаб вазифаларни бажаради. Ҳар бир ташкилот муайян даражада бюрократлашган бўлади. Ташкилотнинг бюрократлашув даражаси маъмурий муаммоларни ҳал қилиш учун сарфланадиган кучлар билан ташкилот мақсадига эришиш учун сарфланадиган кучлар миқдорларининг нисбатига боғлиқдир. Айрим ҳолларда маъмурий мақсадлар ташкилотнинг асл мақсадларини мутлақо четлаштиришлари ҳам мумкин. Бундай ҳолни ташкилотни жамиятга эмас, балки, ўз-ўзига хизмат қилишга «бепарволикка» олиб келади.

Социал ташкилотларда қатъий бюрократик тамойилларга асосланган ташкилий иерархия (ташкилот аъзоларининг бир-бирларига нисбатан босқичма-босқич расман тобеликда бўлишлари) муносабатлардан ташқари норасмий муносабатлар

ҳам мавжуддир. Бу муносабатлар қатъий маъмурий қоидалар тизими шароитида ташкилот самарадорлигини оширади ва қуйидаги ижобий вазифаларни бажаради: иш вазифасига кўра бўйсунувчи индивидлар ва мансабдор шахслар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган зиддиятларни юмшатади, ташкилот аъзоларини бирдамлигини мустаҳкамлайди, шахсий қадр-қиммат ҳиссини сақлаб қолади.

Социологияда ташкилотни таҳлил этишда уч асосий ёндошувни ажратиб кўрсатиш мумкин: рационал, табий ва неорационал ёндошувлар. Рационал ёндошув нуқтаи назаридан ташкилот «асбоб» аниқ қўйилган мақсадларга эришиш воситаси деб қаралади. Ташкилот бу ҳолда бир-бирларини алмаштиришлари мумкин бўлган, лекин бу билан ташкилотнинг бутунлигини, яхлитлигини даҳл этмайдиган алоҳида мустақил бўлаклар йиғиндиси, мажмуи деб қаралади. Рационал ёндошув кўп ҳолларда ташкилотда мавжуд бўлган норасмий муносабатларни инобатга олмайди.

Рационал ёндошувдан фарқли ўлароқ, табиий ёндошув тарафдорлари ташкилотни «табий бутунлик», ўзига хос организм сифатида ўрганадилар. Бу организм учун табий ўсиш, ўз мавжудлигини давом эттириш ва тизим мувозанатини сақлаб қолишга интилиш хосдир. Бу нуқтаи назарга кўра ташкилот қўйилган мақсадларига эришгандан кейин ҳам ўз мавжудлигини давом эттириши мумкин. Асосий вазифа ташкилотдаги мувозанатни таъминлашдир. Ташкилотга табиий ёндошувда норасмий муносабатларга кўпроқ эътибор берилади.

Ҳар икки ёндошувнинг ижобий томонларни қўшишга интилиш натижасида янги ёндошув-ташкилотнинг неорационал модели вужудга келади. ғарб социологиясида Блау, Гоулднер ва бошқалар рационал ва табиий ёндошувни қўшишни, ташкилотдаги рационаллик ва норасмий муносабатларни уйғунлаштиришни ёқлаб чиқишди.

Социал институтлар, ташкилотлар ва ижтимоий ҳодисалар турли хил ўзига ҳос кесишмаларда социал тизимни ташкил этади. Одатда тизим дейилганда бир-бирлари билан ўзаро алоқада бўлган ва муайян бутунликни ташкил этувчи, алоҳида тарзда тартиблашган элементлар мажмуи тушунилади. Системали ёндошувнинг асосий вазифаларидан бири объект тўғрисидаги барча билимларни бир бутун системага келтиришдир.

Социал тизимлар формацион, маданий, индивидуал-шахсий сифат ва даражаларида кўрилиши мумкин.

Формацион ёндошувда жамиятда ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий муносабатлар социал, мафкуравий ва сиёсий

муносабатлар социал, мафкуравий ва сиёсий муносабатлардан иборат табиий-тарихий бир бутун системадир.

Социал тизимларнинг мураккаб иерархияси мавжуд. Жамиятнинг ўзи бутунлиги сифатида энг катта тизим ҳисобланади. Унинг иқтисодий, социал, сиёсий ва мафкуравий каби муҳим ост тизимлари мавжуд. Бошқа ост тизимлар — синфлар, этник, демографик, территориал ва профессионал гуруҳлар, оила, шахс ва ҳокозолардир. Санаб ўтилган ост тизимлар ўз навбатида бир қанча бошқа ост тизимлардан иборатдир. Социал тизммлар кўп ҳолларда бир-бири билан «кесишган» бўлади, айнан бир индивидлар турли хил тизимлар элементи бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар бир босқичлари билан алоқада ёки улардан мустасно равишда нисбий мустақилдир.

Социал тизим қонуниятлари унинг ички атрибутидир. Бу қонуниятларни тизимга таъсир кўрсатувчи қандайдир асосий омил деб қараш мумкин эмас. Социал алоқадорлик қонунияти — бу мазкур социал тизим ва унинг тузилиши қонуниятидир. Муайян социал тизим алмашуви бир вақтнинг ўзида тегишли социал алоқадорликларнинг алмашиши ҳамдир, чунки улар социал тизим вужудга келиши билан пайдо бўлади ва социал тизим тарқалиши ёки ўзгариши билан тўхтаб қолади. (Индивиднинг ўзи яшаб турган социал тизим қонунларига бўйсунмасдан иложи йўқдир).

Социал тизим қонуниятлари индивид ҳаёти-фаолиятини белгилаб беради. Индивид у ёки бу тарзда социал система норма ва қадриятларни қабул қилади, ижтимоийлашади. Унинг фаолияти ижтимоий белгилангандир. Шу билан бирга фаолият кўрсата олишликнинг бир қанча вариантлари ҳам мавжуд бўлиб, улар орасидаги ўзига маъқулини танлаб олиши мумкин.

Социал тизимлар хилларини кўрсатиш бир мунча шартлидир. Социал тизимни у ёки бу мезон асосида ажратиш социологик тадқиқот вазифаси билан белгиланади.

Айнан бир хил социал тизим (масалан, оила) тенг равишда ҳам социал назорат тизими, ҳам социал институт, ҳам социал ташкилот сифатида қаралиши мумкин.

СОЦИАЛ МУНОСАБАТЛАР

Социология фанининг тизимида социал муносабатлар жуда муҳим ўрин касб этади. Чунки у орқали жамият аъзолари бир-бирлари билан маълум бир муомала ва ижтимоий ҳамкорликка интиладилар. Социологиядаги бу махсус соҳа ўзининг ўта долзарблиги ва муҳимлиги билан бошқа муаммо ва масалалардан

ажралиб турсада, у ҳали мутахассислар томонидан тўлиқ илмий ва системали равишда ўрганилмаган ва илмий адабиётларда етарлик даражада ёритилмаган. Бу салбий йўлнинг асосий сабабларидан биринчиси, собиқ Иттифоқ фалсафий — соқиологик адабиётида бу масалани бир ёқлама талқин қилиниши бўлса, иккинчиси илғор ғарб адабиётининг ушбу соҳаси бўйича тадқиқотларининг тўлиқ маълумотларини бизда йўқлигидир.

Социал муносабатлар тушунчасини ўзи ҳали социология фанида аниқ ва илмий таърифини ҳозирча топа олгани йўқ. Аввалambор шуни таъкидлаш зарурки, социал муносабатлар кўпинча ижтимоий муносабатлар тушунчаси билан тенглаштирилади ёки социал муносабатлар ижтимоий муносабатларларнинг бир хусусий кўриниш деб талқин қилинади. Мавжуд адабиётларни чуқурроқ таҳлил қилинадиган бўлса шундай хулосага келиш мумкинки, юқорида кўрсатилган фикрларда қимматли асос борлигини билиш мумкин.

Аввалambор шуни таъкидлаш керакки, социал муносабатлар тушунчаси кўпгина адабиётларда 2 хил даражада: кенг маънода ва тор маънода талқин қилинган, Ушбу муаммони кенг маънода тушуниш — бу социал муносабатларни бутун бир ижтимоий муносабатлар тизими билан тенглаштиришдир, ва улар орасидаги фарқларга кўп эътибор бермаслик билан боғлиқдир.

Тор маънода социал муносабатлар ижтимоий муносабатларининг бир муҳим элементи ва тури деб интерпретация қилинади. Социал муносабатлар кенг маънода қуйидагича таъриф билан белгиланган.

Социал муносабатлар бу табиат ҳодисаларидан ўлароқ бўлиб, унда ижтимоий муносабатларнинг бутун бир тизими мужассамлашгандир.

Кейинчалик социал муносабатларни ҳам кенг, ҳам тор маънода талқин қилиш жараёнлари такомиллашиб борди. Албатта юқорида келтирилган таърифлар бу муносабатларни материализм таълимоти методологияси асосида шаклланган кўринишидир. Социал муносабатларга берилган таърифлар бир-бирларидан шакл жиҳатидан фарқлансалар ҳам лекин мазмун жиҳатидан бир-бирларидан деярли фарқлари йўқ деб таъкидланса муболаға бўлмайди. Чунки уларнинг асосини материалистик диалектика методологияси ташкил қилади. Шунинг учун собиқ Иттифоқ адабиётида социал муносабатлар муаммоси тарихий материализмнинг қонун ва категорияларидан келиб чиқиб ёритилган ҳақиқий социологик муаммо сифатида социал муносабатлар таҳлил қилинмаган. Шунинг учун социология мустақил фан сифатида тан олинмай унга фақат социал муаммоларни, фалсафий тадқиқотларининг хулосаларини ўзининг эмпирик тадқиқотлари билан асослаш вазифалари

юклатилган эди. Демак юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли ижтимоий жараёнларни ўрганиш, хусусан социал муносабатлар муаммоси ҳам фақат фалсафий руҳда олиб борилган. Социал муносабатларни ўрганишнинг яна бир камчилиги шундаки муаммога фақат бир ёқлама, моддийлик, яъни материалистик принциплари асосида ёндошилган.

Бунинг натижасида эса тадқиқотлар саёз ва бир ёқлама натижалар берди. Негаки бундай методология ижтимоий жараёнларни ўрганишда объектив шарт-шароитни бирламчи ўринга қўяди, субъектив омил эса унга актив таъсир кўрсатади ва у иккиламчи вазиятдадир.

Бу йўналишга қарама-қаршилик ёндошувда бошқа кўпгина таълимотлар ва йўналишлар ижтимоий оламни ўз услуб ва методологияси билан ўрганадилар. Жумладан социал муносабатлар масалалари ғарб мутаффакирлари томонидан ҳам ўз метод ва методологиялари жиҳатидан кенг тадқиқ қилинган. О. Конт ўзининг позитивистик талимотида социал муносабатлар муаммоларини худди биологик ҳодисалар методи билан ўрганиш принципларини кенг тарғиб қилади. Позитивистик — натуралистик йўналишнинг ашаддий рақиби бўлган феноменологик социология социал ҳаёт ва социал муносабатларни бундай услубда талқин қилганлиги учун О. Конт ва унинг издошларини кескин танқид қилади. Натурализмнинг бу жиддий камчилик ва жиддий ҳатоликларини бартараф этиш учун феноменологик социология инсон онгининг фаоллиги бу муаммо ечимининг асосий омили деб исботлашга интилади. Бу йўналиш вакилларнинг фикрича фақатгина инсоннинг тафаккури туфайли социал воқеликни ва социал муносабатларни конструкциялаш (яратиш) мумкин бўлади. Чунки социал реаллик ва социал муносабатлар инсоннинг интерпретацион фаолияти орқалигина вужудга келади. Феноменологик социологиянинг таниқли вакилларидан бири Д. Силверман юқоридаги ғояларни асослаш учун позитивистик социология назариясини танқид қилади.

Албатта, бу ижтимоий фикрлар вужудга келгандан бери анча вақтлар ўтди, янги жуғрофий — сиёсий маконлар пайдо бўлдилар. Энг муҳими эса тоталитар тузуми барҳам топиб янги давлатлар вужудга келишди, янги жамиятда бир партиявийликни ҳукмронлиги емирилди ва мустақил суверен давлатлар барпо бўлдилар. Энди эса жамиятдаги жараёнларни, жумладан социал муносабатлар муаммоларини кенг плюралистик принцип орқали тадқиқ қилиш даври келди. Бу принцип орқали, социал муносабатларни муаммо ва вазифаларини турлича таҳлил қилиш имконияти туғилди. Ушбу ижобий имкониятларнинг ҳосили сифатида республикамизда социал муносабатлар муаммолари

жаҳон илмий тафаккурининг ҳар хил йўналишларини натижалари асосида тадқиқ қилинаётганлиги ажратиб кўрсатиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда социал муносабатлар муаммосини янги, юқори илмий даражада тадқиқ қилиш имкониятлари вужудга келди. Энди бу муаммони конкрет социологик тадқиқот билан ўрганиш жоиз. Чунки социология нафақат бу муаммони, балки бутун ижтимоий ҳаёт жараёнларини кенг қамровда комплекс характерда ва амалий натижалар асосида чуқур тадқиқот қилади.

БИРДАМЛИК ВА КООПЕРАЦИЯ ЖАМИЯТНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Социал бирдамлик тушунчаси социал муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутади. Чунки бирдамлик — бу кўпгина маънавий омилларнинг мажмуасидан ташкил топган социологик категория бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фаолият кўрсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилишларидаги ҳамкорлигининг кўринишидир. Аввалом бор шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки социология фанига бу термин социал жипслашувни билдирадиган тушунча сифатида биринчи бўлиб О. Конт томонидан киритилган эди. Бу муаммога кўпгина мутафаккирлар ўзларининг кенг эътиборларини қаратганлар. Айниқса Э. Дюркгейм, Г. Спенсерлар бу муаммони чуқур таҳлил қилганлар, лекин улар ўз тадқиқотларини турли хил йўналишларда олиб бордилар. Э. Дюркгеймнинг фикрича социал бирдамликнинг бу ахлоқий принцип ва олий универсал қадрият бўлиб, у жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан тан олинади. О. Конт ва Г. Спенсерларнинг тадқиқотларида социал бирдамликни асосини иқтисодий манфаатлар ташкил қилиши марказий ўрин эгаллайди. Г. Спенсер ўзининг бирдамлик таълимотида мажбурий ва кўнгиллий бирдамликни ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича кишилик жамияти ўзининг ривожланиш йўлида 2 та ҳарбий ва саноат даврлари бўлинади. Ҳарбий турдаги жамият иерархик тартибли жамият ва кучли марказлашган назорат билан характерланади. Бутун ҳаёт бу ерда интизомга асосланган. Саноат туридаги жамият эса осойишта ижтимоий ҳамкорликнинг эркин шаклларини ифода этади. Муаммони худди 2 та жиҳатга ажратиб таҳлил қилишни Д. Дюркгеймнинг ҳам илмий фаолиятида кўриш мумкин. У ўз таълимотини механик ва органик бирдамлик ажратади. Ривожланмаган ва эски жамиятларда ҳукмронлик қиладиган бирдамликни Дюркгейм механик бирдамлик деб атайди.

Механик бирдамлик — бу «жамоа туридаги» бирдамлик бўлиб, у бу жамоадаги индивидларнинг ўхшашликлари билан

белгиланади ва улар томонидан ижтимоий вазифалар бир хил турда бажарилади» Жамиятда ижтимоий меҳнатнинг тақсимлашиши туфайли индивидлар махсус вазифаларни бажарадилар ва бу ҳислатлар сабабли жамият жонли организмни эслатади. Шу жамиятда вужудга келган янги турдаги бирдамликни Дюркгейм органик бирдамлик деб атайди. Меҳнатнинг тақсимланиши индивидларда ўзларига хос қобилиятларнинг ривожланишига омил бўлади. Энди ҳар бир индивидлар бир-бирларига боғлиқ бўладилар ва улар социал муносабатларнинг ягона тизими орқали бирдамлик тўйғуларига эришадилар.

Кўп ғарб олимлари ижтимоий мулкка асосланган кооперациянинг сермаҳсуллигини инкор этиб келадилар. Уларнинг фикрича бутун жамият билан ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишнинг иложи йўқдир. Шунинг учун уларни яъни бу воситаларни гурулар мулки қилиб беришни таклиф қиладилар. Агар ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулк хусусиятига эга бўлса «маъмурият» халқдан ажралиб қолади ва шу сабаб орқали бюрократ бошқарувчилар ташкилоти вужудга келиши мумкин. Ўз-ўзидан табиийки бу жараёнлар туфайли ишчилар ўзларининг меҳнатларидан манфаатдорликни ҳис қилмайдилар.

Мазкур таҳминларнинг аксарияти ўз исботларини топдилар. Айниқса мустамлакачилик даврида бизнинг диёрда сохта бидамлик асосида кооперациялаштириш кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти ва кооперация ниқоби остида бизнинг худуд хом-ашё етиштирадиган республикага айланди. Жамиятимизда туб маънода бирлашма жараёни фаолият кўрсатмади.

3. БЕГОНАЛЛАШУВ ВА ТАНАЗЗУЛ. ИЖТИМОИЙ ОҚИБАТЛАР

Ҳозирги жамият ҳаётида қуйидаги бегоналашув турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Иқтисодий 2. Сиёсий 3. Маданий 4. Ижтимоий 5. Руҳий. Бу бегоналашув турлари ўзларининг маълум бир шаклларига эгадирлар. Масалан иқтисодий бегоналашув учта шаклга эга: 1. Фаолиятдан бегоналашуви. 2. Фаолият бошқарувидан бегоналашиши. 3. Фаолият натижаларидан бегоналашиши. Сиёсий бегоналашиш сиёсий ҳокимиятдан бегоналашишдан; маданий бегоналашиш маънавиятдан, маданиятдан; ижтимоий бегоналащиш мулоқатдан, инсонларнинг бир-биридан; психологик бегоналашув ўз-ўзидан бегоналашишдан иборат бўлади.

Бегоналашув жараёни ва таназзул бир-бириларига боғлиқ ҳодисалардир. Агар жамиятда ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайса, хўжалик алоқалари узилса, пулнинг қадри тушиб кетиб нархлар тез суръатларда ошиб кетса, бошқарув тузилмалари издан чиқса ва сиёсий тангликлар вужудга келса, биз жамиятнинг ҳамма соҳалари таназзулга учраган деб фикр юритишимиз мумкин.

Бу чуқур таназзул инсонларнинг кучли бегоналашув оламига туртиб киригизиши аниқ. Ўз навбатида бегоналашув жараёни қанчалик кенгайса таназзул ҳам чуқурлашиб бораверади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатнинг тақсимланиши рўй беради. Бу эса тараққиёт учун қўйилган улкан қадамдир. Лекин шу билан биргаликда ижтимоий мулкчиликка асосланган ижтимоий муносабатларнинг шундай бир тури — ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланадики унинг асосида бевосита ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш воситаларидан узоқлашиб аста секинлик билан ўз меҳнатнинг натижасидан бегоналашиб боради. Энди бу ишлаб чиқарувчи шахс учун меҳнат унумининг ҳам қизиғи йўқ. Марксизм таълимоти бўйича хусусий мулк ижтимоийлаштирилгач ишлаб чиқариш воситаларига энди бевосита ишлаб чиқарувчилар умумий эгалик қилишлари керак эди. Лекин ижтимоий амалиётда эса бунинг акси бўлиб чиқди. Сиёсий ҳокимиятни босиб олган пролетариат ишлаб чиқариш воситаларини энди давлат мулкига айлантиради. Социалистик революция мантиқига кўра бу тадбирлар бегоналашув жараёнини илдизига болта уриши керак эди. Лекин 70 йиллик тарих давомида бизга уқтириб келинган ижтимоий мулк давлат мулки эди. Бу мулк эса хусусий мулкнинг энг жирканч, адолатсиз тури бўлиб чиқди. Чунки давлат мулки ўзининг реал эгасига эга эмас. У бир мавҳум тушунча эди. Меҳнат кишиси эса яна мулкдан бегонадир. Давлат мулки эса давлат аппаратининг хусусий мулкига айланиб, бу номенклатурани «янги» синфга айлантирди. Бу салбий жараёнлар натижасида ишлаб чиқариш ўзининг ҳақиқий эгасини топа олмади.

Сиёсий жабҳада ҳам сиёсий ҳокимиятдан жамиятнинг кўпгина аъзолари бегоналаштирилдилар. Яъни сиёсий ҳокимият халқ ҳокимияти умумхалқ ҳокимияти деб эълон қилинган бўлсада, аслида у маълум бир гуруҳнинг — элитанинг хусусий мулкига айланди. Бунинг асосида эса бутун бир халқ давлат сиёсий ҳокимиятдан бегоналашди ва бу бегоналашган омма билан номенклатуранинг орасида улкан жарлик пайдо бўлди. Ўз навбатида бу жараёнлар сиёсий таназзулга олиб келди ва бу таназзул туфайли ташқи душман енга олмаган тоталитар давлат ўз-ўзидан парчаланиб кетди.

Маданий соҳадаги бегоналашув ҳам анчагина чуқур салбий оқибатларга олиб келадиган маънавий таназзулни келтириб чиқаради. Жамиятда соғлом муҳитни яратишда маънавият ва маданиятнинг ўрни ўзгача. Чунки улар индивидларни баркамол бўлиб шаклланишларига катта таъсир кўрсатадилар. Агар жамият аъзолари ўз маънавиятлари бой маданий меросларидан узоқлашиб кетиб, ундан бегоналашсалар, улар энди ўзларини келиб чиқишларидан тортиб, то ўз миллатларининг ҳам миллий урф-одатлари, анъаналарини ҳам инкор қила бошлайдилар. Агарда яқин ўтмишимизга, унинг тарихига мурожаат этсак ушбу сатрларимизни яққол исботини кўрамиз. Масалан, бой маданий меросимиздан бегоналашувимиз бизларни атоқли адиб Чингиз Айтматовнинг таъбирича манқуртларга айлантирай деди, яъни биз ўз халқимиз тарихи, миллий озодлик ҳаракатлари ва уларнинг саркардалари, динимиз ва ўзлигимиздан узоқлашиб қолдик. Давлатимиз мустақиллигига эришиб, маданий бегоналашувни бартараф этишни бошладик. Социологиядаги муҳим бегоналашув ҳисобланган социал бегоналашиш инсонларни мулоқатдан, бир-бирларидан узоқлашишлари натижасида юзага келади. Инсон ўз моҳиятига кўра ижтимоий хусусиятга эгадир ўзаро фаолият туфайли пайдо бўлган эҳтиёжлар асосида доим инсонлар бир-бирлари билан муносабатларда мулоқотларда бўладилар. Мулоқотнинг ижтимоий маъноси шундаки у мадан ият шакллари ва ижтимоий тажрибаларни узатиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Лекин иқтисодий таназзул кўпгина инсонларни қийин иқтисодий аҳволга солиб қўяди ҳамда жамият аъзоларининг аксарияти бозор иқтисоди муносабатларига кўникишлари қийин кечиши инфляция эҳтиёжлар тизимини чеклаш ва нормаллаштириш инсонларда агрессивлик жоҳиллашишни анъана ва урф-одатлар, маънавий қадриятларни йўқотишга сабаб бўлади. Шу каби салбий омиллар инсонларнинг бир-бирларидан бегоналашувларга олиб келади ва ҳамма ўз ҳолича деган норасмий қонун пайдо бўлади.

Руҳий бегоналашув — бу инсоннинг ўз моҳиятидан узоқлашишдир. Бу муаммони немис мутафаккири Эрих Фромм жуда яхши ишлаб чиққандир. Унинг фикрича инсон моҳияти доим ўзига душманчилик кайфиятидаги бўлган социал тузилма туфайли ривожланади, социал тузилма таъсири остидаги инсоннинг ўз-ўзидан бегоналашувининг ҳар бир даражасига маълум бир социал характер — дунёпарастлик, эксплуататорлик, рецептив (андозалик, қолип), бозорга оидлик хосдир.

Замонавий жамиятни Э. Фромм инсон моҳиятини «машиналаштириш», «компьютерлаштириш» ва «роботлаштириш» жараёнлари ёрдамида бегоналашув даражасини

бир маҳсули деб таърифлайди. Бозорга йўналтирилган социал ҳаракат пайдо бўлиб унда истеъмолга интилиш, иккиланишлар ҳиссиёти, яккаланиб қолишлик ва бошқа салбий ҳолат, хиссиётлар марказий аҳамият касб этадилар.

Худди шу ерда психологик ва социал бегоналашишликни бир-бирлари билан жуда уйғунлашиб кетишларини кўриш мумкин. Инсонлар бир-бирларидан муносабатда, мулоқотда бегоналашсалар, ўз-ўзларидан бегоналашиш ҳам юз беради, чунки инсонларнинг бир-бирларидан бегоналашувлари оқибатида, улар яккаланиш, зерикиш ва ҳаётга қизиқишлари сўниши вужудга келиши мумкин. Бунинг натижасида инсоннинг ўзига келажагига, орзу-ниятларига ишончи йўқолиб, у ўзини бегона деб ҳисоблайди ва бу жараён кўпгина салбий оқибатларга олиб келади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак жамият ҳаётидаги турли хил бегоналашув жараёнлари тезроқ илмийлик ва уйғунлик асосида бартараф қилинсагина жамият соғлом шароитда тараққий этади ва салбий ижтимоий ҳодисаларнинг ўз вақтида олинади. Масалан, меҳнатдан бегоналашишликни бартараф этиш учун биринчи галда инсонларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан манфаатдор бўлишлари ва унинг оқибатида эса уларни меҳнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириб, уларни қизиқиш ва куч-ғайратлари билан ишлашларини ташкил этиш керак.

Ишлаб чиқаришни бошқаришдан бегоналашиш муаммосини бартараф этиш ҳам жуда муҳим маъно касб этади. Бунинг учун ишлаб чиқариш муносабатларини чуқур демократиялаштириш, корхона, ташкилот ва муассасалардаги мавжуд бошқарув тизимларини демократик йўллар билан такомиллаштириш ва ишчи, хизматчиларга хўжалик эгасининг аниқ вазифаси ҳуқуқи ва масъулиятларини топшириш керак.

Маданиятдан бегоналашувни бартараф этиш учун маданий меросга муносабатни такомиллаштириб бориш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси маънавий қадриятлардан яхши хабардор бўлиш ва маданий қурилишга старли маблағ ажратилишини таъминлаш зарур.

Ижтимоий бегоналашувни бартараф қилиш учун инсонларни бир-бирлари билан муносабатлари, муаммоларини ҳақиқий бирдамлик ва ҳамкорлик асосига қуриш керакки, шунда ҳар бир инсон ўзини бошқалар ҳам учун керак эканлигини чин юракдан сезсин.

Руҳий бегоналашувни бартараф этиш чоралар социал бегоналашувни бартараф этишнинг узвий давомидир. Инсон ўзини кимгадир кераклигини рухан ҳис қила олсагина у ҳеч қачон

тушкунликка тушмайди. Яккаланиш, изтиробга тушиш хавфидан халос бўлади, оқибатда уни ўз-ўзидан, ўз моҳиятидан бегоналашувига ҳеч қандай сабаб қолмайди.

Биз кураётган бугунги янги жамият ўз олдига бу бегоналашув жараёнларни тезроқ бартараф этиб, ҳақиқий ривожланишга, эркинликка, озодликка эришиш учун ҳозирги қийинчиликларни собитқадамлик билан енгиб бормоқда. Яқин йиллар ичида бу ҳаракатларнинг натижаларида албатта юзага чиқади, деб умид қилишга ҳамма асослар мавжуддир.

7. СОЦИАЛ ДИНАМИКА ВА РИВОЖЛАНИШ СОЦИОЛОГИЯСИ

«Социал динамика» тушунчасини ҳам социология фани номини кашф қилган француз мутаффакири Огюст Конт ишлаб чиққан. Тўғри, ҳамма социология тизимларда «социал динамика» атамасини бевосита қўлланилади деб айтиш қийин. Шундай бўлсада, Конт таърифлаган бу социологик ёндошув турли хил ижтимоий тадқиқотларда назарий йўлланма сифатида иштирок этмоқда. Жумладан, рус-америка социологи П. Сорокин ўз социологик тизимидаги социал генетика ёки генетик социология О. Контнинг социал динамикасига мос келишини қайд қилган эди. Хўш социал динамика нима?

О. Конт социологиясида социал динамика жамият ҳодисаларини ўрганишдаги муайян ёндашувни билдиради. Аслида, динамика механиканинг жисмлар ҳаракатини ва ҳаракат билан уни юзага келтирувчи куч ўртасидаги боғланишларни ўрганадиган бўлимидир. Умумий маънода динамика ҳаракат ҳолатини, нарса-ҳодисаларнинг ўсиш, ўзгариш, ривожланиш жараёнини англатади. Социологияни физиологиянинг бевосита давоми ёки «социал физика» деб ҳисоблаган Конт ижтимоий воқеликни табиий қонунларини топишга ҳаракат қилган эди. Ана шу вазифани амалга ошириш учун ижтимоий воқелик икки йўналишда — социал статика йўналишида ва социал динамика йўналишида кўрилиши лозим. Социал статика ижтимоий элементларнинг мувозанатини, мавжудлик қонунларини ўрганади. Ижтимоий элементларининг ўзаро уйғунлигини, уларнинг ўзаро мувозанатлашган тарзда мавжудлигини жамиятни яхлит бутунлик деб қарашга имкон беради. Шунинг учун ҳам жамият алоҳида, ўзига хос тизим бўлиб, бунда энг муҳими элементларнинг ўзаро алоқасидир. Социал статика ҳар қандай жамият барқарорлик, мувозанат ҳолатини, асосий тартиботни ўрганса, социал динамика жамиятдаги ўзгариш, ривожланишнинг изчиллиги,

бирин-кетинлигини очиб беради. Шундай қилиб, социал динамика жамиятнинг ўзгариш ва ривожланиш ҳолатларини, ижтимоий ўзгаришларнинг ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) омилларини ифодаловчи социологик категория деб қаралиши мумкин. Жамиятни ташкил этувчи социал гуруҳлар, индивидлар, табақалар, қатламларнинг ҳаракатларини социал динамиканинг социал мобиллик (лотинча mobilis — ҳаракатчан, ўзгарувчан) ва социал ўзгаришлар деб аталадиган кўринишларни ифодалайди. Социал мобиллик тушунчасини социологик тадқиқотлар доирасига П. Сорокин киритган эди. Социал мобиллик кишиларнинг муайян ижтимоий гуруҳ ва табақалардан бошқаларига ўтишларини (социал ўзгаришлар), шунингдек, айни бир социал табақа доирасида машғулотларнинг алмаштиришини англатади. Социал мобиллик тушунчаси гуруҳлар ва бир бутун жамиятлар «очиқлиги» ёки «ёпиқлигини» тавсифлаш учун ишлатилади. Интергенерацион (авлодлар орасидаги) ва интегенерацион (авлод ичидаги) социал мобиллик ажратилади. Социал ҳолатнинг отадан ўғлига (камдан-кам ҳолларда онадан-қизга) ўтиши генерацион социал мобилликка, социал кўтарилиш ёки социал пасайиш билан боғлиқ индивидуал белгилар эса интрагенерацион социал мобиликка мисол бўлади. Ўзгаришлар йўналишига қараб вертикал (кўтарилиш ва пасайиш) ва горизонтал социал мобиллик фарқланади. Социал мобилликнинг эмпирик кўрсаткичи бўлиб ўзгарувчанлик-мобиллик барқарорлик-стабиллик индекси хизмат қилади. Бу индекс текширалаётган гуруҳдаги мобил ва стабил шахслар нисбатидан олинади. Бундан ташқари, мобил (ўзгарувчан) шахсларнинг жинси, маълумот даражаси, «ақли расолик коэффициенти», миллати, ирқи, турар жойи, соғ-саломатлиги қараб ҳам социал мобил шахсларнинг миқдорий кўрсаткичлари ўртасидаги корелляция (мос келувчи) коэффициентлар ҳисобланиши мумкин. Социал мобилликни ўлчашда турли хил имкониятларнинг мавжудлиги миқдорий анализ қўлланишидан келиб чиқади. Социал мобиллик даражасини аниқлаш ёрдамида у ёки бу жамиятни «анъанавий», «замонавий», «индустриал», «постиндустриал» ва ҳакозоларга бўлиш мумкин.

Социал дифференциация ва социал интеграцияни социал мобиллик ва ўзгартиришлар оқибати деб қараш мумкин. Социал дифференциация тушунчаси биринчи бўлиб Г. Спенсер томонидан қўлланилган. Унинг фикрича, ижтимоий эволюция бир вақтнинг ўзида дифференциация (бир хилликдан кўп хилликка ўтиш: меҳнат тақсимоти, махсус социал институтлар пайдо бўлиш) ва интеграция (органларининг бир-бирларига тобора мувофиқлашиб бориши, оддийдан мураккабга ўтиш, умумий алоқадорлик такомиллашуви), ижтимоий тартибот мукаммалашувидан

иборатдир. Э. Дюркгейм социологик тизимида ҳам жамиятдаги дифференциация ва интеграция жараёнларига эътибор берган. У дифференциацияни аҳоли зичлигининг ошиши ва шахслар аро ва гуруҳлар аро мулоқотлар суръатига боғлаб тушунтирган. Одатда дифференциация тушунчаси «тафовут» сўзининг синоними сифатида ишлатилади. Бу ҳолда у роллар, статуслар (мақомлар), институт ва ташкилотларни турли мезонлар ёрдамида классификация қилишга ёрдам беради. Структуравий функционализм ва системали ёндошув тарафдорлари (Парсонс, Этцони ва б.) Социал дифференциация билан социал системани ўз-ўзини сақлашни шарти деб қарайдилар. Бунда социал дифференциациянинг яхлит жамият, унинг остки тизимлари, гуруҳлари даражасида кўринишлари қатъий фарқланади. Уларнинг фикрича, қуйидаги ҳаётий муҳим вазифалар-муҳитга мослашиш, мақсадларини қўя билиш, ички ихтилофларни бартараф этиш (интеграция) ва ҳакозолар бажарилгандагина муайян тизим мавжуд бўла олиши мумкин. Бу вазифалар эса фақат озми-кўпми махсуслашган институтлар томонидангина бажарилиши мумкин. Демак, бунга мувофиқ социал тизимлар озми-кўпми дифференциациялашган (табақалашган) бўлади. Социал дифференциация ўсиши билан фаолиятлар ҳам махсуслашиб боради, шахсий ва оилавий алоқалар ўз ўрнини борган сари одамлар ўртасидаги шахссиз нарсавий муносабатларга бўшатиб беради. Бу муносабатлар кўпроқ рамзий воситалар билан бошқарилади (масалан, иқтисодий муносабатлар учун бундай воситачи-пул). Социал интеграция (лот. integratio — тўлдирилиш, тикланиш; integer яхлит, бутун) социал дифференциацияга нисбатдош тушунчадир. Ҳозирги замон социологияси тизимлар назариясидаги интеграция тушунчасидан фойдаланилади. Унга кўра, интеграцияда алоҳида дифференциациялашган қисмларнинг бир бутун қилиб турувчи алоқа ва шу ҳолатда олиб келувчи жараён тушунилади. Интеграция турли хил социал субъектлар — индивидлар, ташкилотлар, давлатлар ва ҳакозолар ўртасида ихтилофсиз муносабатлар бўлишини кўзда тутади. Социал тизимлар интеграциясининг даражаси ва механизм тўғрисидаги қарашлар тарихан ўзгариб келган.

Ҳозирги жамиятда интеграция муаммолари бир қатор механизмлар ёрдамида ҳал қилинмоқда. Умумий ҳуқуқий тизимлар, кўнгилли ассоциациялар, ҳамжамият аъзолари ҳуқуқ ва имтиёзларини кенгайтириш, рамзий воситалар умумийлик даражасини ошириш ва ҳакозолар ана шулардан иборат. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа ҳамжамияти, қолаверса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқалар бунга мисол бўла олади. Функционал бўлмаган социологик йўналишлар тарафдорлари (Бендикс, Гоулднер) функционалчи социологлар

социал интеграция аҳамиятини мутлоқлаштиришдан огоҳлантирадилар. Уларнинг фикрича, хаддан ташқари, батамом социал интеграция амалий нуқтаи назардан ҳатто зараплидир, чунки у социал тизимни харакатсиз ва мўрт қилиб қўяди.

Бажарадиган вазифалари, соҳаларига қараб социал динамиканинг қуйидаги турарини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Репродуктив динамика. Социал динамиканинг бу тури туғилиш, ишлаб чиқариш, экологиянинг социал жиҳатларини ўз ичига олади. Аҳоли сонининг ўсиши, туғилиш миқдори, уларни белгиловчи омиллар репродуктив социал динамика соҳасига киради. Ишлаб чиқариш, экология ва социал субъектлар репродуктив ўрнашмаларга алоқадор бўлади.

2. Мақом (статус) социал динамикаси. У ўз ичига хизмат лавозимларида кўтарилиши ёки пасайишни, турмуш даражаси ва сифатини қамраб олади.

3. Ҳудудий социал динамика. Аҳоли кўчишлари суръати ва миқдорларининг социал жиҳатлари, катта шаҳар вужудга келиши билан пайдо бўлган социал муаммолар, ишлаб чиқаришнинг жойлаштирилиши унинг социал оқибатлари ҳудудий (территориал) социал динамика объектларидир.

4. Маънавий ҳаёт динамикаси манфаатлар, қадриятлар, фикрлар, нормалар ҳаракати, ўзгариши ва ривожланиши бу соҳа доирасида бўлади.

5. Сиёсий динамика жамият социал-синфий таркиби, ҳокимият шакллари ўзгаришини тушунтириб беради.

6. Фан-техника динамикаси. Фан-техника тараққиётининг социал жиҳатлари, ишлаб чиқариш воситалари ўзгаришларининг ижтимоий субъектлари ҳаётига таъсири, ахборот ва коммуникация билан боғлиқ социодинамик ўзгаришлар фан-техника динамикасига киради.

Социал динамика абстракт, мавҳум қонуният ифодаси эмас. Ҳар бир минтақа, ижтимоий тузумда ўзига хос социодинамикани кўришимиз мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўтказилажак социология тадқиқот албатта минтақавий, маҳаллий шароитларга мос «тузатиш коэффициентини» ҳам ўз ичига олиши лозим.

Социал динамика вертикал (юқори ва пастга) ва горизонтал (яъни, параллел томонга) йўналиши рўй бериши мумкин. Юқорида келтирилган барча социал динамика турларини вертикал ва горизонтал-йўналишда текшириш мумкин. Жумладан, социал-синфий структура элементлари ҳаракати социал стратификация ёндошуви асосида қаралганда буни яққол кўриш мумкин. Социал стратификация (лот. strato — тушама, қатлам) социология тушунчаси бўлиб, бу тушунча умуман жамиятнинг, айрим социал гуруҳларининг таркибини, уларнинг

энг турли-туман белгиларига: даромади, малакаси, маълумоти ва ҳакозо даражасига қараб одатда иерархия (юқори ва қуйи) тарзда жойлашган ижтимоий қатламларига бўлинишини тавсифлайди. Функционализм нуқтаи назаридан, социал стратификация тизими жамиятдаги социал роль ва мавқейларнинг дифференцияси бўлиб, у ҳар қандай жамиятнинг объектив эҳтиёжидир. Социал стратификация, бир томондан, меҳнат тақсимоти ва социал дифференциациянинг, иккинчи томондан эса, жамиятда ҳукмрон бўлган, у ёки бу фаолиятнинг аҳамиятини, мавжуд социал тенгсизликни қонунлаштирадиган қадриятлар ва маданият стандартларнинг натижасидир. Функционализм назариясида социал стратификация назариясининг амалий аҳамияти социал интеграция талаб ва эҳтиёжлари билан асослантирилади. Социал стратификациянинг «амалий» аҳамияти шундаки, у турли хил рағбатлантириш воситалари орқали социал ролларнинг аниқ тушунилиши ва бажарилишига хизмат қилади.

Ҳозирги замон социологиясида, страталарнинг ягона таърифини ҳамма социологлар сўзсиз тан оладиган дефинцияни топиш қийин. Бироқ, аксарият тадқиқотчилар учун умумий бўлган томон ҳам бор. Бу стратлар ўртасидаги вертикал алоқаларнинг ўзига хос «лифт» ва «эскалаторлар» амалга ошувидир. Жамиятнинг турли соҳаларида страталардан страталарга ҳаракатни кўриш мумкин. Масалан, иқтисодиёт соҳасида — ҳар бир одам миллионер бўлиши мумкин; сиёсатда — йирик сиёсий мансабга эришиш мумкин; армияда — ҳар бир аскар генерал бўлиши мумкин; диний фаолият соҳасида — олий диний мартабага кўтарилиш имконияти мавжуд; фан — бу фаолиятнинг нисбатан зое кетадиган соҳаси бўлиб, бироқ бунда илгарилаш мумкин; никоҳ орқали — фойдали никоҳ воситасида жамиятнинг энг юқори поғоналарига ғоят тез кўтарилиши мумкин. Кишиларнинг социал зинапоядаги юқорига қараб силжишга интилиш — ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Одам бир вақтнинг ўзида бир неча стратага кириши мумкин. Бу страталар институционал, маданий, норасмий мезонлар асосида ажратиб кўрсатилиши мумкин ва уларга мос бўлган социодинамика ҳам мавжуд. Айтайлик, маълум бир одам иқтисодий тизимда тобе мавқени эгаллаши, бошқа тизимда (қизиқишлар бўйича клубда, футбол клубида ва ҳакозо) ҳукмрон бўлиши мумкин.

Ҳозирги замон демократик-ҳуқуқий жамиятларида ҳокимият ва жамоатчилик фикри муносабати ғоят долзарб ҳисобланади. Ҳокимият ва жамоатчилик фикри социодинамикаси — ҳокимият сайлови олдидан номзодлар, уларнинг дастурларини баҳолашни, сайловчилар эътибор қарорларини танлашининг механизмини ўрганишга ёрдам беради. Кишиларнинг сайлов компанияси

давридаги фаолиятини белгиловчи сабаблар иерархал занжир: мамлакат ташқи ва ички муаммолари, сиёсий анъаналар, микрогуруҳлар, бирламчи жамоалар тазйиқи ўрганилади.

«Социал ривожланиш» социологиянинг муҳим тушунчаларидан ҳисобланади. Ҳозирги замон социологиясининг ётмшидошлари деб айтса бўладиган қадимги ва ўрта аср Шарқ ва ғарб ижтимоий фалсафаси вакиллари Конфуций, Афлотун, Суқрот, Арасту, Форобий, Беруний, Фома Аквинский, Ибн Халдунлар жамият ривожланиши омиллари, ҳаракалантирувчи кучлари, келгуси жамият «лойиҳаси» ва унга эришиш йўллари ҳақидаги масалалар ўз тарихий даврлари чегарасида қўя билишган эди. Айниқса, уларнинг ижтимоий ривожланишни абстракт, мавҳум тарзда эмас, балки ҳаётий муаммо сифатида таҳлил қилишгани диққатга сазовордир. Жумладан, Абу Наср Форобий шундай ёзган эди: «Инсоний вужуддан мақсад — энг олий бахт — саодатга эришувдир, аввало у бахт — саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувни ўзига ғоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак. Кейин бу бахт саодатга олиб борадиган иш-амал ва воситаларнинг нималардан иборат эканлиги билиб олиши зарур. Сўнгра эса бахт саодатга эргаштирадиган ишларни шахсан бажаришга киришмоғи лозим бўлади.

Янги давр маърифатчилари (Вольтер, Кондорсе, Тюрго, Гердер)нинг социал тараққиёт ҳақидаги ғоялари билан таниш бўлган. Сен-Симоннинг шогирди. О. Конт социал ривожланишни «социал динамика» нуқтаи назардан тушунтиришга ҳаракат қилган. Унингча социал динамика инсоният жамияти ривожланишини кетма-кетлиги, босқичма-босқичлигини қонунларини ўрганиш билан шуғулланади. Контнинг «Позитив фалсафа курси» (1830—1842) китобида кўрсатилишича, «уч босқич қонуни» мавжуд бўлиб, унга кўра инсоният ўзининг илгариланма ҳаракатида уч босқични: тоелогик, метафизик ва позитив босқичларни ўтади. Бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш хос эволюция бўлиб, унда жамиятнинг ривожланиши ифодаланади. О. Контга оҳангдош бўлган эволюция ҳақидаги ғоялар Г. Спенсерда ҳам бор. Эволюция, Спенсер фикрича, тажрибанинг энг умумий элементи бўлиб, табиатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам барча ҳодисалари тушунтириш имкониятини беради. Унинг «Социология асослари» деб номланган китобининг асосий биологик ва ижтимоий организм ўртасидаги ўхшашликдир. Лекин бу ўхшашлик мутлоқ эмас. Социал тараққиётнинг муҳим мезони, Г. Спенсер фикрича, шахсни бутунлай ўзига буйсундириб олган жамиятдан, ижтимоий организм, уни ташкил ўзига

бўйсундириб олган жамиятдан, ижтимоий организм, уни ташкил этувчи индивидларга «хизмат» қилувчи ҳолатга ўтишдир. Жамият тараққиётининг қуйи босқичига (гарчи, уни ҳали тўла ўтиб бўлган деб айтиш бўлмасада) биринчиси, яъни мажбурий ҳамкорликка асосланган «ҳарбийлашган жамият», юқори босқичига эса — иккинчиси, яъни ихтиёрий ҳамкорликка асосланган «саноатлашган жамият» мос келади.

Француз социологи Эмиль Дюркгеймда социал тараққиёт ҳақидаги ғояси меҳнат тақсимотига боғлаб тушунтирилади. Ижтимоий ривожланиш, унингча механик бирдамликка асосланган жамиятда меҳнат тақсимотига асосланган органик бирдамлик, ҳамкорлик жамиятига ўтишдир. Дюркгейм социал тараққиётни таъминловчи омил деб меҳнат тақсимоти деб қарайди. Меҳнат тақсимоти сегментар жамиятнинг барҳам топишига ва органик бирдамликка асосланган жамиятга ўтилишига имкон беради. Ягона эволюция занжирининг дастлабки ҳалқаси бўлган механик бирдамликка асосланган жамиятда социал структура бир хил сегментлар сифатида бўлади. Сегментлар (қисмлар — А. Х.) иқтисодий нуқтаи назардан деярли мустақил, автономдир; уларнинг ижтимоий ташкилотларида қариндошлик устун бўлади. Уларда ижтимоий меҳнат тақсимоти учун ҳам эҳтиёж, на имконият мавжуддир. Механик бирдамлик ривожланмаган, примитив жамиятларга хосдир. Бирдамликнинг бу кўриниши индивидни жамият билан «ҳеч қандай воситачиликсиз» боғлайди. Механик бирдамлик — бирдамликнинг «жамоавий» типи бўлиб, уни ташкил этувчи индивидлар бир бирларига ўхшаш, улар бажарадиган ижтимоий вазифалар ҳам бир хил, уларнинг шахсий хусусиятлари ривожланмаган бўлади. Бундай жамиятда индивид ўзига ўзи эга эмас, у «жамиятга тегишли нарсадир», Дюркгейм бўйича, бу жамият индивиднинг онги жамоа онгининг оддий махсулидир, зотан, умумий, жамоавий онг бўлиши механик бирдамлик бўлган жамиятнинг асосий белгисидир.

Жамият аста-секин ўзгара боради. Локал сегментлар чегараси бузила бошлайди, чунки, турли хил ижтимоий алоқалар вужудга кела бошлайди. Алоқа йўллари ва воситалари ривожланади, аҳоли тобора кўпаяди, шаҳарлар ўса бошлайди, аҳоли моддий ва маънавий зичлиги ошади ва меҳнат тақсимоти кенг тарқала бошлайди. Кишиларнинг онги тобора табақалашаётган меҳнат тақсимотига ва мураккаблашаётган ижтимоий ташкилотга мос кела бошлайди. Ҳар бир индивид тирик организмни эслатади ва шунинг учун ҳам унда вужудга келадиган бирдамликни янги кўринишини Дюркгейм органик бирдамлик деб атаган эди.

Дюркгейм социал тараққиётнинг етакчи омили меҳнат тақсимоти деб қараган бўлса-да, бу жараённи автоматизм тарзида ифодалашдан йироқ эди. Жумладан, ҳаддан ташқари ихтисослашув олиб келган салбий оқибатларни бартараф этиш учун ижтимоий бирдамлик, ҳамкорлик органлари — профессионал уюшмалар ташкил этиш ғояси Дюркгейм социал тараққиёт концепциясида муҳим ўрин тутади.

П. Сорокин «социал генетика»сида унинг ижтимоий тараққиёт ғояси илгари сурилган. Унингча, «генетик социология» ёки «социал генетика» социал эволюция назарияси бўлиб, у бутун жамиятнинг ёки унинг муайян томонлари, институтлари ривожланиш чизиғини ёки тарихий тенденцияларини, шунингдек, бу тенденциялардан оғиш ва чекинишларни тушунтириб беради. Сорокин биринчилардан бўлиб социомаданий ўзгаришлар динамикаси назариясини ишлаб чиқди. Бу назария бўйича, ижтимоий воқелик ўзгариши қонунли жараёндир. Муайян ижтимоий — маданий улкан тизимлар (суперсистемалар) бир-бирлари билан диалектик равишда алмашинади. Муайян жамият ҳукмрон бўлиб турган дунёқарашнинг «ўтмаслашиб қолиши» унинг бошқа дунёқарашга ўрнини бўшатиб беришга олиб келади. Бу ўз навбатида ижтимоий муассасалар ва нормаларнинг ўзгаришига, жамиятнинг тубдан ўзгаришига олиб келади. Жамиятни боғлаб, бирлаштириб турувчи бир асос емирилиши ва бошқа муқобил маданий тарзнинг (этоснинг) ҳукмронликка интилиши ижтимоий, маданий инқироз, уруш ва бошқа ижтимоий тўфонларга олиб келиши мумкин. Масалан, Сорокин фикрича, биринчи жаҳон уруши ва 1917 инқилоби ғарбий Европа ижтимоий-маданий тизимидаги тўнтаришлар натижа бўлиб, уларнинг ўзи кейинги ижтимоий ларзаларга олиб келади.

Социолог адабиётда, шунингдек, қатор ижтимоий фанлар доирасида «социал ривожланиш», «социал босқич», «социал тараққиёт» тушунчалари кўп ҳолларда синоним сифатида ишлатилади. Ўқув ва илмий иш манфаатлари бу тушунчаларни конкретлаштиришни, уларнинг ўз ўрнида ишлатилишини талаб этади. Собиқ шўро жамиятшунослиги ақидаларига мувофиқ социал ривожланиш сифатий ўзгаришлар (революция) ва миқдорий ўзгаришлар (эволюциянинг)нинг диалектик бирлиги, ҳаракатлантирувчи кучлари ижтимоий зиддият, синфлар кураши бўлган жараёндир. Социал тараққиёт (прогресс) эса ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг қонуний, табиий-тарихий тарзда алмашиниши деб таърифланган эди. Социал ривожланиш табиатга нисбатан нисбий мустақилликка олинган жамиятнинг умумий йўналишидаги ҳаракатини ифодоловчи тушунча деб олиниши

мумкин. «Социал эволюция» ва «Социал революция» социал ривожланишнинг шакллари сифатида қаралиши мумкин. Албатта, бунда ислоҳот (реформа) ўзгаришларини йўлидаги инқилоб (революция) ўзгаришлари йўлидаги, уларга бўйсунадиган ривожланиш шакли деб қараш мумкин эмас. Табиатда ҳам, жамиятда ҳам миқдорий ўзгаришлар билан алоқада бўлмаган сифатий ўзгаришлар, (бизнинг мисолимизда инқилоблар), бўлиши мумкин эмас. Сакрашлар, инқилоблар эмас, балки эволюция социал ривожланишнинг шакли бўлиши мумкин. Бу социал эволюциянинг суръати ташқи ва ички шароитлар, жамиятдаги объектив ва субъектив жараёнлар нисбатига кўра тез ёки секин бўлиши мумкин. Ижтимоий ривожланишда инқилоблар мавжуд, лекин, улар ижтимоий тўнтариш эмас, «тез суръатдаги эволюция», деб қаралиши мумкин. Жамият ривожланишининг асосий, нормал йўли эса — реформа, ислоҳотдир.

Жамият ва унинг қисмлари, ҳар бир элементи ва ҳодисаларидаги ўзгариш ва ривожланиш объектив ва субъектив томонларни ўзига оладиган қонуниятли жараёндир. Ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида — иқтисодий, социал, сиёсий, маънавий соҳаларида ўзларининг объектив жараёни дейилганда, кишилар ижтимоий фаолият кўрсатаётган, уларнинг ҳоҳиш, иродаларидан ташқарида бўлган шароит ва муносабатлар тушунилади. Ижтимоий ривожланишнинг субъектив жараёни дейилганда одамларнинг мафкуравий, аҳлоқий, сиёсий ва эмоциал-руҳий сабаблар билан ҳаракатга келадиган фаолиятларни ифодаловчи тушунча англанади.

Ижтимоий ривожланиш субъектларнинг мақсадга мувофиқ фаолияти орқали рўй беради. Англанган эҳтиёжлар — манфаатлар бу фаолиятни ҳаракатлантирувчи кучлардир. Ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатлар қондирилиши учун социал жараёнлар бошқарилиши талаб этилади. Умумий маънода бошқариш такомиллашган (биологик, техник, социал) тизимларнинг фаолияти таъминлаш учун, уларнинг дастур ва мақсадларини амалга оширишга хизмат қиладиган функциядир (вазифадир). Социал бошқариш эса жамият муайян тизимининг тартибланиши сақланиши, мукаммаллашуви ва ривожланишини таъминлайди. Социал бошқариш жараёнининг асосий босқичлари қуйидагилардан иборатдир: ахборотни йиғиш ва уни қайта ишлаш; уни анализ этиш; тақсимлаш; мақсадга эришишга қаратилган қарорнинг ишлаб чиқилиши; режалаштириш, дастурлаштириш; лойиҳалаштириш кўринишда умумий қарорни бажариш учун фаолиятни ташкил этади; бу фаолиятни назорат этиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан биргаликда; фаолият натижалари ҳақидаги ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш.

Социал бошқариш ижтимоий жараёнларни башорат қилиш, *олдиндан кўра билишга асосланади*. Шуни эътиборга олиш керакки, башорат категорияси икки маънода конкретлашади: олдиндан айтиб бериш (дескриптив, яъни тавсифлаш маъносида) ва олдиндан кўрсатма бериш (прескриптив, ундов, амр, буйруқ маъносида). «Олдиндан айтиб бериш» келажак тўғрисидаги ахборотни олиш, келажак муаммоларининг мумкин бўлган ёки кутилаётган, ҳоҳлаётган истиқболлари, ҳолатлари, ечимларининг тавсифидир. «Олдиндан кўрсатиб бериш» И. С. Бестужев-Лада ибораси) — ўша муаммоларни ечиш, келажак ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш, ахборотни шахс ва жамиятнинг мақсадига мувофиқ фаолиятига айлантиришдир. Зотан, социал бошқаришнинг асосий вазифаси кишилар субъектив фаолиятининг объектив қонуниятлар талабларига мувофиқ келишига эришиш, бу қонуниятлардан самарали фойдаланишдир. Социал бошқариш бу маънода ҳам назарий, ҳам амалий фаолиятни ўз ичига олади.

XX аср бозор иқтисодиёти ривожланиши билан бошқариш хусусиятидаги фаолият менежмент пайдо бўлди. Менежмент (инглизча-management) — бир неча маънони билдиради. Биринчидан, менежмент ишбилармонлик фаолиятига, турмуш тарзи ва сиёсат соҳасига таъсир кўрсатувчи социал ва иқтисодий институт деб тушунилади. Иккинчидан, менежмент хусусий ва ижтимоий базис соҳасида бошқариш меҳнати билан шуғулланувчи шахслар мажмуини билдиради. Учинчидан, менежмент, ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришнинг техникавий ташкилий, ҳуқуқий, руҳий ва социал жиҳатларни ўрганадиган фандир. Охирги маънода у индустриал социология ва бошқариш социологияси билан мос келади. Маълумки, индустриал социология ва бошқариш социологияси бошқариш тизимини, шахслараро муносабатлар тизими ва механизмини, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва мотивациясини, ташкилий фаолиятини ўрганади. Менежментнинг мақсади — ҳар қандай ижтимоий тузумга мос келадиган бошқаришнинг умумий тамойилларини шакллантириш ва уларни амалда қўллашдир. Буларга бошқаришнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, уларни бажариш учун конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш, вазифаларни бажаришдаги кетма-кетликни белгилаш, ишни тақсимлаш, ташкилот ичидаги турли бўлинмалар ўзаро ҳаражатини мутаносиблаш, расмий иерархал (юқори-паст) структурани оптимлаштириш (ихчамлаштириш, қулайлаштириш), шунингдек раҳбарликнинг самарали услубини, социал масъулиятни аниқлаш киради.

Социал режалаштириш, лойиҳалаштириш ва прогнозлаштириш социал бошқаришнинг шакллари сифатида қаралиши мумкин. Социал режалаштириш — социал бошқаришнинг дастлабки босқичларига хосдир. Режалаштириш — ўзига хос социал бошқариш бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий жараёнлар мақсадини, унинг устивор томонларини, уларга эришишнинг восита ва мақсадларини аниқлаш, режаларни ишлаб чиқиш ва уларни бажарувчиларга етказиш, режалар бажарилиши устидан назоратни ўз ичига олади. Одатда, директив ва индикатив ривожлантиришни фарқлашади. Директив режалаштириш юқори органлар тасдиқлаган кўрсаткичлар мажбурий бажарилишини тақозо этади. Индикатив режалаштиришда режа кўрсаткичлари йўналтирувчи, ахборот тарзида бўлади. Собиқ социалистик мамлакатлар режалаштиришни мутлоқлаштирганлари учун, у жамият ривожланиши йўлидаги тўсиққа айланган эди. Бозор иқтисоди амал қилаётган кўпчилик ривожланган мамлакатларда индикатив режалаштириш кенг қўлланилади. Айниқса, Франция, Япония, Жанубий Кореяда режалаштириш яхши самара бермоқда. 1962 йилдан бери «режали» ривожланаётган Жанубий Корея жаҳонда етакчи ўринлардан бирига чиқди. Ҳозирги вақтда бу мамлакатда 1990—1994 йилларда фанда энг кўл қўлланилаётган соҳаларни ривожлантириш бўйича режа қабул қилинган ва бажарилмоқда.

Социал бошқаришни яна бир шакли социал лойиҳалаштириш тушунчаси ҳали мавжуд бўлмаган, лекин яратилиши лозим бўлган, шунингдек, тубдан ўзгариш лозим бўлган объектларга нисбатан қўлланилади. Социал лойиҳалаштиришни социал режалаштиришнинг кўриниши деб ҳам айтиш мумкин. У ижтимоий муносабатлар, социал жараёнлар ва аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш воситасидир. Социал режалаштириш мавжуд бўлмаган ёки тубдан ўзгариш лозим бўлган объектларга нисбатан «ривожланиш» иборасини қўллаш қийин. Улар яратилгандан сўнггина ривожланиши мумкин. Социал лойиҳалаштириш социал ривожлантиришни эмас, балки янги объектларнинг дастлабки социал ҳолатини лойиҳалаштиришдир. Ундан ташқари, агар социал режалаштиришда социал жараёнларнинг ҳамма бошланғич сифатий ва миқдорий кўрсаткичларни аниқ кўрсатилган объект билан иш кўрилса, социал лойиҳада эса бу бошланғич тавсифлар мавжуд бўлиб турган социал институтдагидек бўлмайди.

Социал бошқариш шакллари орасида социал прогнозлаштириш алоҳида ўрин тутади. Инсон ва жамият фаолиятининг бевоситагина эмас, балки анча кейин рўй берадиган натижаларни кўра билиш ва шунга яраша социал

ривожланишни бошқариш зарурияти социал прогнозлаштиришни келтириб чиқарди. Турли хил мезонлар — мақсади, вазифалари, вақти, усули, прогнозни ташкил этиши ва ҳоказоларга асосланиб ҳар хил прогнозларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Вақт мезонига кўра қуйидаги прогнозларни қайд қилса бўлади:

— жорий прогнозлар — соатлар, кунлар, ҳафта ва ойлар;
— қисқа муддатли прогнозлар — 1-5 йил оралиғида;
— ўрта муддатли прогнозлар — 5-10 йил оралиғида;
— узоқ муддатли прогнозлар — одатда, кейинги икки-уч ўн йилликни ўз ичига олади;
— ўта узоқ муддатли прогнозлар — узоқ муддатлидан кейинги давр.

Социал прогнозлаштириш усуллари ғоят кўп. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилардир: экстраполяция тарихий анология, компьютерда моделлаштириш, келажак сценарийси, эксперт баҳолар. Экстраполяция ҳозирги ижтимоий ривожланиш тенденцияларини келажакка кўчириш демакдир. Мазмуни ва бажарадиган вазифасига кўра прогнозларнинг қуйидаги тўртта асосий турини кўрсатиш мумкин:

1. Қидирув прогнозлари. Бу прогнозлар «ривожланиш қайси йўналишда кетмоқда? Ҳозирги тенденциялар сақланиб қолганда нима рўй беради?» деган саволга жавоб беради;

2. Норматив прогнозлар. Бунда олдиндан аниқланган нормалар, мақсадлар, идеаллар асосида ижтимоий ҳодисаларнинг керакли ҳолатига эришиш прогноз қилинади, бунинг учун махсус таклифлар — рекомендациялар тавсия этилади;

3. Аналитик прогнозлар. Келажакни тадқиқот этиш методларнинг илмий — билиш аҳамиятини аниқлаш амалга оширилади.

4. Прогноз огоҳлантиришлар. Тахмин қилинаётган нохуш келажакни олдини олиш, одамлар онгига таъсир этиш учун ишлаб чиқилади.

Прогнозлаштиришнинг усуллари ва турлари ўртасидаги тафовут қўлланиш объектига қараб нисбий бўлиши мумкин бўлган камчиликлар бир вақтнинг ўзида бошқалари қўлланилиши билан бартараф қилиниши мумкин.

8. ТАФАККУР ТАРЗИ СОЦИОЛОГИЯСИ.

Аввалambор шуни таъкидламоқ лозимки, тафаккур тарзи тушунчаси социология фанининг катта аҳамиятга эга бўлган, лекин ҳали системали ва илмий асосда тўлиқ ўрганилмаган категориясидир. Бу категориянинг методологик аҳамияти шундан иборатки, усиз ижтимоий ҳаётнинг ҳеч бир соҳаси актив фаолият кўрсата олмайди. Чунки ҳар бир социал ҳаракатлар, муносабатлар маълум бир шахслар, гуруҳлар, миллатлар ва халқларнинг онгли фаолияти орқали юзага келади.

Маълумки ҳар қандай онгли фаолият инсон тафаккурининг маҳсулидир. Бу онгли фаолият ўз навбатида ижтимоий ҳаётдагина мавжуддир. Шунинг учун ҳар қандай жамиятда тафаккур муаммоси ўта долзарб ҳисобланиб келинган. қайси бир жамиятда бу муаммо масалалари тўғри ечилибди, ўша жамиятдан тараққиёт, эркинлик, барака аримайди. Хўш тафаккур тарзи тушунчаси ўзи қандай таърифга эга? Бизнинг фикримизча, тафаккур тарзи — бу индивидлар, гуруҳлар, миллатлар ва халқларнинг маълум бир ижтимоий-маданий муҳитда вужудга келадиган маълум бир ғояларининг, қарашларининг ва билимларининг тўлиқ ва яхлит системаси бўлиб, у ўзига хос бўлган таҳлил қилиш фаолият, тушуниш ва тушунтириш жараёнларининг ўзаро диалектик муносабатларида намоён бўлади.

Ўзига хос бўлган ижтимоий-маданий муҳит деганда, аввалambор бой маданий мерос, диний онг ва уларнинг асосида шаклланган миллий қадриятлар, урф-одатлар ва миллий анъаналарнинг бутун бир мажмуасини тушунмоқ керак. Шунинг учун ҳеч ким ўз тафаккур тарзини ижтимоий-маданий хусусиятлардан ташқарида шакллантира олмайди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек тафаккур тарзи категориясини жамият ҳаётидаги ўрни беқиёсдир. Жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа кўплаб соҳалардаги муаммоларни шу социологик категория орқали ўзига хос ечимини топиш мумкин.

Тафаккур тарзининг таркибий қисмлари сифатида таҳлил қилиш фаолият, тушуниш, тушунтириш жараёнларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу таркибий қисмлар ҳодиса ва предметларни бир-бирлари билан узвий боғлиқликда ўрганадилар. Агар бу боғлиқликдан бирор бир таркибий қисм ажралиб қолса биз бу ҳодиса ва предметлар ҳақида аниқ, миллий тасаввур ва маълумотга эга бўлмаймиз. Тафаккур тарзи маълум бир тафаккур турлари кўринишида ижтимоий воқеликни у ёки бу аспектларини таҳлил қилиши мумкин. Ўз хусусиятларига эга бўлган тафаккур турларининг маълум бир туркумини ажратиб кўрсатишимиз ва бу хусусиятлар ҳақида ҳам маълум бир фикр билдиришимиз зарурдир;

— Прагматик тафаккур тури. У фойда ҳақидаги тасаввурдан келиб чиқади. Бу тафаккур тури кўпгина индивид, гуруҳ ва миллатларга хосдир. Ушбу тафаккур типи мазмунини таҳлил қилиб унга биз сира ҳам салбий маъно беришимиз мумкин эмас. Чунки мавзу асосан жамиятга фойда келтириш тўғрисидадир.

— Анъанавий тафаккур типи маънавий маданиятнинг компонентлари: урф-одат, расм-русмлар ва анъаналар системасига таянади. Бу тафаккур типи 2 хил кўринишда намоён бўлиши мумкин. Бир томондан у ижтимоий ҳаётни маълум бир томонларига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин (ёшларни Ватанга

садоқатли руҳида тарбиялаш, миллий ўзлигини сақлаш, маълум бир муаммоларни очиши учун у ёки бу махсус йўналишларни ишлаб чиқиш ва ҳ.к.). Иккинчи томондан айрим ижобий ва прогрессив фаолиятларни суръатини ўсишига ҳалақит қилиши мумкин (масалан, бошқарув ишларида иштирок этишини, ўз ҳуқуқларини англашга халақит бериши мумкин).

— Диний тафаккур тури динининг арқонларидан келиб чиқиб шаклланади ва ривожланади. У бошқа тафаккур турларининг ичида энг қадимий ва кўҳнасидир. Бу тафаккур турлари кўпгина ҳолатларда диний тафаккур тури билан уйғунлашиб кетадилар, айниқса анъанавий, қадрият, айрим махсус ҳолларда ҳатто прагматик тафаккур турлари шулар жумласидандирлар. Масалан диний ва прагматик тафаккур турларини ўзаро диалектик муносабатларга киришишлари М. Веберниng фикрича Европада капитализмни ривожланишига асос бўлди. Бизнинг республикамиз шароитларида ҳам диний тафаккур тури маълум бир муҳим аҳамиятлар касб этади (айниқса ёшларни кекса авлодга нисбатан меҳрибончилик ва ҳурмат асосида муносабатли бўлмиш, жамиятдаги қусур иллатлар: алькоголизм, гиёҳвандлик, ўғрилик, ҳаёсизлик ва бошқа турларига қарши курашиши катта эътибор билан эътироф этиш керак).

— Авторитар тафаккур тури авторитетнинг фикрини таъсиридан келиб чиқиб шаклланади. Шарқ мамлакатларида ғарб мамлакатларига нисбатан бу тафаккур тури кенгроқ тарқалган. Чунки Шарқда жамоа (коллективизм) принципи кучли, ғарбда эса индивидуализм. Табийки қаерда коллективизм ҳукмронлик қилса албатта шу жамоадан ҳар хил авторитетлар шаклланиб чиқади, ушбу авторитетларнинг фикридан келиб чиқиб жамоада тафаккурнинг авторитар тури вужудга келади.

— Илмий тафаккур тури — илмий информациялар асосида бунёд бўлиб, фақатгина рационал — мантиқий принципларга асосланади. Уни жамият ҳодисалари ва жараёнларини моҳиятини очиб бериш роли бетакрордир.

— Қадриятли тафаккур тури эстетик, ахлоқий ғоялар ва нормаларнинг маълум бир системаси асосида шаклланади. Бу эстетик ва ахлоқий ғоялар ва нормалар индивид, гуруҳ, миллатларнинг амалий фаолиятлари воситасида шаклланади. Бу тафаккур турининг аҳолини эстетик ва ахлоқий тарбиялашда салмоғи каттадир. Айтиш мумкинки бу барча тафаккур турларини макродаражада Шарқона тафаккур тарзи ва ғарб тафаккур тарзи деган системага таалуқли деб ҳисоблаш мумкин. Бу муаммолар тадқиқотлари эндигина шаклланаяпти.

Албатта тафаккур турларини яна кўплаб келтириш мумкин, айниқса янги тадқиқотлар ёрдамида янги, ҳали ўрганилмаган тафаккур турларини кашф қилиш мумкин. Бунинг учун эса маълум бир билим, тажрибалар ва маълум бир вақт керак бўлади.

Юқорида келтирилган фикрларга якун ясаб шуни айтиш мумкинки тафаккур тарзи социология фанининг бошқа йўналишларга нисбатан жуда кам ўрганилган, кам эътибор берилган махсус йўналишидир. Чунки тафаккур тарзи инсоннинг турмуш тарзини оддий бир кўриниши, унинг бир қисми деб ҳисобланиб келинди. Бунда тафаккурнинг субъектив шаклларини ўзига хос хусусиятлари, уни шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари бир ёқлама асосдагина, юзаки равишда таҳлил қилиниб келди. Ваҳоланки социологиянинг бу махсус йўналиши тадқиқотлари асосида ҳозирги давримизнинг энг долзарб вазифаси бўлган — иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий хусусиятларимизга асосланган ўзимизнинг мустақил тараққиёт йўли ва моделини яратишимиз мумкин. Бу мақсад ва вазифаларга эришиш учун эса бутун инсоният томонидан яратилган турли хил назария, ғоя ва концепцияларни чуқур ўрганиб, ўзлаштириб кейин эса бу шаклланган билим ва тажрибаларни ўз ижтимоий-маданий хусусиятларимизда шаклланган тафаккур тарзимизнинг фильтридан ўтказиб таҳлил қилишимиз керак. Ана шундан кейингина бу билим ва тажрибаларни ўз миллий шароитларимизга тадбиқ қилишимиз мумкин бўлади. Шу хусусиятларни, имкониятларни ва услубларни ўз тадқиқот предметига мужассамлаштирган тафаккур тарзи социология фанининг махсус йўналиш сифатида ўзининг тадқиқотларида бу фаннинг тараққиёти учун хизмат қиладиган универсал йўналиш бўлишига кўплаб илмий асослар етарлидир. Таҳлил қилиш фаолият тафаккур тарзи категориясини муҳим бир таркибий қисми ҳисобланади. Бу фаолиятдан тафаккур қилишлик жараёни бошланади. Шунинг учун интерпретацион фаолиятисиз биз ўзимизнинг ҳеч бир онгли фаолиятимизни бошлай олмаймиз.

Аввалambор интерпретацион фаолият деганда нимани тушиниш керак, унинг таърифи қандай маънога эга? Бизнингча интерпретацион фаолият қуйидаги таърифга эга бўлиши мумкин. Интерпретацион фаолият — бу предмет ва ҳодисаларнинг мазмуни, маъносини аниқлаш ва бу мазмун, маъноларга маълум бир позициялардан (назария, индивид, гуруҳ) туриб маълум бир аҳамият бериши жараёнидир.

Интерпретациянинг бошланиш манбаи, нуқтаси қаерда деган табиий савол шаклланиши мумкин. Дарвоқе, қандай шароитларда, қандай воситалар асосида биз ўзимизнинг интерпретацион фаолиятимизни бошлашимиз мумкин. Бизнингча

феноменологик социология асосчиси Альфред Шюцнинг қисқагина, лўнда ва аниқ фикри ушбу саволга жавоб бўла олиши мумкин. Унинг фикрича интерпретацион фаолият индивидлардаги маълум бир ўтмиш ҳаётий тажрибалари асосида шаклланган билим ва маълумотларнинг заҳираси орқалигина амалга оширилади. А. Шюцнинг бу ғояларини жамиятимиз ҳаётидан, унинг тарихидан исталганча ҳар хил лавҳалар келтириб асослашимиз мумкин. Ҳозирги энг масъулиятли даврда, она Ватанимиз 130 йилдан зиёд давом этган мустамлакачиликдан озод бўлиб, ҳур ва мустақил давлат бўлганида, биз ушбу Ватан фарзандлари учун уни авайлаб асрашимиз ва ҳимоя қилишимиз ҳам фарздир, ҳам қарздир. Бу шарафли ва маъсулиятли вазифани уддаламоқлик учун барчамиз юксак ривожланган онгли фуқаролар бўлишимиз зарур. Унинг учун эса халқимиз тарихи, унинг маданияти, дини, урф-одатлари ва миллий анъаналаримиз асосида шаклланиб тараққий этган бой илмий-маданий меросимизни чуқур ва тўлиқ ўрганишимиз зарур. Ана шу бой илмий-маданий меросимизни яхши ўзлаштириб ўрганишимиз бизларда маълум бир билим, тажриба ва маълумотларни йиғиндисини шакллантирадики, у орқали интерпретацион фаолиятни амалга ошириш мумкин бўлади. Агарда бу фаолият учун асос бўладиган билим тажриба ва маълумотлар қанчалик теран, илмий ва кенг бўлса интерпретацион фаолият ижтимоий воқеликнинг жараёнларни тўғри, аниқ ва ҳаққоний қилиб таҳлил қилишга омил бўлади. Мабодо бу билим, тажриба ва маълумотлар саёз ва сохта бўлса натижалар аксинча бўлиши мумкин.

Демак интерпретацион фаолият давомида предмет ва ҳодисаларга маълум бир маъно ва аҳамият берганимиздан кейин тафаккур қилишлик жараёнини дастлабки босқичи тугаб, унинг навбатдаги жара

ёни — тушуниш жараёни ўз фаолиятини бошлайди.

Тушуниш жараёни тафаккур тарзи категориясини интерпретацион фаолиятдан кейинги таркибий қисмидир. Бу муаммонинг тарихий илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Антик, Ўрта асрлар фалсафий таълимотларидаёқ тушуниш муаммоларини ҳал қилишга ҳаракат қилинган, лекин изчил, системали илк тадқиқотлар 19 асрнинг бошларидан.

Тушуниш жараёнига ўзини таърифини берган Дильтей бу жараённи икки даражага ажратади: 1. Элементар (кундалик). 2. Олий (илмий). Элементар тушуниш инсонларнинг кундалик ҳаётлари шароитларида пайдо бўлади. Чунки жамиятдаги ҳаётда инсонлар бир-бирлари билан мулоқотда бўлиши учун ўзларини ўзаро тушунишлари керак. Тушунишни бу оддий шаклини манбасини Дильтей қуйидагича таърифлайди: «Мен бошқа инсон нимани ҳохлаётганини билишим керак. Шуни асосида тушунишнинг энг авваламбор элементар шакли вужудга келади».

Ўзининг маълум бир камчиликларини бартараф этиш учун элементар тушуниш, тушунишнинг олий шаклига — инсонларни ички дунёсини яхлитлигини таҳлил қилиш механизмига ўсиб боришга мажбурдир.

Дильтейнинг тушуниш назарияси бошқа мутафаккирларни тушуниш муаммоларини тадқиқотига катта таъсир кўрсатди. Бу тафаккур жараёнларининг масалаларини феноменологик социология асочиси А. Шюц ва унинг издошлари тушуниш муаммосини социологияни предмети даражасига кўтардилар. А. Шюц тушуниш жараёнини интерпретация фаолияти билан ўзаро муносабатдалигини эътироф этади.

Тушуниш жараёнини универсал мақомга эгалигини кўпгина олимлар: файласуфлар, психологлар, социологлар, табиий фанлар вакиллари ва бошқаларнинг таъкидлашлари бу муаммони умумметодологик аҳамиятга эга эканлигидан ҳам дарак беради. Шунинг учун ушбу муаммо масалалари бўйича ташкил қилинган анъанавий «думалоқ стол» анжуманларида кўпгина ижтимоий, табиий фанларнинг олимлари, методолог ва бошқа мутахассисларнинг тўплашишлари бежиз эмас эди.

Юқорида тушуниш жараёнига берган таърифимиздан ва у орқали келиб чиқадиган фикрлардан бир муҳим хулосага келишимиз мумкинки, бизнинг миллий шарт-шароитларимизда ҳам бу жараён ўзгача бир маъно ва аҳамият касб этади. Агар шу бугунги эҳтиёжлардан келиб чиқиб фикр юритсак, яъни ёш, мустақил давлатимизни босқичма-босқич бозор иқтисоди муносабатларига ўтаётганини назарда тутсак, бу ижтимоий макро даражали жараёнлар тизимида тушуниш категориясини аҳамияти беқиёсдир. Демак биз тушуниш жараёнини интерпретацион фаолият воситачилигида бирор бир билим ва маълумотларни маъноси ва аҳамиятини ўзлаштиришлик деб эътироф этар эканмиз, бунинг натижасида муҳим бир ҳолатни таъкидлаб ўтишимиз жоиз бўлади. Ҳақиқий демократик бозор муносабатларини миллий хусусиятларга эга бўлган махсус бир моделини яратиш кўп томонлама инсоният босиб ўтган тарихий тараққиёт йўли давомида яратилган ҳар хил бозор иқтисодини муносабатларининг маъноси, шакли ва аҳамиятини тушунишдан юзага келади. Шунинг учун бундай муҳим социологик тадқиқотларни доимо такомиллаштириб боришлиги кўпгина умумий ва хусусий муаммоларни ечимини топишга муҳим бир омил бўлиб хизмат қилади.

Тафаккур тарзи категориясини якунловчи звеноси бўлиб тушунтириш жараёни намоён бўлади. Бу жараён тафаккур тарзининг аввалги икки таркибий қисми билан жуда узвий боғлиқдирки, унинг тадқиқотларини натижаси уларни янада такомиллашувига муҳим бир омил бўлиб хизмат қилади. Бу тафаккур жараёнини тарихи ҳам қадим замонларга бориб

тақалади.

Шундай қилиб юқоридаги кўрсатилган олимларнинг фикрларини таҳлил қила туриб биз қуйидаги таърифини тушунтириш жараёнига қўллашимиз мумкин. Тушунтириш жараёни — бу индивидларнинг онгли фаолияти орқали маълум бир предмет ва ҳодисалар ҳақида ўзлаштирилган билим, тажриба ва маълумотларни бир-бирларига ўзаро узатиш ва мустаҳкамлашдир. Тушунтириш жараёни тафаккур тарзи категориясининг бошқа таркибий қисмларига ўхшаб ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасига хосдир. Аввалambор бу жараёнсиз ворислик принципи ҳақида умуман сўз юритиб бўлмайди. Бизга маълумки бу принцип тараққиётнинг энг муҳим манбаларидан ҳисобланади. Иккинчидан, тушунтириш жараёнисиз фан, иқтисод, маданият, хуллас қисқача қилиб айтганда жамият ҳаётининг ҳеч бир соҳасини равнақини умуман тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Агарда бобокалонимиз ал-Хоразмий ўзлари ўзлаштирган билим, тажриба ва маълумотларни бошқа инсонларга тушунтирмаганларида нафақат ўз замондошлари, балким бизлар ҳам уларнинг математика соҳасидаги оламшумул кашфиётларидан бебаҳра бўлардик. Ёки бўлмасам ҳазрати Алишер Навоий ўз илмий изланишларининг натижаларини машҳур асарларида кенг тарғиб этиб тушунтиришлари туфайли туркий тилнинг ривожланиши жадаллашди ва унинг аҳамияти ҳам кескин ошди. Тушунтириш муаммосига оид билдирилган фикрларни ижтимоий ҳаётнинг ҳар соҳасидан исталганча мисоллар келтириб асослаш мумкин.

III боб. СОЦИОЛОГИЯДА ТОРМОҚ ЙЎНАЛИШЛАР

1. ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СОЦИОЛОГИЯСИ.

Жамоатчилик фикри социологияси — ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ижтимоий воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатининг шаклланиши ва амал қилиши қонуниятларини ўрганувчи фандир.

Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эга. Яқинда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказини ва фаолиятини бошлаганлиги бу соҳадаги имкониятларимизни фикрини табиий ўрганиш билан шуғулланаётган социологик тадқиқот марказлари ва хизматларининг мувофиқлаштириш имконияти туғилди.

«Жамоатчилик фикри» атамаси инглизча public opinion сўз бирикмаларидан олинган бўлиб, у XVII асрда дастлаб Англияда қўлланилган, кейинчалик бошқа мамлакатларга ўтиб, XVIII аср охиридан бошлаб кенг тарқалган.

Жамоатчилик фикрининг ўзи нима? Жамоатчилик фирки — халқ истайдиган нарсани билишнинг ноорганик услубидир, (Гегель) жамоатчилик фикрида ҳамиша ҳақиқий ва ҳақиқий бўлмаган нарсалар чатишиб кетсада у ҳар бир даврда катта кучга эга бўлади.

Жамоатчилик фикри ижтимоий онг шакллари, айтайлик, фан ёки мафкурадан ноаниқлиги билан фарқ қилади. Чунки фикрнинг ўзида у ёки бу ҳолатга нисбатан тахминий, эҳтимолий оғиш бўлгани учун ҳам кўпинча инсонлар онгида вужудга келадиган ўткинчи ўзгарувчан фикр мулоҳаза, ҳис-туйғулар йиғиндисидир. Лекин бу жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмаслик керак деган гап эмас. Жамоатчилик фикрини чуқур ўрганган испан мутафаккири Ортега-И-Гассет шундай ёзган эди: «Дунёни жамоатчилик фикри бошқаради, бу шундай асосий кучки, ундан кишилар ҳамжамиятидаги ҳукмронлик келиб чиқади».

Жамоатчилик фикрини социологик тадқиқ этишнинг предмети — бу жамоатчилик фикрининг ижтимоий моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли томонларига таъсири, шаклланиши, ифодаланиши ва амал қилиши механизмлари масалаларидир. Жамоатчилик фикри — кишилар онги ва хатти-ҳаракатининг ўзига хос кўриниши бўлиб, у ижтимоий онгнинг барча шакллари (ахлоқ, ҳуқуқ, дин, фан ва ў. к.) билан боғлиқ кундалик ва назарий онг бирикмаси ҳисобланади. Жамоатчилик фикри доимо кишилар томонидан у ёки бу ҳодиса жараёнини баҳолашлари билан боғлиқ. Бундай ижтимоий баҳолаш ижтимоий

гуруҳ ва қатламларнинг ижтимоий вазияти, жамиятда тутган ўрнини ўзида акс эттиради. Демак, жамоатчилик фикри ижтимоий хусусиятга эга. Шу жиҳатдан жамоатчилик фикри кишиларнинг ижтимоий воқеликнинг бирор бир соҳасидаги фикрлари, ҳис-туйғулари ва ҳатти-ҳаракатларини жамлашга, жамият ҳаётига баҳо беришга ва шу асосда ижтимоий реалликнинг тегишли томонини ўзгартиришга (ёки сақлашга) таъсир кўрсатади. Умуман олганда, туб ижтимоий ўзгаришлар содир бўлишидан олдин айнан жамоатчилик фикрида улкан силжиш, ўзгаришлар юз бермоғи керак.

Жамоатчилик фикри билан бевосита шуғулланувчи мутахассислар бу ижтимоий ҳодисанинг мураккаблигини таъкидлашади. Дарҳақиқат, жамоатчилик фикрини тасвирлаш, аниқлаш мушкул, уни ўлчаб бўлмайди. Лекин у ҳамма жойда мавжуд, унинг таъсирини алоҳида шахс ҳатти-ҳаракатида ҳам, омма хулқ атворида ва фаолиятида ҳам кўрса бўлади.

Жамоатчилик фикрининг структурасини таҳлил қилишда биринчи навбатда унинг объекти ва субъекти масалаларига эътиборни қаратиш зарур. Жамоатчилик фикрининг объектини аниқлашда даставвал иккита муаммо эътиборга моликдир.

1). Жамоатчилик фикрини унда акс эттирилаётган воқеликнинг ўзига хослиги нуқтаи назаридан таҳлил этиш. Бошқача қилиб айтганда, жамоатчилик фикри дунёдаги ҳамма нарса тўғрисида фикр қила олиши мумкинми ёки унинг мулоҳаза доираси чегараланганми?

2). У ёки бу ҳодиса, жамоатчилик фикрининг объектига айланишининг мезонларини аниқлаш, бошқача айтганда, жамоатчилик фикрини уйғотадиган объект қандай сифатлари, хусусиятлари билан фарқланади.

Биринчи саволга жавоб тариқасида аввало шуни қайд этиш керакки, жамоатчилик фикрининг объекти бўлиб ҳам объектив воқелик, ҳам субъектив реаллик фактлари ҳисобланиши мумкин. Шу билан бирга жамоатчилик фикри маълум даражада чегаралангандир, муайян бир ҳолатларгина жамоатчилик мулоҳазаларининг объекти бўла олади. Булар: а) воқеа ва ҳодисаларнинг ҳаққоний мавжудлиги; б) воқеа-ҳодисалар ўртасидаги муносабатлар; в) воқеа-ҳодисаларнинг кишилар онгида акс этиши. Ушбу ҳолатлар жамоатчилик фикри социологиясида «аниқлик чегараси» дейилади. Бу «чегарадан» ташқарисида бўлган нарсалар тўғрисида жамоатчилик фикри мулоҳазага эга бўла олмайди.

Энди жамоатчилик фикрининг объектини танлаш мезонларига тўхталамиз. Дуч келган ҳар бир нарса, ҳодиса, воқеа, жараён ёки факт ҳам бирваракайига жамоатчилик фикри объекти бўлавермайди. Жамоатчилик фикрини уйғотишнинг биринчи

омили ижтимоий манфаат бўлиб учун бевосита манфаат туғдирадиган долзарб ҳодиса ёки нарсаларгина мулоҳазага сабаб бўлади. Чунки бундай ҳолатлар кишилардан баҳоловчи муносабатни билдиришини талаб этади. Омма фикрининг шаклланиши асосида «умумий иш» ётади.

Жамоатчилик фикрига сабаб бўладиган иккинчи омил бу — мунозаралиликдир. Бошқача айтганда, у ёки бу даражада мунозарали, баҳсли ҳолатга эга бўлган ҳодисаларгина жамоатчилик фикри предметига айланиши мумкин. Жамоатчилик фикри доимо ҳали ҳал бўлмаган масалалар бўйича шаклланади ва ҳеч қачон сўзсиз, аниқ масалалар бўйича туғилмайди.

Ниҳоят, жамоатчилик фикрини уйғотадиган учинчи омил — малакалиликдир. Бу шуни англатадики, жамоатчилик билиши ва тушуниши мумкин бўлган ҳодисаларгина жамоатчилик объекти бўлиши мумкин.

Жамоатчилик фикри субъекти деганда аввало жамоатчилик доирасида фикр уйғота олиш қобилиятига эга бўлган фикр эгаси ва ифодаловчиси тушунилади. Шу ўринда субъект сифатида алоҳида индивид, кичик гуруҳлар, жамоа, миллат, синф ва ҳатто жамият ҳисобланиши мумкин.

Жамоатчилик фикрининг билиш имконияти муайян-тарихий хусусиятга эга, яъни у жамиятда мавжуд маданият, техник имкониятлар, мулоқот воситаларининг ривожланганлик даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ. Шу билан бирга жамоатчилик фикри ижтимоий онг шакллари (фан, мафкура, дин, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсат ва бошқалар), даражалари (индивидуал, коллектив, миллий, синфий онг) ва соҳалари билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Айтиш мумкинки, жамоатчилик фикри-ижтимоий онгнинг тез ўзгарувчан, динамик ҳолатидир.

Жамоатчилик фикри турли даражага ҳам эга бўлиб, бу индивидуал, коллектив ва ижтимоий фикр кўринишида бўлади ва улар ўртасида доимий ва мустаҳкам боғлиқлик мавжуд.

Жамоатчилик фикри кўп жиҳатли ҳодисадир. Унинг рационал-ақлий (билимлар), психологик (ижтимоий-руҳий) кечинмалар, аксиологик (қадриятлар) ва бошқа жиҳатлари бўлиб, биргаликда жамоатчилик фикрининг тез тарқалувчанлик ва экстенсив хусусиятини таъминлайди.

Жамоатчилик фикрининг реал ижтимоий ҳаётда амал қилиши унинг ифодаланиши ва у бажарадиган вазифалар билан характерланади.

Аввало, жамоатчилик фикрининг уч хил ифодаланишини кузатса бўлади:

1) жамоатчилик фикрининг стихияли ифодаланиши;

2) сиёсий институтлар ташаббусига кўра бирор бир қонунни муҳокама қилиш ёки чора-тадбир (референдум, умумхалқ

муҳокамаси ва бошқ.) ўтказиш жараёнида жамоатчилик фикрининг билдирилиши;

3) махсус социологик тадқиқотлар, яъни сўровлар пайтида жамоатчилик фикрининг аниқланиши.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида жамоатчилик фикрининг эски тузум муаммоларидан янги масалаларга кўчиши юз бермоқда. Аммо жамоатчилик фикрининг қайта йўналиши мураккаб жараён бўлиб, у олдин шаклланган хулқ-атвор жабҳаларининг тафаккур ва хатти-ҳаракат қолипларининг (стереотипларининг), баъзи анъаналарининг ўзгаришини ўз ичига олади. Гап шундаки, айтиб ўтилган кўпгина элементлар (эскича тафаккур қолиплари, одатлар ва ҳ. к.)ни жамоатчилик фикри ўзида мужассамлаштирган бўлиб, бу унинг консерватив томонидир. Шунинг учун жамоатчилик фикрининг жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган, аммо кишилар онгида чуқур ўрнашган айнан қайси жиҳатини ўзгартириш мумкинлигини аниқ тасаввур эта билиш зарур. Аммо одамлар фикрини ўзгартиришдан кўра, уларда янги муаммоларга нисбатан муносабат, фикр-мулоҳазани шакллантириш осонроқ. Демак, масала жамоатчилик фикрининг кучини ошириш, уни ижтимоий муносабатларни тартибга солиш омилига айлантириш учун табиий тарзда, аммо зарур йўналишда онгли равишда шакллантира билишда экан. Бу жамоатчилик фикрининг жамият ҳаётидаги аҳамиятининг ошиб бориши билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги шарт-шароитларни талаб этади: а) давлат органлари, жамоат ташкилотлари, илмий марказлар томонидан жамоатчилик фикрининг мунтазам ўрганиб турилиши; б) барча фуқароларнинг турли шаклларда (референдумлар, манифестациялар, сўровлар ва ҳ. к.) жамият ҳаётининг ҳар хил муаммолари юзасидан ўз фикрлари, баҳолари, нуқтаи назарини эркин билдиришлари; в) фуқароларнинг жамоавий (коллектив) фикрларини билдиришлари воситалари ва шаклларини кенгайтириш, ошкоралик; г) давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан жамоатчилик фикридан доимий фойдаланиш.

Жамоатчилик фикрига мақсадли таъсир қилиш икки хил йўл билан амалга ошириши мумкин:

1) хаспўшлаш (манипуляция қилиш); 2) илмий шакллантириш.

Жамоатчилик фикрини хаспушлаш — бу долзарб муаммолар бўйича аҳоли онгига нисбатан бирор-бир фикрни зўрлаб сингдириш. Хаспўшлаш ёлғиз ҳукмрон сиёсий гуруҳ, тоифа, элитанинг манфаатларини ифодалайди ва унинг иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий ҳукмронлигини сақлаб қолишига қаратилган бўлади. Хаспўшлашнинг асосий воситаси дезинформация (сохта ахборот) ҳисобланади. Хаспўшлаш асосан тоталитар жамиятга хосдир.

Жамоатчилик фикрини эркин шакллантириш — жамоатчилик фикрининг шакллантириш жараёнига мақсадли таъсир кўрсатишдир. Бунда кўзланган асосий мақсад жамиятда ахборот майдонини табиий равишда ҳосил қилиш бўлади. Жамоатчилик фикрини шакллантиришда стихияли ва онгли омиллар, унинг шаклланишининг объектив жараёнлари билан боғлиқ бўлган ички ва бошқарув органлари томонидан кишилар онгига четдан онгли равишда таъсир қилишда ифодаланадиган ташқи механизмлар бирлигини ҳам таъминлаш зарур. Жамоатчилик фикри муҳим институт бўлиб, фаол амал қилиши унинг функциялари (вазифалари) билан боғлиқ. Бу функциялар жамоатчилик фикрининг жамият ҳаётининг турли соҳаларида (айтайлик, тақсимот муносабатларида) «қўлланишига» қараб турли шаклларда намоён бўлади. Жамоатчилик фикрининг функциялари унинг у ёки бу ижтимоий институтларга таъсирига қараб, билдирилаётган фикрнинг мазмунига кўра ва бу фикрнинг шаклига қараб белгиланади.

Жамоатчилик фикри ижтимоий институтларга таъсири жиҳатидан экспрессив, консультатив ва директив функцияларга эга. Экспрессив (тор маънода-назорат) функция. Жамоатчилик фикри ижтимоий ҳаёт фактларига нисбатан, хусусан, давлатнинг, унинг турли институтларининг ҳаракатига, фаолиятига нисбатан доимо аниқ муносабатга эга бўлади. Бу нарса жамоатчилик фикрига ҳокимият институтларидан айри турувчи ва бу институтлар фаолиятини баҳолаб борувчи ва назорат қила олувчи куч бахш этади. Шунинг учун сиёсатчилар кўпинча жамоатчиликка, аниқроғи унинг фикрига таянган ҳолда иш кўришга, яъни жамоатчилик фикрининг маънавий кучи билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар. Жамоатчилик фикрининг бу экспрессив-назорат функцияси айниқса демократик тартибга (режимга) асосланган жамиятларда катта таъсирга эга бўлади. Бунда омманинг сиёсий институтлар фаолияти устидан назорати ва таъсири кучли бўлади. Консультатив (маслаҳат) функция. Жамоатчилик фикри муаммоларни ҳал этиш воситаларини танлаш бўйича «маслаҳат бериш» қобилиятига эга. Бунда бошқарув органлари ўз фаолиятлари юзасидан жамоатчилик фикрини сўраб беришдан манфаатдор бўладилар. Масалан, тижорат масалаларини ёки аҳолига маиший хизмат кўрсатиш муаммоларни ҳал этишда жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Директив функция. Жамоатчилик баъзи ҳолларда ижтимоий муаммолар юзасидан императив (мажбурий) хусусиятга эга бўлган ҳукм чиқаради. Референдумлар ва сайловлар пайтида билдириладиган жамоатчилик фикри бунга мисол бўла олади. Бу ҳолда жамоатчилик фикри мажбурий кучга эга бўлиб, бирор бир гуруҳнинг фикри унинг ўрнини боса олмайди.

Жамоатчилик фикри ўз мазмуни моҳиятига қараб баҳолаш, таҳлилий, конструктив ва регулятив функцияларга эга бўлади. Жамоатчилик фикрининг баҳолаш функциясида кундалик, оддий фикрлаш устивор бўлиб, бунда субъектнинг у ёки бу ижтимоий воқеага нисбатан муносабатининг билдирилиши талаб этилади. Жамоатчилик фикрининг тахлилий (аналитик) вазифаси субъектнинг жамиятда юз бераётган ҳодиса, воқеаларга нисбатан таҳлилий муносабати, яъни назарий фикрлаши билан ифодаланади. Жамоатчилик фикрининг конструктив функцияси бу — субъектнинг ижтимоий муносабатлари ва жараёнларни ўзига хос программалаштиришидир. Бу ҳолда субъект назарий мушоҳада асосида ўз фикрини ва маслаҳатларини аниқ ифода этади.

Жамоатчилик фикри ижтимоий муносабатлар тизимида маълум бир нормаларни ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш «ваколатига» ҳам эга. Бу ҳолда жамоатчилик фикрининг регулятив (бошқарув) функцияси яққол намоён бўлади ва у айниқса шахслараро муносабатларда, шахс ва жамоа ўртасидаги муносабатларда кўзга ташланади. Бунда жамоатчилик фикри кўпинча жамият (ижтимоий гуруҳ) томонидан қабул қилинган, лекин шахс хатти-ҳаракатини белгилайдиган қоида ва қонунлар тўпламини эслатади. Бу жамоатчилик фикрининг энг қадимий функцияларидан бири ҳам бўлиб, унда гуруҳнинг фикри, халқ одатлари (масалан, ўч олиш одати), турли анъаналар чатишиб кетганки, улар инсон хулқини бошқаришда катта аҳамиятга эга.

Ниҳоят, ифодаланиш шаклига кўра жамоатчилик фикри икки хил —позитив (ижобий) ва негатив (салбий) функцияларни бажаради.

Дарҳақиқат, жамоатчилик ўз фикрини доимо қўллаб-қувватлаш ва аксинча, инкор этиш, қоралаш кўринишида билдирилиши мумкин. Субъект ижтимоий жараёнларда онгли иштирок этишга тайёрлигини билдирган тақдирда жамоатчилик фикри позитив, агар субъект норозилик билдириб, ҳеч бир ҳаракатни содир қилмаган тақдирда негатив вазифани бажаради.

XX асрнинг охирги чорагида жамоатчилик фикрини ўрганиш соҳасида «портлаш» содир бўлди. Зеро, бизнинг ахборот ва коммуникация кўламда ва турли услубларда ўрганиш борасида улкан имкониятлар ва шарт-шароитлар яратди. Ҳозирда жамоатчи фикри билан ҳисоблашмайдиган илғор жамиятнинг ўзи йўқ. Ахборот майдонини ҳосил қилиш учун ривожланган мамлакатларда барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бунда оммавий коммуникация (мулоқот) ва ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение, видеоёзувлар, кино) ёрдамида зарурий жамоатчилик фикри уйғотилмоқда. Бунга, албатта, маълум манфаатлар туртки бўлмоқда.

Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг асосида доимо маълум бир манфаатлар ётади ва уни ўрганишда асосий стимул бўлиб хизмат қилади. Масалан, америкалик социолог А. Инкелас бундай стимулларни уч хилини ажратиб кўрсатган: 1) индуśтрия ва савдони ривожлантириш мақсадидан келиб чиқадиган тижорат манфаатлари; 2) тарғиботни ривожлантириш ва такомиллаштириш доирасидаги ҳукумат манфаатлари; 3) оммавий мулоқот феноминини ўрганиш билан боғлиқ олимларнинг академик (илмий) манфаатлари.

Юқорида баён этилган фикрлар жамоатчилик фикрининг информацион жиҳатларига эътиборни қаратишни жалб этади. Замонавий жамиятнинг ахборотлашуви — ахборотни ишлаб чиқиш, қайта ишлаш ва тарқатишнинг янги даражаси билан боғлиқ жараёнлар йиғиндисидир. Ахборот сектори (фан, маориф, санъат, бошқарув, реклама, оммавий мулоқот ва ахборот воситалари)нинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини социологик ўрганиш тизими яратилмоқда, тўғри, бунда баъзи қийинчиликлар мавжуд. Бизда ҳали ЖЖЖЖФФни аниқлаш услубларига, хусусан социологик сўровларга кўпчилик руҳан тайёр эмас. Бунда албатта халқимизнинг ўзига хос тафаккур тарзи билан ҳам ҳисоблашиш зарур. Шарқда долзарб ижтимоий муаммолар кўча-кўйда, очиқ-равшан ва баралла эмас, балки оила, қариндош-уруғчилик кучли бўлгани учун йиғинларда, тўй-маракаларда, чойхоналарда муҳокама қилиниши одат бўлиб қолган. Шунингдек, ёши катталарга-бошқаларга ҳурмат, уларнинг фикри билан ҳисоблашиш кучли илдизга эга. Бу омилларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Маълумки, жамоатчилик фикрининг шаклланишига мавжуд ахборот майдонидан ташқари микро муҳитнинг, яъни кичик муҳитнинг кучли таъсири бўлади. Чунки инсон айнан микро муҳитда — оилада, маҳаллада кундалик ҳаётининг кўпроқ қисмини ўтказади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, жамоатчилик фикрининг шаклланишида аҳоли асосий қисмининг сиёсий маданияти даражаси, унинг қадриятлари катта аҳамиятга эга. Буни ахборот майдонини яратишда ҳисобга олиш керак бўлади. Жамоатчилик фикрини аста-секин тайёрламасдан туриб, бирданига умумжаҳон ахборот даражасига ўсиб ўтиши қийин, албатта.

Мавжуд ижтимоий муаммолар тўғрисида турлича гуруҳларнинг ҳар хил фикрлари бўлиши табиийдир. Шунинг учун биз жамоатчилик фикри тўғрисидаги фанни ривожлантира бориб, жаҳон тажрибаси, ўз анъаналаримиз, янги жамиятимизнинг ижтимоий-маданий омилларини ҳисобга олишимиз зарур.

Жамоатчилик фикри жамиятнинг бугунги куни, унинг кечиктириб бўлмас муаммолари билан ҳам боғлиқ. Шу маънода жамиятнинг жамоатчилик фикрини аниқлашга бўлган эҳтиёжи ошиб боради. Айниқса, жамиятимиз бозор шароитида тобора табақаларга ажралиб бораётган бир шароитда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва у билан ҳисоблашиш зарур.

Жамоатчилик фикрини ўрганишдаги баъзи кузатишлар кўрсатадики, ҳозирда Ўзбекистонгда жамоатчилик фикрини ўрганишда социологларимиз олдида бир қанча муаммолар мавжуд. Асосий муаммо, бу — коммуникацион тизимларнинг етишмаслиги ва бундан келиб чиқадиган ахборот оқимининг заифлигидир. Ўзбекистонда барча ҳудудлар бўйича ахборот-компьютер маълумотлар базасини яратиш зарур. Бунинг учун биз халқаро, умумжаҳон коммуникациялар тўрига бирлашиш масаласини ҳал этишимиз керак бўлади.

Иккинчи муамо шуки, мавжуд ахборот воситаларининг фаолиятида маълум нуқсонлар бор. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида, иқтисодда, сиёсатда, маънавий-маданий ҳаётда жамоатчилик фикрининг аҳволини аниқлаш, ўрганиш ва таҳлил этиш учун статистик маълумотлар етишмайди. Ваҳоланки, турли ижтимоий муаммолар бўйича жамоатчилик фикрининг доимий ўзгариб боришини кузатиш зарур. Бу вазифани етакчи социологларимиз томонидан тузилган дастурлар асосида ўтказиладиган сўровлар бажариши мумкин.

Ҳозирги даврда жамоатчилик фикрини тизимли ва кенг кўламда ўрганиш дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган. Унинг ёрдамида турли ижтимоий дастурлар ва тадбирлар олиб борилади ва самарадорлиги аниқлаб берилади. Ўзбекистонда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг ўз фаолиятини бошлаганлиги мамлакатимизда бу соҳадаги ишларга катта имкониятлар яратди.

2. ИҚТИСОДИЙ СОЦИОЛОГИЯ

Иқтисодий социология XX асрнинг 50-йилларнинг ўрталарида АҚШда фан сифатида шаклланиб дастлаб тор доирадаги олимларнинг қизиқтирган бўлса, эндиликда бу фан жуда тараққий этган ва унинг муаммолари тадқиқоти билан кўпгина мамлакатлар олимлари жиддий шуғулланадилар. Ҳозирги даврда бу фан ҳам ғарбда, ҳам Шарқда социологик билим тараққиётининг марказий йўналишларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий социологиянинг собиқ СССР парчаланиши натижасида шаклланган ёш мустақил давлатлар учун, уларнинг анъанавий сиёсий иқтисодга асосланган ўз менталитетларини тубдан ўзгартиришлари учун ниҳоятда

зарурлиги ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар ҳеч бир шубҳа уйғотмаса керак.

Кейинги вақтларда Марказий Осиё давлатлари, айниқса Ўзбекистон кўплаб иқтисодчилар, социологлар, сиёсатшунослар ва журналистлар эътиборини кун сайин ўзига кўпроқ қаратаяпти. Ўзбекистонга «барқарорлик ороли» сифатида қаралиб, у ҳақида фанлар билдириш диапазони анчагина кенгдир: лол қолиб мақташлардан тортиб, то кескин танқидларгача.

Шу билан биргаликда бу маконда бўлаётган жараёнларни тушуниш учун нафақат Ўзбекистоннинг бозор муносабатларга ўтишдаги иқтисодий сиёсати моҳиятини тушунишлик, балки индивидуал ва ижтимоий онгнинг Шарқнинг бу мамлакатдаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳам чуқур билимлар талаб қилинади. Зеро Ўзбекистон республикаси президенти таъкидлаганидек: «Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бирёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланди».

Ислоҳотларни муваффақиятли равишда амалга оширишлик учун айнан шу нуқтаи назардан қараганимизда, иқтисодий социологиянинг ўрнини бетакрорлиги яққол намоён бўлади. Иқтисодий социологиянинг предмети моҳиятини билишлик учун эса унинг шаклланишини тарихий шарт-шароитларига мурожаат қилиш керак.

Худди шу сабаблар туфайли бундан буён бошқарув соҳасида асосий эътиборни психологик ва интеллектуал имкониятларни ишга солишлик томонига қаратишлик жиддий маъно касб этади. Айнан шу даврда социологиядаги кўпгина тармоқ йўналишлар — индустриал социология, муассасалар социологияси, шаҳар социологияси ва бошқалар пайдо бўла бошлади.

Бошқарувилар йирик олимлар томонидан ишлаб чиқилган «инсонлар муносабатлари», «интизомли хулқ-атвор» концепцияларини синашликни амалга оширдилар.

Бошқарувни компьютерлаштириш усули, моделлаштириш ва миқдорий таҳлил қилишликнинг турли методлари ёрдамида ишлаб чиқариш суръатини оширишга ҳаракатлар қилинди. XX асрнинг иккинчи ярмида меҳнат соҳаларидаги юксалиш туфайли бошқарув муаммолари янада мураккаблашди. Корпорацияларнинг бозорни ўзгарувчанлиги, иқтисоднинг умумий ҳолатига боғлиқлиги даражаси кескин равишда ошиб кетди. Буларнинг ҳаммаси социал зиддиятларнинг кескинлашувини келтириб чиқарди ва тадқиқотчи олимлар олдига меҳнат ресурсларини

бошқаришликни янги йўналишларини излаб топши вазифасини кўндаланг қўйди. Ушбу шарт-шароитлар объектив равишда иқтисодий социологиянинг вужудга келишига асосий сабаблардан бири бўлди. Бошқа бир томондан эса бу фаннинг пайдо бўлишига ҳам иқтисод, ҳам социология фанларининг тараққиёти етарли даражага асос яратди.

Ишчиларнинг қадриятли ориентирлари, мотивлари ва хулқ-атворлари фақатгина иқтисоддаги ўзгаришлар таъсири остида эмас яна маданий муҳит туфайли ҳам шаклланади.

Асримизнинг 60-йилларида ривожланган ғарб давлатларида иқтисод фанининг ижтимоийлашув тенденцияси янада кучайди ва натижада иқтисодий социологиянинг имкониятлари ҳам ортиб борди. Шу билан биргаликда назария социологияда шундай социологик тушунча ва категориялар ишлаб чиқилдики, улар иқтисодий социологиянинг категориал аппаратининг шаклланишига асос бўлди.

Бу категориал аппарат иқтисодчи социологларга иқтисоддаги мавжуд ва ҳали ҳам ўрганилмаган социал алоқаларни тадқиқ қилишликларига кенг йўл очиб берди.

Шу билан бир қаторда муассасалар, ишлаб чиқариш жамоалари, касблар, бандлик, стратификация, бошқарув ва бошқа муҳим масалалар билан шуғулланувчи социологиядаги махсус йўналишлар ҳам ривожланиб борди.

Ғарб иқтисодий социологияни аниқ чегаралар асосида ривожланаётган ягона илмий йўналиш сифатида эмас, балки жамият, ёхуд алоҳида давлат тараққиётининг у ёки бу даврдаги долзарб муаммоларни ўрганадиган ўзига хос бир илмий ҳаракатдир. Ушбу ҳаракат «Иқтисод ва жамият» номига сазовор бўлди.

Америкалик социолог Дж. Смелзер ўзининг «Иқтисодий ҳаёт социологияси» мақоласида шундай зўр таассурот қолдирадиган манзарани чизиб бердики, унда иқтисодий социология «йўргак»даги ҳолатида қандай ўлғайганлиги ва иқтисодий турмушнинг борган сари янги томонларини қамраб олишлиги жуда таъсирли қилиб тасвирланган. (Американская социология. М. Прогресс, 1972, с. 200. Бунинг натижасида эса иқтисодий социологиянинг ютуқларини ёрқин тимсоли намоён бўлди. Бу ҳол эса «ҳақиқий» иқтисодчида социология иқтисодчиларининг ҳақ-ҳуқуқларига тановвуз қилмасмикин деган савол туғдириши мумкин.

Смелзернинг таъкидлашича иқтисодчилар ва социологлар иқтисодий ҳаёт ҳақида бир-бирларидан фарқ қиладиган саволларга жавоб излайдилар. Бунда социологлар муаммога кенгроқ, иқтисодчилар эса тор маънода ёндошадилар.

Иқтисодий социологиянинг дарғалари ва бу йўналишда ўз тадқиқотларини олиб бораётган олимлар ва бу фан учун назарий асослар етишмаётганлигини эътироф этмоқдалар. Маълумки ғарбда эътибор амалий тадқиқотларга кўпроқ қаратилади. Ушбу масала бўйича Д. Смелзер қуйидагича фикр юритади: «Маркс ва Вебер томонидан қўйилган ва хайратомуз кучга эга бўлган вазифалар иқтисодий ва сиёсий омилларнинг ўзаро таъсирига бағишланган илмий тадқиқотларда ҳозир ҳам асосий ролни бажараяпти. Булар шундай вазифаларки, улар муассасалардаги бошқарувнинг сермаҳсуллиги, турли манфаатни кўзловчи иқтисодий гуруҳларнинг ўзаро курашларига асос бўлиши, иқтисодий системанинг сиёсий система устидан ҳукмрон қилишликни таъминлайдилар». «Американская социология. М. Прогресс», 1972, бет 200.

Бу икки энциклопедист мутафаккирларининг хизматларини юқори баҳолаб Дж. Смелзер ўз фикрларини ривожлантириб боради: «Маркс ва Вебер кўтариб чиққан муаммолар маданият ва иқтисодий фаолиятнинг ўзаро алоқаларига бағишланган ҳозирги замон тадқиқотларининг диққат марказида турибди. Айниқса шундай муаммолар: Маданий белгилар иқтисодий фаолият орқали белгиланиши мумкинми; бу символлар иқтисодий фаолиятга мустақил таъсир кўрсатиши мумкинми ёки бу ерда гап ўзаро ҳаракат ҳақида кетаяптими». «Американская социология», М. Прогресс. 202 бет.

Ғарб иқтисодий социологиясига позициясини қисқача таърифи ана шулардан иборатдир.

Собиқ Иттифоқда иқтисодий социология муаммоларини ўрганишлик 80-йиллардан бошланди. Бир гуруҳ Новосибирсклик иқтисодчилар ва социологлар 70—80-йиллар ўртасида мамлакатда пайдо бўлган кризис ҳолатнинг социал-иқтисодий сабабларини аниқлашга киришдилар. Маълумотларни таҳлил қилишлик эса олимлардан иқтисод ривожининг социал регуляторларини, яъни унинг социал механизмларини ўрганишликни тақозо этди. Бу эса ўз навбатида бошқа муаммоларни келтириб чиқарди, хусусан, аҳолининг турли социал гуруҳларининг хўжалик юритишнинг янгича шаклларига муносабати, уларнинг янги шароитларда ишлашга тайёрлиги шулар жумласидандир.

Янги муаммолар эса ўзининг ечими учун иқтисодий ва социологик тушунчалар «тутиш»лигига асосланган янги методологияни талаб қила бошлади. Иқтисодий социологиянинг методологиясини ишлаб чиқишлик жараёни ҳозир давом этаяпти.

Иқтисод ва социологиянинг туташганлиги туфайли юзага келган муаммолар Ўзбекистонлик олимларнинг ҳам эътиборини ўзига тортаяпти. Айниқса бозор муносабатларига ўтишнинг социал оқибатлари ва бунда давлатнинг роли, ахборотлар, кадр

муаммолари, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари каби долзарб муаммолар бугунги кунда иқтисодий социологиянинг фундаментал муаммолари ҳисобланади.

Қадимдан Шарқ ўзининг хусусиятлари билан: авлоддан авлодга ўтиб келаётган ўзига хос бўлган урф-одатларга, нормаларга, маросимларга эгалиги билан машҳурдир. Бу ерда муаммо консерватизм ва потриархаллик негизларида эмас, албатта улар мавжуддирлар, балки шошма-шошарлик, беҳуда ҳаракатларга тоқат қилмаслик, ҳокимият вакиллари ва оқсоқолларга чуқур ҳурмат асосида муносабатда бўлишлик шарқ кишисининг менталитети, яъни тафаккур тарзининг ўзига хос бўлган хусусиятидадир.

Мустақилликни қўлга киритган ёш давлат олдида жамиятни ислоҳ қилишлик учун 2 та йўналиш мавжуд эди: биринчиси «шок терапия»си бўлиб у бозор ислоҳотларининг жараёнларини сунъий жадаллаштиришга асосланади; иккинчиси эса мўътадиллик асосида ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишни назарда тутади. Ўзбекистоннинг ўз бозор муносабатларига ўтишнинг ўз модели айнан ушбу иккинчи йўналиш асосида яратилаяпти. Бу моделнинг моҳияти шундан иборатки, унда миллий хусусият детерминантлик хусусиятига эгадир.

Иқтисодий социологияга маълум бир таърифни беришдан илгари иқтисодий ва социал соҳаларнинг шарҳланишини аниқлаб олиш лозим.

Социал соҳанинг энг кенг тарқалган шарҳи қуйидагича: Социал соҳа ижтимоий ҳаётнинг шундай соҳасики, унда инсонни ҳам ишлаб чиқариш куч сифатида, ҳам шахс сифатидаги кенг такрор ишлаб чиқишлик юз беради.

Бундай соҳага одатда ишлаб чиқаришлик, оила, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш маданияти тааллуқли ҳисоблашади.

Иқтисодий соҳа деб одатда инсонлар турмуш фаолиятлари учун зарур ҳисобланган ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбош ва истеъмол учун масъулиятли бўлган жамиятнинг яхлит тизимчаси тушунилади. Иқтисодий соҳа жамиятнинг яхлит структур-функционал тизимчаси сифатида сиёсат, таълим, коммуникация ва бошқа фаолият соҳалари билан актив ўзаро ҳаракатда бўлади.

Социал соҳа эса ўз ҳолича бундай тизимчани ташкил қилмайди ва шунинг учун иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалар билан бир хилда тадқиқ қилинмайди. Уни бу соҳалар билан ўзаро муносабати ўзгачадир. Бу муносабатни тушунишлик учун эса аввалambор «социал муносабатлар» тушунчасини социал соҳанинг бош мезони сифатидаги аҳамиятини англаб етиш лозим.

Социал муносабатлар 2 хил маънода талқин қилинади: кенг ва тор маънода. Кенг маънода бу муносабатлар турли хил социал

жамоалар (корхоналар жамоаси, турли минтақа аҳолиси ва ҳ. э.) ўртасидаги муносабатларни билдиради. *Тор маънода* эса бу жамиятда турли мавқега эга бўлган социал табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатдир. Социал муносабатларнинг стержени бўлиб кишиларнинг ва гуруҳларнинг жамиятдаги эгаллаб турган мавқелари бўйича тенглик ва нотенглик муносабатлари намоён бўлади. Социал муносабатлар ҳамиша ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий муносабатларда «иштирок қиладилар». Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда «Экономическая социология и перестройка» китобининг муаллифлари социал соҳа деб жамиятдаги турли хилдаги социал иқтисодий мавқега эга бўлган турли гуруҳларнинг ўртасидаги муносабатни тушунадилар. Демак, социал соҳа жамият ҳаётининг биттагина аспекти — гуруҳларнинг турли хилдаги мавқеларини акс эттиради. Бу аспект муфассал хусусиятга эгадир, чунки гуруҳларнинг мавқеларининг турли-туманлиги нафақат иқтисодга, балки яна сиёсий, оилавий ва жамиятнинг бошқа бир қатор соҳаларига ҳам хос реалликдир. Хусусан, айнан бир гуруҳнинг ўзи бир вақтнинг ўзида турли соҳаларда турли мавқени эгаллаши мумкин. Ушбу фикрларни мулоҳаза қилиш чоғида табиий бир савол пайдо бўлади, хўш социал соҳанинг иқтисод билан ўзаро алоқаси қандай хусусиятга эга?

Биринчидан, жамиятдаги конкрет гуруҳнинг эгаллаб турган мавқеси ҳал қилувчи омил сифатида иқтиосдий муносабатлар системаси орқали белгиланади. Иккинчидан, социал соҳа иқтисод фаолияти ва ривожига қарама-қарши таъсир кўрсатади. Бу таъсир социал-иқтисодий гуруҳлар ёрдамида амалга оширилади.

Иқтисодий социология вазифалари ҳақида сўз кетганда инсон фаолияти туфайли иқтисоддаги социал-иқтисодий жарёнларнинг ўзгаришларини назарда тутмоқлик даркор.

Шундай қилиб социал-иқтисодий жараён бу иқтисоднинг ва социалликнинг ўзига хос «пайванд»и бўлиб у инсоннинг иқтисодий тараққиётга таъсири остида бунёд бўлади. Инсон жамиятдаги иқтисодий ва социал соҳалар алоқа системасининг ядросини ташкил этади.

Агарда фикримизни янада конкретлаштирсак, бу ядро бўлиб социал-иқтисодий гуруҳларнинг ўзаро ҳаракатлари, фаолиятлари ва хулқ-атворлари хизмат қиладилар.

Иқтисодий социология иқтисодий муносабатлар системасига тааллуқли ва бир-бирлари билан ўзаро ҳаракат қилувчи гуруҳларни ўрганади. Унинг объекти бўлиб социал жараён сифатида махсус нуқтаи назардан қаралувчи иқтисод намоён бўлади. Бу жараённинг моҳияти иқтисод фаолиятини структуравий ўзаро ҳаракат таъсири остида ўрганишимизда мужассамлашгандир.

Иқтисодий социологиянинг объектини аниқлаганимиздан сўнг унинг предмети ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Иқтисод

фанининг механизмини ўрганишлик жамиятдаги социал гуруҳларнинг ўзаро ҳаракатларига боғлиқ экан, демак социология фанининг ушбу йўналишини энг муҳим вазифаларидан бири бу иқтисодий тараққиётни белгилаб берадиган социал гуруҳларнинг фаолияти, хулқ-атвори ва ўзаро ҳаракатларини тадқиқот қилишликдир.

Иқтисодий социологиянинг яна бир муҳим вазифаси деб кишиларнинг иқтисодий соҳадаги бошқарув системасидаги, маданият, социал ҳолат ва ижтимоий мавқе ҳолатидаги фаоллигига таъсир этувчи омилларнинг аниқлашликни эътироф этиш мумкин. Ва ниҳоят иқтисодий социологиянинг олдидаги яна бир муҳим вазифа — бу жамият социал структурасининг шаклланиши ва динамикасининг таҳлилидир. Бу социал структурага бошқарув системаси ва маданият катта таъсир кўрсатади.

Юқоридаги фикрларни таҳлил қила туриб Шарқда хусусан Ўзбекистонда бозор муносабатлари муаммоларининг ечимларини излаб топиб ҳал қилишлик жуда долзарб маъно касб этади. Умуман олганда Шарқ ўзида кенг маънода ижтимоий-маданий, миллий, тарихий хусусиятларни мужассамлаштиргандир. Лекин шунга қарамай бу қатламларни тушунишдаги турлича фикрлардан фарқли ўлароқ Шарқни қолоқ тизим сифатида анъанавий тарзда тушуниш кенг тарқалгандир.

3 СИЁСИЙ СОЦИОЛОГИЯ

Демократия ва бозор муносабатлари сари қадам ташлаган собиқ социалистик мамлакатларнинг халқлари олдида сиёсий маданият асосларини эгаллаш, ғоявий қолиплардан воз кечиш вазифаси турибди. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, кишиларнинг сиёсий онгида ўзгаришлар қилмай туриб, ҳеч қандай ўзгаришларни амалга ошириш мумкин эмас.

Биз кўп йиллар яшаган тузум тез муддатда халокатга учради. Бу эса ўз навбатида кўпчилик кишиларнинг онгидаги ўзгаришларга олиб келди ва онгда пайдо бўлган бўшлиқ номаъқул бўлган анархик ғоялар, кескин қарашлар ёки ғайриижтимоий фикрлар билан тўлди. Шу билан бир вақтда сиёсатга қараш ҳам ўзгарди сиёсатни ифлос иш деб тушуниш пайдо бўлди. Ваҳоланки, сиёсат замонавий киши учун зарурат ва эхтиёждир. Шунинг учун ҳозирги кунда инсонларга жамиятда содир бўлаётган жараёнларга тўғри баҳо беришга ёрдам қилмоқ зарур.

Аввалambор — бу инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва ролини тушуниб етиш истаги билан, бошқа кишилар билан ҳамкорликда эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ. Сиёсатни тушунмаслик

ва онгли равишда уни назарга олмаслик салбий оқибатларга олиб келади, бегоналашувни келтириб чиқаради. Шу сабабли сиёсий фан ва сиёсий таълим инсонларга муносабатларини инсонпарварлик ва оқилоналик асосида қуришга ёрдам бериши керак.

Сиёсий социология ҳам шунга хизмат қилади. Сиёсий социология атамаси социологияда ҳам, сиёсий фанда ҳам шундай бир фан сифатида талқин қилинадики, у шу икки фаннинг умумий соҳаларини ичига олади. Социология доирасидан сиёсий социология муҳим соҳа сифатида яқиндагина ажралиб чиқди. Ғарбда бу фан XX асрнинг 30—50 йилларида қарор топган деб уқтирилар эди, яъни сиёсий фанга нисбатан анча кеч. Сиёсатда социологик ёндашувнинг ривожлантиришда К. Маркс, М. Вебер, Михелс, Моска, Парето ва Зигфрид каби олимларнинг ишлари катта роль ўйнади. Марксча ёндашув сиёсий ҳулқ-атворга социал-иқтисодий ва синфий структуранинг таъсирини кузатиш бўйича ишларни жонлантириб юборди, Вебер эса ижтимоий ўзгаришларнинг мустақил омили сифатида сиёсий институтларни социологик ўрганишнинг пешқадами эди. Бу олимлар фаннинг бу икки сохаларига бўлган илмий қизиқишнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатдилар.

XIX аср охири — XX аср бошларида сиёсий фан анча тез ривожланди. Сиёсий социология ва политологияга муҳим ҳисса қўшган олимлардан Остроговский, Новгородцев, Чичерин ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Собиқ СССР даврида политология ва социология фанларининг омади чопмади. 80-йилларгача улар алоҳида фан сифатида тан олинмади ва кўпгина тадқиқотлар тарихий материализм, илмий коммунизм, КПСС тарихи ва бошқа фанлар доирасида амалга оширилди.

Бу икки фанга муносабат қайта қуриш ва демократия даврида ўзгарди. 1990 йилда СССР Фан ва Техника бўйича Давлат ғўмитаси сиёсий фан бўйича илмий ходимларнинг номенклатурасини расман тан олди. Сиёсий социология ва политология олий ўқув юртларида ўқитила бошлади. Масалан ТошДУда сиёсий социология 1993 йилдан бошлаб ўқитилди. Сиёсий фанда кечилган қийинчиликларга қарамай, бу фан ижтимоий фанлар тизимида ўзига хос ўринни эгалламоқда. Сиёсат, сиёсий муносабатлар, сиёсий онг ва бошқа муаммоларнинг у ёки бу жиҳатларига бағишланган илмий ишлар нашр қилинди. Бу муаммоларни ўрганувчилар жумласига И. И. Антонович, А. А. Артемов, И. Н. Бокарев, А. В. Дмитриев, Д. А. Керимовлар мансубдирлар.

Сиёсий социология доирасида аҳоли сиёсий онгини ўрганиш, давлат корхонаалрининг фаолиятини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Лекин сиёсий ҳаётнинг кўпгина жиҳатлари

олимларнинг эътиборидан четда қолиб кетди, кўпинча тадқиқотлар «совет халқининг сиёсий яхлитлигини» таъкидлашдан нарига ўтмасди.

Худди шу сиёсий социология барча жараёнлар умумий ва хусусий жараёнлар ҳақида аниқ билим бериши мумкин бўлган фан эканлигини, ҳаётда қўйилган масалаларга жавоб бериши мумкин бўлган келажак ҳақида башорат қилувчи фан эканлигини олимлар исбот қилиши керак.

Хўш, сиёсий социология фани нимани ўрганади?

Барча фанлардаги каби сиёсий социологияда ҳам унинг предмети ҳам бир томонлама талқин қилинмайди, чунки сиёсий социология фанига ҳаммани қониқтирувчи таъриф бериш жуда мураккаб. Кенг маънода, сиёсий социология — социологик назариянинг бир қисми бўлиб, ҳокимият учун кураш ва ҳокимиятни амалга ошириш каби ходисаларни тушунтиради, чунки худди шу ходисалар сиёсатнинг моҳиятини ташкил этади. Бу нуқтаи-назарни Бендикс, Липсет, Ф. Бурлацкий ва бошқа олимлар кўллаб-қувватлайдилар, лекин бу таъриф жуда умумийдир. Липсетнинг фикрича, сиёсий социологияга жамият ва давлат ўртасидаги, ижтимоий тузум ва сиёсий институтлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганувчи фан деб таъриф бериш мумкин.

Алоҳида эътибор политология ва сиёсий социологиянинг нисбатига қаратилади. Чунки уларнинг предмети бир-бирига жуда яқин. Бу фанлар умумий тадқиқот объектига эга бўлиши мумкин, лекин шу объектни ўрганишда таҳлил услублари ва билим манфаатлари билан фарқ қиладилар. Баъзи муаллифлар политология ва сиёсий социологияни сиёсат ҳақидаги энг умумий фанлар сифатида тенглаштирадилар.

«Сиёсий фанга, — деб ёзади М. Гравитц, — таъриф беришда шуни айтиш керакки, инсонлар уларнинг ҳамкорликдаги ҳаётини йўналтирувчи институтлардан қандай фойдаланишларини ўрганувчи, кишиларни ҳаракатга келтирувчи ғояларни (бу ғоялар шу кишилар томонидан яратилганми ёки ўтган авлодлар томонидан қолганми, бундан қатъий назар) ўрганувчи фандир. Айтиш мумкинки, сиёсий фан предметида ғоялар, институтлар ва инсонлар бирлашиб кетган».

Қатор муаллифлар, хусусан, М. Дюверже, М. Хаттих, Ю. Хохфельф, О. Гитаммер, Р. Бендикс ва бошқалар ҳам сиёсий социология ва политологияни тенглаштирадилар.

«Сиёсий социология кенг маънода, — деб ёзади О. Берг-Шлоссер, — барча ижтимоий нодир ҳодисалар билан шуғулланади ва бу ҳодисалар сиёсий жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Объектив соҳада бу авваламбор турли шаклдаги жамият структуралари ва бу структураларга таъсир қилувчи омиллардир. Объектив соҳада у сиёсий муҳим бўлаётган ижтимоий назария ва ҳулқ-атвор

намуналарини тадқиқ, қилади, тор маънода, сиёсий социология объекти — аниқ сиёсий жиҳатдан муҳим гуруҳ ва жараёнларни тадқиқ қилишдир».

Қисқаси, агар сиёсат ҳақидаги фан давлатдан келиб чиқса ва унинг жамиятга таъсирини ўрганса, у вақтда сиёсий социология жамиятдан келиб чиқади ва у давлатга қандай таъсир кўрсатишини яъни ҳокимиятни тақсимлашга ва амалга оширишга хизмат қилувчи расмий институтларга таъсирини ўрганади.

Фанни ривожлантириш сиёсий тадқиқотларда сиёсий соҳанинг яхлитлигини акс эттириш ҳамда сиёсий билимларнинг бўлак-бўлаклигига йўл қўймаслик имконини беради.

Демак, сиёсий социология — бу асосий сиёсий фанлардан бири бўлиб, унинг ютуқлари сиёсат ҳақидаги эмпирик фаннинг асосини ташкил этади, лекин бу сиёсатнинг ягона назарий таърифи бўлмай, фақатгина бошқа фанлар билан биргаликда сиёсатнинг назариясини ташкил қилиши мумкин.

Бу фанлар авваламбор — фалсафа, сиёсий фалсафа, давлат ва ҳуқуқ назарияси, тарих, социология, ташкилот ва бошқарув назарияси, ижтимоий кибернетика ва бошқалар.

Сиёсий социологияга таъриф беришда икки хил ёндашув мавжуд: норматив ва тасвирий. Тасвирий ёндашувда сиёсат ижтимоий ҳаётнинг факти сифатида кўриб чиқилади, сиёсий социология эса қадриятлар юзасидан бетараф фан бўлиб, унинг натижаларидан барча инсонлар фойдаланишлари мумкин.

Норматив ёндашувдан фойдаланишда сиёсат муайян ижтимоий дунёқараш ва сиёсий қадриятлар призмаси орқали таҳлил қилинади. Норматив ёндашув давлатлар, партиялар, сиёсий етакчилар ва давлат амалдорларининг сиёсатига баҳо берилаётганда фойдалидир.

Сиёсий социологиянинг умумназарий қисми энг умумий тушунчаларда жамиятда қарор топган ҳокимиятнинг ижтимоий асослари ва ижтимоий ҳаракатларини белгилайди. Шундай қилиб бу ерда сиёсий ва носиёсий ҳодисалар ўртасидаги генетик муносабатларни тушунтирувчи қонун ва таҳминлар кучга киради лекин бу бўлимлар кенг яхлитликни — сиёсий социологиянинг умумсоциологик назарияси ва сиёсий муносабатлар таҳлили билан шуғулланувчи алоҳида социологик фанларни бирлаштиради.

Биринчи қисм сиёсий инқилоб ва тараққиёт, бу жараёнларга таъсир этувчи муҳит, тенглик ва зиддиятлар, сиёсий комитетлар сиёсий ижтимоийлашув масалаларини ўрганувчи социал сиёсий жараёнларга бағишланган.

Иккинчи қисм сиёсий институтлар ва сиёсий ҳокимиятлар муаммоларига бағишланган. Бу қисмда сиёсий система, давлат

тузуми ва давлат сиёсати, давлат ҳокимияти ва сиёсий мафкуранинг амал қилиши ва ривожланиши таҳлил қилинади. Сиёсий социологияда қўлланиладиган услублар ҳилма-хиллиги унинг предметини ўрганишга имконият беради.

Биринчи гуруҳ услубларига эмпирик услубларни киритиш мумкин. Сиёсий социология фақатгина назарий фан бўлибгина қолмай, юқори даражадаги эмпирик тадқиқотлар ўтказиладиган соҳа ҳамдир. Бу тадқиқотларнинг мақсади таърифлаш шаклидаги фактик ҳужжатлар тўплашдан иборат. Сиёсий социология соҳасидаги эмпирик тадқиқотлар XX асрдан кейин тарқалди ва бунга сабаб асосан сиёсий амалиёт бўлди. Сиёсий социология соҳасидаги эмпирик тадқиқотлар сиёсий амалиёт мажмуасидангина иборат бўлмай, балки сиёсий амалиётни тадқиқ қилишнинг мустақил соҳаси ҳисобланади. Сиёсий социология эмпирикасида қўлланиладиган тадқиқотлар услуби шунга ўхшаш методлардан кескин фарқ қилмайди. Сиёсий муносабатлар социологлар тадқиқ қилаётган ҳодисаларнинг сиёсий ҳаракатларидан келиб чиқадиган қийинчиликларга тайёр бўлиши ва тадқиқотлар услубларини танлашда уларни ҳисобга олишлари зарур.

Сиёсий социологияни тадқиқ қилишнинг иккинчи гуруҳ услубларини умумий услублар ташкил этади.

XIX аср — сиёсий муносабатларни ўрганишнинг таққослама-тарихий услуби тарқалган даврида Токвиль, М. Вебер, Парето авваломбор тарихий фан томонидан қўйилган бу услубга таянар эдилар. Бу услуб сиёсий ҳодисаларни вақт кетма-кетлигида ўрганишни ҳамда ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак билан алоқани намоён қилишни талаб қилади.

Бихевиористик услуб ҳақида ҳам гапириш зарур. Унинг моҳияти — сиёсий ҳодисаларни, индивид, гуруҳларнинг феъл-атворини эмпирик таҳлил қилиш асосида ўрганишдан иборат. Бу услубнинг фарқи шундаки, унда биринчи ўринга институционал жиҳат қўйилмайди. Таққослама таҳлил — бу ўтмиш ва ҳозирги замон сиёсий концепцияларини тадқиқ қилишнинг муҳим йўналишларидан биридир. Таққослама таҳлил турли сиёсий тизимларни таққослаб тадқиқ қилиш услуби ҳамдир. Шу нарса маълумки, сиёсий тизимларни ҳар томонлама таққослама ўрганишни амалга ошириш вазифаси муҳимдир.

Таққослашни сиёсатнинг очиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини аҳволи, озчиликнинг ҳуқуқлари, сиёсий ва диний қарашларга чидамлилик нуқтаи назаридан ўтказиш лозим.

Сиёсий социологиянинг тадқиқот услублари ҳозирги кунда муҳим ва тез тараққий қилувчи соҳа ҳисобланади. Сиёсий фанларга нисбатан эса бу услублар эмпирик материалнинг асосий вазифасини бажаради.

4 ТАЪЛИМ СОЦИОЛОГИЯСИ

Кўп сонли махсус социологиялар ичида одатда улардан бир қатори, янада зарур бўлган ижтимоий институтларни, ҳолатлар ва жараёнларни бевосита тадқиқот қилувчи социология алоҳида ажралиб туради, шулар қаторида таълим ҳам ҳеч ўзгаришсиз қатнашади. Барча таниқли социологлар ижтимоий таълим институти ва унинг аҳамияти ҳақида ўзларининг амалий у ёки бу фикрларини билдирган бўлсалар ҳам, шунга қарамасдан, таълим социологияси социологиянинг мустақил тармоғи бўлиб бошланиши Э. Дюркгейм асарлари билан боғлиқ. Шундан бери у ғарб социологлари (Америкада К. Дженис ва Дж. Коулмен, Францияда П. Бурдье, Англияда Дж. Флауд ва бошқалар)нинг илмий ишларини бойитди ва жиддий ривож топтирди. Социологик фикрларнинг бу соҳасига поляк социологлари (В. Адамский, И. Бялецкий, З. Квециньский, М. Козакевич, Б. Суходольский, Я. Щепаньский ва бошқалар) ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар. Бизда таълим социологияси XX асрнинг иккинчи ярмида ишлаб чиқила бошланди (И. В. Бестужев - Лада, Л. Н. Коган, М. Н. Руткевич, Л. Я. Рубина, В. Н. Туренко, Ф. Р. Филлипов, М. Х., В. Н. Шубкин, е. А. Якуба ва бошқалар), ва бугунги кунда у замонавий социологиянинг нисбатан янада ривожланган тармоқларига киради.

1. Таълим социологиясининг ўрни ва предмети

Жамият тараққиёти ва яшаш фаолияти учун бугунги кунда таълим институтининг алоҳида, мустасно ўрни ва аҳамиятини тўла исботлаб ўтиришнинг кераги бўлмаса керак. Соғлиқни сақлаш институтлари қаторида у жамият ҳаётининг барча томонларига бевосита ва энг жиддий тарзда таъсир кўрсатади, унинг илмий, технологик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-аҳлоқий ва бошқа ҳолатларини аниқлайди. Бугунги кунда ҳар қадамда юқори ва сифатли билимга эга бўлмасдан туриб, жамият муносиб келажакка эриша олмайди деб тан олинмоқда. Шу билан бирга замонавий фан, маданият ва информатика соҳасида эришилган катта имкониятлар билан уларни жамият ҳаётига тадбиқ қилиш ўртасидаги катта узилиш фақатгина алоҳида бир давлатда эмас, балки бутун жаҳон миқёсида ҳам таълим сифати ва даражасини ошириш ва кенгайтириш асосида бартараф қилиниши мумкин. Таълим — шахснинг яшаш фаолияти ва ижтимоийлаштиришнинг турли табақалари ривожланиши ва шаклланишида ҳаммадан ҳам бошланғич ва шу сабабдан зарур бўлган асосий омилдир. Шахснинг ижтимоий статусини аниқлашда, жамият ижтимоий тузилишини такрор ишлаб чиқариш ва ривожланишида,

ижтимоий тартиб ва барқарорликни қўллаб-қувватлашда, ижтимоий назоратни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиш унга хосдир.

Таълим социологияси объекти бўлиб, таълим тизими ижтимоий институт сифатида олинган бутун бир жамиятда ва шу жамият ҳаётидаги соҳалар ва бошқа ижтимоий институтлар билан ўзаро ҳаракати ва ўзаро алоқаси ҳисобланади. У таълим тизимини унинг тараққиётида, фаол кўрсатишида, тузилишида, ташкил топишида ва ривожланишида кўриб чиқади. Э. Деркгейм таълимнинг асосий фаолятини юқори савиядаги устун маданият бойликларини беришда деб кўрган.

Америкалик социолог Н. Смелзер таълимни институционал (формал) жараён, яъни унинг асосида жамият бутун бойликлари, билимлари ва моҳирликлари бир инсондан, гуруҳлардан, уюшмалардан бошқаларга берилиши сифатида аниқлайди. Формал, институционал таълим — бу мактаблар, техникумлар, олий ўқув юртлари, курслар ва малака ошириш институтлари ва бошқалар, уларда таълим бериш у ёки бу даражада жамият томонидан ундаги устун маданий стандартлар, ижтимоий-сиёсий йўл-йўриқлар ва идеаллар асосида расмий бошқарилади. Формал бўлмаган таълим бугунги кунда шубҳасиз, анчагина кам, ёрдамчи, тобе роль ўйнаши, формал бўлмаган, институционлаштирилмаган, тизимлаштирилмаган, тартибсиз таълим бериш билан атрофдаги ижтимоий муҳит билан мулоқот давомида (масалан, тенгдошлари, касбдошлари ва бошқалар) ёки индивидуал асосда бойликларни ва билимларни эгаллаши (масалан, оммавий ахборот воситаларининг шахсга таъсири натижасида) билан боғликдир.

Таълим ўзгача бир ижтимоий институт сифатида доим мавжуд бўлмаган. У янги авлод томонидан билим ва тажрибаларни эгаллаш ишлаб чиқариш ва ижтимоий жараёнларга қўшилиб кетган ва мактаблар, ўқитувчилар ва бошқалар бутунлай йўқ бўлган ибтидоий примитив жамиятда бўлмаган. Таълим институтининг алоҳида ажралиши индустриаллаштирилган жамиятгача меҳнат ижтимоий тақсимоти чуқурлашуви ва кенгайиши асосида, табақа тенгсизлиги ривожланиши ва давлат тизими жамиятнинг имтиёзли қатламлари вакилларини махсус тайёргарлик билан таъминлаш мақсадида бошланади. Одамларнинг қолган қисми керакли қадриятлар ва билимларни оилада ва ишлаб чиқариш таълими жараёнида ўзлаштирганлар (ўқувчилар, шогирдлар ва бошқалар). Ўрта аср Европасида дини мактаблар ва бошланғич университетлар пайдо бўла бошлади, уларда фақат жуда камчиликни ташкил қилувчи бой ва юқори табақаладилар ўқиши мумкин бўлган. Фақат Улуғ Француз инқилобидан кейингина ҳақиқий таълим инқилоби содир бўлди, ҳолбуки илғор мамлакатларда алоҳида элитар бўлишдан тўхтаган ва оммавий, демократик, ҳаммабоп характерга эга бўлган

ижтимоий таълим институтлари тузилмоқда ва тасдиқланмоқда. Таълим тизимининг тенгсиз янада юқори даражаси ва улкан қулоч ёйиши XX асрда қўлга киритилди, айниқса, унинг иккинчи ярмида, қачонким илмий-техникавий инқилоб ва замонавий саноат ишлаб чиқаришнинг талаблари таъсирида малакали кадрларга умумий эҳтиёж кескин ўсди. Бу даврда маданият жиддий равишда ўсди ва инсонларнинг ҳаёт тарзи ҳам ўзгарди, нафақат бошланғич ва тўлиқ бўлмаган ўрта, балки тўлиқ ўрта таълим кўплаб мамлакатларда оммавий ва мажбурий бўла бошлади, олий таълим ва ўрта махсус таълим кескин кенгайди ва ҳоказо. Бежизмаски, 60-йиллардаги чуқур маданий-таълим ислоҳотлари қарийб барча дунёдаги индустриал мамлакатларни қоплаб олди.

Ҳозирги замон илғор индустриал давлатларнинг таълим тизими — шахсни социализациялашда, унинг у ёки бу ижтимоий статусни олишга тайёргарликда ва ижтимоий тизимларни мукаммаллаштиришда, интеграциясида ва барқарорлашувида мос муҳим ролни бажарувчи жамият аъзолари билимлари ва маҳоратларини узлуксиз такомиллаштирувчи жуда кенг ва юқори ривожланган дифференцияланган кўп даражали ижтимоий тизим (жамиятнинг кичик тизими)дир.

Таълим социологияси — у таълим тизимини янада кенгроқ ижтимоий тизимларни кичик тизимлар сифатида ва унинг бошқа кичик тизимлар ва бутун бир жамият билан ўзаро нисбати ва ўзаро ҳаракатини ўрганувчи социология соҳасидир; бу таълим ижтимоий тамойилларини таълим тизимларининг ўзаро ҳаракати қонуниятларини ижтимоий институт ва жамият, ижтимоий гуруҳлар ва шахслар бўлган ижтимоий ташкилотлар сифатида ўрганувчи фандир. Бу ерда таълим социологиясининг таълим тизимини ўрганишга ёндашиши билан педагогиканинг ёндашиши ўртасидаги фарқ аниқ равшан. Педагогика аввало педагогика фаолияти таълим жараёнларининг ички хусусиятлари ва қонуниятларини, унинг дидактик асосларини бевосита ўрганган бир пайтда таълим социологияси — уларнинг янада кенгроқ ижтимоий асосларини, ижтимоий тизимлар ва таълим кичик тизимлари хусусиятлари ва қонуниятларини ўрганади. Бу таълим социологияси шуғулланувчи ушбу муаммо мазмунини таҳлил қилиш ва анилашда аниқ кўриниб турибди.

2. Таълим социологиясининг муҳим муаммолари

Социологиянинг ўзига хос соҳаси сифатида, таълим социологияси даставвал таълим тизими ва жамиятнинг ўзаро ҳаракати ва ўзаро муносабатлари умумий масалалари, унинг ўрни ва ижтимоий тизимдаги ролини ўрганади. Буларга тараққиётнинг ижтимоий шароитлари, турли таълим тизимининг ишлаб туришида ва ривожланишида, биринчи навбатда замонавий,

уларни ижтимоий жараён ва илмий-техник талаблар билан юзага келтиришлилик, таълим институти ижтимоий функциялари ва унинг жамият ҳаётидаги роли таълим тизимида ижтимоий тенглик (ёки нотенглик) принципларини амалга ошириш, унинг жамият ижтимоий тузилиши ва ижтимоий ҳаракатчанлик билан ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро ҳаракати, таълим тизимида жамият эҳтиёжлари ва талабларини, ижтимоий гуруҳлар ва шахслар, ижтимоий тузилиш ўзгаришида ва такрор ишлаб чиқаришда таълим тизимининг ролини, таълим тизимининг бошқа ижтимоий институтлар билан ўзаро муносабатлари ва ҳоказо муаммолари киради.

Таълим социологияси таълим ва социумнинг чуқур ва мустақил ўзаро боғлиқлигини тан олишдан келиб чиқади. Бир томондан, айнан ижтимоий шароитлар ва омиллар бевосита таълим тизимининг хусусияти, турини аниқлайдилар ва шунинг учун таълимнинг оптимал тизимига эришиш учун мос ижтимоий дастлабки шарт-шароитлар ва фикрлар зарурдир; бошқа томондан, ушбуларнинг керакли ўзгаришисиз таълим тизимини мукаммаллаштирмасдан туриб, эришиб бўлмайди. Бунда шуниси муҳимки, жамият ишлаб чиқаришининг эришилган ривожланиш даражасига нисбатан илмий-техник ва ижтимоий тараққиётни, таълим ривожланишининг илгарилаб кетишини шундай таъминлаши керакки, яъни у нафақат бир лаҳзалик балки келажак ижтимоий талабларга жавоб берсин. Реал ҳаётда шу асосда жамият талаблари билан юзага келган хусусияти жиҳатидан етарли консерватив бўлган таълим тизими ўртасида доим турли қарама-қаршиликлар пайдо бўлади ва ечилади. Бу қарама-қаршиликлар ва уларни ечиш жараёнларини тадқиқот қилиш таълим социологияси вазифасига киради.

Таълимнинг ижтимоий роли ва ижтимоий функцияларига бағишланган социологик тадқиқот жуда муҳимдир. Одатда, қуйидаги муҳим функциялар ажралиб туради; а) маданиятни тарқатиш ва авлоддан-авлодга кўрсатиш функцияси; б) жамият маданиятини сақловчи ва генератор функцияси; в) шахсни социализациялаш функцияси, айниқса, ёшларни ва уларнинг жамиятга интеграцияси, ҳолбуки, маданий меросни ўзлаштирмасдан жамият тараққиёти ва шахс ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди; г) ижтимоий танлов (селекция), жамият аъзоларини дифференциациялаш функцияси, биринчи навбатда ёшларни, чунки жамият ижтмоий тузилиш ўзгариши ва ишлаб чиқаришни индивидуал ва ижтимоий ҳаракатчанлик таъминлайди, модомики, шахснинг ижтимоий статусини аниқлашда бугунги кунда муҳим ўлчов бўлиб хизмат қилади; д) ижтимоий маданият ўзгаришлари функцияси, айни пайтда айнан таълим тизимида янги технологияларни тадбиқ қилишга ва унинг

маданиятини бойитишга йўналтирилган кўплаб янги фикрлар, назариялар, ихтиролар ишлаб чиқилмоқда; е) ижтимоий назорат функцияси ва ҳоказо.

Таълим социологиясида таълим тизими ўз ижтимоий тамойилларини ўрганиш муҳим ўрин эгаллайди; ўқув юртлари ижтимоий тизим, ижтимоий институт ва ижтимоий ташкилотлар сифатида; ўқув фаолияти таълим соҳасида ижтимоий фаолиятнинг асосий кўриниши сифатида; таълим тизими ижтимоий тузилиши (ўқувчилар, педагоглар, таълим ташкилотчилари ва бошқалар), ўқувчилар, ўқитувчилар ҳаёт тарзи ва ижтимоий кўриниши, ижтимоий роллари, ижтимоий статуси ва бошқалар.

Таълимда замонавий инқилоб соҳасида социологик тадқиқотлар катта аҳамиятга эга. ғарийб ўн йиллар олдин халқ хўжалигида банд бўлганларнинг ўндан тўққизи ўрта, ўрта махсус ва олий маълумотга эга эди. Афтидан, бундай юқори кўрсаткичлардан тамомила қаноат ҳосил қилишлик мумкин. Лекин социологик тадқиқотлар таълим тизимининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўртасидаги ўткир қарама-қаршиликни кўрсатади, ижтимоий тараққиёт, илмий-техник ва ахборотлар инқилоби талабларига мос ёш мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва хусусияти номуносиблигини аниқлайди. Социологлар ва бошқа мутахассислар томонидан жамиятимизни маданий, шу жумладан таълим салоҳиятининг тез ўсиши ва ундан ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалардаги илмий-техник тараққиётнинг паст суръатлари шароитларида рационал фойдаланишнинг мумкин эмаслиги ўртасидаги, жамият эҳтиёжлари билан ёшларнинг ижтимоий қарашлари ўртасидаги, умумий ва касб бўйича таълим тизими ва ҳоказолар ўртасидаги ҳақиқий жиддий қарама-қаршиликлар очиб берилган.

Таълим социологияси бўйича мутахассислар жамият эҳтиёжларидан мактабни ажратишни мўлжаллашни бартараф қилишга йўналтирилган таълимни қайта қуриш дастурини ишлаб чиқишда фаол қатнашмоқдалар. Бу ерда таълим тизими тўғрисидаги жамоат фикрини мунтазам ўрганиш муҳим ўрин эгаллайди. Таълимни тубдан янгилаш тарафдори бўлиш, уни эскича ўта мафкуралаштириш ва сиёсийлаштиришдан воз кечиб, шунингдек таълимни реал ҳаётдан ажратишдан воз кечиб, муҳими бир вақтнинг ўзида ўтмиш тажрибаларидан қолган ўша оз бўлса ҳам маъқулини йўқотмаслик бизни таълим тизимимизни ярим аср илгари ҳақиқатда дунё миқёсида нисбатан афзалроқ қилган эди.

Таълим тизимининг ривожланиши янги бозор шароитларида анча мураккаб муаммоларни юзага келтиради, уларни социологик тадқиқот қилиш таълим социологиясининг муҳим ва актуал

Шубҳасиз, нисбатан бир кичик бобнинг ўзида қўйилган муаммоларнинг барча аспектларини кўриб чиқиш мумкин эмас. Улардан баъзи энг муҳимларида тўхтаб ўтамиз. Белгиланган мавзу ўз билим даражасига эга. Бизни ўртача савиядаги назария кўпроқ даражада қизиқтиради.

Ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан меҳнат инсонларнинг табиатга тўғридан-тўғри таъсири жараёнидан иборат бўлиб, унинг натижасида истеъмол баҳоси, моддий ва маънавий манфаат пайдо бўлади. Маркс ва Энгельсларнинг фикрича, бу «шундай жараёнки, унда инсон ўз хусусий фаолияти билан табиат ва ўзи ўртасидаги модда алмашувини воситалайди, бошқаради ва назорат қилади». Ушбу муаллифларнинг асарларидан яна бир фикрни келтиришимиз керак, яъни меҳнат бутун инсон ҳаётида биринчи ва асосий шарт-шароитдир, чунончи шу даражадаки, биз айтишимиз керак; меҳнат инсонни ўзини яратади. Меҳнат биз томондан кишилик жамияти ҳаёт фаолияти асосий шакли, турмушининг муҳим шарти сифатида кўриб чиқилади. Меҳнат тарихан жамиятни табиатдан, инсонни бўлса ҳайвонот оламидан ажралишига сабаб бўлди ва имкон туғдирди.

Меҳнат жараёни ўз ичига уч лаҳзани киритади; 1) инсоннинг фойдали фаолияти ёки меҳнатнинг ўзи; 2) меҳнат мавзуси, яъни бу фаолиятнинг нимага йўналтирилганлиги; 3) ишлаб чиқариш қуроллари, булар билан инсон ушбу мавзуга таъсир кўрсатади.

Инсониятнинг турли ривожланиш босқичларида меҳнат давр ижтимоий муносабатларининг ривожланиш кўрсаткичлари ҳисобланган турли шаклларда кўринади.

Ҳозирги пайтда биз доимо эшитиб турадиган иккита ўхшаш тушунчаларни тақсимлашимиз зарурдир: якка тартибдаги меҳнат ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти. Биринчи тоифа шахсий иш жойини, яъни ўз субъекти, мажбурият ва функциялар доирасига эга бўлган меҳнат зонасини билдиради — бу меҳнатнинг технологик тақсимоти таркибий қисмидир. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти — меҳнатнинг иқтисодий тақсимоти таркибий қисмидир. Бу гарданларнинг ижтимоий-фойдали фаолияти бўлиб, у алоҳида бир шахс ва унинг оила аъзолари шахсий меҳнатига асосланган. Бундай фаолият асосини шахсий мулкда бўлган меҳнат воситаси, уй-жой бинoси ва қурилмалари, ер, ишлаб чиқариш маҳсулотлари, транспорт воситалари ва ҳоказолар. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти жамият ичидаги меҳнатнинг тақсимланиши элементи бўлиб қатнашади.

«Меҳнат шартлари» тоифаси муҳим аҳамиятга эга. Унинг асосий тавсифини аниқловчи тафсилотларга берилмасдан, фақат меҳнат шароити нормал ва зарарли бўлиши мумкинлигини айтиб ўтишимиз керак. Нормал шароитлардаги иш инсон саломатлигига аниқ зарар келтирмайди. Зарарли меҳнат шароитлари (шахталарда, домна ва мартен печларида, кимёвий ишлаб чиқаришнинг баъзи цехларида ва бошқа жойларда ишлаш) инсон саломатлиги учун хавфлидир ва кўпинча инсон ҳаётини таҳдидга солади. Бундан

ташқари, меҳнат шароитлари социологлар томонидан экстремал, нисбатан нормал ва қулай шароитларга бўлинади. Кўп ҳолларда улар меҳнат мазмуни ва уни ташкил қилишга боғлиқдир. Меҳнатни ташкил қилиш деганда одатда, моддий меҳнат билан жонли меҳнатнинг боғланиш тартиби, усуллари ва шакли тушунилади (инсон — жиҳозлар, машиналар, асбоблар). Меҳнатни ташкил қилиш ишчи жойлари, меҳнат тақсимоти ва унинг кооперацияси, ишнинг тақсимланиши ва назорат каби муҳим элементларга асоланади. Сўнгги элемент иқтисодий воситалар, социал санкциялар ва ҳуқуқий нормалар қўлланишини билдиради.

Меҳнат мазмуни унинг техник функционал томонларини, меҳнатнинг мазмундорлиги эса — социал-психологик тузилишини ифодалайди. Агар хусусий режа бўйича тузилган бўлса, меҳнат мазмунли ва ижодий субъект сиатида кўрилади. Бегона ҳокимликни иродага бўйсундириш — психологик ва ижтимоий йироқлашишга йўл. Мана шунинг учун ишчилар, ходимлар олдига мақсад ва вазифани қўйиш ва бу мақсадга эришиш йўлларини танлашда, шубҳасиз, унинг фаолиятини позиклик билан назорат қилиш билан улар фантазиясига кенг йўл очиб беришга интилиш муҳимдир.

Ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил қилиш, уни бошқаришда, бизнесда, ҳуқуқшунослик идорасида меҳнатни рағбатлантириш ва асослаш катта аҳамият касб этади. Рағбатлантириш — бу тўғри ва қисман шаклда ифодаланган меҳнатни кучайтиришни моддий ва маънавий мукофотлаш тизимидир. Рағбатлантириш — мажбурий меҳнатдан ихтиёрийга қадам. Меҳнат асослари — ихтиёрий меҳнатга бошқача, янада кенгроқ қадам, муҳим инсон эҳтиёжларини қондиришга асосланган фаол меҳнат фаолиятига майллик (кучли шахсларга, фаол бизнесменларга ва бошқаларга мансублик мавқеини аниқлаб олиш). Асослар қадриятлар ва йўл-йўриқлар билан узвий боғлиқдир. Асослар у ёки бу ҳолатни, далилни субъектив баҳолашга мўлжалланган, улар нисбийдир. Қадриятлар асосида жамият томонидан ниманидир шак-шубҳасиз нормалар сифатида объектив тан олиниши ётади, қадриятлар ахлоқий талаб бўлиб, улар абсолютдир.

«Меҳнат социологияси» дарслиги муаллифларининг ҳаққоний таъкидлашларича, меҳнат мазмундорлигининг асосий элементлари бўлиб, агар уни меҳнат фаолиятининг ижтимоий-психологик тузилиши сифатида тушунилса, қуйидагилар ҳисобланади:

мақсад — олдиндан сезиладиган натижаларни тан олинган образи таъсир қилишнинг идеал режаси;

меҳнатга муносабат — унинг асосида меҳнатнинг онглилигини ва мақсадга тегишлиликни ўзиникидек сезиш, атроф оламни, шахсий режа бўйича қайта ривожлантириш;

меҳнатни рағбатлантирувчи омиллар — меҳнат фаоллигига ундовчи ташқи омиллар;

меҳнат асослари — муҳим бир нарсадек тан олинувчи эҳтиёж, ички рағбатлантирувчи омиллар;

қадриятлар ва уларга қараб мўлжаллаш — меҳнат фаолиятининг ахлоқий талаби.

Меҳнат фаолияти, юқорида қайд қилинганидек, якка тартибда ва гуруҳли бўлиши мумкин. Гуруҳли фаолият, айниқса, йирик корхоналарда, акционерлик жамиятларида тартиби бўйича, жамоадан бошқа ҳеч қандай ўзгача бўлиши мумкин эмас. Меҳнат жамоаси — бу «фаолияти давомида шахсан қимматли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадларни бажариш учун уюшган кишиларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий бирлаштиришдир».

Меҳнат жамоаси — ижтимоий меҳнатнинг муҳим тавсифидир. Уни ижтимой муштараклик сифатида (бир томон) ҳамда ижтимоий уюшганлик сифатида (иккинчи томон) кўриб чиқиш зарурдир. Меҳнат жамоаси иккала томонлари бирлашуви ҳаракатларнинг аниқ қатъий белгиланиши, интизом, санкциялар тизимидан юзага келган. Худди шу вақтда, инсон меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлади ва тасдиқланган вазифаларни бажариш билан бирга, норасмий муносабатлар соҳасида ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилади.

1-расмда меҳнат жамоасининг жамиятдаги ўрни ва унинг тузилиши кўрсатилган.



1-расм.

Шунинг учун меҳнат жамоаси — бу ҳамфикрларнинг ихтиёрий муштараклиги ва фаолиятнинг қаттиқ уюшган шакли, турли манфаатларнинг бирлашуви ҳамда бир вақтнинг ўзида тўқнашуви содир бўладиган жой. Ижтимоий уюшма сифатида бу ижтимоий олийгоҳнинг бир тури бўлиб, ижтимоий муштараклик сифатида эса — жамиятнинг ижтимоий тузилиши элементидир. Унда доим муносабатларнинг расмий ва норасмий тизими мавжуд: маъмурий-ҳуқуқий тузилиш ва ўзаро шахсий алоқалари бўлган кичик гуруҳлар тузилиши.

Маъмурий ташкилот ҳокимият тузилишига ва мансабдорлик иерархиясига (қуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсуниши) (ишчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари мажмуи) суянади. «Жамоанинг ижтимоий тузилиши — бу аввало мансабдор ва мақсадли гуруҳлар мажмуи, шунингдек, ижтимоий уюшмалар ячейкалари ва уларнинг ўзаро муносабатлари. Ушбу гуруҳлар мақсаднинг бирлиги билан бирлашган ва уни амалга оширишда ишлаб чиқариш ва ижтимоий вазифалар буйича фарқланади.».

Дарҳақиқат, бундай мураккаб тизимга ҳар турли элементлар кирар экан, улар ўртасида ҳамиша ички қарама-қаршиликлар вужудга келади. Бу — ҳар бир меҳнат ташкилоти ривожланиши ва ишлаб туришида табиий ҳол. Ташкилотларнинг муҳим вазифаси — шу қарама-қаршиликларни, иложи бўлса, уларни низо чиқармасдан ҳал қилиш.

Юқорида қайд қилганимиздек, меҳнат билашмаси ижтимоий ташкилотлари билан жамиятнинг ижтимоий тузилиши ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Лекин меҳнат жамоаси ҳали кишиларнинг муштараклик ҳудудига киради (қишлоқ, шаҳар ва жойларда жойлашган). У жамият билан бевосита боғлиқ: унинг ишчилари — қўшма фаолият мақсадлари билан бирлашган жамият аъзолари мажмуидир. Унинг таркиби ижтимоий хусусиятлари билан этник, демографик, касбий, синфий ва бошқа тавсифлари билан детерминланган.

Меҳнат жамоасининг турлари

Меҳнат ташкилотлари иккита асосий гуруҳга бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш тармоқлари жамоалари: саноат, қурилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, ишлаб чиқаришга хизмат қилиш бўйича юк транспорти, моддий-техник таъминлаш ва бошқалар.

2. Ноишлаб чиқариш тармоқлари жамоаси: соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, халқ таълими, санъат, илм ва илмга хизмат қилиш, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига ва ноишлаб чиқариш тармоқларига хизмат қилиш бўйича алоқа ва пассажир

транспорти, давлат-маъмурий органлари аппарати, бошқарув органлари, кооператив, акционерлик ва жамоатчилик ташкилотлари, суғурта қилиш ва кредитлаш ва ҳоказолар.

Албатта, бундай тақсимлаш кўп ҳолларда шартли равишдадир. Ҳозирги кунда маргинал ва аралаш характерга эга бўлган кўпгина меҳнат ташкилотлари мавжуд. Масалан, агар 1992 йилда биринчи группада барча меҳнаткашларнинг 70%гача бўлгани ишлаган бўлса, у ҳолда 1 январ 1997 йил саноат ишлаб чиқаришидаги структуравий қайта қурилишлар ҳисобига, саноат ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларида ишсизликнинг ўсиши, ишчи кучи ва капиталнинг бизнесга, савдога ва ҳоказога оқиб ўтишидаги нисбат тахминан 52 ва 48%ни ташкил қилади.

Халқ хўжалигида банд бўлган жамоаларидан ташқари, яна ўқув, армия ва спорт жамоалари, ҳамда қизиқишлар бўйича (балиқчилик, туристлик, ҳаваскорлик).

Мамлакатда меҳнат ташкилотлари ҳаётида талайгина ўзгаришлар содир бўлмоқда: хусусий мулкчиликка ўтиш жараёни кетмоқда. Давлат статистик маълумотлари бўйича 1 январ 1997 йилда давлатга мулкчиликнинг тахминан 15% и қарашлидир. Жамоа статусини аниқлаш критерияси бўлиб мулкчиликка муносабат ҳисобланади. Кўпчилик социологлар, иқтисодчилар шундай ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан меҳнат ташкилотларини синфийлаштиришда бир қанча фикрлар мавжуд. Улардан энг кўп учрайдиганларини келтирамиз.

- Кооператив, акционерлик мулкчилиги негизидаги меҳнат ташкилотлари.
- Асосида умумхалқ, давлат мулкчилиги мавжуд бўлган жамоалар.
- Хусусий секторда меҳнат билан банд бўлган жамоалар.
- Чет эл фирмаларига эга бўлган қўшма корхоналарнинг меҳнат жамоалари.
- Профсоюз ва бошқа жамоат ташкилотларининг мулкидан фойдаланувчи меҳнат ташкилотлари.
- Саноат ва бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналарида томорқа билан шуғулланувчи жамоалар.

Қайд қилинган меҳнат бирлашмаларининг шакллари мамлакатдаги вужудга келган аҳволни тўлиқ акс эттира олмайди. Ишлаб чиқариш, илмий текшириш, муҳандислик жорий қилиш ташкилотлари, олий ўқув юртлари, илмий-техникавий, ижодий иттифоқлар ва бошқа субъектлар киритилган шартнома асосидаги жамоаларнинг шундай бирлашмалари ташкил қилинмоқда. Турли давлатлар субъектлари ўртасидаги интеграциянинг иқтисодий, илмий, молиявий каби янги шакллари пайдо бўлмоқда. Улар халқаро капиталларнинг қўшилиши негизида ташкил қилинган. Умумий халқаро хўжалик мажмуи пайдо бўлмоқда. Уларни ташкил

этувчи қисмлари (акциялар улуши бўйича) алоҳида бир давлат фирмасининг хусусий мулки бўлиб қолади, лекин шундай бир яхлит мажмуа ҳаракат қиладики, масалан халқаро энерготизимлар, машинасозлик ва кимёвий мажмуалар нефть, олтин қазиб олиш, олмосни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича ва ҳ.

Сўнгги йилларда майда савдо корхоналари, якка тартибдаги тадбиркорлик ва майда гуруҳли меҳнат корхоналари кенгаймоқда, улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда, солиқ, кредит, нарх-наво сиёсатини қайта кўриб чиқиш кетмоқда. Енгилроқ жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича саноат корхоналари борган сари кўпаймоқда. Аграр ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган корхоналар қурилмоқда (ёғочни қайта ишлаш, кулолчилик, тикув устахоналари, уй-рўзғор буюмлари, лойдан ва фаянсдан ишланган ўйинчоқлар тайёрлаш бўйича цехлар), яъни агросаноат мажмуи тузилиши ўзгармоқда.

Режали тақсимот тизимидаги хўжаликни бошқаришнинг корхона жамоаси учун бозор иқтисодига ўтиш, унинг фаолиятидаги принципларнинг жиддий ўзгаришлари билан боғлиқдир, чунки у меҳнат бозорида, товар ва капиталда мустақил субъект бўла бошлайди, тегишли буюмларга (товар) талабни ўзи текширади ва хизмат қилиш таклифи ҳамда сарфларни ўрганади. Шунинг учун корхона, ташкилот жамоаси янги шароитларга кўникма ҳосил қилиши учун тегишли вақт зарур, акс ҳолда салбий иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни олдини олиб бўлмайди. Ушбу ва бошқа муаммоларни ечишга ижтимоий ривожланишининг узоқ муддатли режалари ёрдам бериши мумкин эди. Лекин уларни тайёрлаш билан ҳеч ким амалда шуғулланмаётир.

Меҳнат жамоаси, бирлашмалар ичида ўз ижтимоий муҳим қиммат нормалари ва йўл-йўриқлари, талаб эҳтиёжлари шаклланган катта бир гуруҳ сифатида чиқиши мумкин. Меҳнат жамоасига, бирлашмага қадам қўя туриб, шахс янги ижтимоий муносабатлар тизимига қўшиладилар, жамият ва жамоа олдида алоҳида жавобгарликни қабул қиладилар. Ҳар бир индивиднинг жамоа талабларига, принципларига ва нормаларига кўникиши содир бўлади. Янги келган одам жамоада вужудга келган ўша «ўйин қоидалари»ни қабул қилишга мажбур, айтганларидек, унга мослашишлари керак. Акс ҳолда, тизим (жамоа) кўп ҳолларда уни фавқулодда ажратиб қўяди.

Меҳнат жамоаси — фаолият субъекти. Ишлаб чиқариш муносабатлари (мустақиллик, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ўз фонд ва маблағларини идора қилиш ва ҳ.) кўп ҳолларда жамоа аъзоларининг истакларига ҳилоф равишда юзага келади. Лекин

бошқариш, ривожланиш, воситаларни қўллаш ишлаб чиқариш қатнашчиларининг ихтиёрий-онгли фаолияти туфайлигина содир бўлади. Меҳнат бирлашмалари қатнашчиларининг ишлаб чиқаришнинг натижалари, шароитлари ва воситаларига фаол муносабатлари ишлаб чиқариш қатнашувчиларига тегишли равишда сўнггилари иштирок этадилар. Бу ҳолда меҳнат жамоаси ишлаб чиқариш муносабатларининг субъекти бўла бошлайдилар. Жамоа аъзоларининг қанчалик эгалик қилиш ҳисси кучлироқ бўлса, уларнинг мулк ва ўз-ўзини бошқариш олийгоҳида мустаҳкамланган меҳнат ва ижтимоий фаоллиги шунчалик юқори бўлади. Мулк ва ўз-ўзини бошқариш олийгоҳи бир кишининг бошқа бир кишилар томонидан давлат аппарати ёрдамида бошқарувидан фарқли ўлароқ, ҳар бир ишчида машиналар ва жиҳозлар, ер ва энергия ташувчилар ва ҳ. хўжалик муносабати билан фойдаланишга шахсий манфаатдорликни юзага келтиради.

Меҳнат жамоаларининг муносабатлари

Меҳнат ўзининг кенг маъносида социоантропогенетик вазифани бажаради. Меҳнат ташкилоти, жамоа эса — кўп функционал таълимли. Унинг асосий вазифалари бўлиб ишлаб чиқариш, шериклик, ташкилий — мунтазам, ёки бошқарув, ижтимоий, тарбиявий ва ҳ. ҳисобланади.

Асосий вазифаси — ишлаб чиқарувчи. Жамоа самарали ишлаши учун, унга дам олиш ва нормал меҳнат шароити яратиб бериш муҳимдир. Бунда ташқари, бу ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун муҳим шарт-шароитдир.

Асосий вазифаларни амалга ошириш ўз навбатида, кейинги жуда муҳим вазифаларидан бири — шерикликни (ишлаб чиқариш воситаларига) олдиндан белгилайди. Ишлаб чиқариш воситаларига эгаликка шерик бўлиш (давлат, акционерлик, хусусий ва ҳ.) — масъул ва баъзан ҳавфли ишдир. Бу вазифа меҳнат фаолияти жараёнида аввало ижтимоий муносабатларда намоён бўлади. Корхоналарнинг (заводлар, фабрика, конлар, ер, қурилмалар, бўлимлар ва банклар ва ҳ.) асосий фондларини хусусийлаштирган жамоа ўз ривожланишининг шароитни бошқариш субъекти бўлиб яққол кўринади. Меҳнат ташкилоти фаолиятининг бошқа шакллари хусусий қўшма корхоналарда вужудга келади.

Жамоанинг биринчи вазифаси асосан меҳнатнинг техник-иқтисодий мазмунини акс эттиради, иккинчиси — унинг ижтимоий-иқтисодий характерини ва хусусан, жамоанинг ижтимоий тизимида ифодаланади. Меҳнат жамоасига дам корхона эгалари, дам ёлланма ишчилар кириши мумкин. ғўшма ва хусусий корхоналаридаги иккинчи вазифаси ишлаб чиқариш

маҳсулотларини тақсимлаш тизимида, уни ўзлаштириш усулида жамоанинг меҳнатни умумий ташкил қилишдаги роли ва ўрнини ифодалайди.

Иккинчи вазифани амалга ошириш даражасини шундай кўрсаткичлар ёрдамида ўлчаш мумкинки, улар: меҳнат жамоасини ижтимоий ташкил қилиш, кадрлар ижтимоий, вертикал кўчишини танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш тизими, меҳнатга муносабатни мукаммаллаштириш, маънавий-психологик климат ва б.

Шахснинг шаклланиши жараёнида жамоанинг, инсоннинг меҳнат фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Меҳнатнинг таъсир доираси шахс тузилишининг барча муҳим элементларини ўз ичига олади. Меҳнат кўпинча инсон психологик эҳтиёжларини ташкил қилувчи ва мувофиқлаштирувчи марказ бўлиб, улар ҳаётини тартибга солувчи, атроф-муҳит билан ўзаро муносабатини, ахлоқини бошқарувчи восита вужудга келади. Шундай қилиб, меҳнат жамоасининг асосий вазифаси моддий бойликларни ишлаб чиқаришдир. Уни амалга оширишда жамоа биринчи шахс бўлиб чиқади. Иккинчи вазифага келсак — ишлаб чиқариш воситаларига умумхалқ мулкига шерик бўлиш — у тақдир тақозоси билан доим саҳна ортида шовқинни акс эттириб, узоқ вақт фақат иккинчи шахс бўлиб келган, чунки сўнгги вақтгача ишлаб чиқариш воситаларининг бош бошқарувчиси корхона эмас, ҳар ҳолда давлат бўлиб келган. Ҳатто колхозлар ўз артел маҳсулотига хўжайинлик қилиш имконига эга эмас эдилар. Тармоқлар бўйича вазирликдаги амалдорлар давлат номидан, халқ номидан кўпинча ҳамма масалаларни ўзларининг тор маҳкамачилик талабларини нафақат меҳнат жамоалари, балки умумхалқ (масалан, дарёларни буриш, ўрмон кесиш ва ҳ.) талабларидан юқори қўя туриб, ҳал қилишган. Корхона ҳуқуқи ва ишлаб чиқариш воситаларининг алоҳида қисмига, ҳамда хусусий даромадлар эга бўлиш ҳуқуқи инкор қилинган.

Меҳнат жамоасининг иккинчи вазифасини амалга ошириш — шериклик — корхона аренда қилинса ёки хусусийлаштириш йўлига кирса, айниқса тўлиқ намоён бўлади. Аренда муносабатлари шуни тахмин қиладиларки, яъни арендаторлар моддий маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан бирга аренда қийматини корхонага тўлайдилар ва солиқ ушлаб қолинган тўловлардан қолган маблағларни ўз ихтиёри билан бошқарадилар. Мулкнинг бошқа муносабатлари ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, жадал меҳнат қилиш ва ҳ. олтин излаб топувчилар артеллари ва акционерлик корхоналарида сўнггисида ишчилар берилган шахсий маблағлари учун даромаддан тушган процентни олишади ва капитал эгасига шерик бўладилар. Мулкчиликка нисбатан ўзининг муайян хусусиятлари аралаш корхоналарда ҳам бор, у ерга ўзимизнинг ва чет эл капитали қаратилган.

Меҳнат жамоасининг, бирлашманинг муҳим вазифаларидан бири бошқарувчилик ҳисобланади. Корхона томонидан бошқариш ва ўз-ўзини бошқариш орқали у тўлиқ амалга оширилади. Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни ташкил қилишда қатнашуви — бу ҳокимлик қилиш вазифаларининг амалга ошувидир.

Корхонада меҳнаткашларнинг турли ижтимоий бирлашмалари, хусусан, меҳнат жамоалари кенгашлари (МЖК) ҳаракат қилмоқда. Корхонани бошқаришда ишчиларнинг иштирок этиш миқдори сифатида у 1918—1920 йилларда Германияда вужудга келган ва 1945 йилда қайта тикланган. Бизда МЖК 80 йиллар охири 90 йиллар бошида пайдо бўлди. Саноат демократияси улар тимсолида бошқарув масалаларини қабул қилишда меҳнаткашларнинг ҳақиқий таъсир чегарасини кенгайтиришни кўзлайди. Улар ҳатто маъмуриятнинг кўплаб масалаларини ечишда вето ҳуқуҳи берилган, бу давлат корхоналари (бирлашмалари) тўғрисидаги қонун томонидан кўрилган. Шу қонунга асосан, корхоналарда ҳокимиятнинг бўлиниши содир бўлиши керак, меҳнат жамоаси кенгаши завод парламенти сифатида кўринса маъмурият дирекция эса — ижро этувчи ҳокимият сифатида. Амалда меҳнат жамоаларининг жавобгарлиги ва ваколати аниқ ҳуқуқ доиралари, кафолатларига эга эмас. Улар корхона ташкилотларининг ҳозирги кунда кўплаб янги шакллари пайдо бўла бошлаган бир пайтда айниқса зарурдир.

Олимларнинг таъкидлашича, яқин йилларда мамлакат иқтисодида сезиларли ўзгаришлар рўй беради: фойда келтирмайдиган корхоналарнинг ёпилиши ва маҳсулот бирлигига жонли меҳнат солиштирма оғирлиги қисқариши натижасида ишсизлар даражаси кўпаяди; ишлаб чиқаришга малакали меҳнатни мўлжаллаган ёшлар келади; меҳнат сарфларининг табиий ортиши қисқаради ва ҳ. Шунинг учун меҳнат жамоасининг корхона ижтимоий ривожланиши режаларининг аҳамияти бошқаларнинг таъкидлашича, жиддий равишда ўсади, пасаймайди. Янги ва реконструкция қилинаётган корхоналарнинг лойиҳаларига шундай чора-тадбирларни қўшиш керакки, улар ишчилар меҳнати мазмунини бойитсин. Меҳнат жамоалари ривожланиши режаларида ижтимоий кўрсаткичлар нафақат маълумот вазифасини, балки бошқарув масалаларига осонгина айланишлари керак. Меҳнат жамоаларида, ташкилотларда кўпинча ихтилофлар, низолар рўй беради. Уларнинг сабаби жуда хилма-хилдир. Низога олиб келувчи субъектлар (уларни кўпинча низо агентлари дейишади) тўғридан-тўғри тескари мақсадларни ўз олдиларига қўядилар. Низо агентларига биринчи сафларда ҳаракат қилувчи ва ҳаммадан ҳам ўз манфаатларини қондиришга интилувчи гуруҳлар киради; шундай гуруҳлар борки, улар низони

авж олдиришга бевосита аралашмаган ҳолда билвосита ҳиссаларини қўшадилар, лекин низонинг ўсиб бориши даврида биринчи ролларда бўлиб қолиши мумкин, гуруҳларнинг учинчи тури — бу низоларни бартараф қилишга манфаатдор бўлганлардир.

Шуни билишимиз керакки, яъни низо — вужудга келадиган зиддиятларни бартараф қилишнинг самарасиз йўлидир, чунки низо пайтида аланга оладиган ҳиссиётлар туфайли, фикрлаш сусаяди ва қисқаради, психиканинг янада ибтидоий қатламлари ҳаракатга келади ва ишлайди. Аммо танлаш имкони бўлмаса ва низо — зиддиятларни тартибга солишнинг ягона мумкин бўлган усули бўлса, у ҳолда жамоанинг, ташкилотнинг раҳбари низони бошқариши, ташаббусни қўлида ушаб туриши учун унда қатнашиши керак. Шунда у 2-расмда кўрсатилганидек кечади.



2-расм

Низога киришишдан олдин қуйидаги саволларга жавобни билиш зарур:

Зиддиятни бартараф қилишнинг умуман имкони борми ва зарурияти борми? Шуни қилиш керакми? (чунки зиддият — ташкилот ривожланишининг двигатели)?

Агар зиддиятни бартараф қилиш зарур бўлса, у ҳолда ушбу масалани ечишда қандай йўллар, воситалар тежамли ва ахлоқий бўлади?

Низо қанчалик узоқ вақтга чўзилиши мумкин ва ғалаба қилишга сизнинг кучингиз етадими?

Низонинг натижалари қандай бўлиши мумкин?

Бундан ташқари, низоли субъектларнинг кучлари ҳақида, иттифоқчилари ҳақида, бошқа субъектлар (бригадалар, жамоалар,

бошқа сменалар, цехлар, конкурентлар, жамоат ташкилотлари, давлат корхоналари ва ҳ.) томонидан низога бўлган муносабат ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак.

Агар низо бўлиши аниқ бўлса, ҳиссиётларни назорат қилган ҳолда, низонинг ҳақиқий сабабларини аниқлаш, уни тўхташи, ҳимояда ҳаддан зиёд концентрациядан ҳоли бўлиш, ташаббусни ўз қўлида ушлаб туриш. Низонинг асос қилиб олингани тўртта бўлиши мумкин:

1) (иш ташловчиларнинг, стачкаларнинг ва ҳ.) талабларига бўйсуниш; 2) компромисс; 3) низодан қочиш ёки вазиятни топшириш; 4) зиддиятларни оқилона бартараф қилишни излашда низоли томонлар кучини бирлаштириш, интеграция. Бундай ҳолларда низони қуйидаги омилларнинг таъсири билан юмшатиш мумкин:

кооперацияга, ҳамкорликка ва ўзаро ёрдамга ориентация тенглаштирадиган коллективизмнинг қиммати сифатида;

ишчиларнинг қарорларни жамоа бўлиб қабул қилишда иштироки, бу низони йўл қўйилган чегараларда ушлаб туришга имкон беради;

низонинг тузилиши манбаини истисно қилувчи вазиятлар ўраминнинг чалкашиши.

Шуни ёдда тутиш керакки, асоссиз тенглаштириш (текисчилик) ўзини ижтимоялапган деб кўрувчи, барчани тенг билувчиларнинг қониқмаслигини кучайтиради. Текисчилик мафкураси — низо иштирокчиларининг агрессив ҳулқ-атворининг сабабларидан биридир. Бошқа сабаби — маъмурият томонидан ҳамда меҳнат жамоаси томонидан айнан бир хил бўлмаган низога муносабат. Учинчиси — низони юмшатиш усулининг ишлаб чиқилмаганлиги, бунинг натижасида деконструктив кучлар конструктив кучлардан юқори келадилар. Тўртинчи сабаб — баъзан ижтимоий муаммоларни кўпчилик бўлиб ечиш ўрнига маъмурият бўйнига асоссиз қўйилиши. Муҳими, иккала низоли томонлар ўзига ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбуриятларини олсалар, асосийси — доим низо оқибатлари билан курашмасдан, уни келиб чиқиш сабабларини топишлари керак.

Мамлакатда меҳнат жамоалари бозор муносабатларининг таркиб топиши асосида кўп ҳолларда мавжуд ахлоқ меъёрларини йўқотмоқдалар, айниқса, раҳбарлар ва унинг қўл остидагилар, ишдаги ошналар, турли жамоалар ва бошқалар ўртасидаги мулоқот доирасида. Нормал бозор муносабатларининг шаклланиши нормал ахлоқий-психологик атмосферани, соғлом конкуренцияни, фақат шахсий моддий бойлиги учунгина эмас, балки бутун жамият учун ҳам фойда келтириш учун ишлаш ҳохишини кўзлайди ва ташкил қилади.

6. ОИЛА СОЦИОЛОГИЯСИ.

Оила социологияси — социологиянинг асосий йўналишларидан бўлиб, бу фан оилани никоҳ асосида ташкил топган, жамият тараққиётида муҳим ижтимоий вазифаларни бажарувчи социал институт сифатида ўрганади. Оила социологиясининг алоҳида ўз вазифалари мавжуддир. Уларга жамият тараққиёти давомида оиланинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва мавжудлик қонуниятларини ўрганиш, оиланинг моҳияти ва фаолияти ўзгариб боришини аниқлаш, никоҳ ва оила турлари эволюциясини ўрганиш, оила ташкил топиши ва тараққиётида авлодларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш, оила тарбияси, оиланинг рекриатив фаолиятининг ва оила ҳуқуқининг ижтимоий моҳиятини очиб бериш, меҳнат тақсимотида оила ўрнини ўрганиш кабилар киради.

Оила социологияси оиланинг табиий биологик, никоҳ, қариндошлик, маънавий иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар асосида инсонларни бириктирувчи жамиятнинг кичик бир бўлаги сифатида ўрганар экан, унинг жамият билан ўзаро боғлиқлигини асосий эътиборини қаратади. Чунки жамият ташкил топишида унинг давомийлигини таъминлашда оила асосий ижтимоий, демографик манба ҳисобланади.

Инсоннинг дунёга келиши, янги авлод пайдо бўлиши — авлодлар алмашуви асосан оилада содир бўлади. Фарзанд туғилиб, камолга етиб, шахс сифатида шакллангунга қадар лозим бўлган барча таълим, тарбия оила муҳитида берилади. Инсоннинг ота-она, қариндош-уруғига, қарияларга, атроф-муҳитга ва табиатга бўлган муносабатлари дастлаб оилада шаклланади. Шу билан бирга оила урф-одатларини, қадриятларини авлоддан-авлодга етказувчи социал институт ҳисобланади.

Оила асосини эркак билан аёл ўртасидаги никоҳ бирлиги ташкил этади. Оила фақатгина эркак билан аёл муносабатини эмас, эр билан хотин, ота-оналар билан болалар муносабатини ифодалайди. Оила жамият бағрида ташкил топди, тараққий этиб борар экан, ўзи ҳам ана шу жамиятнинг кичик бир бўлаги сифатида намоён бўлади. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар оила тараққиётига таъсир этади. Оиладаги таълим-тарбия хусусиятлари эса жамиятда ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам оила ва жамият ўзаро боғлиқ ҳолда тараққий этиб, ривожланади.

Оила тараққиёти уч йўналишида танлаш мақсадига мувофиқдир.

1. Оила демографик тараққиёти.
2. Оила ижтимоий тараққиёти.
3. Оила иқтисодий тараққиёти.

Оиланинг демографик тараққиёти деганда оиланинг миқдори, шаклланиш ва демографик таркиби (Оиланинг, оилада яшаётган кишилар миқдорига қараб гуруҳларга бўлиниши) маълум даврларда ўзгариб бориши тушунилади.

Оиланинг ижтимоий тараққиёти эса оила аъзоларининг маълумотлилиги даражаси, ижтимоий мавқе саломатлиги борасида ўзгариши, ҳамда уларнинг таълим-тарбия, урф-одат, фан ва маданият табиятда ва жамиятга бўлган муносабатларини такомиллашиб боришидир.

Оиланинг озиқ-овқат, кийим-кечак, уй жой ва бошқа яшаш учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлашиш даражасининг ўзгариб бориши унинг иқтисодий тараққиётини белгилайди.

Кўриниб турибдики, оила ўз моҳияти билан жамият ҳаётида турли қирраларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам оила қатор фанларнинг ўрганиш мавзусидир. Буларга этнографик, демографик, психология, педагогика, тиббиёт, ҳуқуқ, иқтисодиёт, тарих ва социология фанлари киради.

Улар оила вазифаларни ва тараққиёт йўналишларининг алоҳида томонларини ўрганадилар. Масалан, иқтисодиёт оила жамият тараққиётида истеъмолчи гуруҳ сифатида ўрганса, этнография оиладаги урф-одатлар қадриятларни этник қўламда ўрганади, демография эса асосий эътиборини оиланинг энг муҳим вазифаси бўлмиш авлод давомийлигини таъминлашда қаратади. Оила социологияси эса юқорида қайд этилганидек оилани жамият тараққиётида муҳим вазифаларини, жамият тараққиётида, муҳим вазифаларни бажарувчи социал институт сифатида ўрганади. У ўз тадқиқоти давомида оилани ўрганувчи барча фанлар олиб борган тадқиқот натижаларидан кенг фойдаланади ва улар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади.

Маълумки, оила пайдо бўлганидан то ҳозирги даврга қадар унинг турлари ва ижтимоий-демографик таркиби мунтазам ўргариб борди. Оила турлари ва таркибида содир бўлган ўзгаришлар ва уларга таъсир этувчи омилларини жамият тараққиётининг ҳар бир босқичлари учун алоҳида ўрганиш ҳам оила социологиясининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Оила социологиясининг асосий йўналишларидан бири оиланинг моҳияти ва фаолиятини ўрганишдир.

Оила моҳияти унинг фаолияти, яъни у бажараётган вазифалар билан белгиланади. Уларга авлод яратиш вазифасини (жамиятни давом эттирувчи авлод яратиш, инсон зотини давом эттириш); ижтимоий вазифаси (оиладаги фарзандларни тарбиялаш, уларни ўзаро табиатга, жамиятга бўлган муносабатларини шакллантириш, оила аъзоларининг дам олиши ва саломатлигини тиклаш); иқтисодий вазифаси (оила аъзоларини озиқ-овқат,

кийим-кечак ва бошқа яшаш учун зарур бўлган воситалар билан таъминлаш) киради.

Оила социологияси оила вазифаларини турли тарихий даврларда, ижтимоий гуруҳларда, халқларда, давлатларда бажарилиши омиллари ва хусусиятлари оила вазифаларига бўлган муносабатларни ҳам атрофлича ўрганади. Оиланинг энг муҳим вазифаси бу фарзандларнинг туғилиши, яъни жамият давомийлиги таъминловчи янги авлод яратишдир. Туғилиш дунёдаги турли халқларда турлича кўрсаткичларга эга.

Ер шари бўйлаб туғилишнинг ўзаро фарқ қилиши аввало мамлакатлар аҳолисининг моддий ва маданий турмуш даражаси, асрлар давомида шаклланиб, сақланиб келган урф-одатларига, динига боғликдир. Булардан ташқари туғилишга аҳолининг жинсий ёши бўйича тақсимлаши, никоҳ ва ажралиш жараёнлари, тиббиётнинг ривожланиш даражаси, шунингдек ҳар бир давлат томонидан олиб борилаётган демографик сиёсат ҳам таъсир этади. Юқорида келтирилган маълумотлар таъсирида оиланинг болага бўлган талаби, жамиятнинг болага бўлган талаби ўзгариб боради. Оила социологияси жамият тараққиётининг ҳар бир босқичларида, дунёга барча халқлар ва давлатлар миқёсида туғилишнинг ўзгариб боришига оиланинг болага бўлган эҳтиёжига таъсир этувчи омилларни, аҳолининг турли деморафик ва ижтимоий гуруҳларининг ҳамда эр-хотиннинг оилада фарзандлар миқдорига бўлган муносабатларини социологик тадқиқотлар ўтказиш йўли билан аниқланиб беради.

Оиланинг бугунги шаклида оила аъзолари бир-бирлари билан умумий турмуш, иқтисодий-мулкий, маънавий-ҳуқуқий, психологик муносабатлар, ўзаро жавобгарлик ҳис-туйғулари билан боғланиб турадилар. Оилада ҳар бир оила аъзоларининг ўз ижтимоий ўрни бордир.

Маълумки оиланинг асосини — ядросини эр-хотин ташкил этади. Оилада эр-хотин, ўзи ёки фарзандлари билан истиқомат этишади. Ундан ташқари оилада эр-хотин фарзандлари билан бирга уларнинг ота-оналари, ака-укалари ва бошқа қариндош-уруғлари ҳам бирга яшашлари мумкин. Оила муҳити, унинг жамоатда тутган ўрни оила аъзоларига,

уларнинг ҳулқ-атворларига бевосита боғликдир. Айниқса оила муҳитида аёлнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам оила аъзоларининг оилага, атроф-муҳитга ва ўзаро муносабатларини ўрганиш ҳам оила социологиясининг ваифаларидан биридир.

Оиланинг ташкил топиши, шаклланиши ва ривожланишида демогарфик вазият муҳим аҳамиятга эгадир. Оиланинг ижтимоий-демографик таркиби ва унга таъсир этувчи ижтимоий омилларни

ўрганиш ҳам оила социологияси ўрганадиган муҳим масалалардан ҳисобланади. Оиланинг ижтимоий-демографик таркиби деганда, оилада яшаб келаётган кишиларнинг никоҳ, қондошлик-қариндошлик мунсоабатлари, ижтимоий гуруҳлари ва миқдори асосида турларга бўлиниши тушунилади. Оиланинг энг кўп тарқалган ижтимоий, турли нуклеар — оддий оила бўлиб, унда эр-хотин никоҳга кирмаган, яъни турмуш қурмаган фарзандлари билан яшайди. Агар бирорта фарзанд турмуш қуриб, шу оилада бирга яшаса, унда бу оила кенгайган ёки мураккаб оилага айланади. Мураккаб оилада икки ёки ундан кўп оддий оилалар, 3 ва ундан кўп авлод вакиллари истиқомат этишади. Маълумки, оиланинг асосини — ядросини эр-хотин ташкил этади. Агар оилада эр-хотин мавжуд бўлса, яшаса, унда оила тўла, тугал оила, уларнинг бири оилада яшамаса (бўлмаса), тугалмас оила ҳисобланади. Ундан ташқари оилада эр-хотин фарзандлари билан бирга уларнинг ота-оналари, ака-укалари ва бошқа қариндош-уруғлари ҳам бирга яшашлари мумкин. Ана шундай ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда собиқ СССР таркибига кирган барча республикаларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам оилани қуйидаги турларга бўлиб ўрганилган: 1. Эр-хотин болалари билан ёки боласиз яшайдиган оилалар;

2. Эр-хотин, болалари ёки боласиз, ота-оналарининг фақат биттаси билан яшайдиган оилалар;

3. Эр-хотин, болалари ёки боласиз, ота-оналарининг фақат биттаси (ёки уларсиз) ва бошқа қариндошлари билан яшайдиган оилалар;

4. Икки ёки ундан ортиқ оддий оила (никоҳ жуфтлари) болалари билан ёки боласиз, ота-оналарининг бири (ёки уларсиз) ва бошқа қариндошлари билан (ёки уларсиз) яшайдиган оилалар;

5. Она ва болалар билан яшайдиган оилалар;

6. Ота ва болалар билан яшамайдиган оилалар;

7. Она-болалар ва онанинг (ёки отанинг) ота-оналаридан бири яшайдиган оилалар;

8. Ота-болалар, отасининг (ёки онасининг) ота-оналаридан бири билан яшайдиган оилалар;

9. Бошқа оилалар.

Оила унинг аъзоларининг ижтимоий гуруҳларига қараб ҳам турларга бўлинади;

1. Оила аъзолари бир хил ижтимоий гуруҳга мансуб оилалар.

2. турли гуруҳга мансуб оилалар:

Оилаларнинг ўша оила аъзолари миқдорига қараб турларга бўлиниши унинг демографик таркибини ташкил этади. Ўзбекистон учун шартли равишда оиланинг 3 та демографик турга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Кичик оилалар — 2—4 киши истиқомат этувчи оилалар;

2. Ўрта оилалар — 5—6 киши истиқомат этувчи оилалар;

3. Катта оилалар — 7 ва ундан ортиқ кишилар истиқомат этувчи оилалар.

Оила социологияси ўрганадиган навбатдаги демографик жараён бу никоҳдир.

Маълумки, оила никоҳдан бошланади. Никоҳ жамият тараққиётининг маълум босқичига пайдо бўлди ва қатор ижтимоий-иқтисодий омиллар, дин, урф-одатлар, қадриятлар таъсирида шаклланиб борди. Никоҳ ва унинг турлари, тарихий эволюцияси, унинг турли халқлар ижтимоий гуруҳлар, ҳудудлар бўйича хусусиятларини, никоҳ қонуниятларини, оилада меҳнат тақсимотини ва ёшларни никоҳга психологик, иқтисодий томонидан тайёрлаш ва аҳолини никоҳга бўлган муносабатларини ўрганиш ҳам оила социологиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

Оила таркибида ҳамда ривожланишига бевосита таъсир этувчи демографик омиллардан яна бири — никоҳнинг бекор этилиши, яъни ажралишдир. Маълумки, оилада эр-хотиннинг ажралиши биринчи навбатда оиланинг таркибига таъсир этади. Оила тугал оиладан, тугалмас оилага айланади. Оилада фарзандлар туғилиши маълум даражада камаяди. Бу эса, ўз навбатида, оилани давом эттирувчи авлод яратилишига, оиланинг такрор барпо бўлишига салбий таъсир этади. Оила социологияси мустаҳкамлигига салбий таъсир этувчи ажралиш жараёнини ўрганар экан, унинг сабабларини турли тарихий даврларда, давлатларда, халқларда ва ижтимоий гуруҳлардаги хусусиятларини очиб беради.

Аҳоли миграцияси ҳам оиланинг ижтимоий-демографик таркибига таъсир этувчи омиллардандир. Инсоннинг бир ижтимоий-иқтисодий муҳитдан иккинчи ижтимоий-иқтисодий муҳитга ўтиши (масалан, шаҳардан қишлоққа, қишлоқдан шаҳарга кўчиши), унинг оилага бўлган демографик, ижтимоий-иқтисодий муносабатларига таъсир этади.

Маълумки, оила пайдо бўлиб то тугагунга қадар бир қанча босқичлардан ўтади. Улар оиланинг ташкил топиши (никоҳга кириш) биринчи фарзандни туғилиши (фарзанд кўриш фаолиятини бошланиши), охирги фарзанд туғилиши (фарзанд кўриш фаолиятини тугалланиши), охирги фарзандни оилали бўлиши, оиласини ташкил этган эр ёки хотинни дунёдан кўз юмиши (оиланинг тугалланиши). Юқорида келтирилган жараёнлар оиланинг ҳаётий даврлари бўлиб, оила давомийлигига мунтазам қайтарилиб туради. Ушбу даврларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятларини, ижтимоий-иқтисодий муаммолари мавжуддир. Ана шу муаммолар ҳам оила социологиясининг ўрганиш доирасига мансубдир.

Оила тарбияси масалаларини ўрганиш ҳам оила социологиясида кенг ўрин олгандир. Оила тарбияси оилада ота-оналар, катта кишилар томонидан болаларни тарбиялаш бўлиб, ёш авлодни ҳар томонлама ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Оила тарбиясида оилавий тартиб, оила аъзоларининг бир-бирига муносабати, ота-она ва катта кишиларнинг хулқ-атвори, маданий ва сиёсий савияси, оила бюджети, шароити асосий омил ҳисобланади.

Оила ҳуқуқи ҳам оила социологияси томонидан ўрганилиб, унда асосий эътибор никоҳ, қариндошлик, болаларни фарзандликка ва тарбия олишдан келиб чиқилган муносабатларни, никоҳга кириш муносабатларини, эр-хотин, ота-она билан болалар ва оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкий хомийлик, васийликдан келиб чиқадиган муносабатларни ҳамда никоҳнинг бекор қилиниши билан боғлиқ масалаларни ўрганишга қаратилади.

Оила социологияси қатор ижтимоий ва табиий фан йўналишлари билан узвий алоқада тадқиқот ўтказади ва ривожланиб боради. Буларга психология, демография, этнография, тариз, ижтимоий география, сиёсатшунослик, аҳоли социологияси, туғилиш социологияси, ўлим социологияси, миграция социологияси, никоҳ социологияси, математика, статистика, экология каби фанлар киради.

Оила социологияси ўз тадқиқотларида социологик тадқиқотлар ўтказиш, тарихий таққослаш, статистик ва математик усуллардан фойдаланади.

Оила социологияси фан йўналишининг тадқиқот натижалари оиланинг келажак истиқболини аниқлашда, давлат томонидан оила ва никоҳ мустаҳкамлигини таъминловчи қонун ва тадбирлар жорий этилишида илмий асос ва йўлланма сифатида қўлланилади.

IV. АМАЛИЙ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

1. ЭМПИРИК СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ДАСТУРИ

Эмпирик социологик тадқиқот — социологик тадқиқотлардан биридир. У ижтимоий муаммони ҳар томонлама ва бир бутунликда ўрганиш бўлиб, унинг ҳақиқий, кузатилган ифодасида, шахс ва гуруҳларнинг ҳаракатлари ва тафаккур образида ҳамда махсус тузилган ва айнан шу муаммо режасига, метод ва техникасига асосланади.

Эмпирик социологик тадқиқотлар хусусияти тадқиқот қилинаётган ҳодисалар, индивидлар билан бевосита алоқа ва уларнинг ҳаёт фаолиятларидаги фактлар тўпламидир.

Эмпирик социологик тадқиқот сўроқ, кузатув, эксперимент ва ҳужжатларни ўрганиш методларини тажриба ёрдамида билишдир. Лекин бу социологик назарий билимларга ва назарий методларга эмас, балки ўрганилаётган муаммонинг моҳиятига ўзининг кундалик ҳаётдаги қарашларига таянади дегани эмас.

Эмпирик социологик тадқиқотлар назариянинг барча ютуқларини қўллаб, назарий, методологик ва методик нуқтаи назардан фан ривожланишининг ўзида акс эттиради.

Илм фанда тўпланган барча билимлар программа ва эмпирик тадқиқотлар методларида амалга ошади. Программа тузиш эмпирик тадқиқотларнинг биринчи натижасидир. Программа бу асосий назарий-методологик шарт-шароитларни баён қилиш ва тадқиқотларнинг босқич ва методларини тузишдир.

Программа нима ва унинг функциялари нимадан иборат? Программа бу турли илмий воситаларни (принциплар, тушунчалар, методлар) асосли тавсифи бўлиб, социолог булар ёрдамида зарур билимларга эга бўлади ва аниқсизликдан аниқликка ўтади. Программа даражаси тадқиқотлардаги зарурий информациянинг сифати билан белгиланади. У социологияда ишлаб чиқилган билиш воситаларни ўз ичига олиб, социолог зарур билимлар олиш учун қандай методологик, назарий, методик ва иш тартиби (процедура) масалаларини ечиш кераклигини аниқлайди.

Программа 2 бўлимдан иборат: назарий-методологик ва иш тартиби (процедура) бўлимларидир. Программанинг асосий пунктларини мантиқий тартибда санаб ўтамиз.

Назарий-методологик бўлим

1. Муаммо қўйиш.
2. Тадқиқот мақсади ва вазифапларини аниқлаш.
3. Тадқиқот объекти ва предметини аниқлаш.
4. Муаммонинг назарий таҳлили, асосий тушунчаларни белгилаш.
5. Объектнинг системал таҳлили.
6. Тушунчаларни назарий ва эмпирик интерпретацияси.
7. Гипотезани аниқлаш.

Иш тартиби (процедура) бўлими

1. Тадқиқотни принципиал режасини тузиш.
2. Тадқиқот тўплаш методи ва техникасини танлаш.
3. Танланган методларни тузиш ва асослаш.
4. Олинган билимларни анализ қилиш методларини аниқлаш.
5. Олинган билимларни гипотенуза бўйича анализ усулларини белгилаш.
6. Объект тадқиқотини ўтказиш.
7. Хулосаларни белгилаш, янги тушунчалар, фактлар, назариялар, тенденцияларни ифодалаш

МУАММО ҚЎЙИШ

Программанинг ҳар бир пунктини кўриб чиқамиз. Аввал муаммо қўйиш керак. Кўпинча социологлар олдига муайян бир масалани қўядилар. Корхона ёки муассаса ижтимоий буюртмачи сифатида билимга буюртма беради. Ижтимоий буюртмада билимга интуитив эҳтиёж сезилганлиги туфайли ноаниқ характерда бўлади. Буюртмачини ўзи илмий муаммони қўя олмайди. Чунки бунинг учун профессионал билимлар зарур бўлади. Муаммони илмий ифодалаш социологни вазифасидир. Бунда Р. Мертон айтиб ўтган бир қанча шарт-шароитларни эътиборга олиш керак: илмий манфаатлар (объективлик), буюртмачи манфаати (илмий манфаат билан ҳар доим ҳам мос келавермайди), тадқиқот қилинувчилар манфаати (тадқиқотга ишонч), тадқиқот ва уларнинг натижаларини ўрганилувчи жараёнга таъсири.

Муаммо қўйишнинг иккинчи талаби — мавжуд илмий билимларни ноилмий билимлардан аниқ ажратишдир. Информация етишмаслиги ва муаммони кам ўрганилганлиги туфайли баъзида уларни ажратиш қийин бўлади. Энг асосийси такрорланишликларга, тривиаллик, сохта муаммоларга берилмаслик. Бунинг натижасида муаммани қўйиш тадқиқот қилинаётган объектни олдиндан анализ қилиш ва ўрганишни талаб қилади.

Учинчи талаб қўйилаётган савол умумий тушунчалар ва абстракт категориялардан эмас, балки муайян аниқликдан иборат бўлиши керак. Шуни назарда тутиш керакки, муаммо муайян ҳулқ-атвор, фикрлар, индивидлар муносабатларининг кўрсаткичлари ёрдамида эмпирик даражада ўрганилиш керак. Муаммони кенг қўймаслик керак, чунки уни тажрибавий йўл билан текшириб бўлмайди. Бу қуйидаги ўзига хос муаммолар: эффективлик, стабиллик, коллективдаги кескинликни, низоларни камайтириш, бошқариш ва ташкил қилиш муносабатлари ҳақидаги муаммолардир.

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ

Муаммо қўйилгандан сўнг тадқиқот мақсад ва вазифаларни аниқлаб олиш лозим. Мақсад — бу онгда олдиндан пайқалган тадқиқот натижасидир. У муаммони ўрганиш даражаси, ижтимоий буюртма, тадқиқот манфаатларига боғлиқ бўлади. Объект ривожланишининг турлари, тузилмаси, ўзгарувчанлиги ва тенденциялари эмпирик тадқиқотни умумий мақсади ҳисобланади. Бу фактлар турли мақсадларда қўлланилиши мумкин:

а) назария таркиб топиши ва ривожланиши учун назарий хулосалар олишга, масалан, низонинг турларини ўрганиш низо назариясини ривожланишига олиб келади;

б) турли соҳаларни ўрганиш методларининг эффективлиги ва уни билиш имконияти ҳақидаги хулосаларни олишда, масалан, контент-анализ, сўроқ имкониятлари;

в) ишлаб чиқариш, ҳуқуқий, сиёсий ёки маданий фаолиятини ривожлантириш учун амалий маслаҳатлар ишлаб чиқиш учун олинадиган хулосалар;

г) кам ўрганилган соҳа бўйича информация тўплаш учун.

Бундан ташқари бошқа мақсадлар қўйилиши ҳам мумкин. Демак, эмпирик социологик тадқиқот мақсади назарий, методик, амалий, информацион бўлиши мумкин. Мақсад тадқиқот жараёнини ташкил қилади ва эътиборни қаратишга ёрдам беради.

Мақсадни ифодалаш муаммога ва ижтимоий манфаатларга боғлиқ. Тадқиқотда турли хил мақсадлар кўзланган бўлсада, аммо бир марказий мақсад бўлиши шарт.

Масалан, талабаларни динга муносабати муаммоси тадқиқот қилинганда мақсад қуйидагича ифодаланган: онгнинг қадриятлари тузилмасида диннинг ўрни ва студентлар тузилмасида диннинг ўрни ва студентлар хулқ-атворида унинг аҳамиятини аниқлаш.

ТАДҚИҚОТ ВАЗИФАЛАРИ

Мақсад маълум бир вазифаларни ечиш натижасида амалга ошади. Агар мақсад тадқиқот нима учун ўтказилади деган саволга жавоб берса, вазифа тадқиқотларни қандай ўтказиш, қўйилган мақсадга қандай эришишни, нимадан бошлаш керак, қандай назарий, методологик ва методик характерга эга бўлган масалаларни ечиш зарур деган саволга жавоб беради.

Мақсад бир қанча вазифаларга бўлинади. Юқорида айтилган тадқиқотларда вазифалар қуйидагича ифодаланган:

— диндорлик ва унинг компонентларига тушунча бериш;

— студентлар диндорлигининг назарий типологиясини бериш;

— диндорликни эмпирик референтларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Асосий ва асосий эмас вазифаларни ажратиш керак. Бу вақтни тўғри тақсимлаш, тадқиқотда эътиборни энг муҳим вазифаларга қаратишга ёрдам беради. Тадқиқотни кейинги босқичлари, қўйилган вазифаларни ечишдан иборат.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИ

Мақсад ва вазифаларни қўйилиши тадқиқотнинг объект ва предметини аниқлашга олиб келади. Социологик тадқиқотларнинг объекти турли соҳалари изланилаётган муаммони ўзида акс эттирган ижтимоий воқеликни микропроцесслари бўлиши мумкин. Эмпирик тадқиқот объектини аниқлаганда муаммодан келиб чиқиш керак. Кўпинча меҳнат жамоалари объект бўлиб хизмат қилади. Лекин бу объектни жуда кенг ва аниқ бўлмаган талқинидир. Юқорида келтирилган мисолда эмпирик тадқиқотлар объекти талабалар гуруҳи эмас, балки уларнинг онгидир, чунки муаммо талабаларнинг диндорлигини аниқлашдадир. Тадқиқот қилинаётган муаммонинг «тарқатувчиси» — талабаларнинг онгидир, аниқроғи, онгнинг қадриятлар тузилмасидир. Объект қанчалик аниқ бўлса метод шунчалик тўғри танланган бўлади. Мисол учун эмпирик тадқиқотларнинг типик объектлари — одамлар фикри, коллективдаги муносабатлар, бошқариш методларининг ва меҳнатни ташкил қилишнинг эффективлиги, сиёсий жараённинг баҳолаш ва ҳ. к.

Предмет муаммо билан мос келиши мумкин, лекин муаммо эмпирик тадқиқотларнинг предметига нисбатан кенгроқдир, чунки муаммода асосий назарий билимлар ётади.

Эмпирик тадқиқотлар предмети бу муайян масала бўлиб, объектдан келиб чиқади ва тадқиқотда чегаралангандир.

Талабалар диндорлигини ўрганилаётганда предмет қуйидагича қўйилган: «Талабалар онгининг тузилмаси ва ривожланиш тенденцияси».

Бир объектга бир нечта предмет тўғри келиши мумкин. Ҳар қайсиси турлича шаклланиши ва объектни турли томонларига мос келиши мумкин. Мисолда предмет «онг тузилмаси», «диндорлик типи», диндорликни талабалар ҳулқ-атворига таъсири ва бошқалардир. Социологиянинг методика ва техникаси ҳақидаги айрим адабиётларда объект билан предметнинг мос келиш ҳақида сўз юритилган. Бу нотўғри, чунки объект — бу ҳақиқий мавжуд бўлган тузилмалардир, предмет эса абстракт қўйилган тадқиқот муаммосидир.

Тадқиқот программасини тузишдаги кейинги қадам муаммони назарий таҳлили ва асосий тушунчаларни аниқлаш.

Назарий анализ ўз ичига дефинциялашни олади, яъни илм-фанда чиқилган назарий ва методологик нуқтаи назардан муаммони асосий тушунчаларини аниқлаш, назарий асослар бўлмаганда эса (бу жуда кам учрайдиган ҳол) тадқиқотчи ўз концепциясини мустақил яратиш керак. Студентлар диндорлигини ўрганишда энг ривожланган йўналишлардан бири дин социологиясига ва Э. Дюркгейм ва З. Фрейд таълимотига асосланиши керак. Назарий таҳлилда муаммо ҳақида барча билимлар мужассамланади, муаммонинг ҳар томонлама ўрганилган ва ўрганилмаган соҳалари аниқланади, изланаётган жараён моҳияти ҳақида концепция яратилади асосий тушунчалар танланади ва аниқланади. Шуни назарда тутиш керак-ки тадқиқотларни боши ҳам натижалари ҳам тушунчаларга боғлиқ. Тушунча бу шундай инструментки, унинг асосида назарий ва эмпирик кўрсаткичлар ўзаро алоқада бўлади. Диндорликни назарий таҳлил қилганда шу маълум бўладики, эътиқод диндорликни марказий тушунчаси бўлиб у эса психологик гносеологик, этик, эстетик ишончни ўз ичига олади ва у қачон асосий қадрият бўлсагина, шунда таъсир кучига эга бўлади. Бунинг асосида кимни диндор деб ҳисоблаш мумкинлиги ҳақидаги концепция вужудга келади. Демак, киши онгининг қадриятлар тузилмаси диний бўлиб, у эътиқод билан боғлиқ бўлса, бундай кишини диндор деб ҳисоблаш мумкин. Бу мисолдан диндорлик типини аниқлаш мумкин.

Программани тузишдаги кейинги қадам интерпретациядир.

Назарий таҳлил натижасида олинган тушунчалар интерпретация қилинади. У эмпирик тадқиқотни асосий компоненти.

Бу субъектив омилларни тадқиқотга таъсирини исботловчи йўналишлар таъсиридир. Интерпретация бу ҳодисаларни, воқеликни тушунчалар мазмунини субъект томонидан тушунтириш, аниқлаш интерпретация тадқиқот концепциясининг назарияси нуқтаи назаридан, респондентлар

нуқтаи назаридан бўлиши мумкин. Интерпретация муаммоси мураккаб ва кўп қирралидир. У илмий тадқиқот ҳамда маданият, фаолият соҳасидаги ўзаро муносабатлар ва бошқа омилларга тааллуқли бўлган муаммоларни ўз ичига олади. Бундай тафаккур стереотиплари, фикрни шаклланиш қонунларини назарда тутиш керак, интерпретация тафаккур, онгни ўзаро алоқасини назарда тутиш усулидир.

Программани тузиш жараёнида тушунчаларни назарий ва эмпирик интерпретация қилинади.

Назарий интерпретация — бу тушунчалар мазмунини, муаммонинг назарий аспекти нуқтаи-назаридан тушунтириши. Мисолда қуйидаги тушунчалар интерпретация қилинади: «эътиқод» ва «қадрият» интерпретация натижасида қадриятлар тури ва диндорлар типи белгиланади.

Эмпирик интерпретация — тушунчаларни эмпирик фактлар билан таққослаш, ўрганилаётган соҳа билан мосликни аниқлаш, операционал тушунча тўплаш, операционал тушунчалар эмпирик методларни ишлаб чиқиш учун зарур, қадриятлар, манфаатлар каби абстракт назарий тушунчаларни, конкрет ва аниқ тушунчаларга айлантирмагунча уларни тадқиқот қилиб бўлмайди. Айнан шу операционал тушунчалар эмпирик методлар асосида ётади.

Улар асосида анкета саволлари, кузатиш ва экспериментда ётадиган белгилар аниқланади, ҳозирги замон социологиясининг йўналишлари операционализация тартибини танқид қилади, уни ноилмий деб ҳисоблайди. Бу нотўғри фикрдир, чунки социология назарий билимларга таяниши керак. Назарий билимлар билан эмпирик таҳлилни ўзаро боғлаш айнан операционал тушунчалар вазифасидир. Операционал тушунчаларни эмпирик референтлар деб ҳам аташади. Масалан: «Эътиқод» тушунчасининг эмпирик референти урф-одатларга бўйсуниш, борлиқни пайдо бўлиши ҳақидаги қарашлар ва ҳ. к.

Программа тузишнинг кейинги босқичи — бу объектни системали таҳлилидир, ўрганилаётган объект системали таҳлил қилинади.

Бу объектни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий боғлиқликда ўрганишдир. Системали метод объектни функционал асосини белгилашга қаратилган. Социологияда системали метод Т. Парсонс, Р. Мертон томонидан ишлаб чиқилган.

Т. Парсонс қуйидаги подсистемаларни ажратади: шахс-гуруҳ, маданият, жамият ва функциялар; адаптация, социологизация, мақсадга эришиш, латентлик. Бу схема ҳар қандай муаммони ўрганишда ишлатилиши мумкин.

Талабалар диндорлигини ўрганилаётганда бу функцияларни тадқиқ қилинаётган шарт-шароитларда талабаларни ижтимоий-маданий ҳаётларига боғлиқ ҳолда аниқлаш мумкин. Системали

таҳлил натижасида нафақт объектдаги омиллар мавжудлик механизми, балки институционал, оилавий-маиший шахсий тузилмалар ҳам аниқланади. Системали таҳлил тадқиқот предметини умумий образини ишлаш хусусиятларини, жараённинг эмпирик кўрсаткичларини яратиш керак. Объектни системали таҳлили асосида гипотеза шаклланади.

ГИПОТЕЗА ШАКЛЛАНИШИ

Гипотеза бу объектни ўрганилаётган хусусиятлари ҳақидаги илмий таҳлил гипотеза тушунтирувчи, таърифловчи ва олдиндан айтиб берувчи, яъни гипотеза-прогнозларга бўлинади. Таърифловчи гипотезалар бу объектни тузилмаси ва элементлари ҳақидаги таҳлилни компонентларни миқдорий боғлиқлиги элементлараро алоқалар тури ва характери ҳақида маълумот беради. Масалан: шундай гипотеза: Меҳнат мотиви тузилмаси, иш ҳақига эмас балки меҳнат мазмунига боғлиқ бўлади. Бу мисолимизда қуйидаги гипотеза тўғри бўлади: Диндорликни устун типи — прогматик ва миллий тип.

Тушунтирувчи гипотеза — жуда мураккаб бўлган сабаб алоқалари ҳақидаги таҳминидир.

Сабаб алоқалари ижтимоий жараёнларда кўп омиллик.

Сабабиёт кўп даражалиликдир: индивидуал шахс, институционал, ижтимоий-сиёсий. Масалан: талабалар диндорлигининг сабаби — ҳақиқий маънавий приентирларнинг ва профессионал фаолият истиқболининг мавжуд эмаслигидадир.

Гипотеза — прогноз жараённи ривожланиши ҳақида тасаввур беради. У ривожланиш тенденцияси ва йўналишларини аниқловчи, барқарор механизмларни очиб беради.

Гипотеза — эмпирик метод ёрдамида текширилиши мумкин бўлган, тадқиқотдаги энг асосий хусусиятларни аниқловчи муҳим билиш инструментидир. Гипотезани бор ёки йўқлиги тадқиқот даражасини характерлайди. Ғолган барча ишлар гипотезани исботлаш ёки инкор этиш билан боғлиқ бўлади.

ПРОГРАММАНИНГ ПРОЦЕДУРА БЎЛИМИ

Процедура — тадқиқот амалиётида қўлланиладиган уни ўтказиш учун муҳим бўлган турли қоидалар, ҳаракатлар, инструментларни қўллаш ва уларни тартибига боғлиқ бўлган масалалар йиғиндисидир. Биринчи босқич —

ТАДҚИҚОТ РЕЖАСИНИ ТАНЛАШ

Тадқиқот режасини танлаш — гипотеза характерига боғлиқ. Тушунтирувчи гипотеза сабаб функционал алоқаларни очиш учун шарт-шароитлар яратувчи экспериментал процедураларни ўз ичига олади. Таърифловчи гипотеза асосан типологик процедураларни ўз ичига олади, яъни муҳим типларни, барқарор хусусият ва сифатларни аниқлайди.

Гипотеза — прогноз — оммавий ҳодисаларни кузатишда статистик методларни талаб қилади.

Режа танлаш ташкилий воситаларни ва моддий сарф-харажатни аниқлайди, чунки анкеталар бланкаларни, корхоналар билан шартномаларни кўпайтириш, сўроқ ўтказиш учун одамларни тўплаш керак бўлади.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ — ИНФОРМАЦИЯ ТЎПЛАШ МЕТОДЛАРИНИ ТАНЛАШ.

Эмпирик социологик тадқиқотларни 2 гуруҳга бўлиш мумкин: берилмаларни тўплаш методи ва олинган информацияни ишлаб чиқиш ва таҳлил методи. Программа ўз ичига методларни танлаш, таърифлаш ва тузишни олади.

Метод танлаш — асосли гипотезадан келиб чиққан бўлиши керак. Ҳар бир эмпирик метод ўз хусусиятларига эга. Сўроқ методи жараённи субъектив томонларини ўрганишга йўналтирилган, чунки у респондентларни ҳаёт фаолияти ҳақидаги жавобларга асосланган. Кузатиш методи — ҳақиқий ҳулқ-атвор, муносабатлар, ҳужжатларни ўрганиш методига (ҳужжат бу ҳар қандай фиксация қилинган информация) фиксацияланган берилмаларга (ҳодисалар, объектив фактлар, структура, ташкил қилиш ва ҳ. к.) асосланган. Эксперимент ҳодисаларни бир бутунликда ўрганувчи метод.

Бунинг натижасида ҳар қандай метод ўзининг процедура, техник, мантиқий ва бошқа хусусиятларига эга. Шунга мос равишда метод танланади. Агар тадқиқот ижтимоий психологик характерга эга бўлса, у ҳолда, фикрлар, қарашлар, баҳо, манфаатлар, яъни субъектив томонларни ўрганувчи сўроқ методидан фойдаланиш керак.

Агар ҳулқ-атвор характери, ҳодисаларга реакция муаммоси ҳақида гап кетса, у ҳолда кузатиш методидан фойдаланилади. Эксперимент маълум сабабларни таъсир қилишини барча томонларини ўрганиш керак бўлганда қўлланилади. Масалан, меҳнатни ташкил қилишни янги шакллар, сиёсий хулосалар, қонунларни қабул қилиш ва ҳ. к. Эмпирик тадқиқот методини танланганидан сўнг уларни ишлаб чиқиш лозим. Ҳар қандай метод ўзига хос равишда тузилади, лекин умумий хусусиятларни ажратиш мумкин, яъни информация тўплашни эмпирик методларини умумий принциплари тузиш мумкин.

Социологик тадқиқотларни эмпирик методи ўзгарувчан, ҳаракатчан воқеликнинг микрожараёнларига қаратилган тадқиқот — индивидларнинг маълум мажмуасининг ҳаракатлари, шарт-шароитлари, мотивларини ўрганиш орқали амалга ошади. Дастлабки социологик информациядан иборат ижтимоий конкрет фактларга асосланган, социологик метод, бевосита одам билан

боғлиқ бўлган билимнинг элементар йиғиндисидан ташкил топган. Бунинг натижасида субъективизм ошиб боради. Айниқса, бу сўроқ методига тегишли. Масалан, америкалик социологлар шуни аниқладиларки, магнитофонда ёзилган интервью саволининг интонацияси респондентлар жавобига катта таъсир этар экан. Баландроқ овозда айтилган савол салбий жавобдан кўра кўпроқ ижобий жавоб беришга ундар экан. Яна шу аниқландики, баланд овозда айтилган савол, респондентларни тадқиқотга бўлган қизиқишини янада оширар экан.

Одамлар билан бевосита алоқа қилиш заруриятига муҳтож эмас методлар ҳам бузиб кўрсатиш имкониятига эга.

Ҳужжатларни ўрганиш методида бир томондан ҳужжат тузганнинг муносабати, иккинчи томондан тадқиқотчи таҳлилининг хусусиятларини назарда тутиш керак.

Методнинг бу хусусияти кўп тортишувларга сабаб бўлган.

Эмпиризм даврида бу муаммо тадқиқот жараёнини имконият борича формаллаштириш ва компьютерлаштириш орқали ечиш мумкин деган хулосага келинган. Шуни назарда тутиш керак-ки формаллаштириш ёрдамида бузиб кўрсатишдан озод бўламиз деган фикр нотўғри.

Эмпирик тадқиқот жараёнида субъектив компонентлар, объективлик, аниқлик кўрсаткичлари нуқтаи-назаридан текширилади. Эмпирик процедура бу одамларнинг оддий муносабати эмас, балки аксинча, йўналтирилган, бошқариладиган режалаштирилган иш тартибидир.

Олинган информациянинг объективлиги, назарий-методологик позициядан, методларнинг мазмуни ва шаклига боғлиқдир.

Демак тадқиқот натижалари бу илмий асосланган билимлардир.

Шунинг учун тадқиқотни асосий ва муҳим принципи бу тадқиқотнинг ҳаракатларини тузилмаси мазмуни ва характерини ҳамда илмий методология нуқтаи назаридан инструментарияларини аниқлашдир.

Социологик метод эмпирик метод деб аталишига қарамай, ишлаб чиқиш ва татбиқ этилиши нуқтаи-назаридан уни фақат эмпирик деб бўлмайди.

Тадқиқот гипотеза ва концепциясидан келиб чиқиб, методларни танлаш ва тузиш ҳамда умумий тадқиқот процедурасида уларни мақсад ва ўрни аниқланади. Эмпирик метод билан назарий билимлар биринчи умумназарий тадқиқот позицияси орқали амалга ошади.

Кейингиси эса бу тушунчалар системасидир. Айнан тушунчалар ёрдамида эмпирик методлар маълум информация оладилар ва таҳлил жараёнида уларни умумийлаштирадилар, системалаштирадилар, ўрни ва аҳамиятини белгилайдилар.

Тушунчалар — асосий инструменти анкета бўлмиш сўроқ методида эмас балки бошқа методларда ҳам катта аҳамиятга эга.

Кузатиш методида анкета қўлланилмасада, операционал тушунчаларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотчи асосий тушунчаларига мос келган равишда кузатувни олиб бориши керак. Кузатув варақаларида кузатиш хусусиятлари кўрсатилган бўлади.

Эмпирик методни тузишни бошқа асосий принципи — бу воқеликда ўрганилаётган предметнинг метод билан мос келиши.

Таҳлил қилинган тушунчалар ўрганилаётган одамлар йиғиндиси қўллайдиган тушунчаларга мос келиши керак. Бу мосликка эришиш учун дастлабки текширув тадқиқотлари ўтказилади. Социологияда кичик одамлар мажмуи билан ўтказилган метод текшируви пилотаж тадқиқот деб ном олган.

Эмпирик тадқиқот амалиётчилари пилотаж тадқиқотлари нафақат тушунчалар ва метод структурасини балки саволларни қабул қилиш ва жавобларни шаклланишига ёрдам берувчи психологик жараёнлар очишга имкон беради.

Пилотаж тадқиқотлар — методик ишнинг давомидир. Унинг мақсади информация олиш, уни тўғрилаш ва ўрганилаётган воқеликни соҳаларига мослаштириш учун керак бўлган метод фойда келтириш даражасига баҳо бериш.

Умуман текширув методи 1 кузатув масалалари ва хусусиятлари натижалар билан мос келадими 2 ўрганилаётган одамлар мажмуи саволларни қанчалик аниқ тушунади, 3 метод қўлланилган психологик жараёнлар ҳақиқий информация олишга ёрдам берадими, метод қўлланилишининг айрим томонлари салбий муносабатларни келтириб чиқармайдими деган масалаларни аниқлаши лозим.

Учинчи асосий принцип — метод қўлланилишининг қонун-қоидаларига бўйсуниш. Эмпирик тадқиқотлар амалиётида шундай қоидалар системаси ишлаб чиқилганки, уларга асосланиш одамлар ўзаро муносабатлари омилларини назарда тутиш, олинаётган информацияни сифатини кўтаришга имкон беради. Масалан, ҳар қандай метод қўлланилишининг муҳим қоидаси ўрганилаётган гуруҳнинг қизиқиши. Одамлар қизиқиши ёрдам бериш ҳоҳишини ўрганилаётган саволларга қизиқувчанлик билан қарашга ҳамда фаол қатнашишга имконият яратади. Турли одамлар гуруҳида тадқиқот турли омилларни ва муносабатни келтириб чиқаради. Бу омилларни аниқлаш муайян методни қўллашга ёрдам беради, қоидаларда метод қўллашнинг шарт-шароитлари, маълум мақсадда олинадиган интервью тактикаси ва психологик хусусиятларни назарда тутилган.

Конкрет тадқиқотларда бу масалаларни назарда тутиш, метод қўллаш жараёнида тадқиқотчини тўғри ҳаракатлар системасини тузишга замин бўлди. ғўлланилган метод натижасида олинган

информация бир методни иккинчи метод билан текширишга олиб келади. Буни сабаби шундаки социологик методлар қўлланилиши натижасида олинадиган эмпирик информация жараёни объект ва субъектнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ. Ўзаро таъсир метод хусусиятига қараб турли характерга эга. Агар сўроқ методида тадқиқотчи бевосита одамлар билан алоқа қилса, хужжатларни ўрганиш методида эмпирик объект текстлардир.

Турли объектга турли методлар мос келади. Бу объективлик ва субъективликни турли муносабатларини келтириб чиқаради. Масалан, кузатиш методида бузиб талқин қилиш субъектнинг ўзига интерпретация қилиш билан боғлиқ. Сўроқ методида субъективизм метод объекти: қарашлар, фикрлар, баҳо, манфаатлар ва ҳ. к. ўзгарувчанлиги билан боғлиқ. Объект билан субъектнинг бундай турлилиги бир методни иккинчи метод билан текиришга имкон яратади. Бир метод камчилиги иккинчи метод камчилиги билан қамраб олинади. Бу йўл билан методнинг билиш имкониятлари ва ҳодисаларни турли томонларини аниқлашга ёрдам беради.

Феноменологик йўналиш ишлаб чиққан эмпирик методларни қўлланилиши бир метод орқали олинган билимларни инкор этишга олиб келди. Масалан, корхона ишчиларини субъектив маъносини ўрганиш унинг шу корхона ижтимоий вазифаларига қарама-қаршилигини аниқлади. Масалан, ижтимоий тақсимот хизматининг асосий вазифаси камдаромадли ва ишсиз кишиларни камайтириш бўлса, бу ишчиларнинг манфаати уларнинг кўпайишида эканлигини аниқланди. Чунки бу уларнинг ойлик маошига боғлиқ.

Социологик информацияни тўплаш методидан сўнг, олинган аҳборотни анализ қилиш методига ўтилади.

МАЪЛУМОТНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МЕТОДЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Маълумотни таҳлил қилиш ва информацияни ишлаб чиқиш бир нарса эмас. Маълумотни анализ қилиш бу гипотезани текшириш, тадқиқот масалаларини ечиш яъни мазмунли таҳлил, умумий концепцияда олинган билимларни ўрнини аниқлаш. Информацияни ишлаб чиқиш бу ЭҲМга таҳлил учун берилувчи маълумотларни ташкилий-техник тайёрлаш.

Информацияни ишлаб чиқиш, кодлаштириш, хусусиятлари бўйича гуруҳлаш, формаллаштириш ва бошқаларни ўз ичига олади. Программада муайян тадқиқотда тўпланадиган информацияни ҳажм ва шаклини, уни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқишни мантиқий схемасини аниқлашни ўз ичига олган эмпирик тадқиқотлар маълумотларини ишлаб чиқиш режасини назарда тутиш керак. Мантиқий схема режалаштирилган мақсадга

эришиш учун, ЭҲМга қандай дастур кераклигини аниқлайди. Бу информация тўплаш методида қандай усуллардан фойдаланиш кераклигини очиб беради, яъни анкета бланк, карточка ва бошқа тайёрлаш, ўтказилаётган тадқиқот натижасида турли жараёнларни хусусиятлари, сабаблари, алоқалари муносабатлари ҳақида катта маълумот тўпланади. Бу маълумотларни таҳлил қилишда нафақат сифатли, мазмунли балки миқдорий методлар ҳам қўлланилади.

Миқдорий методларда муҳим ўринни гуруҳлаш, регрессион таҳлил, корреляция, шакллантириш факторли ва кластерли таҳлил.

Социологияга математик методлар кириб келмоқда. Уни қўлланилишидаги асосий муаммо математик аппаратни тузиб чиқишдадир. Математик ўйинлар назарияси ва чизиқли программалаштиришни иқтисодий вазифаларни ечиш учун ривожланиши ва қўлланилишидан сўнг иқтисодиётда қўлланила бошлади.

Социологияда маълум вазифаларни ечадиган ўзига хос аппарат ишлаб чиқилмаган М. Кендалп ижтимоий объектни математик тасаввур қилишнинг икки қисмга ажратади.

1. Йиғиндилар муаммоси, ҳодисада кўлгина компонентлар бор, уларнинг ичида қайси бирлари шу ҳодиса билан боғлиқ ва қайсилари ўткинчи эканлигини аниқлаш қийин.

2. Бирлашиш муаммоси, яъни ижтимоий системасининг қайси элементи асосий эканлигини ечиш қийин. Бунга қўшимча қилиб формаллашдаги, ўлчаш эталонларини ишлаб чиқишдаги қийинчиликлар ҳам мисол бўла олади. Масалан, анкета саволларига ижобий ва салбий жавоб берганларни осон ажратиш мумкин, лекин икки жавоб оралиғидаги жавоблар варианти бўлсачи, нима қилиш керак. Шундай жавоб вариантини тушунтирувчи миқдорий кўрсаткич бўлиши зарур.

Социологияда математик воситалар турличадир, ўйинлар назарияси, информация назарияси, турғунлик назарияси аппарати, чизиғли программалаштириш, моделлаштириш, омилли таҳлил, графлар назарияси, матрик алгебра. Математик методлар, нафақат ўлчаш, балки муаммо ечимини кўра олиш, муаммони эффективроқ ва чуқурроқ тушуна билиши зарур.

Математик методлар социологияда қуйидаги вазифаларни счиш керак: 1) танлаш (выборка); 2) таҳлил; 3) моделлаштириш; 4) ўлчаш.

Танлашнинг моҳияти шундаки, тадқиқот қилинаётган объектни шундай қисми танлансинки, унда объектнинг барча томонлари ҳақида маълумот берувчи билимлар мужассамлашсин.

Барча эмпирик тадқиқот ижтимоий объектни танлаб ўрганишга асосланган, чунки информацияни ўзида мужассамлаштирган контингентни барча томонларини ўрганишга

имконият йўқ. Статистикада катта сонлар назариясига асосланган, ўз моҳияти бўйича тадқиқот қилинаётган бир-бутун объектни муҳим хусусиятларини акс эттирган микромоделлар яратадиган танлаш методи ишлаб чиқилган. Танлаш асосий йиғиндини структурасини яъни муаммо ва унинг элементларини ўзида акс эттирган йиғиндини ифодалайди. Йиғиндини танлашдаги асосий вазифа тушириб қолдиришга чек қўйиш, масалан гуруҳлар танланаётганда муайян тоифадаги гуруҳлар, яъни масалан, фахрийлар ёки олий маълумотлилар гуруҳи эмас, балки ижтимоий гуруҳларнинг табиий муносабатини, унга кирувчи барча категориядаги шахслар қамраб олиниши зарур.

Тадқиқотни муаммоси ва мақсадидан келиб чиқиб танлаш тури аниқланади. Бу билан боғлиқ ҳолда математик метод ёрдамида танланиш ҳажми, яъни тадқиқот қилинаётган мажмуанинг умумий сони белгиланади. Бу муайян шахслар контингенти фикрини билиш учун нечта одамни сўроқ қилиш керак. Вақт бюджети ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун қанча вақт қирқимини ўрганиш зарурлиги ҳақидаги масаладир.

Математик метод — мазмунавий вазифаларни ечиш инструментидир. Муайян методларни қўллаш учун уларни аввал танлаб олиш керак. Тадқиқот мақсади ва вазифасига қараб, танлаш методи белгиланади.

Қуйидаги вазифалар кенг тарқалгандир. Типологик анализ ва эмпирик индикаторларни ўзаро алоқасини анализи. Анализ типини танлаш аниқ вазифаларга боғлиқдир. Типологик анализ объект типологиясини, унинг асосини, объект типини аниқлашдан бошланади.

У муайян тадқиқотда тўпланадиган ўрта статистик маълумотни, информацияни асосий таҳлили ва тарқалиш даражаси ҳақидаги билимларни беради.

Иккинчи вазифа тури ўзаро алоқа таҳлили. Ўзаро алоқа таҳлили — борлиқ ва вақтда мавжуд бўлган турғун бевосита ва билвосита ўзаро шартланган ҳодисаларни излашдан иборат бўлган ижтимоий объектни ўрганиш методи. Бу вазифалар турини математик методлар турли мақсадларда ечади: ҳодисалар сабабини, билвосита ва асосий алоқаларни, қўшимча алоқаларни, жараёнга омилларни таъсирини аниқлаш ва бошқалар.

Мақсадлардан бири — прогноз (башорат). Прогноз модели белгилар системасининг элементлар тузилишини характерлайдиган, умумий кўрсаткичлар асосида қурилади.

кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, социологик тадқиқотларда математика қўлланилишининг муҳим томони бу — ижтимоий ҳодисаларни моделлаштириш, бунда етарли тажриба тўпланган. Тадқиқотчилар моделни турли типини аниқлаганлар. Л. Г. Аганбегян унинг батафсил классификациясини берган:

а) алоҳида белгиларни дифференциацияси ҳақидаги умумлашган характеристика учун қўлланиладиган тақсимлаш модели;

б) ижтимоий жараённи характерлайдиган кўрсаткичлар ўзаро алоқасини аниқлашда ёрдам берувчи корреляцион, дисперсион, омиллик (факторлик) моделлар;

в) муайян ижтимоий ҳодисаларни шакллантирувчи статистик моделлар. (Масалан, ишчи ва хизматчилар оилаларининг даромадларини шакллантирувчи модел);

г) социологик тадқиқотларда кенг тарқалаётган, образларни билиш статистик модели;

д) ижтимоий жараёнларни шаклланишининг статистик моделида алоҳида, хусусий ҳодиса деб қаралувчи имитацион, статистик моделлар.

Маълумотларни танлаш ва таҳлил методларини таърифлангандан сўнг, программа тузиш тугалланди деб ҳисобласа ҳам бўлади. Бундан сўнг тадқиқот ўтказиш учун зарур ҳаражтлар ҳисоб-китоб қилинади: инструментларни кўпайтириш, ижро этувчилар билан шартнома тузиш ва бошқалар.

2. СОЦИОЛОГИК ИНФОРМАЦИЯ ТЎПЛАШНИНГ ЭМПИРИК МЕТОДЛАРИ

1. Суров методи.

Ушбу методни ишлаб чиқиш XVIII асрда бошланиб кетган эди. Ҳозирги вақтда бу метод кенг тарқалган ва кўп қўлланиладиган метод ҳисобланади. Сўров методининг қуйидаги турларини кўрсатишимиз мумкин.

1. Анкеталаштириш ёзма шаклдаги сўров бўлиб, техникасига кўра, тарқатиладиган (анкета тадқиқотчи томонидан тарқатилади ва йиғиб олинади) матбуот орқали (анкетани газета ва журналларда чоп эттириш), телефон ёки телескоп орқали, яъни техник воситалари билан (телевизор ёки телефонга оид қўшимча сифатида) амалга ошириладиган Сўров туридир.

2. Суҳбатлашиш (Интервью) — суҳбат ўтказувчиларни (интервьюср) бир қанчасини талаб қилувчи, оғзаки Сўров туридир. Бу Сўров клиник (респондентнинг субъектив дунёсини самимийлиги) бир нуқтага қаратилган (ўрганиш учун бир асосий саволни ажратиб олиш) Сўровларга бўлинади.

3. Социометрик Сўров — гуруҳдаги шахслараро муносабатларнинг яхши кўриш, ёқтирмаслик, дўстлик, адоват, қисмат ва бошқа жиҳатларини ўрганишга қаратилган. Америкалик социал психолог Ж. Морено томонидан ушбу Сўров методи ишлаб чиқилган. Бу метод гуруҳ тўпланишига зарурат туғилганда,

лидерни аниқлашда, коллективда психологик климатни аниқлашда ва бошқа йўлларда қўлланилади.

4. Тест ўтказиш Сўров — махсус қайта ишланган воситалар схема, расмлар, таклифлар, саволлар ёрдамида шахсий сифат ва қобилиятларни намоён бўлишини аниқлайди. Тестлар тематик, бирикмалари (ассоциатив) интеллектуал қобилиятларни аниқлайдиган, таклифларни якунлайдиган турларга бўлинади.

5. Эксперт Сўров. Бу метод экспертларга, яъни мутахассисларга ён беради. Булар, асосан муаммо билан шуғулланувчи мутахассислар ёки жавобгар шахслардир. Бунда Сўралаётганларнинг қизиқишлари эътиборга олиниши керак.

6. Панель Сўровлар — кишиларнинг доимий доирасига мўлжалланган Сўров бўлиб, ташкилотлардаги бошқариш услубидаги маълум ўзгаришларга уларгача ва улардан кейин киритиладиган Сўров туридир. Бу метод гуруҳларнинг фақат бир белгисига кўра бир-бирини таққослаш ва фарқлаш, яъни процессининг сабаб ва оқибат анализларини ўрганиш мақсадида қўлланилади. Кўпинча Сўровнинг бу тури экспериментал тадқиқотларга қўшимча равишда киритилади.

7. Яхлит Сўровлар — демографик процессларни, жамоатчилик фикрини, аҳолини рўйхатга олишни ўрганишда қўлланилади. Яхлит Сўровлар барча аҳолини ёки муаммо билан боғлиқ бўлган бош мажмуаларнинг Сўровини ўзида акс эттиради.

Ушбу Сўровларнинг ҳар бири махсус хусусиятларга эга бўлиб, ўтказиладиган тадқиқот техник муаммосини, информациянинг аниқлигини ўз-ўзича ҳал қилади. Уларни ўзаро бирлаштирадиган восита бу — анкета. Сўровнинг барча турлари асосида анкета ёки савол варақаси ётади.

Анкета — эмпирик маълумот олиш учун тадқиқотнинг умумий концепцияси ва йўналиши билан ўзаро алоқадорликда бўлган, киритилган гипотезани текширишга лаёқатли бўлган саволлар системасининг ифодаланишидир. Анкета ташкил топишининг ва саволлар тузилишининг бош мезони бу — тушунмоқликдир, яъни саволларни алоҳида изоҳламоққа интилишдир.

Саволлар объектига кўра: фактларга, фикрларга ва ҳаракатларга; шаклига кўра: тўғридан-тўғри, четдан, очиқ ва ёпиқ бўлади (очиқ саволлар, жавобни эркин шаклда бўлишини таъминлайди, ёпиқ саволлар текширилган ва респондентнинг томонидан танланган бўлиб, унинг фикрига мос келиши керак); функциясига кўра: психологик (активликни, иштирок этишни, ишочни кучайтирмоқ мақсадида), бўлинувчи (диққатни бўлиниши учун, бир гуруҳни иккинчи гуруҳдан ажратмоқ учун), назоратланган (асосий саволларни жавобини текшириш учун, хотирани тиклаш учун, савол-тузоқ, яъни чиқиб кетолмайдиган савол бериш) турларга бўлинади.

Савол-Сўров методининг асосий инструменти ҳисобланади. Савол — бу анкета ёки бланкга тадқиқотчининг фикри жойлаштирилиб респондентга йўлланган бўлади ва ундан жавобнинг у ёки бу томонини талаб қилади. Социологик тадқиқотда саволларнинг бир қанча концепциялари мавжуд. Масалан, тест концепцияси шахснинг белгилари ёки унинг қобилиятларини аниқлашда саволнинг алоҳида элементини эмас, балки бир қанча элементларни акс эттиради. Бунда Сўровнинг натижалари баҳоланади, алоҳида саволларга жавоблар аҳамият касб этмайди ва кўп жавобларнинг элементи сифатида анализ қилинади. Саволнинг бу тури кам қўлланилади.

Саволнинг бир мунча анъанавий тури информацион концепциядир. Унинг ҳар бир саволи воқеликни ягона семантик информация билан таъминлайди. Бу кўриниши тез-тез қўлланилганлиги сабабли, социолог иккита масалани ҳал қилади:

а) тадқиқот бирлигини ўрганишни қўллайди:

б) ҳар бир бирликдан информация тўплаш учун қандай савол бериш керак.

Саволнинг учинчи концепцияси, индикатор концепция бўлиб, анкета ишлаб чиқишда ва аниқ маълумот олишда мақсадга йўналтирилган натижалар беради. Шундан кейин саволлар концепцияси аниқлаб олингач, социолог ҳар бир саволни ишлаб чиқишга киришади. Бунинг учун қуйидагиларни назарда тутиш керак: фактлар тўғрисидаги саволлар енгил формулировка ва анализ қилиниб, респондентга қийинликлар туғдирмаслиги керак. (Сиз транспорт воситасидан фойдаланасизми? Олий маълумотлимисиз? ва х. к.). Фикрлар, нигоҳлар, сабаб (мотив)лар тўғрисидаги саволлар қийинчиликлар туғдирилиши мумкин. Булар қийин формулировка қилиниб аниқ жавоблар олиш учун қўшимча кучлар талаб қилади. Таниқли немис тадқиқотчиси Э. Ноэль қуйидагича мисол келтиради: Жанубий Германияда нима учун маълум маркадаги телевизорларни кам сотиб олишларини ўрганиш учун камида 70 та савол бериш керак, шу билан биргаликда бу саволлар нафақат ушбу худудда, балки бошқа худудларда ҳам таққослаш учун тарқатилиши керак.

Олинган информацияни назорат қилиш учун назорат саволлар тайёрланади, улар маъносига кўра асосий тадқиқот саволларига ўхшаш тасаввур қолдиради, лекин биринчи кўринишни аниқлайдиган бирмунча бекитилган формада бўлади. Назорат саволлар четдан берилади. Шуни таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри берилган саволлар салбий муносабатларни келтириб чиқаради, агарда асосан «нима учун» деган савол билан бошланса. Шунинг учун социологлар «нима учун» деган савол билан тадқиқот бошлашни тавсия этишмайди ва четдан савол бериш

формасини ишлатишни таъкидлайдилар (Марҳамат қилиб айтинг, Сизнинг фикрингизга нисбатан...?).

Социологнинг анкета тузишда яна тўқнаш келадиган бошқа бир муаммоси бу — стандартлаштириш бўлади. Стандартлашган Сўров — оммавий Сўровларда керакли бўлиб, бир хиллиликка, терминологикка, моҳиятга келтиришдир. Стандартлаштириш натижаларни таққослашга имкон яратиб, маълумотларни қайта ишлашни енгиллаштиради. Стандартлашган Сўров ёпиқ саволларни қўллашни имкони баланд эканлигини таҳмин қилади, яъни анкетада жавоб бор бўлган саволларни, респондент, ўз фикрига (вариант) мос келганини танлайди. Стандартлашган Сўровнинг камчилиги бу — индивидуал хоссасининг етарли бўлмаганини ҳисобга олиш, кўрилаётган саволларга субъектив муносабатда бўлиш ташкил этади. Ғачонки кишиларнинг субъектив дунёсига чуқур кириб борилар экан, бунда стандарт бўлмаган Сўров қўлланилади. Саволлар очиқ формада формулировка қилинади ва ҳар бир анкета информациянинг алоҳида бирлиги сифатида олиб қаралади. Стандартлашнинг даражаси муаммо ва тадқиқот мақсадидан қатъий назар тадқиқотчи томонидан белгиланади.

Сўров методида асосий томонлардан бири бу тушунтириш муаммоси ёки интерпретация асосий томонлардан бири ҳисобланади. Саволларни тузилиши — бунда концепция тушунчасининг терминларини Сўралувчи таржима қилишдан иборат. Саволлар асосан, Сўралувчининг позициясидан, унинг ҳаёт фаолияти даражасидан келиб чиқиб тузилади. Бу тилнинг ўзига хос хусусиятининг ҳисобини, респондентнинг конкрет тафаккурини, психологик хусусиятларини (алоҳида шахсий саволларда, фойдада ва бошқаларда салбий реакция бериш), маълумот даражаси (чуқур билимга эгалик), диний ёки сиёсий характердан қўрқиш ва бошқаларни фараз қилади. Саволлар қисқа ва аниқ, икки хил тушунишга йўл қўймайдиган, имкониятига кўра бир хил маъноли формулировка қилиш керак. Тушунтириш муаммоси нафақат анкетани қайта ишлашда, балки тадқиқотчи томонидан информацияни анализ қилиш жараёнида ҳам ишлатилади. Бундай йўлда, у тадқиқотчининг маҳорати ва тадқиқот аппаратининг қайта ишланган даражасига боғлиқ бўлади.

Энди анкетанинг умумий композициясига тўхталиб ўтамиз, бунда анкетанинг жойлашиши ва унинг кетма-кетлиги ўрин олган. Эмпирик тадқиқотлар практикасида мақсадга мувофиқлашган кетма-кетлик анкетасининг мазмунига кўра тарқатиш мураккабдир. Анкета ҳар доим Сўралаётган шахсга мурожаатдан бошланади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

а) қандай ташкилот, бошқарма Сўров ўтказяпти;

б) умумий йўлларда тадқиқотнинг мақсади тушунтирилади ва натижалар қандай қўлланиши, тадқиқотда респондент иштирокининг шахсий аҳамияти кўрсатилади;

в) жавобларнинг яширинча бўлиши анонимлик кафолатланади.

Булардан кейин анкетани тўлатиш қоидалари ва қайтариб бериш усули келади. Мурожаат ва қоидалар, одатда анкетанинг ташқи томони, яъни муқовасига жойлаштирилади. Кейин бошқа варақаларга саволлар жойлаштирилади.

Анкета мураккаб вазиятда эмас, балки оддий саволлар билан бошланади. Бу саволларга фактлар, эгаллаб турган даражаси (лавозими), шуғулланадиган иши ва ў.к.лар киради. Ундан кейин анкетанинг марказий қисмида маъносига кўра асосий бўлган саволлар жойлаштирилади. Улар белгиланган мантиқий изчиллиги, кўрилаётган дастури назорат саволлари билан алмашиниб туради. Асосий қисмнинг иккинчи бўлагида бир мунча мураккаб ва қалтис масалалар жойлаштирилади. Социологик тадқиқот практикасининг кўрсатишича, анкета саволларининг катта қисмини тўлдиргач, респондент ишни охирига етказишга психологик жиҳатдан тайёр бўлади. Анкетанинг Сўнги қисмида, кўпинча бу паспорт қисми деб ҳам юритилади, шахснинг объектив аҳволи ва статуси кўрсатилган саволлар жой олади (жинси, ёши, оилавий аҳволи).

Сўров ўтказиш вақтида социолог яна тадқиқот ўтказишнинг техникасини аниқлайди; тарқатиладиган, матбуот орқали, почта орқали, телефон орқали. Шуни айтиш мумкинки, тарқатиладиган Сўров бошқа Сўровларга нисбатан бирмунча эффективдир, бунда социолог гуруҳга келиб, анкетани тарқатади ва бирмунча вақтдан кейин уни йиғиб олади. Бунда респондентларни 100% Сўровга жалб этиш мумкинлиги кутилади, матбуот йўли билан ўтказиладиган Сўровда, анкетани йиғиб олиш 5% ташкил этиши мумкин.

Сўров ўтказишда «нейтрал худуд» танланади, яъни раҳбар ходимнинг кабинети эмас, интервью иложи борича бир хил ёндошиш турли жинсдаги кишилар орасида дўстона, хотиржамлик, яхши кайфият билан ўтказилиши керак. Тадқиқотни хохловчилар орасида эмас, танлаб олинганлар орасида ўтказиш керак.

2. Хужжатларни ўрганиш методи

Бу метод социологияда кенг тарқалгандир. Социологияда ҳужжатлар деганда нимани тушунасиз? Социологияда ҳужжатлар деганда текстлардаги босма ва қўлёзма шаклида ёзилган информацияларни, магнит лентасига, фото ва кинопленкаларга

ёзилган информацияларни тушунамиз. Хужжатлар бир неча асосларга бўлинади: информациянинг қўлёзма, босма, кино, фото, магнитофон ленталарига ёзиш шакллари қайд этилади; гавдалантириш, яъни жонлаштириш даражасига кўра шахсий ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлмаган бўлади; статус даражасига кўра расмий ва норасмий бўлиб, ўзига хос гуруҳларни оммавий ахборот воситаларининг (рўзнома, журнал, радио, телевидение) кўп сонли материаллари ташкил этади.

Ўужжатли манбаларнинг кўринишлари, белгилари, мақсадлари, тадқиқот текстлар, информациялар, маълумотларни анализ қилиш усулларини аниқлайди. Статистик хужжатлар, гувоҳномалар, протоколлар, ҳисобга олиш маълумотлари, статистик тенденция ва алоқаларни аниқлашнинг умумлашган кўрсатмаларини олиш мақсадида ўрганилади. Шахсий хужжатлар: автобиография, хотираномалар, хат, процессларнинг субъектив томонини тадқиқ қилиш учун шахсий ишлар, фикрлар, қадриятлар, шахсий сифатлар киради. Ижтимоий информацияни ташкил қилувчи оммавий ахборот воситаларининг текстлари контент-анализни келтириб чиқаради. Шундан келиб чиқиб, хужжатларни ўрганиш методини қуйидагиларга бўлиш мумкин:

1 статистик.

2 автобиографик.

3 контент-анализ.

Статистик тадқиқотга мисол қилиб, қандай қилиб умумдавлат (земской) статистика хужжатларининг анализ қилинганлигини мисол қилиб олишимиз мумкин.

Хужжатларни ўрганишнинг автобиографик методини Ф. Знанецкий ишлаб чиққан. Социологияни у ижтиоий фан деб ҳисоблаб, ижтимоий процессларнинг спецификасини ташкил этувчи «инсон коэффициенти»га катта аҳамият берди. Бу инсон коэффицентлари (сезги, тафаккур) автобиографияда, шахсий хатларда, хотираномаларда, қонунларда, санъат асарларида пайдо бўлади. Социология ушбу ҳужжатларни психология нуқтаи назаридан эмас, ижтимоий шароитдан, ижтимоий муҳитдан келиб чиқиб, шахсий сифатлар билан алоқадорликда ўрганади. Баъзан айтиладики, ҳужжатларнинг бундай кўриниши, информациянинг ишончли манбаси эмасдир, чунки автор ҳеч қандай маълумот тўпламай, қандайдир фактларни айтиши мумкин, дейилади. Знанецкий бу тўғрисида ишонч билан информациянинг сифати, анализнинг қай услубда эканлигига боғлиқлигидадир, деб таъкидлайди.

Социологиянинг вазифаси шундаки, авторнинг биографияси ёки хотираномасидаги барча таъкидларга ишонч билдириш учун, ва турли ёзилган фактларга унинг муносабати орқали ўтилади, унинг муҳитни қўйиб берган баҳоси, муҳитнинг шахсий белгилари

социолог орқали баҳоланади. Социолог ҳужжатларни кенг контекстини (ҳужжатнинг тугалланган парчаси) кўриб чиқиб ўрганади. Шунинг учун ҳужжатларнинг бундай тури социологга, тарихчига нисбатан қимматбаҳо материал ҳисобланади. Шахсий ҳужжатларни анализ қилиш вақтида социолог қуйидаги информацияларни баён қилади.

а) автобиография ёзилган муҳитни.

б) автор томонидан фактларни, ҳодисаларни, унга бўлган муносабатни, баҳоларни қабул қилиниши.

в) ушбу давр вақтида авторнинг ҳоҳишлари, мақсадлари.

г) текстда нималар айтилмаган ва бекитилган.

д) авторнинг шахсий сифатлари ва бошқалар.

Ўужжатларнинг анализ қилишни учинчи хусусияти контент-анализ бўлиб, у формаллашган миқдорий ёндошувдир. Юқорида баён қилинган ҳужжатларни анализ қилишнинг камчилиги натижаларнинг тадқиқотчининг тайёргарлик даражаси ва фикрларига тобелиги ҳисобланади. Шунинг учун субъектив таъсирлардан қочиш учун, ҳужжатларни ўрганишнинг формаллащган, миқдорий томонини кўрсатувчи контент-анализ методи ишлаб чиқилади. Контент-анализ термини мазмун маъносини англатади. Америкалик социолог Р. Холсти бундай дейди: «Бу метод, маълум маълумотларни характеристикасини объектив ва систематик асосида ўрганиб, бир қанча хулосалар келтириб чиқаради».

Контент-анализнинг моҳияти шундаки, у ўрганилаётган белгиларни махсус кодлар системаси ёрдамда текст маълумотларни (ёки унинг таркибидаги информацияни) илмий категорияга ўтказади, шундай қилиб миқдорий анализ вужудга келиши мумкин. Бу методнинг моҳияти шундаки, ҳужжатлар текстдан мазмунли тушунчалар ажралиб чиқади. Бу метод формаллашган метод дейилади, чунки контент-анализда асосий диққат текстлар мазмунини, ифода тарзини формасига кўра, категориясига кўра, информациянинг ҳажмига кўра классификация ва кодировка қилишга қаратилади.

Контент-анализнинг барча техникаси бирор натижа чиқариш учун қуйидагиларга бўлинади:

1) Анализ бирлигининг тақсимланиши.

2) Текст индикаторидан уларни изламоқ.

3) Статистик ишлов бериш.

Контент-анализнинг асосий инструментарийси-кодификатор, яъни код бланкасидир. Масалан, Россия Академияси бошқармасининг хатига кўра миллатлараро муносабатларни ва

конфликтларни тадқиқот қилишда кодификатор 4 та сермазмун-тематик блокка эга эди, булар:

1. социал-демографик.
2. хатнинг характери.
3. ватандошлари кутаётган ёрдам.

ҳар бир блок кўпгина белгиларни намоён қилган эдилар. Масалан: социал-демографик блок 5 та белгини, яшаш жойи, ёши, қайси миллатга мансублиги, иш фаолияти ва бошқалар. Жами 130 та белги бор бўлиб, ҳар белги ўз кодига эга эди.

Категориялаштириш муаммоси турлича ҳал қилинади. Лассуэлл иккинчи жаҳон урушида тарғиботни ўрганиб душманнинг мақсадини аниқлаш учун 4 ўлчовли классификацияни қабул қилди. Информацияни «ўзим учун», «ўзимга қарши», «душман учун», «душманга қарши», классификацияларга тақсимланди. Натижада қуйидаги кодировка ташкил топди pro-X; pro-Y; contra-Y. Эстониялик социологлар томонидан маҳаллий матбуотни эффектив томонларини ўрганилиши натижасида, текстнинг тақсимланиши билан боғлиқ бўлган материалнинг ўз классификацияси ишлаб чиқилди, булар: а) билимлар берувчи информация б) норматив мулоҳазалар, в) қимматли мулоҳазалар. Хўш, бу категоризация юқорида келтирилган категориялаштиришга нисбатан умумий характер касб этади.

Ўужжатларни ўрганиш методини ўтказиш техникаси ўзида қуйдаги этапларни намоён қилади:

1. Белгиларни, тушунчаларни, категорияларни аниқлаб текстни анализ қилиш (дастур бўйича).

2. Бу категорияларнинг текст билан ўзаро нисбатини аниқлаш, текст мариалини ягона параметрга, ўлчов — кодификация бирлиги келтириш.

3. Миқдорий анализ: категориялар бўйича ҳисоб-китоб, пропорционал ўзаро нисбат, ҳар хил характеристикаларни бирикмаси ва хулосаларни аниқ ифода қилиш.

4. Контекст (нутқ ёки асарнинг тугалланган парчаси) концепциясини шарҳлаб (интерпретация) хулоса қилиш.

СОЦИАЛ ЭКСПЕРИМЕНТ

Социал сохадаги илк экспериментлар XIX асрдан ўз тарих сахифаларини бошлайдилар. Социал экспериментлар ўтказиш зарурлиги ҳақида П. Лаплас ва Рж. Ст. Миль биринчи бўлиб гапирган эдилар. Социолист-утопистлар Р. Оуэн, Ш. Фурье ўзларининг коммунистик қурилиши лойиҳаларини

экспериментлар асосида яратган эдилар. Эмпирик социологияда экспериментлар кенг миқёсда АКШда, XX асрнинг бошларида қўллана бошланди. Муҳандис Ф. Тейлор ишчиларнинг ишлаб чиқариш жараёнида ва унинг жадаллаштириш зарурият шароитдаги жисмоний ва руҳий имкониятларни аниқлаш учун эксперимент типларининг комплексини ишлаб чиқди. Экспериментларни бошқа тадқиқотчилар — С. Додд, Ф. С. Чепин, Э. Мэйолар ҳам ўтказганлар.

Экспериментнинг ўзи нима? эксперимент тадқиқотнинг шундай методини, унинг жараёнида биз шундай шароитни яратамиз ёки бўлмаса излаб топамизки, унинг ёрдамида бизни қизиқтирадиган ходисалар алоқаси намоён бўлади. Социал экспериментнинг структураси ўзида қуйидагиларни мужассамлаштирган: объект, субъект (методика, эксперимент ҳолат, қайд қилиш воситалари), моддий ва социал шароит (экспериментини амалга ошириш учун), ўтказилган экспериментнинг натижалари.

Гипотезалар асосида объектни танлаш алоҳида оширилади, экспериментал ва назорат гуруҳлари ташкил қилинади, эксперимептал холат вужудга келтирилади, бирор-бир омилни, сабабни киритишлик йўли орқали натижаларни ўлчаш ва таҳлил қилиш амалга оширилади.

Экспериментнинг асосий мақсади — бу гипотезани исботлаш ёки инкор қилишликдир.

Турли хилдаги социал экспериментларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Москва Давлат Университети профессори А. П. Куприян шундай асосни системалаштирдики, у орқали социал экспериментларни турларга ажратиш мумкин: 1. Экспериментдаги масаланинг хусусиятига мувофиқ (илмий-тадқиқот, амалий). 2. Эксперимент структураси бўйича фаолият сифатида (лойихавий, экс-пост-факто). 3. Экспериментал холат бўйича (дала, лабораторияли). 4. Гипотеза исботини мантиқий структураси бўйича (параллел ва узлукли). 5. Тадқиқ қилинаётган объект характерига мувофиқ (иқтисодий, педагогик, социал-сиёсий).

Кейинги йилларда эксперимент ўтказиш амалиётига моделлаштириш ва ЭХМни қўллаш кириб бормоқда. Экспериментни фаолият сифатида турларини тўлиқроқ ҳолда С. А. Яцкевич аниқлаган 4 қуйидаги турларни ажратиб кўрсатади:

1. Номодель эксперимент.
2. Табиий модел эксперименти.
3. Экс-пост-факто.
4. Имитация эксперименти; (экспериментал ўйинлар).

5. Кибернетик эксперимент.

6. Тафаккурли социал эксперимент.

Социологик тадқиқотлар амалиётида кенг қўлланиладиган 3 та турдаги экспериментларни тўлиқроқ ҳолда кўриб чиқамиз:

1. Ягона ажратиш методи;

2. Назорат гуруҳи методи;

3. Экс-пост-факто.

1. Ягона ажратиш методи.

Маълум бир фаолият кўрсатаётган система инсон гуруҳи ишлаб чиқариш жараёнида ўрганилаяпти. Унинг фаолият натижалари маълум, ўрганилган. Бу системага қандайдир ўзгаришлар киритади, масалан меҳнатга янгича ҳақ тўлаш системаси.

Худди шу гуруҳдаги ўзгариш киритилмаган олдинги ва кейинги ҳолатларни таққослаш йўли туфайли маълум бир хулоса чиқарилади.

Гипотезани шундай исботлаш ёки инкор қилишлик худди шу системани турли вақтда таққослашга асосланади. Бунда шуни назарда тутиш керакки, объект ўзида маълум бир ўзгаришларни мужассамлаштиради. Худди шу сабабли айрим холларда бу натижалар биз томондан киритилган ўзгаришнинг оқибатини ёки бошқа сабаблар оқибатининг, уларни аниқлаш мураккабдир.

Назарий гуруҳ методи.

Гипотезанинг исботлашни қатъий маънода кўринишини бу экспериментни эксперименталь ва назорат гуруҳлари схемасида ташкил қилишдир. Бундай шароитда 2 та гуруҳ ишлаб чиқилади ва ташкил этилади, улар кўринишларни алоқаларини тадқиқ этилиши учун моҳиятан максимал равишда бир хил бўлишлари керак.

Масалан, агарда қишлоқ хўжалик ишларини нарядсиз системани ташкил қилиш шароитларини текширилса, унда уни текшириш учун шундай 2 та совхозларни топиш керакки, улар қишлоқ хўжалиги учун асосий кўринишлари бўйича бир хил бўлишлар: бир хил иқлим ва тупроқ шароитлари, бир хилдаги техник таълимот, агрономларнинг квалификацияси ва ҳокозолар. Ягона фарқ шундай бўлиши керакки, қачонки бу танлаб олинган совхозларнинг бирида шунинг янги системаси жорий этилади, қолганида эса ўз ҳолича эски система қолади. Биринчи совхоз — бу экспериментал гуруҳ, иккинчиси эса назорат гуруҳи.

Маълум бир вақт давомида экспериментал ва назорат гуруҳларидаги ўзгаришлар қайд қилиниб борилади, дастлабки ҳолат, унинг турли хил ўзгаришлари ва объектнинг охирги ҳолати

қайд қилинади. Агарда экспериментал ниҳоясида экспериментал гуруҳда ўзгаришлар назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли равишда юз берган бўлса гипотеза исботланган ҳисобланади. Агарда ўзгаришлар, бир хил бўлса ёки экспериментал гуруҳдаги ўзгариш сезиларли бўлмаса унда гипотеза исботланмаган ва инкор қилинган бўлади.

3. Экс-пост-факто эксперименти.

Социологик тадқиқот амалиётида ундан фойдаланилмайди деса ҳам бўлади. *Лекин унинг анчагина имкониятлари бордир* ва эҳтимол у келажакда кенг кўламда қўлланилади.

Илк бор бу эксперимент америкалик социолог Элен Христиансен томонидан қўлланган. Унинг моҳияти шундан, юқорида тилга олинган эксперимент турларидан фарқли равишда ундан тадқиқотчи томонидан бирор-бир ўзгаришлар киритилмайди. Бундай импульс ёки сабаб олдиндан бўлиб, унинг харакатлари ҳозирча кузатилади.

Ушбу турдаги экспериментик мисол тариқасида кўриб чиқиш мумкин. Христиансен қуйидаги гипотезани текшириб чиқишга қарор қилди: ўқувчилар мактабда қанчалик кўп тайёргарлик олсалар, улар иқтисодий фаолиятга шунчалик муваффақиятлироқ киришиб кетадилар.

1. Маълум тараққиётида 4 та ўрта мактабларнинг барча ўқувчилари ҳақида ўн йилги олдинги маълумотлар олинди. Уларнинг сони 2127 кишини ташкил этади. Улардан 1130 таси 10 синфни, 997 таси мактабни тугатмай 7, 8, 9 синфлардан кетишди.

2. Сермашаққат меҳнат натижасида 1194 таси излаб топилди ва улардан интервью олинди. Улардан 671 таси аттестати борлар, 523 таси аттестати йўқлардир.

3. Улардан 2 та гуруҳ: назорат ва экспериментал гуруҳлар ташкил этилди. Бу гуруҳлар ёши бўйича, социал холати, ўзлаштириш бўйича тенглаштиришдилар.

Бу гуруҳлар фақатгина аттестати бор ёки йўқлиги билан фарқландилар. Бу гуруҳлар асосий кўрсаткичлар бўйича бир-бирларига шунадй таққосландиларки, айниқса бу таққосланиш асосий бўлиб иш ҳақини оширилиши бўлди, сўров асосида шуни аниқландики, назорат гуруҳида маош 58 фоизга ошган, худди шу вақтда экспериментал гуруҳда эса 92 фоизга ошган. 34 фоиздаги фарқ муваффаққиятли фаолиятнинг маълумот даражасига боғлиқлиги ҳақидаги дастлабки гипотезанинг етарли исботи бўлиб хизмат қилди.

Шундай қилиб биз социологик тадқиқотлар методларининг структураси қоидалари ва турларини: сўров, ҳужжатларни ўрганиш ва экспериментлари, бунинг натижасида қуйидаги хулосаларни қилишимиз мумкин.

Тадқиқотларда у ёки бу методнинг мазмуни, структураси ва танлови тадқиқотнинг мақсади, вазифаси ва гипотезаси билан белгиланади. Бу методларни ишлаб чиқишликда батафсил ва сермашаққат меҳнатни назарда тутади.

Методдан фойдаланишнинг асосий вазифаси — бу тадқиқот гипотезасини ёки инкор этиш учун эмпирик материалларни тўплашдир. Социологик тадқиқотнинг охирги процедураси — бу эмпирик тадқиқотлар методи туфайли олинган маълумотларни олиш ва қайта ишлашдир.

3. СОЦИОЛОГИК МОНИТОРИНГ

1. Мониторинг тушунчаси

1. Социологик мониторинг тушунчаси.
2. Мониторинг тадқиқотларни ҳолати ва ишланганлик даражаси.
3. Олий ва ўрта-махсус таълим мониторинги тизимининг умумий масалалари.

Бозор иқтисодиётига аввалроқ ўтган индустриал ривожланган давлатларда инсон омилларига катта эътибор берилади. Давлат, тадбиркорлар, ва аҳолини кенг қатлами инсонга ажратиладиган инвестиция капитални энг кўп фойда ва самара бериш йўлидир. Буни АКШ, Канада, Буюк Британия, ГФР, Сингапур, Япония, Тайванда ўтказилган кўпгина социологик тадқиқотлар тасдиқлайди.

Бу тадқиқотларда аввало инсонга ажратиладиган инвестицияларни иқтисодий самарасига кўпроқ эътибор берилади, чунки инсон омили нафақат иқтисодий самарасига кўпроқ эътибор берилади, чунки инсон омили нафақат иқтисодий, балки сиёсий, маданий, умумбашарий аҳамиятга эгадир.

Замон талабларида инсон биосферавий жараёнларда қатнашиб, коинот қаърига тобора чуқурроқ кириб бориб, коинот масштабидаги омилга айланади. Инсон келажакка, нафақат ўзига балки бутун Ердаги ҳаёт учун жавобгардир. Шунинг учун, инсон табиатини, маънавиятини ҳаётий қийматини ўзгаришидан сайёрамизни кейинги эволюцион ҳаётига таъсири бор.

Инсон барча иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, биосферик жараёнларни бошида туради. У моддий ва интеллектуал хизматларни бажарувчиси ва истеъмолчисидир.

Инсонни таъсирини сифати ва миқдорини ўсиши, уни талабини ҳаёт даражасини, маънавияти, ижтимоий ва ҳуқуқий ўрни, динамика ва ижтимоий жараёнларни фундаментал тадқиқ этиш инсон феноменига диққатни адекват ўсишини талаб қилади.

Инсон маънавиятини шаклланиши ва ривожланиши базиси — бу билиш, шунинг учун жамият интеллектуал потенциалини такомиллаштирувчи билим масканларини ривожлантириш замонни долзарб масаласи ҳисобланади. Ҳозирги бозор иқтисодиётида инсонни билими ва қобилияти рақобатбардошликни, иқтисодий ўсишни, меҳнат унумдорлигини ва самарали бошқаришни асосий омилидир. Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари юқори технология ва инсон капитали ёрдамида қисқа муддат ичида юксак иқтисодий ўсишга эришдилар.

Шунинг учун ёш мустақил Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни тез ижро этилиши таълим тизими ривожланишига ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида диққат қилинишини талаб қилади. Бу талаб юксак интеллектуал потенциалга эга инсон ўзгарувчан бозор иқтисодиётига тезроқ мослаша олгани учун яна долзарбдир.

Мутахассисни тайёрлаш ва таълим беришнинг самарасини ошириш иқтисодий, технологик, ижтимоий, ҳуқуқий омиллар мажмуасини талаб қилади.

Кўп йиллик тадқиқотларни кўрсатишича, бош омиллардан бири ижтимоий омилдир. Бу омиллар социология фанини махсус қисми томонидан ўрганилиб, «таълим социологияси» деб номланади. Ҳозирги вақтда таълим социологияси Ўзбекистонда бу соҳадаги ижтимоий масалаларни услубий асосини шаклланиш босқичидадир.

Ижтимоий жараёнлар бошқарувини мукаммалашуви ҳозирги шароитларда таълим тизими ахборотларни қайта ишлаб таҳлил қилиб, йиғиш тизимини яъни «социологик мониторинг»ни яратишни талаб қилади.

Бу тизим профессор-муаллимлик таркибини, талаба ёшлар, ҳисоблаш математикасини, замонавий ҳисоблаш техникасини ва ижтимоий масалаларни ҳал қила олиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда яратилади.

Мониторинг — бу социологик тадқиқотларни ўтказиш социологик жараёнлар ҳақидаги ахборотларни доимий фойдаланишни таъминловчи тизимдир. Социологик амалиётга

бу тушунча экологиядан кириб келди. Экологик тадқиқотларда у атроф-муҳитни узлуксиз назорат қилишни билдиради.

Социологик мониторинг бошқарув жараёнини социологик таъминотини сезиларли яхшилайди.

Социологик тадқиқотлар уюштирилганда одатда ижтимоий муҳит ҳолатини акс эттирувчи зарурроқ кўрсаткичлар аниқланади. Сўнгра такрорий тадқиқотлар усули билан меъёрий ва асосий кўрсаткичлардан фойдаланилган ҳолда узлуксиз равишда динамикада ахборотни йиғиб таҳлил қилишни таъминлайдиган социологик ўлчовлар олиб борилади.

Тадқиқ қилинаётган ташкилотни бу хос кўриниши нафақат жамиятни ва кузатилаётган объектни турли ҳаёти ҳақида оний ахборот олишни яна жамият жараёнлари муносабатларини ва қонуниятини очиб ҳам беради.

2. Мониторинг тадқиқотларни ҳолати ва ишлатганлик даражаси

Воқеаларни ривожланиш муносабати доимий назоратда ва объектни зарур параметрлари ўзгартирилганда, катта ахборот жадвали тўпланганда ката мониторинг турига кўра илмий тадқиқотларга талаб юзага келади. Бундай мониторинг тизимларга аввал метеорология ва сейсмологияда дуч келинди.

Ҳозирги вақтда бундай тизимлар статистика, банк иши, биржа, космонавтика, мудофаа, ишлаб чиқаришда кенг кўламда қўлланилмоқда. Социологияга мониторинг тадқиқотлар услубиёти ва амалиёти экологиядан ўтди. Динамиканинг мониторинг тадқиқотларида ва экологик ҳолатларда сифат ва миқдорий кўрсаткичлар устида кузатишлар олиб борилди. Бунда тизимларни барча компонентлари ҳақида маълумотлар жамламаси яратилди. Бизнинг республикамизда бундай тадқиқотлар Оролбўйи минтақасидаги экологик муаммолар муносабати билан 90-йилларни бошларида катта кўламда олиб борилди. Катта ҳажмдаги маълумотлар жамланмаси йиғилди.

Социологик Тадқиқотлар Маркази ҳам 1989—92 йилларда Оролбўйи экологик танглиги оқибатларини ўрганишда қатнашди.

Мониторинг яратишдаги ишлар қўлланилмаган бўлсада, мониторинг ўлчовлар яратиш ғоялари айнан фундаментал социологик тадқиқотлар олиб борилаётганда пайдо бўлди.

Социологик тадқиқотларга мониторинг тури бўйича жамоат фикрини динамик ўрганиш ҳам кирди. Мониторинг қўлловчи Геллап Институти ҳисобланади. Россия Федерациясида ҳам асосан мониторинг тури қўлланилмоқда. Россияда социологик

тадқиқотларни координацион маркази акад. Т. И. Заславская бошчилигидаги Россия Социология Маркази саналади. 1994 йилдан бери Москвада турли ижтимоий муаммолар бўйича натижалар эълон қилинувчи «Мониторинг ахборот бюллетень»ни нашр қилиб келинмоқда.

Баъзи ривожланган давлатларда ва МДҲда таълим соҳаларида мониторингни яратиш ва қўллаш бўйича қизиқ натижалар олинди.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам мустақил бўлганимиздан сўнг социологик мониторинг яратиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Хусусан ТошДУ социологик маркази ва Олий таълим вазирлиги томонидан Олий таълим мониторингини услубий асосини яратиш йўлида ишлар олиб борилди.

3. Олий ва ўрта-махсус таълим мониторинги тизимини умумий масалалари.

Олий ва ўрта-махсус таълим мониторинги тизимини умумий масалаларини тизим структура ва функциялари билан мос равишда аниқланади.

Олий таълим тизими қуйидагилардан иборат:

1. Олий Ўқув Юртлари — институтлар ва университетлар.
2. Малакани ошириш институтлари ва факультетлари.
3. Ўрта-махсус ўқув юртлари.
4. Илмий-тадқиқот институтлари.
5. Олий ва ўрта-махсус таълимни Республикаси ва минтақавий бўлимлари.

Олий ва ўрта-махсус таълими қуйидаги функцияларни бажарувчи Мониторинг тизимини ўз ичига олади:

1. Малакали ходимлар билан ижтимоий талабни қондириш.
2. Шахсни тарбиялаш, инсонни мустақил фаолиятга тайёрлаш.
3. Олий таълим алоҳида социал қатлам ҳосил қилиб, жамиятда малакали мутахассисларни юзага келтиради.
4. Олий таълим касбий бандликдан фарқли равишда алоҳида қиймат акс эттиради. Олий таълим ўзига мос ўрин танлашда, социал мақсадларга етишиш шартларини бажаради.
5. Олий таълим шаҳарларда кадрлар салоҳиятини кучайтиришга ёрдам беради.

6. Олий таълим демографик жараёнларга яъни никоҳ, туғилиш, турғунлик ва бошқа ўз таъсирини кўрсатади.

7. Жамиятни интеллектуал потенциалини ишлаб чиқаришга қўллаш функцияси. Олий таълим тизими билим даражаси ва ўрганишга, илмий фаолиятга интилишни ва таълим имкониятларини кенгайишини рағбатлантириш.

8. Иқтисодий ўсишни ва меҳнат унумдорлигини рағбатлантиришни, тез иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, замонавий миллий технологияни яратишни.

Олий ва ўрта-махсус таълим мониторинги тизимини умумий масалалари мониторинг функцияларини самаралик даражасини назорат қилишдир. Бунда асосий эътиборни фонд билан таъминлаш, техник ва моддий қуроллари эҳтиёжини таъминлаш, ўқув жараёнларини самаралилиги ва услубий, илмий адабиёт билан таъминланиш даражасига қаратиш керак.

1995—96 йилларда Социологик Тадқиқотлар Маркази томонидан профессор-ўқитувчилар ва талабаларни ижтимоий ҳолатини тадқиқ этилди. Бу тадқиқот ўқитиш профессор-ўқитувчилар ва талабаларни ижтимоий ҳолатига боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Шунинг учун монитар тадқиқотларни биринчи босқичи сифатида профессор-ўқитувчилар ва талабаларни ижтимоий ҳолатини динамикасини назорати танланди. Махсус тайёрланган дастурлар асосида мамлакатни йирик олий ўқув юртларида аниқ социологик тадқиқотлар ўтказилди.

Олинган маълумотлар ЭҲМда қайта ишланиб, таҳлил қилинди ва ОЎЮ Вазирлиги Илмий Ҳайъатига 1996 йил майда тақдим қилинди. Илмий Ҳайъат томонидан баъзи эътирозлар билан маъқулланди. Илмий ҳисобот ЎЗР и ДФТҚига ҳам тақдим қилинди.


О Ў Ю Ваз
Ректоратлар
Функционал таъминот
Кафедралар
О ва ЎММ
Социо-
логик
Маркази
СОЦИАЛ
ОЎЮ ва ЎМЎЮ
Социологик
Гуруҳи
МОНИТОРИНГ
Вазир-
лар
Маҳка-
маси
Ходимлар
Бўлими
Техник ва маъмурий таъминот
Лаборато-
риялар
Вилоят ҳокимияти

О Ў Ю ва Ў М М Вазирлиги
тизимидаги социал мониторинг
ахборот алоқалари



ХУЛОСА

Социология курси бўйича баён қилинган маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1) Жамиятда яшаб туриб, уни билмаслик — бу катта йўлга тушиб олиб истаган маконини қидириб тополмасликдир. Аммо жамият инсон ҳаётида ва фаолиятида ўрганиши ва илмий билиши лозим бўлган энг мураккаб оғир бўлган объектдир. Жамиятшунослик, жумладан социология фани табиатшунослик фанларидан анча орқада қолмоқда. Лекин жамият фаолияти ва тараққиёти, бошқарув механизмлари, социал прогресснинг истиқболлари ҳақидаги қонунлар тан олиниши ва уларни билиш талаб этилади. XXI асрнинг энг асосий вазифаси жамият тараққиётини чуқурроқ ўрганиб, унинг очилмаган қонунларини очиш ва инсон тараққиётини муқобил тарзда олиб боришни

тақозо қилади. Инсонларни дунё тараққиётига мос равишда тарбиялашда, инсон тафаккурини илмий асосда ва миллий руҳда шаклланишида ва ниҳоят жамият тараққиётининг оптималлашувида социология фанининг ўрни беқиёсдир ва у ҳозирги замон жамиятшунослигида етакчи роль ўйнайди.

Социологик фикрлар минг йиллар илгари маълум бўлса ҳам, у фан сифатида тан олинганлигига юз эллик йилдан ошди. Шу қисқа вақт ичида бу фан инсонларнинг ўз-ўзини билиш, жамият тараққиётининг янги моделини яратишда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Жамият бугун социология ёрдамида ўз-ўзини йўналтириш ва ўз-ўзини тараққий эттириш имкониятига эга бўлмоқда. У ўз тарихи мобайнида ҳар хил ва қарама-қарши дунёқарашларни ҳам талқин қилди. Плюрализм ва дунёқарашлар ўртасидаги курашларни таҳлил ва талқин қилиш ҳозирги замон социологиясининг асосий жиҳатларидандир.

Социологиянинг бу жиҳатлари фандаги битмас туганмас манба бўлиб, фан улар орқали, бойийди ва тараққий этиб боради. Агар умумсоциологик назариялар мажмуасини яратиш мумкин бўлса, у ҳолда ҳозиргача яратилган концепциялар, мактаблар бунга асоо бўла олади.

Социологиянинг диққат марказида шахснинг ўзаро таъсир муаммолари, социал гуруҳлар бир бутун жамият ётади. Айтиш лозимки, бу муаммолар социологиянинг асосий вазифаларини ташкил этади. Уларнинг ўртасидаги муносабатларни ўрганиш, уларнинг ўзаро таъсирини фойдали, яъни гармоник асосда ташкил этиш социологиянинг хизмати ва маҳсули ҳисобланади. Шахсни, яъни оила аъзоларини такомиллаштирмасдан туриб, жамиятни такомиллаштириб бўлмайди. Инсон икки хил: ақлли ва ҳайвонсифат бўлади. Ақлли одамда ижтимоий моҳият биринчи ўринга чиқса, ундан олийжаноб, саҳоватли, одоб-аҳлоқли ва юқори маънавиятли инсон чиқади. Бу одам ижтимоийлашган инсон сифатларини ўзида мужассамлаштириб, тарихан таркиб топган энг эзгу муносабатларнинг тимсолига айланади, муайян жамият жамоа томонидан қабул қилинган кўпчилик эътироф этган одоб-аҳлоқ ва ҳуқуқ мақомлари доирасидагина фаолият йўналишини белгилайди.

Ақлли одам (шахс) зотида ижтимоий моҳиятини биринчи ўринга чиқишида у яшаб, фаолият кўрсатаётган жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, аҳлоқий, мафкуравий ва бошқа муносабатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу

муносабатлар биргаликда инсонни муайян шахс сифатида шаклланиши учун шароит бўлса, унда ақлли одам кўринишида биологик моҳиятни юзага қалқиб чиқиши имконияти юксалади.

а) Ижтимоий аҳамият биринчи ўринга чиқиб олиши учун, ақлли Одам (шахс)нинг ўзига боғлиқ, жиҳатлари ҳам кўп нутқ тили ва мураккаб тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлган бу шахснинг оламни, айниқса ўз-ўзини англашда дунёга қарашнинг таркиб топган муайян системаси катта роль ўйнайди. Муайян дунёқараш, дунёни англаш нуқтаи назаридан ифодаланган ғоялар, дастурлар, аҳлоқ-одоб маромлари ақлли Одам (шахс) ишончига айланса қадрланади, эъзозланади.

Ақлли Одам (шахс)ни шаклланиши ақлли ва адолатли жамиятни шаклланишига олиб келади. Бу вазифани бажаришда социология ва социологларнинг ўрни беқиёсдир.

4) Социологик тадқиқотларни олиб боришда назария билан амалиётни ўзаро чамбарчас боғлиқлигини таъминлаш муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу билан муаммони амалий жиҳатдан тўғри тадқиқ қилиш учун ҳақиқий ҳаёт билан боғлиқлигини таъминлашга, ҳаёлий ва мужмал тасаввурлардан қутилишга, социал ҳаётни программалашга ва амалий тадбир-чораларини яратишга имкон беради. Назария ва амалиёт ўртасидаги оптимал алоқа методларини тўғри ва аниқ ахборотлар тўплашни, ҳар хил қонуниятларни илмий асосда исбот қилишни ва ниҳоят истиқболни кўра билиш ва узоққа мўлжалланган башоратларни аниқ бажарилишини таъминлайди.

5) Тарихий ва ҳозирги вақтдаги кузатилаётган социал тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бўлаётган ижтимоий портлашлар ва кризислар, аномал ҳолатлар жамият тараққиётининг йўлини танлашда жамиятшунослик ва айниқса социология фанларига таянмасдан шу тузилишнинг, қарор қабул қилишнинг ва бошқаришнинг оқибатидир. Социал сиёсат ва социал амалиётга ва улар томонидан яралган илмий чора-тадбирларга амал қилмаслик жамиятни оғир аҳволда қолдиришни исбот талаб қилмайдиган жараёнидир. Бунга дунё миқёсида мисоллар жуда кўп.

Кризислардан қутулишликнинг ва ривожланишнинг асосий йўли жамиятшуносликни, жумладан социологияни такомиллаштириш, уни сиёсат ва амалиёт ҳаёт билан боғлашдир.

Ушбу китобдан мақсад ҳам, китобхонларга шу муаммоларни ўргатиш, ҳамда ечишда уларни сафарбар қилишдан иборатдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. *И. А. Каримов.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркамоллик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.

2. *И. А. Каримов.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.

3. *Алиқориев Н. С.* ва бошқалар. Олий ўқув юртлари профессор ўқитувчилари фаолиятини ривожлантириш бўйича тавсиялар. Таълим муаммолари, илмий-услубий ютуқлар ва илғор тажрибалар. Т., 3–6, 1997.

4. *Алиқориев Н. С.* Социология ва таълим тараққиёти. Таълим муаммолари, илмий-услубий ютуқлар ва илғор тажрибалар. Т, 2, 1998.

5. *Алиқориев Н. С.* Управление занятостью и трудовыми ресурсами в региональных системах. Т., «Фан», 1991.

6. *Алиқориев Н. С.* Моделирование социальных процессов. Т., «Фан», 1979.

7. *Аитов Н. А.* Социология труда. Алма-Ата, 1996.

8. *Алексеев Н. И.* Экономический эксперимент: социальные аспекты. М., «Наука», 1987.

9. Американская социологическая мысль. М., 1991.

10. Американская социологическая мысль. Тексты/Под ред. В. И. Добренькова. М., 1994.

11. *Андреева Г. М.* К вопросу об отношениях между микро и макросоциологией. М., Издательство МГУ, 1970.

12. *Андреев Ю. М., Коржевская Н. М.* и др. Социальные институты, содержание, функции, контроль. Свердловск, 1989.

13. *Антонов А. И. Медков В. М.* Социология семьи. М., 1996.

14. *Афонин А. С.* Трудовое поведение: социолого-экономический анализ. Киев, 1991.

15. *Батыгин Г. С.* Лекции по методологии социологических исследований: Учебник. М., 1995.

16. *Борщевский И. И., Трухов В. А.* Производительность труда: Методы анализа и прогнозирование. Минск, 1988.

17. *Вебер М.* Избранные произведения. М., 1990.

18. *Владиславлев А. П.* Непрерывное образование. М., 1983.

19. *Волков И. П.* Социометрические методы в социально-психологических исследованиях. ЛГУ, 1970.

20. *Волков Ю. Г.* Личность и гуманизм. (Социологический аспект). М., 1995.

21. *Гавра Д. П.* Общественное мнение как социологическая категория и социальный институт. Спб., 1998.

21. *Горшков М. К.* Общественное мнение. История и современность. М., 1980.

22. *Гофман А. Б.* Семь лекций по истории социологии. М., 1995.

23. *Гурьев В. И.* Основы социальной статистики. М., 1991.

24. *Давыдов А. А.* Репрезентативность выборки//Социол. исслед. 1990, * 1.

25. *Давыдов А. А.* Экспертные оценки даёт респондент. Социс * 3, 1989.

26. *Данило Маркович.* Социология труда. М., «Прогресс», 1988.

27. *Дворецкая Г. В., Махнарылов В. П.* Социология труда: Учеб. пособие. М., 1989.

28. *Дюркгейм Э.* Метод социологии. Спб., 1898.

29. *Здравомыслов А. Г.* Методология и процедуры социологических исследований. М., 1969.

30. *Здравомыслов А. Г.* Методология и процедура социологического исследования. М., 1969.

31. *Здравомыслов А. Г.* Потребности. Интересы. Ценности. М., 1986.

32. *Зборовский Г. И.* Социология образования. Екатеринбург, 1993.

33. *Ионин Л. Г.* Социология культуры, М., 1996.

34. История теоретической социологии. М., «Канон», 1997.

35. История теоретической социологии: В 5 т./Отв. ред. Ю. Н. Давыдов. М., 1995.

36. *Кайданов Д. П.*, Суименко Е. И. Актуальные проблемы социологии труда. М., 1974.

37. *Ковалевский М. М.* в истории российской социологии и общественной мысли. Спб. 1996.

38. *Кон И. С.* В поисках себя: Личность и её самосознание. М., 1984.

39. *Кон И. С.* Социология личности. М., 1968.

40. *Кукушкина Е. И.* Социологическое образование в России XIX—начала XX в. М., 1989.

41. *Левада Ю. А.* Социальная струкутра и социальные группы. (Лекции по социологии) М., Изд. АНСССР, 1969.

42. Личность, общество, государство. Социологические исследования. * 4, 1989.

43. Математические методы анализа и интерпретации социологических данных/Отв. ред. В. Г. Андреенков, Ю. Н. Толстова. М., 1989.

44. Математическое моделирование социальных процессов/ Отв. ред. А. С. Кулагин. М., 1989.

45. *Мацковский М. С.* Социология семьи. Проблемы теории, методология и методики. М., 1989.

46. *Михайлов С.* Эмпирическое социологическое исследование. М., 1976.

47. Многомерный анализ социологических данных. НС АНСССР, 1981.

48. *Моль А.* Социодинамика культуры. М., 1994.

49. *Монсон П.* Современная западная социология: теории, традиции, перспективы. Спб., 1992.

50. *Немировский В. Г.* Социология личности: Теория и опыт исследования. Красноярск, 1989.

51. *Нечаев В. Я.* Социология образования. М., 1992.

52. *Ноэль-Нойман Э.* Общественное мнение. Л., 1996.

53. *Ноэль-Нойман Э.* Массовые опросы. Введение в методику демоскопии. М., «Прогресс», 1978.

54. Основы социологии. Курс лекции. М., «Знание», 1995.

55. Основы прикладной социологии. М., Изд. МГУ, 1995.

56. Основы прикладной социологии: Учеб. для вузов. Т. 1—2/ Под ред. Ф. Э. Шереги, М. К. Горшкова. М., 1995.

57. *Пригожин А.* Социология организации. М., 1980.

58. Проблемы теоретической социологии. Спб., 1994.

59. Рабочая книга социолога. М., «Наука». 1989.

60. *Радаев В. В.*, Шкаратан О. И. Социальная стратификация. М., 1995.

61. *Резник Ю. М.* Социальное измерение жизненного мира/ Введение в социологию жизни. М., 1995.

62. *Руткавич М. Н.* Макросоциология. Методологические очерки. М., 1995.

63. *Руткевич М. Н., Филиппов Ф. Р.* Социальные перемещения. М., 1970.

64. *Рыбаковский Л. Л.* Россия и новое зарубежье: миграционный обмен и его влияние на демографическую политику. М., 1996.

65. *Рябушкин Т. В., Симчера В. М., Машикин С. А.* Статистические методы и анализ социально-экономических процессов. М., 1990.

66. Современная зарубежная социология (70—80-е годы)./Отв. ред. Н. Л. Полякова. М., 1996.

67. Современная американская социология./Под ред. В. И. Добренькова. М., 1994.

68. *Сорокин П.* Границы и предмет социологии. В кн.: Новые идеи в социологии. «Образование», Сбп., 1913.

69. Социальная идентификация личности. Кн. 1—2/Отв. ред. В. А. Ядов. М., 1994.

70. Социология труда. Киев, 1981.

71. Социология./Г. В. Осипов, А. В. Кабыща, М. Р. Тульчинский и др./М., «Наука», 1995.

72. Социология организации. Словарь-справочник. М., 1996.

73. Социология личности и междисциплинарные исследования проблем человека. Отв. ред. Ядов В. А., ИСИ, 1989.

74. Социология сегодня. Проблемы и перспективы. М., 1993.

75. Социология труда. М., Изд. МГУ, 1993.

76. Статистические методы анализа информации в социологических исследованиях. М., 1984.

77. *Татарова Г. Г.* Типологический анализ в социологии. М., 1993.

78. *Тернер Дж.* Структура социологической теории. /пер. с англ./ М., «Прогресс», 1985.

79. Теоретические и методические проблемы построения базы социологических данных: Сб. Вильнюс, 1984.

80. *Тихомиров Н. П.* Математические методы в социологии. М., 1983.

81. *Толстова Ю. Н.* Теория измерений в социологии. М., 1994.

82. *Толстова Ю. Н.* Анализ социологических данных М., 1994.

83. *Толстова Ю. Н.* Модели и методы анализа социологического исследования: Учеб. пособие. М., 1996.

84. *Тощенко Ж. Т.* Социология. М., «Прометей», 1994.

85. *Тьюки Дж.* Анализ результатов наблюдений. Разведочный анализ. М., 1981.

86. *Улеводов А. К.* Социологические законы. М., 1975.

87. Учебный социологический словарь. М., «Анкил», 1997.

88. *Фатхулин Н. С.* Малая социальная группа как форма общественного развития. МГУ, 1989.

89. *Франела Ф., Банистер Д.* Новый метод исследования личности. М., «Прогресс», 1987.

90. *Фролов А. Н.* Социология. М., «Логос», 1996.

91. *Хагуров А. А.* Социальный эксперимент: логико-методологические и социальные проблемы. Ростов н/Д., 1991.

92. *Харчев А. Г.* Предмет и структура социологической науки. Журнал «Социологические исследования» * 2, 1981.

93. *Харчев А. Г.* Социология воспитания: О некоторых актуальных социальных проблемах воспитания личности. М., 1990.

94. *Холбеков А., Идиров У.* Социология. Т., 1999.

95. *Чангли И. И.* Труд. Социологические аспекты теории и методологии исследования. М., 1973.

96. *Чернов Ю. И.* Производительность труда и экономика безработицы. М., 1992.

97. *Чревинко А. Н.* Трудовые организации: структура, функции, поведение. М., 1991.

98. *Шаховская Л. С.* Мотивация труда в переходной экономике. Волгоград, 1995.

99. *Шепаньский Я.* Элементарные понятия социологии. М., 1968.

100. *Штольберг Р.* Социология труда. «Прогресс», М., 1982.

101. *Штомпка П.* Социология социальных изменений. М., 1996.

102. *Ядов В. А.* Социологическое исследование: методология, программа, методы. М., «Наука», 1972.

103. *Ядов В. А.* Социологическое исследование: Методология. Процедура. Методы. М., 1972.

104. *Ядов В. А.* Размышления о предмете социологии. Социс, * 2, 1990.

105. *Ядов В. А.* Социологическое исследование. Методология, программа, методы. М., «Мысль», 1987.

106. *Бекмурадов М.* Социология асослари, Т., «Фан» нашриёти, 1994.

Дарсликни ёзишда ТошДУ Социология кафедрасининг қуйидаги ўқитувчилари иштирок этдилар:

• Алиқориев Н. С. — Иқтисод фанлари доктори, профессор — муқаддима; Кириш: III боб, (4, 5 қисмлар, IV боб 3 қисм, хулоса).

• Убайдуллаева Р. А. — Фалсафа фанлари номзоди, доцент — (I боб, 1, 2, 3, 4 қисмлар, IV боб, 1, 2 қисмлар).

• Дилмуодов И. С. — Фалсафа фанлари номзоди, доцент — (II боб, 1 қисм).

• Холбеков А. Ж. — фалсафа фанлари номзоди, доцент — (II боб 4 цисм (ҳаммуаллифликда), III боб 1 қисм)

• Фарфиев Б. А. — Катта ўқитувчи — (II боб, 6, 8 қисмлар)

• Ҳайдаров А. Х. — Фалсафа фанлари номзоди, доцент — (II боб, 5, 7 қисмлар)

• Бўриева М. — Иқтисод фанлари номзоди, доцент — (III боб 6 қисм).

• Ғаниева М. Х. — Фалсафа фанлари номзоди, доцент — (III боб, 2 қисм).

• Латипова Н. — Катта ўқитувчи — (III боб, 3 қисм).

• Калонов К. — Катта ўқитувчи - (II боб, 3 қисм).

• Хўжаев С. — Ҳқитувчи — (II боб, 2 қисм).

• Очилов Б. — Ҳқитувчи — (II боб, 4 қисм, ҳаммуаллифликда)

УМУМИЙ СОЦИОЛОГИЯ

Сдано в печать 26.07.99 Формат 84 x 108 1/32. Печать офсетная.
Бумага офсетная №1 Объем 11,5 п.л Тираж 5000 экз. Заказ 1218.

Отпечатано в АО «Учкун»,
г. Бишкек, ул. С. Ибраимова, 24